

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

**МУҲАББАТ
ВА НАФРАТ**

Саргузашт-детектив роман

Иккинчи китоб

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти

2013

Исмоилов, Нуриддин.

Муҳаббат ва нафрат: Саргузашт-детектив роман: / Нуриддин Исмоилов. — Т.: «...», 2013.

2-китоб. — 256 б.

ISBN ...

© Н.Исмоилов. «Муҳаббат ва нафрат». «...», 2013.

* * *

— Шунақа дегин? Лекин гапингга ишониш қийин-да. Иложи бўлганда-ку, ўзингдан нишхўрт чиқармасдинг. Эплломайсан-да.

Чўтирнинг ичидан қиринди ўтди. Лекин ичидагисини ташқарига чиқармай, иржайди.

— Ҳа, энди, хўжайин, пешона экан-да, пешона... — деди.

— Эй-й, пешонангдан ўргилдим! Юринглар, как раз касяк ўраб тургандим.

Унинг ўзи йўл бошлади. Чўтир оғзи қулоғида эргашди. Паризод эса қоққан қоziқдай тураверди.

— Ўктам ака, янги партия келди, деб эшитдим. Бир маза қиларканмиз-да... — деди ҳали-ҳануз оғзини ёполмаган Чўтир.

— Даҳшати. Кеча кечқурун биттасини ўрагандим, бугун тушгача кайф қилдим. Лекин ўзиям яримта қўйни еб ташлабман. Мен ичган сувни буқа ичса, шишиб ўларди.

— Ҳали чакмасимдан суякларимгача додлаб юборяпти. Бугун маишат зўр бўладиганга ўхшайди. Келгунимча ёмон бўлди. Ҳамма ҳиссасини чиқарволадиган бўлдим-да, акагинам.

Ўктам жавоб бермади. Қовоғини осилтириб, Чўтирга бир қараб қўйди-да, бирдан тўхтади ва ортига ўтирилди. Паризод ҳануз жойидан жилмаган, уларнинг томчага кириб кетишини интиқ кутарди. Ўктам аввал Чўтирнинг бошига шапалоқлади. Кейин изига қайтиб, Паризоднинг қўлидан сиқиб ушлади. Қиз шўрликнинг суяги суягига ишқаланиб, зирқириб кетди.

— Вой! — дея бақириб юборди у.

— Ҳали бошқачаям бақирасан! Кимга тулкилик қилмоқчи бўлдинг?! — деди Ўктам пишқириб.

— Ўзларинг бир оғиз «юр» демадиларинг-ку!

Қизнинг ўзини оқламоқчи бўлгани наф бермади. Ўктам шу ернинг ўзидаёқ ҳайвондан баттар раҳмсиз эканлигини кўрсатиб қўйди. Паризод ич-ичидан эртароқ шу томчага киришни ва манави махлуқсифат унинг қўлини қўйиб юборишини истади. Лекин, назарида, томча тобора узоқлашиб кетаётгандай туюлаверди. У йиғлаб юборди. Тишини тишига шунчалик қаттиқ босдики, юзи буришиб кетди. Чўтир югуриб бориб эшикни очди. Ўктам қизни ичкарига киритар-киритмас олдинга силтаб қаттиқ тортиди. Паризод бечора олдинга мункиб бориб гурсиллаб йиқилди. Шу заҳоти томча ичкарисида қаҳқаҳа кўтарилди.

— Гул келди! — ҳайқирди кимдир.

— Маишат тўкис бўлди! — бўкирди иккинчиси.

— Яшавор, Чўтир! — томоғини йиртди учинчиси.

— Ҳе-хе-хе! — дея кулди Ўктам, кейин бирдан жиддий тортиб, давом этди: — Индамасам, шуниям мендан тортиб оласанлар. Мен бечора мана шу чўлда чанг ютиб, қўй боқиб юрсам-у, биргина оқбилак ўз оёғи билан келиб қолганида ҳам қўлдан чиқариб ўтирсам. Хўкиз!

— Лаббай! — дея қўлини кўксига қўйди давра қуриб ўтирганлардан бири.

У қолига қуйиб қўйгандай хўкизга ўхшарди. Ҳабашдай қоп-қора, бўйи икки метрча келадиган, семиз, кўзлари олайган, шунга қарамасдан, овози хийла ингичка одам эди.

— Ертўланинг эшигини оч!

— Хўп бўлади!

Дарров уйча тўрига тўшаб қўйилган шолча олинди. Унинг остидан темир панжарали қопқоқ чиқди. Хўкиз лақабли Тоштемир уни кўтариб, бир четга суриб қўйди. Сўнг Паризодни кўтариб, ертўлага ташлаб юбормоқчи бўлганида, Ўктам унга бақариб берди:

— Қўлингни теккизма, хўкиз!

Тоштемир бирдан қаддини ростлади.

— Ҳамманг қулоғинга қўрғошиндай қуйиб ол! Бу кабутар, — дея Ўктам Паризодни кўрсатди, — фақат менга тегишли. Биттанг яқинига йўласанг, онангни уч қўрғондан кўрсатаман! Даврада ўтирган икки киши ҳамда Тоштемир билан Чўтир қўлини кўксига қўйиб, бир овоздан:

— Хўп бўлади, хўжайин! — дейишди.

Шундан кейингина Ўктамнинг ўзи Паризодни қўлидан ушлаб ўрнидан турғизди-да, ўра лабига олиб келди ва эҳтиёткорлик билан пастга туширди. Паризод зимистонда қолди. У энди ҳеч нарсадан қўрқмас, бироқ ичидан эзилар эди. Дунёга келиб, мутлақо қийинчилик кўрмади. Ейиш-ичиш, кийиш мўл-кўл эди. Хоҳлаган гапни гапира олар, хоҳлаган ишини қила оларди. Биров унинг мушугини пишт демаган. У биргина онасининг гаплари, феъл-атворига тушунолмас эди. Қолганлар... Унинг хаёлига Маъруф келди. Ҳамма жойи кўкарган, афт-ангори қонга беланган Маъруф. Қутилмаганда кўнглида унга нисбатан илиқлик пайдо бўлди. «Севиб қолдим» дея ўйлади у илк бор. Лекин ўша севгиси тўғрисида узоқ муддат хаёл суриш, висол онларини интиқлик билан кутиб, ширин энтикиш насиб этмади. Аввал Чўтирнинг қўлига тушди. Энди манави аҳвол...

Юқоридагилар хохлашди. Паризод бошини кўтариб, ижирганиб қўйди.

— Қўйни сўй! Биттагина ширбозим бор, шуни сўйиб келинглар. Бугун мен сизларга ҳақ бераман. Бугун менинг димоғим чоғ! — деди хохлашдан сўнг Ўктам.

У ёғи шовқин-сурон бўлиб кетди. Паризод қулоқларини бекитиб, кўзини чирт юмиб олди. Икки сой нарида Ўктамнинг отари бор бўлиб, қўйлар колхозники эди. Ҳар қалай, хат-ҳужжатда шундай кўрсатилганди. Ўктамнинг ўзи эса чўпон деб расмийлаштирилганди. Аммо шу мингдан зиёд қўйни колхоз раиси бир марта ҳам кўрмаган, шунингдек, бир марта бўлсин, гўшт, жун топширилмаганди давлатга. Ўктам оралатиб-оралатиб ўн-йигирмасини бозорда соттириб келар, жунини ҳам олдириб, ўзи пулларди. Албатта, бундай ишларнинг бирортасини ҳам ўзи ёллаган саккизта подачига ишонмасди. Бошқалар бажаришарди. Ўтириб чиққан, ўғри, каззоблар қиларди бундай юмушларни. Подачилар қўй боқишарди, холос. Кейин маош олишарди. Маошлари бошқа жойдаги ҳақиқий колхоз, совхозлардаги чўпонларникидан бир неча марта кўп эди. Шунинг учун улар ишларини астойдил бажаришарди. Сотилган қўйлар, жун давлат ғазнасига тушяпти, деб ўйлашарди. Умуман олганда, қўйлар қаерга кетяпти,

ким сотяпти — қизиқишмасди. Яна уларнинг бирортаси ҳам шу атрофнинг одамлари эмасди. Бошқа-бошқа облаstdан эди.

Паризод ўтирган ўрнининг захлигини ҳис қила бошлади. «Касал бўп қоламан. Оёқда тик туришим керак. Аҳволим бўлса, бу. Яна шу ҳолимга касал бўп қолсам, кейин нима бўлади? Ўламан. Эй-й, шошма, бировнинг қўлида абгор бўлиб, шармандам чиққандан кўра, ўлганим яхши-ку. Бечора қийинчиликка чидолмай, ўлибди, дейишади билганлар» ўйлади у ва оёғини узатиб, ўтириб олди. Бир муддат ўтгач, уни уйқу элитди. Бошини қўлининг устига қўйди, ухлаб қолди.

Шу заҳоти туш кўрди. Маъруфни. У соғайиб қолганмиш. Жилмайиб қараб турганмиш.

— Мунча тез тузалдингиз? — деб сўрабди Паризод хайрон бўлиб.

— Хоним, сизнинг кароматингиз билан, — жавоб берибди Маъруф.

— Мен қанақа каромат кўрсатдим?

— Қалбингиз малҳам бўлди.

— Шунақасиям бўладими?

— Мана, кўриб турибсиз-ку.

— Сиз ғалати экансиз. Одам ишонадиган гап айтинг.

— Кўриб ишонмаяпсизми? Лекин сиз ўзингизни олдириб қўйибсиз. Заҳдан туринг. Йўқса, иккаламиз ҳам қийналиб қоламиз.

— Зах. Нега зах бўларкан? Кўрмаяпсизми, қўша-қўша кўрпа устида ўтирибман-ку.

— Яхшилаб қаранг.

Паризод Маъруфдан кўзини узиб, ён-атрофига боқибди. Вожаб! Ҳамма ёқ балчиқ эмиш. У шу балчиқ ўртасида ўтирганмиш. Бирдан қулоғига бақир-чақир, хохолаш эшитилибди. Шу заҳоти Маъруф томонга қарабди. Лекин у кўздан йўқолган эди.

— Маъруф, Маъруф! Мени бу ердан чиқаринг! — бақирибди Паризод.

Аммо йигит уни эшитмас, кўриниш бермасмиш.

— Ўхў, ётишлари жа бошқача-ку!

Паризод бирдан кўзини очди ва тепасида турган Ўктамни кўрди.

— Ёқиб қолдими сенга шу ер? — деди Ўктам Паризоднинг уйфонганини кўриб.

Қиз жавоб бермади. Бунинг ўрнига секин ўрнидан туриб ўтирди.

— Мана, сенга овқат олиб келдим. Ҳеч кимга ишонмадим. Ўз қўлим билан пишириб, ўзим олиб келдим, — деди Ўктам қўлидаги идишни кўрсатиб.

— Раҳмат... — дея кесатди Паризод. — Ўзингиз қуруққина, тозагина жойда овқатланинг-у, менга мана шунақанги қоронғи, тор, зах жойга олиб келинг. Яна бошқаларга ишонмай ўз қўлим билан пишириб, олиб келдим, дейишингизга бало борми?

Ўктам бақа бўлиб қолди. У қиздан бундай гапни сира кутмаган эди. Ўзи Паризод ҳам унақа демоқчи эмасди. Ўз-ўзидан, ҳаяжон зўридан, эҳтимолки, алами кучлилигидан гапириб юборди. Аслида, илгаридан мана шунақанги қалтис вазиятларда ҳайратланарли гаплар гапирарди. Мактабда — ўқитувчиларига, уйда — ота-онасига, кўчада — дугоналарига...

— Тепада овқатлангинг келдими? — деди Ўктам.

— Йўқ, мана шу захда. Худди қурбақаларга ўхшаб. Тавба қилдим!

— Бўлди, гап йўқ! — дея Ўктам ёғочдан ясалган нарвондан аста-секин чиқа бошлади.

«Ҳимм, мен кўчада қолганман-да, ўрага отиб юборишади. Ўзлари бўлса нарвондан эҳтиётгина бўлиб тушиб чиқишади» хаёлидан ўтказди қиз ва Ўктамнинг тепага чиқиб олишини кутди. Сўнг нарвоннинг ёнига борди. Тепадагиларнинг иккитаси тўнтарилиб қолибди. Яна иккитаси эса бир-бири билан ўпишгудек алфозда алланималарни шивирлаб гаплашишяпти. Хона ўртасидаги дастурхонда эса йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Гўшт-ку ҳисобсиз.

Ўктам думалаб ётганлардан бирининг орқасига тепди. Лекин у қилт этмади. Кейин бурунлари бир-бирига тегиб-тегмаётганларга захрини сочди. Тўғриси, уларни кўриб, Паризод уялиб кетди. «Эркак одам ҳам шунақанги яқин ўтириб гаплашадими?» деб ўйлади. Эй-й, эсдан чиқишига сал қолибди. Ахир улар бегона эмас-ку. Биттаси Чўтир, иккинчиси бояги Тоштемир хўкиз.

— Кўтар манави гўрсўхталарни! Ташқарига олиб чи-

қиб ташла! Онасининг уйида ётгандай, чўзилиб олишибди, итлар! — ўқирди Ўктам.

Сухбатдошлар чўчиб тушишди-да, дарров ўринларидан туриб, ишга киришишди ва кўз очиб юмгунча чўзилганларни ташқарига олиб чиқишди. Кейин ичкарига қайтиб кириб, қўлларини кўксиларига қўйиб, навбатдаги буйруқни кутишди. Ўктам атайин қилгандай, буйруқ бермади. Бунинг ўрнига Паризодга такаллуф кўрсатди.

— Қани, хоним, ўтиринг, ўтиринг, — деди дўриллаган овозини мумкин қадар юмшатишга уриниб.

Паризод унга кўзининг таги билан қараб қўйди-да, кўрпачага омонатгина ўтирди. Ўктам унинг олдида бир лаган буғи чиқиб турган гўштни суриб қўяркан:

— Ичишга ул-бул берайинми? — дея сўради.

— Ҳимм, аввал бир пиёла чой, ундан кейин ароқ... — жавоб берди Паризод.

— Ароқ! Эй-й, қойил, қиз боланинг биринчи марта тортинмасдан ароқ сўрашини кўришим. Мана, ҳозир-да!

У битта пиёлага тўлдириб ароқ қўйди. Паризод худди илгаридан ичиб юргандай, пиёлани қўлига олди-да, бир кўтаришда ҳаммасини охиригача ичди. Сўнг иштаҳа билан гўшт ейишга тушди.

— Мен сени бунақа дангал деб ўйламагандим, — деди унинг овқатланаётганини кузатиб ўтирган Ўктам.

— Нима, уялиб очимдан ўлайинми? Ўзи шундоғам зах жойда бўларим бўлди. Шамоллаб қолсам, нима қилардингиз?! Унда сизга керак бўлармидим? Ёки сизга фарқи йўқми?! — деб Паризод кафтининг орқаси билан бурнини артиб қўйган бўлди.

— Манга қара, гапларинг жуда бошқача, аввал ҳам давра кўрганмисан, дейман.

— Уф-ф, бунча эзмасиз?! Характерим шунақа. Отам эркалаб ўстирган. Лекин яна битта нарсани айтиб қўяйин, менга кимки зиён етказса, қараб ўтирмайман. Ўчимни оламан.

— Мен сендан давра кўрганмисан-йўқми, деб сўраяпман?! — овозини баландлатди Ўктам.

— Ўзингиз-чи?

— Ҳов, мен сендақа қизлар билан минг мартадан зиёд ўтирганман!

— Унда менга пара бўлмаскансиз...

— Нимага?

— Эскиргансиз...

Ўктам пиқ этиб кулиб юборди-да, ўзига ҳам ароқ куйди.

— Мен ичмайман бошқа, — деди унга бир марта кўз ташлаб қўйган Паризод.

— Ҳалиям мен сенга қуяётганим йўқ. Ўзим ичаман.

— Тўймадингизми?

— Тўйганимда анави гўрсўхталарга ўхшаб, думалаб ётган бўлардим. Ҳали бир грамм ҳам ичганим йўқ.

— Унда сиздан дўст чиқмайди. Хоҳлаган пайтингизда ёнингиздаги одамни сотиб кетасиз. Ёки нимадир қиласизки, бечора камида майиб-мажруҳ бўлиб қолади.

Унинг гапи Ўктамга ёқмади. У бошини кўтариб, эшик ёнида турганларга қаради-да, «чиқиб кет» ишорасини қилди. Тоштемир билан Чўтир шу заҳоти қорасини ўчирди.

— Сен қиз ҳаддингдан ошяпсанми, дейман! Билиб қўй, ҳозир қўлимдасан, билган ишимни қиламан, аммо...

— Менга қаранг, мен сизга анави сўлиқларингизмасман. Тушундингизми? Кейин овқат беряпман, қорнини тўйғаздим, муттаҳам қилиб олдим, деб ўйласангиз, адашасиз. Менга берган азобингиз учун ўн йил боқсангиз ҳам, қарздор бўлиб қолаверасиз. Кейин айтдим-ку, ўч оламан, деб.

— Ўч оламан?!

— Ҳа-а, «Қиз бола бўлса, қўлидан нима ҳам келарди? Устидан билганимча мағзава ағдараман» деб ўйлаганмидингиз? Шундай қиламанки, рақсга тушиб кетасиз.

Ўктам мириқиб кулди. Сўнг яна бир пиёла ичиб, орқасидан газак қилди-да, Паризодга юзланди:

— Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, бунақанги исқирт жойларда яшамаган бўлардим, — деди Паризод ва пиёладаги чойни хўриллатиб ичди.

— Қаерда яшардинг?

— Ўзим биламан...

— Ҳалиям мен бу ерда яшамайман. Яшаш жойим бошқа. Лекин сен менга ёқиб қолдинг. Кўрқмай гапиряпсан, аммо яна шу нарсани миянгдан чиқарма, жаҳлим чиқса, каллангни олиб ташлашим мумкин.

— Хо-хо-хо! — дея Паризод уни эрмаклаб кулди.

— Ишонмайсанми?

— Йў-ўқ, ишонишга ишонаман. Лекин бу гапингизни эркакларга айтсангиз, ярашади. Мен қиз бола, ожиза бўлсам. Менгаям шу гапни гапирасизми? Уялмайсиз-а!

— Энди ҳаддингдан ошдинг! Овқатингни тезроқ е! Сенга бор-йўғи бир соат ажратаман! — деб Ўктам ўрнидан турди.

Паризод қўлидаги суякни қарс этказиб лаганга ташлади.

— Тушунмадим... — деди қошлари чимирилган Ўктам.

— Нимани тушунмайсиз, захар қилдингиз-ку! — деб Паризод яна кафтининг орқаси билан лаб-лунжини артди.

— Сен илгариям шунақамидинг?

— Шунақайдим...

— Бефаросат экансан!

— Энди, фаросатни ўргатасиз-да...

— Унда оғзингни сочиққа арт!

— Социққа? Анави ифлосларингиз артган сочиққа-я! Шунга сизнинг кўнглингиз бўладими?

— Ёмон жонга тегадиган қиз экансан-да! Тайёргарлигингни кўриб тур! — деб Ўктам ташқарига чиқиб кетди.

Паризоднинг хийла кайфи ошган ва шу кайф таъсирида анчагина дадиллашган, ботирлашган эди. «Сени ҳали роса ноғорамга ўйнатаман. Иккита гапимга чидолмадингми, демак, бундан бу ёғига итнинг кунини бемалол бошингга солсам бўлавераркан», дея пичирлади ва лагандан бир бўлак гўштни олиб, оғзига солди-да, иштаҳа билан чайнаркан, ароқ шишасига қараб қўйди. Чунки бояги бир пиёла ароқ унга ширингина кайф бериш билан бирга яна томоғини тақиллатиб юборганди. Бир «Тагин озгина ичсам, ҳеч нарса қилмас» деб қўлини чўздию, яна қайтариб олди. Кўрқди, чунки бутунлай кайфи ошиб қолиши мумкин эди-да. Ана унда ҳозиргина топган бир сиқимгина обрўси ер билан битта бўлади. Эшикни гийқиллатиб очиб, Ўктам кириб келди-да, қоғоғини уйиб:

— Тўймаганмидинг? — деди.

— Уф-ф! Жонимгаям тегдингиз-да! Қанақа қилиб тўя-

ман? Бир бурда едимми-йўқми — захрингизни сочингиз. Ташқаридалигингизда озгина еб оламан, девдим, шуниям кўп кўрдингиз. Ўзи-ку ҳамма ёғини угри босган Чўтирингиз икки кундан бери очимдан ўлдирувди! — дея бобиллаб берди Паризод.

— Бўлди, кўп сайрама! Тур ўрнингдан, кетдик!

— Қаерга борамиз?

— Энангнинг уйига.

Паризод қимирламади — бошини эгиб ўтираверди. Шунда бутунлай жаҳли чиққан Ўктам унинг сочидан гижимлаб ушлади-да, тортди.

* * *

Толмас Бадриддиновичнинг ҳаётини сақлаб қолишди, аммо жуда қийинчилик билан. Яхшики, у айна дақиқада касалхонада бўлган. Шу ҳол бошқа жойда содир бўлганида борми, жони узилиши аниқ эди. У кўзини очган заҳоти салом-алиги яхши бўлган врачдан Сумбулхонимни сўради:

— Ёнимда бир аёл бориди, қаерга кетди?

Дўхтир жилмайди ва шу ондаёқ кулгисини йиғиштириб олди. Раиснинг кўнглига бир нима келиб қолмасин, ҳаяжонланиб яна юраги безовта қилмасин, деди. Ҳаммасидан ҳам унга ичи ачиди.

— Ошна, икки кун кўзингизни очмадингиз. У аёл уйига кетди. Тўхтанг, кечаям келувди. Сизни кўрди. У-бу нарсани пишириб оп кепти. Ақлли экан. Бундай пайти айтмасак ҳам, диета қилишингиз зарурлигини билибди. Бир хилларга минг гапирсанг ҳам, фойдаси йўқ. Думба ёғига қўй гўштини обдан қовуриб оп келишади. Менга қаранг, шу аёл жа пазанда экан-да. Одатда, диета овқатнинг мазаси унчалик бўлмайди. Лекин у шундай пиширибдики, даҳшат!

Толмас Бадриддинович мийиғида кулди.

— Қўйинг овқатни, ўзи яхшимиди? — дея сўради.

— Яхши бўлганда қандоқ, акам! — деб дўхтир раиснинг устига энгашди-да, шивирлаб қўйди: — Дидингизга беш кетдим.

Толмас Бадриддиновичнинг юзи жиддий тортди. У секин нигоҳини дўхтирдан олди. Биринчи марта дўстдек бўлиб қолган бу одамдан нафратланди. Унинг гапи раис-

га шунчалик бачкана, тузсиз туюлдики, соғ ҳолида мана шундай гапни эшитганида, эҳтимолки, энг яхши гапиргани дўхтирни ҳайдаб солгани бўларди. Ҳозир начора, шундай гапни-да эшитишга маҳкум. «Юришга зўр поста-янка топибсиз», демоқчи бўлди-да, ярамас. Қани энди, ўрнидан турса-ю, башарасига бир шапалоқ тушириб: «Ҳов, овсар, бу аёл менинг хотиним! Ҳалол, шаръий, хоти-ним», деса.

— Дўхтир, мен роса чанқадим, иложи бўлса, бир пиё-ла сув беришса, — деди ўзи ихлос қилган, тўғрироғи, касбининг усталиги учун ниҳоятда ҳурмат қиладиган врач-га. Чунки илгари улар кўпинча бошқа мавзуларда гапла-шишарди. Асосан, у гапирарди, дўхтир эшитарди. Ўзи-дан унча-мунча фикр қўшмасди. Раиснинг айтганларини маъқулларди. Зўр бўпти, худди шундай, боплаган экан-сиз ва ҳоказо гаплар билан. Лекин ароқни яхши ичарди. Буни қарангки, қанча кўп ичмасин, тилини йўқотмасди. Дона-дона гапирарди. Маст эса-да, бемаза гапларни ай-тиб қўймасди ва шунинг билан раиснинг ҳурматини қозонганди. Мана, ҳаммаси бир пул бўлиб турибди. Чет-дан қараганда, унинг гапида ҳеч қандай ғайриоддий нар-са йўқ. Диди яхши одам, яхши аёлни танлаган. Лекин моҳиятига назар ташласангиз, бутунлай бошқа нарса ётиб-ди. Толмас Бадриддинович дўхтир жавоб бермасидан, ўзини ўзи янишга ҳам улгурди. «Қаёқдан ҳам шунақа сезгирман? Қаёқдан ҳам одамларнинг нима демоқчи бўлганига эътибор бераман? Ундан кўра, ҳаммасини тўғри-лигича қабул қилсам, бўлмасмиди? Шунда манави бечо-рани ҳам ичимда сўкмаган бўлардим».

— Толмас Бадриддинович, сизга сув ичиш мумкин-мас-ку. Майли, мен қизларга айтаман, қайнаган сувни совитиб оп келишади. Шунда зарари камроқ бўлади. Аф-суски, Тошкент сувининг гази бор. Бўлмаганида шуни қайнатиб келса, яхши бўларди. Бўпти, яхши ётинг, — дея дўхтир хонани тарк этди.

У кетгач, раис бир муддат эркин нафас олди. Ўйла-маслик учун бўйнини чўзиб, деразадан ташқарига қара-ган киши бўлди. Иккита дарахтдан бошқа ҳеч вақо кўрин-мади. Ўт-ўлан пастда, кўриш учун ўрнидан туриш керак. Аммо унга ҳозир туриш мумкин эмас. Шундагина раис

билдики, ташқари, далани соғинибди. Юрган, доимий иш билан овора бўлган одам ётиб қолса, чатоқ экан. Ҳар нарса юрагини сиқаркан.

Шу пайт эғнидаги оппоқ халати ниҳоятда ярашган қиз жилмайиб кириб келди. Толмас Бадриддинович уни қаердадир кўргандай эди. «Қаерда кўрган эканман?» деб роса ўйлади, бироқ эслаёлмади.

— Дорингизни ичиб оласиз, раис бова, — деди ҳамшира қиз.

Шу заҳоти Толмас Бадриддинович ундан хафа бўлиб кетди. Ахир қачондан бери бобо бўлиб қолди. Ҳали ёшдай эди, назарида. Ҳали керак бўлса... Иккита хотин бўлса, уйланишга бало борми? Бу ёғи болаларнинг бўйи етиб қолган. Лекин ҳозир буларни ўйлайдиган пайтми? Хафа қилди манави қизча, тамом вассалом! Нима бўлган тақдирда ҳам, бово демаслик керак эди. Ҳеч бўлмаганда, кўнгли учун. Раис қуруқлашган, суви қочган лабини ялаб қўйди-да:

— Сув шунчалик тез қайнадими? — деди.

— Йўқ. Сувимиз доим қайнаб туради. Совитиб қўйганимиз ҳам бор, — жавоб берди қиз ўша-ўша табассум билан.

— Мен ўйлабманки... Майли, лекин доридан олдин бир пиёлагина сув ичайин. Ана ундан кейин заҳар берсангиз ҳам, ютаверамиз.

Қиз қикирлаб кулиб юборди:

— Заҳар бермаймиз. Дори берамиз, дори... — деди қиз ўзгача меҳр билан Толмас Бадриддиновичга боқиб.

Ана шу маҳал раиснинг кўзига ҳамшира қизи Паризод бўлиб кўриниб кетди. Ахир Паризод ҳам шўх-шодон-да, у ҳам кўп табассум қилади-да. Шундагина идрок этдики, бу қизни кўриши билан кўнглида пайдо бўлган муҳаббат оталик муҳаббати экан.

— Майли, қизим. Майли, умрингдан барака топ! — деди Толмас Бадриддинович.

Дори ичди. Ёстикқа қайтадан бош қўйди. Ҳамшира чиқиб кетмасидан кўзини юмди. Ичикди. «Қизгинам, нимага буларнинг гапларига рози бўлдим? Нега энди сен, танҳо ўзинг қаердаги муттаҳам билан кетишинг керак? Нега бошқа бировмас. Назоратда эмиш. Ҳеч нарса қилол-

маскан. Озгина ортиқча ҳаракат қилса, босишармиш. Лекин орадан неча кун ўтиб кетди? Шунча вақт ичида падарингга лаънат зек каттасининг олдига етиб боролмадимми? Индамасак, бир кунда борволади, дейишганди. Лекин орадан неча кун ўтиб кетди. Ҳали-ҳануз ҳеч қанақанги дарак йўқ. Паризод қаерда юрибди? Тинчми? Итлар итлик қилиб қўйишмадимми?» Бирин-кетин келаётган жавобсиз саволлар раиснинг юрагига яна оғирлик қилди. Қон оқими тезлашгани боис унинг уриши оғирлашди. Бахтига ҳамшира қиз чиқиб кетмаганди. Яна у анчагина синчков ҳам эканки, бир қарашдаёқ Толмас Бадриддиновичнинг юзидаги ўзгаришни сезди.

— Сизни футболга қизиқади, деб айтишганди. Шу роғстми? — дея сўради ҳамшира қиз.

Толмас Бадриддиновичнинг хаёли тўзғиб кетди.

— Ҳа, қизиқаман. Бирон нима бўптими? — сўради у ҳамширадан.

— Бўлганда қандоқ. Кеча «Пахтакор» «Спартак»ни бир ёқли қилиб ташлади.

— Йўғ-э!

— Яна Москвада, денг? Анави янги ўйинчи бор-ку, Амриев...

— Хўш-хўш?..

— Ўша қайчи усулида ўн олтининг бу ёғидан шунақанги тепдики, девяткага бориб тушди. Дасаев турган жойида қотди-қолди. Ўзиям бир ўйин бўлди, бир ўйин бўлди! Биринчи таймда «Пахтакор» иккита гол урди, иккинчи таймда — битта. Учу нол бўлди. «Спартак»чилар бошларини эгиб, ерга кириб кетгудай бўп стадиондан чиқиб кетишди. Улар эшитган сўкишлардан, рости, уялиб кетдим.

Толмас Бадриддиновичнинг юзида табассум пайдо бўлди. Ахир неча йилдан бери бу «Спартак» деган балога кучлари етмайди ўзимизникиларнинг. Энди команда зўр бўлганда нимадир содир этилади-ю, «Пахтакор» бирин-кетин ютқазишни бошлайди. Кейин турнир жадвали охирида «Қайрат», «Нефтчи», «Помир» билан жой алмашиб юраверади.

— Қизим, шу футболни такроран қўйишмасмикан? — сўради раис ҳамширага умид билан боқиб.

— Берса керак, янаям билмадим. Кеча оқшом индийский кино бўлиши керак эди. Нимагадир узишди-да, ўрнига футбол кўйиб юборишди. Қувониб кетганимдан «Ура!» деб бақариб юборибман. Энам: «Сен қиз тентак-пентак бўп қолгансан!» деди. Энди, раис бова, нима қилай, футбол жони дилим бўлса.

— Ҳа-а, одам бир қизиқса, ҳамма нарсани эсидан чиқариб қўяди. Главврач шу ердами?

— Ҳа-а, нимаиди?

— Битта илтимос қилсам, менинг хонамга телевизор кўйиб бермасмикан?

— Бориб аста сўраб кўрайинми? — деди ҳамшира мийигида қулиб, кўзини сал қисаркан.

— Сўранг, қизим, сўранг. Фақат тез...

— Ҳўп... — дея қиз эшик томонга юрди.

Раиснинг кайфияти хийла кўтарилганди. Бироқ эшик ортида, тўғрироғи, бош врач хонасида унинг дилини хуфтон қиладиган, керак бўлса, Толмас Бадриддиновични бемалол қабрга жойлаштиришга қурби етадиган хабар бор эдики, майор билан касалхона бошлиғи шунинг устида бош қотиришарди.

* * *

Маъруф билан Наргиза деярли бараварига Ҳайбатулло томон қарашди. Бош агроном ярим уйқуда эди. У сал наридаги қизи билан ўзи жинидан баттар ёмон кўрадиган Маъруф ва уларнинг овози тугул, ён-атрофини зўрға кўрарди. Азбаройи зарурат ниҳоятда қисталанг қилганидан у зўрға ўрнидан турган ва кўзини ярим очиб, ташқарига чиққанди. Қиз билан йигит нафас олишни-да унутиб, бевақт пайдо бўлган одамдан кўзларини узмай туришди. Бахтларига Ҳайбатулло бутунлай бошқа томонга юрди. Ўзиям чироқ ёруғлигидан экинзор томон озгина ўтди ва тик турганча ишини бажаришга киришди. У турган жойда на узум сўриси ва на бир мевали дарахт бор эди. Шу боисдан йигит билан қизга нима қилаётгани шундоққина кўриниб турарди. Наргиза уялганидан ерга кириб кетгудек бўлиб, бошини эгди. Маъруф ҳам нигоҳини ундан узди. Сўнг ҳар иккиси ҳам фаросати гуллаб-яшнаган, ҳали-ҳануз кайфи тарқамаган шу хонадоннинг боши — эгаси кўзига ташланиб қолмаслик мақсадида

ўтирди. Бир-икки марта йўталган Ҳайбатулло бўлса тебрана-тебрана уйга кириб кетди.

— Сенда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Шунини айтиш учун орқангдан келгандим. Фақат бундан бу ёғига бир ўзинг ярим оқшом ташқарига чиқма. Кундузи Маҳлиёнинг ёнига борганинга ўзим айтаман қачон чиқишни. Керак бўлса, менинг ўзим уйлариңга келаман, — деди Маъруф кўрганини кўрмаганга олиб, яна Наргизани чалғитиш мақсадида.

Қизнинг ўпкаси тўлиб турганди. Йиғлаб юборди. Унсиз, беозоргина.

— Энди кеч бўлди, уйингга кир. Ҳали сен билан тонг отгунча гаплашиб ўтирамыз.

«Нега ҳозир эмас? Нега бугунги тонг отишини кутмаймиз? Нега?» хаёлидан ўтказди қиз. Аммо хаёлидагини айтолмади. Шунчаки бошини қимирлатди, лекин кетмади. Тураверди.

— Мен ҳаммасини тушунаман. Билсанг, сен билан ўзим гаплашаман деб юрибман. Бир хил пайтлари ичимдагини кимга айтишни билмай, ёрилиб кетгудек бўламан. Мана энди бундан бу ёғига сен борсан. Гапларимни эшитасанми ўзи?

Қиз жавоб бермади. Тураверди. Унинг-да ўжарлиги тутганди. Нима қилиб бўлса-да, Маъруфнинг жигига теккиси келаётганди.

— Бўлди, энди бор. Дамингни ол.

Шундай дея Маъруф ортига бурилди. Бир-икки қадам босди. Шу аснода ортига қулоқ солди. Наргизани ҳам юрадими, кетадими, деб ўйлади. Бироқ у томондан оёқ товуши эшитилмади. Демак, Наргиза кетмаяпти. Йигит изига қайтди. Қиз ичида хурсанд эди. Шундай ўжар, ҳар доим ўзиникини маъқул биладиган Маъруфга таъсир ўтказолгани, шунга кучи етганидан қувончи бирдан ошиб кетганди. Маъруф эса қиз тунлари ўйлаган, аммо ҳозир мутлақо кутмаган ишни қилди. Ёнига келди-ю, маҳкам бағрига босди. Юзидан, ҳа, фақат юзидан чўлпиллатиб ўпди.

— Сен ақлли қизсан, — деб шивирлади ва кейингина уни қўйиб юбориб, ортига ўгирилди-ю, тез-тез юриб кетди.

Аввалига Наргизанинг иккала юзи ҳам шолғомдай қизариб кетди. Юраги гупиллаб урди. Маъруф янаям уни уялтиради, деб ўйлади. Бироқ йигит ундай қилмади. Кетди. Қизнинг шунақаям жаҳли чиқдики, «Ярамас!» дея бақариб юборишига оз қолди.

«Шу ишни бекор қилдим. Керакмасиди. Бечорани умидлантириб қўйдим. Энди қийналади. Бундан бу ёғига ўзимдан совитиш йўлини топишим керак» деган ўйда уйига келиб, хонасига кирган Маъруф ёстиққа бош қўйгандан кейин ҳам анча вақт ухлаёлмай бақрайганча ётди. Тонгга яқин ухлаб қолганди. Тушига Толмас Бадриддинович кирибди. Қандайдир кайфиятсиз, яна чўкиб қолганга ўхшайди. Маъруф унинг ёнига борибди. «Нимага бундай ўтирибсиз?» деб сўрабди. Бироқ Толмас Бадриддинович жавоб бермабди. Хўмрайиб қараб қўйибди. Ана шу туш сабаб у эрталабдан район марказига отланиб қолди.

— Ишим бор, — деди Намуна опага, — бир-иккита ҳужжатларни селхозхимиядан олиб келишим керак. Кейин трактордан ёрдам беришмаса, бўлмайди. Мана, пахта териш мавсумиям яқинлашиб қолди. Бу йил пахта зўр. Одамлар кўп теришади. Агар трактор билан тележка бўлмаса, пахта далада қолиб кетиши мумкин.

Намуна опа ўглининг гапига ҳайрон бўлди. Яқин орада у идорага бормаган, биров билан гаплашмаган бўлса. Ким унга бунақанги топшириқ берди?

— Шошма...

— Баҳромқул ака касал бўлмасимдан айтувди. Кеча бировдан тайинлаб юборибди, — дея Маъруф бирдан онасининг оғзига урди.

Ахир онаси шундай деб сўрашини у олдиндан тахмин қилган эди-да. Унинг кўзи касалхонага кирганданоқ бош врач билан гаплашиб турган милиция майорига тушди. Кўнгли ниманидир сезиб, секин яқинларига борди.

— Ҳали айтганимдай, сигнални йўқотдик. Тўғон қишлоғи этагидаги дарёнинг нарёғига сузиб ўтган, ана шунда аппарат ишдан чиққан. Сигнал бермай қўйган. Аниқроғи, сигнал битта жойда ишдан чиқиб қолган. У ёғини сизга айтиб ўтирмайман. Умуман, бу нарса ўта махфий ҳисобланади. Аммо ишнинг бир чеккаси раисга бориб

тақалиб турган-да, айтмасдан иложим ҳам йўқ-да. Эртага қизига бирон нима бўлиб қолса?.. Хуллас, ўзингиз шундай бир йўлини топингки, Толмас Бадриддинович оғирлашиб қолмасин. Балки, ҳозирги аҳволида ҳеч нима демаган маъқулдир, — деди майор.

— Мен ҳам шу фикрдаман. Беш-олти кун...

Маъруф уларнинг суҳбатини охиригача эшитмади. Секин ортига бурилиб, касалхонадан чиқиб кетди. Автовокзалга борди. Тўғон қишлоғига борувчи автобусни нақ икки соат кутди. Жиғибийрон бир аҳволга тушганида (у ҳаттоки пою пиёда кетишга-да тайёр бўлиб қолганди) сап-сарик автобус худди бўғоздай лорсиллаб келди-да, «пуф» деганча тўхтади. Маъруф ҳаммадан олдин автобусга чиқди ва ярим соат унинг юришини кутиб, терлаб-пишиб турди. Ҳа, автобусга чиққанида бўш ўринлар кўп эди. Аммо бирин-кетин қоп, сумка кўтарган қария, хотин-халаж минди-ю, йигит ўтирган жойини бўшатиб беришга мажбур бўлди. У Тўғон қишлоғининг жануб томонидан оқиб ўтувчи дарё бўйига етганида, кун пешиндан ўтган эди. Офтоб аёвсиз нур сочар, одамнинг тинкаматорини қуритар эди. У иссиқлаб кетганида аввал бориб, дарё сувида юз-қўлини ювди. Кейин атрофига аланг-жаланг боқиб, ўтиш қулай бўлган жойни қидирди. Дарё суви деярли ҳамма ерда бир хил оқарди. Қаер саёз, қаер чуқурлигини оқаётган сувга қараб билиб бўлмасди. Шу боис Маъруф бир муддат ўйланиб тургач, кечувни бошлади. Сув оқими бир-икки марта оёғини сирпантириб юборди, лекин йиқилмади. Юришда давом этди ва нариги томонга ўтиб олди. «Эркак киши бемалол ўтиши мумкин экан, лекин Паризод қандай ўтдийкан? Демак, унинг қўлидан анави шўртумшуқ ушлаб олган. Шундай пайтда Паризодда қочиш имкони бўлмадимикан? Ҳар қалай, зекнинг қўлидан силтаб тортиб юборса, шубҳасиз, йиқиларди. Ўзини ўнглаб олгунича анча наригача оқиб кетарди. Паризод бирдан ортига бурилиб қочганида... Лекин шундай қилмаган. Демак, унинг қочишига нимадир халақит берган» дея хаёлидан ўтказди Маъруф ва дарё лабини анча наригача синчиклаб кузатиб чиқди. Бир жойга борганида, кум қандайдир эзилганга ўхшади.

— Милиционерларнинг сигнали шу атрофда узилиб

қолган бўлса, нега улар келишиб, бу ерларни кўздан кечиришмади? — дея ўзига ўзи гапирди у ва бошини қашлаб, у ёқ-бу ёққа қаради.

Сўнг:

— Улар, барибир, мутахассис ҳисобланишади. Уларнинг эътиборидан ҳеч нима четда қолмайди. Бундан чиқди, бу ерда уларнинг ўзлари нимадир қилишган ёки шунчаки ўтиришган. Нима қилсам экан? Шошма, жарликка чиқиб, бир кўрайин-чи, — деди.

У миясига келган ўйдан негадир хурсанд бўлиб кетди. Аммо жарликка чиқиб олганидан кейин билдики, бекорга қувонибди. Чунки нариги томон бийдай чўл эди.

— Падарингга лаънат, қайси гўрга йўқолди экан?! Ё уни шу ерда кимдир кутиб олдимиз? Йў-ўқ, бўлиши мумкин эмас! Биринчидан, зек қачон бу ерга келишини биров билмаган, иккинчидан, мошина-пошина келганида, ҳеч бўлмаганда, илон изи йўл бўларди.

Йигитнинг ҳафсаласи пир бўлиб, ерга ўтирди-да, қизиган сариқ тупроқни қўлида эзғилади. Нима қилишини билмай, боши қотганча хаёл сурди. «Мелиса излаб келган. Жарликкаям чиққан... Уларда ҳамма нарса бор. Керак бўлса, вертолёт билан кўз очиб юмгунча чўлнинг ҳамма ёғини кўриб чиқишади. Уларки топишолмаган эканми, зек бутунлай бошқа томонга кетган. Балки, сигнал берадиган мосламани сезиб қолиб... Шошма, у қанақанги мослама эканки, қочоқнинг қаердалигини билдирса? Тўғри, ёмон каллам қотди. Орқамга қайтиб уйимга кетсаммикан? Уйга борганимдан кейин яна қийналаман. Толмас Бадриддинович бекордан-бекорга тушимга кирмади. Мендан у ниманидир умид қиляпти. Мен бўлсам макиён товукдай уйда тухум босиб ётибман. Излайман, мана шу чўлнинг ҳамма ёғига бораман. Эй-й, айтганча, бу ерларда қўй боқишади. Балки, чўпонларни учратиб қоларман. Лекин чўпонлар бутунлай бошқа томонга қўйларини ёйгани кетишган бўлишса-чи?..»

Унинг кўзи калтакесакка тушди. Калтакесакнинг думи йўқ эди. Шунга қарамай, у чўл томонга югуриб кетаётганди. Дарвоқе, ора-орада тўхтар, атрофига олазарак боқар, сўнг яна югуришда давом этарди. Бир муддат калтакесакни кузатиб турган Маъруф ўрнидан турди. «Тавак-

кал бу ерда ундай бўлганда, бундай бўларди, бундай бўлганда, ундай бўларди, деб хаёл суриб, ўзимнинг шаштимни тушириб ўтирганимдан фойда йўқ. Ҳеч нима қилмай, уйимга қайтиб кетганимда мени биров айбламайдию, лекин бир умр қийналиб юраман. Чунки ўзимга ўзим қатъиятли бўламан, деб сўз берганман. Нимаики ишни бошласам, охиригача етказаман, деганман. Яна, яна Паризодга бефарқ эмасман, эртага унга бирор кор-ҳол бўлса, ўзимни кечиролмайман» дея ўйлади у ва йўлга тушди. Кетаверди, кетаверди, кетаверди... Гоҳ-гоҳида эринчоқлиги тутганида, оёқлари оғриб қолганида, анави калтакесакни эслади. Чунки у ортиқча ўй билан миясини қотирмасдан югурганди. «Шу калтакесак овқатдан бошқа нарсани ҳеч бир замонда қидирмаса керак. Ким кўрибди калтакесак калтакесакни излаб юрганини? Чунки унда калла йўқ. Мен бўлса одамман. Бекордан-бекорга умримни ўтказмайман...» У бирдан юришдан тўхтади. «Нималар деяпман? Яна айнияпманми? Йўқ, менинг айнишга ҳақим йўқ. Юришим керак, юришим...»

Маъруф қуёш уфққа ёнбошлашидан бир муддат олдин ўша кулбага дуч келди. Аввалига шунчаки тепалик бўлса керак, деб ўйлади. Аммо яқинлашганидан кейин қараса, уйча. Юраги бирдан ҳаприқиб кетди. Хаёлида қочқин Паризодни шу ерда ушлаб тургандай туюлди. Аммо янаям яқин бориб қараса, бир тўда қўйлар уйча атрофида маъраб юришибди. Бирдан унинг дами ичига тушди. Ҳафсаласи пир бўлди. Аммо шунга қарамай, уйча ёнига борди. Овоз берди. Уйчанинг қийшиқ, паст, билакдай келадиган теракдан ясалган эски эшиги очилиб, бир чўпон чиқди. Унинг ёнига келди, кўришди.

— Анча узоқдан келяпман, роса чанқадим. Бир култумгина сув берсангиз? — деди Маъруф.

Чўпон уни сўроққа тутмади. Уйчаси томон бошлади. Ичкарига киргазди. Сув ўрнига айрон берди. Чанқоғингни тез босади, деди. Ичкарининг салқинлиги, айрон уни бўшаштирди.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсан? — дея ундан сўради чўпон.

— Битта одам билан битта қизни излаб юрибман, — жавоб берди Маъруф.

Чўпон кулиб, бошини сарак-сарак қилди:

— Чўпон бўлгин-у, молингни, қўйингни изла. Лекин шу ерларгаям одам одамни қидириб келадими? — деди у ва ортига бурилиб, ташқарига чиқди.

«Соч-соқоли ўсган, устига эски, йиртилиб кетган фу-файка кийган одам. Бундай қараса, қурай-қурайдан бўлак бирон нимани билмайдиган чўпон ҳам ҳатто устимдан кулди-я» хаёлидан ўтказди Маъруф ва чўпоннинг орқасидан ташқарига чиқди.

— Ака, сиз мени тушунмадингиз, — деди энгашиб таёгини олаётган чўпонга. — У одам турмадан қочган. Қочаётиб битта қизни ўзи билан бирга олиб қочган.

— Сенинг қизингмиди?

Маъруф нима деб жавоб беришини билмай, довдираб қолди. Ҳа, деса, Паризод билан бор-йўғи бир мартагина гаплашган. Шунда ҳам қизнинг ота-онаси гувоҳлигида. Умуман, у гаплашиш ҳисобигаям кирмайди. Шунчаки оғриқдан биттаси инграб, иккинчисининг ичи ачиган эди. Эҳтимол, бу севги ҳам эмасдир. Маъруф овсар ўзича шундай хаёлга бориб юргандир. Ана, мисол учун Наргиза. У Маъруфни ўлгудай севади. Лекин Маъруф бир марта бўлсин, шўринг қурғурнинг кўнглига қарадимми? Ёшлигида-ку нукул калака қиларди. Йиғлатарди. Бўйи ўсиб, мўйлаби сабза ура бошлаганидан сўнг шунчаки гапларини эшитмай қўйди. Тўғрироғи, шу қизнинг гаплари унга қандайдир бачканадай туйилаверади. Бундай олиб қараганда, унинг фикрлаши ёмон эмасди. Лекин, барибир, шундай туйилаверарди-да... Шошма, биттагина саволга жавоб бериш учун шунча гаплар шартми?

— Ҳа, қизим эди, — деди Маъруф.

Чўпон гапирмади. Мийиғида кулиб қўйди-да, нари кетди. Маъруфнинг ичида шундай бир ўкинч, алам, ғазаб пайдо бўлдики, гўё жони бўғзига тиқилди: «Ярамас, ит, бундан кўра юзимга шапалоқ тушир эди, фиринг десам, калламни олсанг ҳам рози эдим. Иржайишга бало борми? Нима демоқчи бўляпсан? «Сўтак, оғзингдаги ошни олдириб қўйиб, энди ортидан келишинга бало борми?» демоқчимисан? Очиқчасига устимдан кулдинг-а!»

У уйча деворига суянганча кафтини иягига тираб, чўпонни кузатаркан, худди ўлжасига ҳамла қилишга тай-

ёр турган бўридай ўқрайди. Чўпон эса ҳар юрганда қумалоқларни ташлаб кетаётган қўйларига қурей-қурейлаш билан овора эди. Маъруф қараса, чўпоннинг у билан иши ҳам, дарди ҳам йўқ. У нигоҳини узиб, ён-атрофига қаради ва қутилмаганда қўзи машина изига тушди. Филдирак изи бор-йўғи бир қаричча келарди. Яна янгидай эди. У ўрнидан сапчиб туриб, изга яқин борди. Дарҳақиқат, у янги эди.

— Ака! Ҳов, ака! — дея бақирди чўпонга.

Чўпон ўгирилиб унга қаради.

— Бу ёққа келинг, бу ёққа! — қичқирди Маъруф.

Чўпон кир қўли билан бурнини артган бўлди ва шошилмасдан кела бошлади.

Тоқатсизланаётган Маъруф бир чўпонга, бир изга боқар, худди улкан топилма топгандай ҳаяжонланарди.

— Бунча қичқирасан? Жа, узоқдамасман, секин чакирсанг ҳам эшитаман, — деди унинг ёнига келган чўпон.

— Ака, манави мошина изи, тўғрими? — дея Маъруф «топилма»сини қўли билан кўрсатди.

— Ҳа-а, нимаиди?

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим.

— Нима, сен умрингда мошина изини кўрмаганми-сан? — сўради чўпон қош чимириб.

— Сиз... ҳалиги... отингиз нимаиди?

— Мен ҳалигимасман. Ҳалиги нималигини биласанми ўзинг?

— Ака, шу, билмайман-да. Шунчаки ҳалиги дедим. Отингиз нима? — жиғибийрони чиқа бошлади Маъруфнинг.

— Билмасанг, билмаганингни гапирма. Отим Абдусаттор.

— Абдусаттор ака, мошина изи янги. Демак, у бугун, узоғи билан кеча бу ердан ўтган.

— Шунга нима бўпти? — деди ҳеч нимани тушунмаган кўрс чўпон.

— Уфф. Бўлди, гапирмадим. Менга айтинг-чи, асфальт йўл узоқми?

— Узоқмас, ҳув анави ерда, — деб чўпон тахминан икки чақирим нарини кўрсатди.

Маъруф хўрсиниб қўйди-да, у кўрсатган томонга эн-

дигина юрганида Абдусаттор уни тўхтатди.

— Қаерга борасан? — сўради у йигитга тикилиб.

— Кетяпман.

— Бугун боролмайсан. Ярим оқшомда етишинг мумкин, лекин у маҳал йўлдан мошина ўтмайди. Қоп кетасан.

— Анави ерда дегандингиз-ку!

— Ҳимм, лекин анави ер ҳам узоқда. Янаям ўзинг биласан.

Чўпон қўйларини ҳайдаб қаергадир кетди. Маъруф турган жойида қотиб қолган, қаерга боришини, нима қилишини билмасди. Бир хаёл Абдусатторнинг ортидан кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо у чақирмагандан кейин нима қилади бориб? Мабодо яна бетайин гапларидан иккитасини айтиб юборса, шундоғам йўқолган кайфияти умуман дом-дараксиз кетади.

У шу ерда тонг оттиришга қарор қилди ва уйчага кирди-да, тўйгунча сув ичди. Энди ташқарига чиқиб, аста-секин ёнбошлаётган қуёшга термилиб турганида чўпон қайтиб келди.

— Шу ерда қолмоқчимисан сен бола? — деб сўради у Маъруфнинг ёнига етганида.

— Нима қилай, ҳозирча борадиган жойим йўқ. Эрта-лабгача ўтираман, саҳардан йўлга чиқсам...

— Борар жойингни биласанми ўзи? — унинг гапини бўлди Абдусаттор.

— Топарман.

Чўпон унинг ёнига ўтирди-да, бошидаги қалпоғини ечди. Шу заҳоти ачимсиқ тер ҳиди Маъруфнинг юзига урилди.

— Бориб қўйларни бошқа чўпонга топшириб келяпман. Шу десанг, ҳалидан бери, анави қизингни ўғирлаб кетишганини айтганингдан буён миям гувиллайди. Шу, чамамда, бекорга овора бўляпсанов, — дея Абдусаттор шимининг чўнтагига қўлини тика бошлади.

— Нимага? — ҳайрон бўлди Маъруф.

— Бу қизнинг ўзи кўнмаса, уни ўша ёқдан шу ёққача қандай опкелиш мумкин? Шу десанг, унияма тили бирми, дейман-да.

— Турмадан қочган одам билан-а?!

Абдусаттор ўсиб кетган соқолини силаб қўйди-да:

— Сени аччувинг чиқмасин, ука, ҳамма нарса бўлиши мумкинлигини айтаман-да, — дея тиржайди.

— Яхшиси, менга бу ерга қанақанги мошина келиши мумкинлигини айтинг.

— Совхоз директориники... Йўқ, у келмайди. Чўпон бўп ишлаганимга саккиз йилдан ошди, мошинаси тугул, ўзиниям кўрмаганман. Умуман, совхознинг одамлари бу ёқларга доримайди. Шунинг учун бу ёққа қанақанги улов келган, нимага келган, билмайман. Анави Ўктам билади.

— Ким у?

— Бизнинг каттамыз. Ойликниям шу беради. Унда-бунда битта-иккита қўйниям сўйиш рухсатини шундан оламиз. Қўли очиқ одам. Шу десанг, — деб Абдусаттор Маъруфга қаради-да, бир муддат термилиб туриб, гапни бутунлай бошқа томонга буриб юборди, — қўй зоти тез касалга чалиниб, тез ўладиган махлуқ-да.

— Ўктам деганини қаердан топсам бўлади? — сўради Маъруф чўпондаги ўзгаришдан кўнгли бир нимани сезиб.

— Кўп келмайди. Қаердан топишни биз билмаймиз, унинг ўзи бизни топади. Нима қиласан уни?

— Бир кўргим келди-да.

— Чамамда, бугун-эрта келмайди. Чунки куни кеча зарур экан, иккита қўйни опкетувди. Бўпти, сен ҳозирча шу ерда тура тур, мен нариги қирга ўтиб, чўпонларга қўйларни ҳайдаб келишларини айтиб келайин, — дея ортиқ гаплашишни истамаган Абдусаттор ўрнидан туриб кетди.

Маъруфнинг ўз-ўзидан юрак уриши тезлашди. «Қисталоқ, бирон нимани яширяпти. У ниманидир билади. Билмаса, бирдан ўрнидан туриб кетмаган бўларди. Орқасидан пойлайман. Қани, ҳақиқатан ҳам, бошқа чўпонларнинг ёнига борармикан ёки?..» Маъруфнинг ўйи кўнглини баттар типирчилатди ва у Абдусаттор бирор юз қадамча узоқлашиши билан дарров ўрнидан туриб, унинг ортидан юрди. Ҳамма ёқ яланглик, пойлаб боришнинг иложи йўқ. Шу боис тикка, гўёки ёлғиз қолишни истамаган одамдай яширинмасдан чўпоннинг изидан кета бошлади. Бироқ икки дақиқа юрар-юрмас, кичкина чуқурчага

дуч келиб, бирдан тўхтади. Чуқурчанинг ичида қотиб қолган қон бор эди. «Ўктам иккита қўйни олиб кетувди. Бир-икки кунсиз келмаса керак», деди бу чўпон. Бундан чиқди, қўйларнинг биттаси шу ерда сўйилган. Абдусатторнинг хабари бор. Мендан яширди. Яширдими, демак, у Паризодни олиб келган нухани кўрган» хаёлидан ўтказди Маъруф ва чўпоннинг орқасидан югурди. Абдусатторнинг қулоғи оғирроқмиди ёки Маъруфнинг қадам товушини эшитмаганга олдим, ҳарқалай, ўгирилиб ҳам қарамасдан кетаверди. Маъруф уни қувиб етди. Ёқасидан ушлаб тўхтатди-да, ўзига қаратди.

— Сен ҳаммасини кўргансан, ҳаммасини биласан! Айт, қизни қаёққа опкетишди?! — сўради ҳансираганча жаҳл билан.

Абдусаттор бир силтанди-ю, Маъруфнинг чангалидан чиқиб кетди. Аммо Маъруф яна унга ташланди ва шу заҳоти ур калтак-сур калтак бошланиб кетди. Маъруф гоҳ чўпоннинг устига чиқиб олар, гоҳ Абдусаттор уни йиқитар, гоҳ униси, гоҳ буниси мушт туширар эди.

Тахминан ярим соатлар олишишди. Охири ҳар икковининг ҳам тинка-мадори қуриб, бутунлай ҳолдан тойганча чўзилиб қолди.

— Барибир, кўрганларингнинг ҳаммасини айтиб берасан! — деди Маъруф чалқанча ётганча ҳансираркан.

— Одаммас экансан. Ит экансан. Сув бердим, ёрдам қилдим, яна менга туҳмат қилиб турибсан. Мен қаердан билай қизингни? Кўрганимда айтмасмидим? — жавоб берди чўпон ҳам ҳансираб.

— Бўлмаса... бўлмаса, уйчанинг ёнидаги қон қаердан келди?

— Мен қаёқдан билай?

— Боя иккита қўй опкетувди, дегандинг. Кейин анави сенга ойлик берадиган одамнинг номини айтдинг-у, рангинг оқариб кетди.

— Ҳе, ҳе, ҳали сен шундан шубҳаландингми? Ўйнаб кўйдим шубҳанга!

— Нима? Нима дединг? Ҳали сен ўйнаб қўядиган бўп қолдингми? Ит, дединг, индамадим. Энди... — дея Маъруф зўрға ўрнидан турди.

Абдусаттор ҳам яна муштлашиш мақсадида қаддини

ростлади. Бироқ улар боягидай бир-бирини калтаклашнинг эпини қилишолмади. Муштумлари юмшоққина шапалоқ мисол юзларига тегди. Сўнг курашчилардай бирига бирига осилиб қолишди.

— Ғалчамисан? Тушунмайсанми ўзбек тилига? — деди Абдусаттор.

— Алдаяпсан сен.

— Алдаган бўлсам, Худо урсин!

— Худо урсин? — такрорлади Маъруф. — Худо ёмон уради. Шу бугундан ортмасдан оёқ-қўлинг акашак бўп қолади, кўрқмайсанми?!

— Айбим бўлса кўрқаман-да, ярамас!

Маъруф уни кўйиб юборди ва секин ерга ўтирди. Абдусаттор эса бирдан ерга чўзилиб ётиб олди. Беш дақиқа ҳеч нима тўғрисида гаплашишмади. Ҳар ким ўз хаёли билан банд бўлди.

— Барибир, — деди жимликни бузган Маъруф, — хатти-ҳаракатларингда шубҳа бор.

— Шубҳа?.. Мен сендан бошқа нарсани яширгандим. Сен аввал менга айт, ким бўлиб ишлайсан? — деди аста-секин қоронғилик энаётган осмондан кўзини узмаган Абдусаттор.

— Агрономман.

— Унда айтсам бўлавераркан. Мен сендан ойлигимни яширгандим. Ойлигимни яширдимми, демак, Ўктамниям яширишим керак. Чунки у беради-да ойликни. Ҳеч нимага қўл кўйдирмайди. Ҳаммамизни тўплайди, минг сўмдан бериб чиқади. Кейин «Ҳеч кимга қанча ойлик олаётганларингни айтманглар», дейди. Ўтган йили кузда ўзимизнинг областга бордим. Уйимиз даштда-да. Қўй кўп. Чўпонлардан ойлигини суриштирдим. Энг кўпи юз эллик сўм оларкан.

— Бундан чиқди у шубҳали одам экан-да.

— У ёғини билмайман. Ҳарқалай, ҳар биттамизга минг сўмдан бериш учун ҳар ойда етти-саккиз кўйнинг баҳридан ўтиши керак. Унда беш минг кўй неча йилга етарди? Агар улар эгиз туққандаям, дарров тугаб қолади. Сабаби, ора-чора сўйиладиганлари бор, касалланиб ўладиганлари бор. Яна бирда-ярим бўри оралаб қолади. Совхознинг кўммаси бўлмаса керак...

- Шу одамни менга топиб бероласанми?
- Йўқ. Ўзи келмаса, топиб бўлмайди уни.
- Нимада келади?

— Ҳар сафар ҳар хил. Бир қарасанг, от ўйнатиб келатган бўлади, бир қарасанг, ҳамма ёқни чанг-тўзон қилиб мошинада пайдо бўлади. Кейин ортиқча гаплашмайди. Ҳа-а, эсимдан чиқай дебди, бир хил пайтлари унинг одамлари келишади. Қўлларида бир парча қоғоз, «Мана, фалончи акам жўнатди, ўнта қўй бериб юбораркансизлар», дейишади. Бизга фарқи йўқ, фалончи ака айтдими, тамом, семиз-семизидан танлаймиз-у, бериб юборамиз.

— Дунё бесўроқ экан-да унда? Эрта бир кун текшириш келиб мисларинг чиқиб қолса, қамалиб кетишдан қўрқмайсизларми, ҳарқалай, давлатнинг шунча қўйи кўчада қолмагандир? Бир куни келиб, суриштириб қолар?

— Унгача бу ердан кетамиз. Билсанг, бу ердаги чўпонлар кўпи билан бир йил ишлашади. Кейин уй-уйларига кетишади. Фақат менгина шунча йилдан бери юрибман.

— Ишончли одам бўлсанг керак-да.

— Билмадим. Лекин ҳеч қанақанги сир-синоатдан хабарим йўқ. Фақат боя айтганингдай, бўйнимга кўп нарса илиниб қолмасмикан, деб баъзида қўрқаман ҳам, — дея Абдусаттор хўрсиниб қўйди ва ўрнидан туриб ўтирди, ён-атрофга, кўкка қаради. Кейин тагин хўрсиниб олгач, қўшиб қўйди: — Бу ёғи пешонадан, ошна. Энди тур-да, уйга бор. Мен чўпонларни айтиб келишим керак. Бўлмаса, шу ёқдаям қолиб кетаверишади. Шунақа анқов-да улар.

Маъруф талай муддат ўтирди. У Абдусатторнинг гапларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмас, бундан бу ёғига қандай йўл тутиш ҳақида бош қотирарди. Охири, ҳеч нимани режалаштиролмай, кўзғалишга мажбур бўлди, чунки елкасидан совуқ ўта бошлаганди.

У уйчага кирмади. Ташқарида, эшик ёнида ўтирди. Токи чўпонлар қурейлашиб қўйларни ҳайдаб келгунларича.

— Обориб қамаб қўйинглар, — деди Абдусаттор Маъруфнинг ёнига келганидан сўнг ҳамкасбларига, — Эшим шу ёқда қолсин. Икки-уч соат қоровуллик қилади. Турдимурод борганидан кейин келади овқатланишга. Қўйлар-

ни қаровсиз қолдириб бўлмайди.

Унинг ҳар куни айтадиган гапларини чўпонлар шундоғам яхши билишарди. Шу боис тўхташмади ҳам.

Маъруф эртасига ҳали қуёш чиқмасдан бурун йўлга тушди. У кечаси Абдусатторни алдаб-сулдаб, ундан Ўктамнинг кўпинча асфальт йўлни кесиб ётиб кетишини, нариги томонда пастқамгина етим тоғ борлигини билиб олган эди.

* * *

Маъруфнинг келиб қолиши Элёрнинг тушига ҳам кирмаган эди. Шу боисдан ҳеч нарса қила олмади. Калтакланди, азобланди. Сўнг уч-тўрт дақиқада ўзига келиб, машинани ҳайдаб, уйига кетиш ўрнига тўғри Ҳайбатуллоникига борди. Севишганларнинг ҳамма гапларини эшитди. Кайфда уйқусираб ташқарига чиқиб, «иши»ни битириб, яна уйга кириб кетган Ҳайбатуллони ҳам кўрди. Ирганди. Аммо миқ этмасдан, ҳамма нарсани кузатди. Бўлмаса, Ҳайбатулло ташқарига чиққанидан овоз бериб, ошиқ-маъшуқларни тутиб бериши мумкин эди. Бироқ бундай қилгиси келмади. Бошқача йўл тутишни истади у. Маъруф Наргизани кучоқлаганини кўрганида эса газабдан портлаб кетай деди. Лекин тишини тишига босди. Чидади. Ҳамма уй-уйига кириб кетганидан кейингина яширинган жойидан қимирлади.

«Тўполон қиламан, ҳамма нарсани отиб синдираман. Энамга бутун захримни сочаман. Токи уйимдагилар уйланмоқчилигимни билиб қўйишсин», деган хаёлга борди у машинага минганидан сўнг. Шунини очикчасига: «Эна, ота, мен Ҳайбатулло аканинг қизини севиб қолдим. Илтимос, уникага совчиликка боринглар» деса ҳам, бўларди. Бироқ бундай қилгиси келмади. Жанжалнинг ўрни бошқача. Чунки унинг таъсири тез. Ҳамма шошиб қолади. Энаси билан отаси тонг отар-отмас совчиликка жўнайди. Хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам ишни битиради. Керак бўлса, энаси Ҳайбатуллони хотинига «Кечаси уйимизда қиёмат кўпчиди. Болам бечора, Ўламан саттор, Наргизага уйланаман!», деб туриб олди», деб айтади. Унинг гаплари Наргизанинг энасининг кўнглини эритиши даргумон, лекин Ҳайбатулло ичидан хурсанд бўлади. Ахир Элёрдай йигит куёви бўлса, ёмонми? Яна қизи ҳамсоя-

сини деб турган бир пайтда. Бироқ Элёрнинг тузган режаси бир пул бўлди. Чунки уйига бориб кўрса, шундоқ ҳам қиёмат кўпиб ётган экан. Отаси ичиб олган, энасини у ёқдан-бу ёққа тирқиратган, қўлига илинган нарсани отган, сўккан... Яна Элёрнинг қўлида чил-чил бўлиши керак бўлган идишларни аллақачон майдалаб ташлаган эди. Элёр уйига киргунича икки укаси томга чиқиб олган, синглиси эса оғилга кириб бекинганди.

— Ни-ма?! — дея шер мисоли бўқирди Элёр ҳовлига етиши билан сўкавериб, болалари-ю хотинини кувавериб ҳолдан тойганча тераска эшигига суяниб қолган отасига. — Яна ичволдингизми?!

Лаблари қуруқшаб қолган ота бошини кўтариб, кўзини олайтирганча ўғлига қаради.

— Сиздан сўраяпма-а-а-н?! — ўқирди яна Элёр.

Ота ўғлидан кўрқарди. Айниқса, мана шунақа ичган, жанжал кўтарган пайтлари. Шу боис яна жавоб бермади. Бунинг ўрнига гўлдираб қўйди.

— Жонимга тегиб кетди! Бу уйга қарғиш теккан! Бу уйни ёқиб юбориш керак! — бақирди Элёр.

— Ҳимм, ҳимм, ёқиш керак. Лекин бензин йўқ-да, мошинангдан бензин опкелсанг ёқардик-да.

Элёр отасининг гапини чала эшитди ва узум сўрисига осилган челақни танғиллатиб тепди.

Эна кўндаланг уйнинг бурчагида эрининг ухлаб қолишини пойлаб турганди. Ўғли келгач, бироз нафас ростлади-ю, жанжалнинг янаям каттариши мумкинлигидан кўрқиб, отага бақираётган ўғлига термилиб турди.

— Киринг уйга! Бир қадам ҳам чиқмайсиз уйдан! — деди Элёр челақни тепганидан кейин.

— Ҳимм... Ҳимм... хўп... — дея бошини қимирлатди ота ва эшикка суянганча зўрға қаддини ростлади.

Ортига бурилди. Амаллаб оёғини кўтарди. Элёр унга ёрдамга бормади. Шунчаки кузатиб турди. Агар отасининг ўрнига Ҳайбатулло бўлганида борми, керак бўлса, кўтариб ичкарига киргизиб қўйган бўларди.

Элёр отаси тебраниб-тебраниб уйига кириб кетгач, унинг ўрнига бориб ўтирди. Пешонасини, бошини қашлади. Шунда унинг ёнига энаси кўрқа-писа келди.

— Болам-э, яхшиям, сени туққан эканман, бўлмаса,

бу отанг бизни аллақачон тириклайин гўрга тикарди, — деди юмшоқ овозда.

Элёр энасига дарров жавоб бермади. Маъруфнинг мушти лабини ёриб юборган эди. Унинг устини тили билан ялади. Сўнг тишлари орасидан тупугини «чирт» этказиб тупурди-да:

— Эна, сизга шу алкашдан бошқа эр қуриб кетганмиди? — деди.

— Энди, болам, пешона-да, кейин мен отангнинг бунчалик ичадиган бўлиб кетишини қаердан билибман? — деди бундай саволни кутмаган она довдираб.

— Эй-й, билгансиз. Одамлардан эшитдим, отам ёшлигидаям маст бўлиб юраркан. Ҳеч ким қизини бермаган экан. Сизнинг отангиз бўлса худди қизи эрсиз қолиб кетадигандай қўшқўллаб топширибди. Сиз ҳам фиринг демасдан тегиб кетибсиз.

Аёл кўзига ёш олди. Кафти билан юзини бекитиб: «Шўргинам курсин менгинанинг, шўргинам курсин. Кун кўрмай қаридим. Бир куни одам бўлар, болаларидан уялар, дедим. Йўқ, бу кун кўрмагур баттар бўлди. Баттар», дея айтиб-айтиб йиғлашга тушди.

— Бўлди, эна, кўп дийдиё қилаверманг. Ўзи роса тинка-мадорим қуриб келганди. Уйга келиб озгина дам оламанми, деб ўйлагандим. Ҳаммаси бир пул бўлди, — деди энасининг йиғиси гашини келтирган Элёр.

— Майли, болам. Худо менга сени берди-ку. Уйга кир, дамингни ол. Шошма, аввал овқатингни еб ол. Озиб-ёзиб бугун ош қилувдим, бир чўқим ейиш насиб этмади-я. Ҳали укаларинг ҳам қочиб-қочиб кетишган. Бечоралар ҳам очдан-оч юришган бўлса керак...

— Уфф, — дея Элёр ўрнидан турди, — ҳаммаси жонимга тегиб кетди!

У бошини эгганча беш-олти қадам наридаги чорпоя ёнишга борди. Сўнг бирдан ортига ўгирилиб, энди ошхона томонга кета бошлаган онасига:

— Битта гап бор, эна, — деди.

Аёл ялт этиб ўғлига қаради ва Элёр кейинги гапни айтишга улгурмасидан липиллаб ёнига келди.

— Болам, олдин чой опкелайинми? — дея сўради ўғлининг кўнглини топиш мақсадида.

— Йўқ. Гапимни эшитинг, эртага бир жойга борасиз...

— Майли, болам, бораман. Сен қаерга десанг, кетавераман, — деди аёл шошиб ўғлининг гапини бўларкан.

— Совчи бўлиб борасиз...

Аёл ҳайратдан донг қотди. Қулоқларига сира ишонгиси келмади. Олдиндан огоҳлантириш, билдириш йўқ. Бирдан «Эна, совчиликка борасиз», деб турибди бу отадан қўрқмайдиган ўғил тушмагур. Нима қилсин, ота юрагини ўйнатавериб тамом қилган. Ўғил-чи?.. У аввал юмшоқтабиат эди. Улғайди-ю, ўзгарди. Онасини жеркадиган, укаларига бақирадиган, дўқ-пўписа қиладиган одат чиқарди. Айниқса, раисга ҳайдовчи бўлганидан кейин янада кўполлашди. Мана энди, отаям уни кўрса, пусиб қоладиган бўлди.

— Совчиликка дедингми, болам? — деди аёл киприкларини пирпиратиб.

— Ҳа-а, эшитмадингизми? Эртага эрталабдан қолдирмайсиз.

Дўқ оҳангида айтилган гапдан кейин аёлнинг елкалари аввалгидан-да қисилди.

— Эшитдим. Яхши. Лекин ҳалиги отангдан бир оғиз...

— Эна, қизиқсиз-а, отамнинг нимасидан сўрайсиз?! Отамга битта ароқни кўрсатинг, тамом.

Аёл туни билан мижжа қоқмади. Хабарни эрига етказишнинг минг битта йўлини топди. Лекин буларнинг биронтаси ҳам тўғри келмасди. Сабаби, у ҳалигача эрининг кўнглини овлашни билмасди. Чунки эр жонивор кунига минг хил турланади. Фақатгина ичганида ўзгармайди. Сўконғич, уронғич, унга муқим ёпишиб олгандай кўринади ўшандай пайтлари. Аммо ичмаган куни жудаям оз-да. Масалан, ойига бир, кўпи билан икки кун. Демакки, эр жонивор ўша кунларигина минг хил турланаркан. Лекин, барибир, бир пайтлар суйиб эркалаган эрига ўғилнинг ниятини айтиш керак. Айтмаса, бўлмайди. Нега бўлмаслиги унинг учун қоронғи. Бўлмайди, тамом-вассалом.

У саҳарлабдан туриб, чоли (у кейинги пайтларда эри ҳақида гап кетса, «чолим» дерди) уйқудан уйғонгунча кундалик ишларни адо этиб, чорпояга чиқиб ўтирди. Яқиндагина ўзи дамлаб, устига сочиқ ташлаб қўйган чой-

ни бир-икки марта қайтарди. Бир пиёлагина ичгиси келди. Аммо ичолмади. «Чолим чиқсин, кеча кўп ичган. Томоғи қақраб ётган бўлса керак. Бир пиёлагина ичсин, кейин мен ичаман», деди ва эшикка термилганча ўтираверди. Ниҳоят, эр уйқудун уйғониб, ташқарига чиқди. Аёлга хўмрайиб қўйиб, ювинди. Сўнг хотинининг қава-тига чиқди. Шунгача бир марта бўлсин юзи ёришмади. Ўша хўмрайиш, ўша қовоқ-тумшук.

— Гўрсўхтанг турмадими? — деди аёли узатган пиёла-ни қўлига оларкан, унга кўз ости билан қараб.

— Кеча кеч келди-да. Чарчаган. Ҳадемай сезон бош-ланади. Иши кўпайган-да. Шунга, майли, ухласин, бу ёғи мошина ҳайдади. Худо кўрсатмасин, мошина ҳай-даб кетаётганида ухлаб-нетиб қолса...

— Ёмон эрталабдан эзилдинг-да. Кўрдим, қандай қилиб чарчаб келганини! Бурнидан эшак қуртини ёғилади. Шу-нинг раисга шофёр бўлди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Раиснинг олдига бир бормасам бўлмайдиган бўп турибди-да. Ўзи шу кунларда бормоқчийдим, бояқиш ка-сал бўп қопти. Чиқсин балнисадан, бораман, — дея Аф-тондил ака хўриллатиб чой ичди.

У, одатда, кайфи тарқаган пайтларда шундай гапирар-ди.

— Қўйинг отаси, ундай деманг. Ундан кўра бошқа иш қилганимиз маъқул.

— Нима иш экан?

— Болам бечора бировга кўнгил қўйибди.

— Ни-ма? Кўнгил қўйибди?! Ҳе, унингнинг ўзи ким-у, кўнгил қўйгани нима бўларди?.. Чойдан қуй, ўзиям жа суюқ дамлайсан-да чойни.

— Отаси, шу десангиз, охирги пайтларда шунингиз-нинг бошини иккита қип қўйсақмикан, деб ўйлаб юр-гандим-да...

— Қайси пулингга. Бунинг мошинасини ғилдиратиб у ёқдан-бу ёққа чопгани билан уйга тўрт-беш сўм опкел-маса, шимилдириққа уйланадими?!

— Раис қарашиб юборар, ҳарқалай, ёнида олиб юриб-ди.

— Қарашса, қарашаверсин, менинг ишим йўқ.

— Майли, тўйни бир нима қилармиз. Кўнгил қўйгани-

никага бир бориб келайлик.

— Нима каромати учун? Оқшом менга дўқ ургани учунми? Йў-ўқ, бекорларнинг бештасини айтибди. Мен умрим бино бўлиб, отамнинг юзига тик қараган одаммасман. Бунинг бўлса қўйиб берса, урадиган чўти бор. Энди менинг миямни қотирма, ўзи бошим оғриб турибди. Одамларнинг хотинлари эри ичиб келса, ёстигининг ёнига муздай аччиқ чой дамлаб қўяди. Сен овсар бўлса минг марта айтганим билан қилмайсан! Бориб у ёқ-бу ёқни қара, бирорта бутилкада эллик-юз грамм қолгандир. Ичмасам ҳозир бошим ёрилиб кетади.

— Отаси, йўқ-ку.

— Эй-й, энангни эмгур, топ дегандан кейин топ-да!

Боягина Афтондил одамшавандага ўхшаброқ гапираётганди. Дарров ўзгарди-қолди. Агар ҳозир хотини унинг айтганини қилмаса борми, камида беш-олтита сўкиш нақ эди. Шу боис аёл туриб кетди. У ора-чора ўғлининг чўнтагидан бир-икки сўм олиб қўяр, кейин йиғилган пулга юз терисини сидириб, магазиндан бир шиша ароқ олиб келарди-да, уйига келиб, уни бир неча бўлакларга бўлиб қўярди. Мана шундай пайтларда асқотиши учун, албатта.

У ўрнидан турмасидан Элёр эшикдан ташқарига чиқди. Отанинг юзидаги жаҳл бироз йўқолди. Бунинг ўрнига қандайдир ялтоқланишга ўхшаш бир нима пайдо бўлди.

Ўғил падарининг гапларини чала-чулпа эшитган, аммо шунга қарамасдан унинг нима демоқчилигини англаганди.

— Бир яшик ароқ бугуноқ келади. Тушгача, — деди у безбетларча кўзини ишқалаб қўйгач.

Афтондил шу заҳоти бош оғриғини унутди. Умуман, унинг боши жуда қаттиқ оғримаётганди. Шунчаки озгина лўқиллаётганди.

— Ўғлим, шу десанг... Ювиниб бу ёққа кел, гап бор, — дея Афтондил нигоҳини бошқа томонга олиб қочди.

У Элёр ювиниб-тараниб келгунча хотини олиб келган ароқни ютган ва кайфияти анча кўтарилиб ўтирарди. Боласи чорпояга чиқиб ўтиргач, секин гапни узокдан бошлаб, охири совчиликка бориш билан тугатди. Ўғил ичичидан падарининг устидан кулди. «Ароқни айтмаганим-

да, қовоқ-тумшугини уйиб ўтираверган бўлардингиз» дея кўнглидан ўтказди.

Нонушта узоқ чўзилмади. Афтондил ўғли билан хотинини шоширди (у Ҳайбатулло билан қуда бўлажагини эшитганидан сўнг анча керилиб ҳам олганди). «Ҳайбатулло ака колхознинг катталаридан, иши кўп одам, эрта-роқ бормасак, бирон ёққа чиқиб кетиши мумкин. Совчиликка кечқурун бориларди. Лекин уни кечқурун уйдан топамизми-йўқми, Худо билади», деди.

Ўғлига ҳам унинг гаплари мойдай ёқди. У дарров отланди. Бироқ биргина онанинг кўнглида норозилик бор эди. Шошмайлик, суриштирайлик, билайлик, деган гапларни айтишни истарди. Бироқ унинг истагига шундай пайтда ким ҳам қулоқ соларди? Шу боисдан индамайгина у ҳам кўнди.

* * *

Бош оғриғини кетказиш Афтондилга нисбатан Ҳайбатуллода анча осон кечди. У бировга бир нима деб ўтирмади. Экинзордан бир дона помидор олиб чиқди. Яхшилаб ювди. Ертўлага кирди. Шайтон суви жойланган шисалардан бирининг оғзини очди. Битта пиёлага тўлдириб қуйди. Ичди. Кетидан помидор тишлади. Шу билан ҳеч нарса кўрмагандай ертўладан чиқди. Унинг бугунги режасида бир дунё иш бор эди. Шулардан энг асосийси — Толмас Бадриддиновичнинг томирига биринчи болтани уриш. У чой ичаркан, шу ҳақда бош қотириб ўтирганида, раиснинг машинаси ҳовлига кириб кела бошлади. Ичидан хурсанд бўлди. «Яхши бола-да. Фаросати бор. Худди кўнглимдагини уқиб олгандай эрталабдан келишини қаранглар» дея кўнглидан ўтказди. Аммо келаётган машинага эътибор ҳам бермай, нонушта қилишда давом этди.

Кейин кўзининг қири билан қарасаки, Элёрнинг ўрнига бир хотин билан эркак келяпти. Улар яқинлашганидан кейин танидики, олдидан иржайиб-тиржайиб келаётган Афтондил экан.

— Бу палататнинг менда нима иши бор экан? — дея пичирлади ўзига ўзи ва бошини кўтармай, нонни синдириб, гарчи умуман егиси келамаётган эса-да, қаймоққа ботирди.

Шунда хотинининг гапи қулоғига чалинди.

— Келинлар, келинлар, — деди у.

— Эй-й, — деди Ҳайбатулло хотинининг овозини эшитиши билан калласини кўтариб, — Афтондил, ошна!

У оғриниб қаддини ростлади. Лекин ўрнидан турмади. Чорпоядан ҳам тушмади. Қолаверса, Афтондил:

— Безовта бўлманг, безовта бўлманг, — деб келаётган эди.

«Сен учун безовта бўламанми, валакисаланг. Ким бўпсанки, мени шошириб қўйсанг?» кўнглидан ўтказди шу заҳоти Ҳайбатулло. Аммо дилидагини айтмади. Оғзидан бошқа гап чиқди:

— Тонг саҳардан нима шамол учирди?!

— Эрталаб турсам, енгилгина эпкин шу томонга эсяпти. «Ё пирым» деб, бир кўтарилувдим, бу ёққа опкеп қўйса денг, — иржайди Афтондил.

— Шундайми? Майли, сизнинг айтганингиздек бўлсин.

Афтондил югуриб келиб, у билан қўшқўллаб кўришди ва Ҳайбатуллонинг таклифига биноан чорпояга чиқди. Дуога қўл очди.

Эркаклар, икки хотин у ёқ-бу ёқдан гаплашган бўлишди. Кейин Афтондил мақсадга кўчди. Чунки Ҳайбатулло савол назари билан унга қараб турарди. «Вой, қисталоқ, вой, ярамас! Миямга келмаганини қара. Ҳали бу кўппакнинг менга қуда бўлгиси кеп қолдимиз? Менга-я. Қуданг ким? Фалончи! Ҳов, ит, мен керак бўлса, қизимнинг ортидан гўдайиб юраман. Ҳали уни камида райкомнинг ўғлига бераман, деб мўлжаллаб юрибман. Камида. Сен ким бўпсанки, қизимни келин қиласан? Ўғлинг... Ўғлинг ёмон боламас. Тарбияласам, кучукдай хизматимни қилади. Лекин бу дегани, менга куёв бўлади, деганимас-да» хаёлидан ўтказди Ҳайбатулло маккор қисик кўзини баттар қисиб.

— Яхши. Энди ёшлар шу-да, бир кўришда бир-бировини ёқтириб қолади. Бир кўришда бирови тегадиган, бошқаси оладиган бўп қолади. Аммо сизу биз бошдан дўппини олиб, яхшилаб ўйлаб кўришимиз керак. Чунки буни умр савдоси деб қўйибдилар-да, — деди бош агроном.

— Гапларингиз икки юз фоиз тўғри. Лекин бу Элёр

тушмагур, кечаси билан ухламади. Ҳеч қайсимизни ухлатмадиям. Бўлмаса, биз айтдик, «Шошилмайлик. Аввал идорага Ҳайбатулло аканинг олдига бориб, сал маълум қилиб қўяйлик», деб. «Йўқ. Эрталабдан борасиз, Наргизанинг бошини боғлаб қўясиз», дейди.

«Ў-ў, иштаҳалар карнай-ку. Яна кўнгиллари нимани тусайди?» ўйлади Ҳайбатулло ва иржайди.

— Ҳа-а, Элёрбек чўрткесар, гапидан қайтмайдиган ўжар бола. Ростини айтсам, уни ўзим ҳам яхши кўраман. Келин, Афтондил ошна, биз энаси билан бир ўйлаб кўрайлик. Наргизаниям ўзидан сўрайлик, кейин бир-иккитаси билан маслаҳатлашиб, жавобимизни айтамыз, — деди у.

— Маъқул, — дея бошини қимирлатди Афтондил ҳамда пиёласидаги қолган чойни ичди-да, қўшиб қўйди. — Энди бизга рухсат берасиз. Ишли одамсиз, каттасиз, вақтингизни ўғирлаб қўймайлик, — деди.

— Шундайми? Майли. Меҳмоннинг гапи — гап, қани, омин, Оллоҳу акбар, — деб, Ҳайбатулло шунчаки кафтарини ҳавода силкитиб қўйди.

Афтондилнинг оғзи қулоғида эди. Бироқ аёлининг ичидан зил кетганди. Шу боис улар икки хил кайфиятда машинага чиқишди.

— Ишинг ўнгидан келадиганга ўхшаб турибди, Элёрбек, — деди Афтондил лаб-лунжини йиғиштиролмай, машинани орқага ҳайдаётган ўғлига.

— Сал ўхшамадиёв, — дея бутунлай бошқа фикрни айтди аёл.

— Нимага ўхшамайди? Сенга бир мартада «Бўлди, биз розимиз, ана қизимиз» дейдими? Демайди. Шунинг учун ҳам қизи борнинг нози бор, деб айтишади-да.

Элёр хўрсиниб қўйди-да, газни босди.

У ота-онасини уйигача олиб бормади. Қишлоғига кираверишда қолдирди. Афтондил «Магазинга кириб ўтсак яхши бўларди», деганди, бобиллаб берди.

— Саҳардан магазинда бало борми? Кечқурун ўзим опкеламан. Одамлар «Бу алкашнинг томоғи кун чиқмай такиллаб қопти», дейишидан уялмайсизми?!

Афтондил миқ этолмади. Кўзининг ости билан хотинига хўмрайиб қараб қўйди.

* * *

Ҳайбатуллонинг папкасини Наргиза машинага олиб келди. Ўзиям Элёрнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. «Виллис»дан сакраб тушди. Қизнинг афт-ангоридан бир нималарни билиб олиш мақсадида унга тикилди. Қиз қандайдир бепарво эди. Уйқусираётганга ўхшарди. У эринчоқлик билан қўлидагини Элёрга узатиб:

— Отам ҳозир келаркан, — деди ва ортига бурилиб кетди.

Элёрнинг бўғзига бир нима тикилди. Югуриб бормоқчи, қизнинг қўлидан ушлаб ўзига қаратмоқчи, «Бугун менинг совчиларим келди. Худо хоҳласа, яқинда иккаламизнинг тўйимиз бўлади», демоқчи бўлди-ю, аммо иродаси етмади.

Кейин Ҳайбатулло келди. Машинага ўтирганидан сўнг Элёрнинг елкасига уриб қўйди. Элёр қизариб кетди.

— Идорага борамиз, бир-иккита ишларни ҳал қилганимиздан сўнг райкомга ўтиб келамиз, — дея юмшоқ гапирди Ҳайбатулло.

Йигитни ҳаяжон босди. У бош агрономни — бўлажак раисни, бўлажак қайнотасини уринтириб қўймаслик учун машинани эҳтиёткорлик билан ҳайдади.

* * *

Етим тоғ. Ерлик аҳоли бу ерни шундай атайди. Чунки унинг атрофи бийдай чўл, теп-текис. Янтоқларни ҳисобга олмаганда, бирорта ҳам гиёҳ ўсмайди. Шу боис одам зоти қарийб қадам босмайди. Аммо шу тоғда кичкинагина ғор бор. Кўпи билан саккиз-тўққиз киши оёғини узатиб ётса сиғади. Яна ўша ғорда кичкинагина булоқча бўлиб, у айланаси бир қулоч келадиган ҳовузча ясаган. Сув тип-тиниқ. Хуштаъм. Ичган одамнинг танаси яйраб, кучга тўлгандай бўлади. Ривоятларга қараганда, бу булоқча жуда узоқ замонларда қандайдир художўй дарвеш шарофатига кўз очган экан. Дарвеш фақат шу булоқ сувидан ичиб яшаган, кейин қаергадир ғойиб бўлган экан. Аммо булоқ қайнаб чиқишда давом этган ва суви қаергадир сизиб оқиб кетаверган. Чунки ташқарига оққанда, Етим тоғ атрофида камида битта дарахт ўсиб чиққан, хийла кенгликда ўтлоқзор пайдо бўлган бўларди-да. Эҳтимол, ўшанда бу ер ҳаттоки зиёратгоҳга айланарди. Лекин ҳозир унақа эмас. Боя айтганимиздай, булоқ ҳовузчанинг

тагидан қайнаб чиқади. Кейин қаергадир изсиз йўқолади. Яна тўрда баландлиги бир одам бўйидан сал баландроқ, бўйи-ю эни ҳам тахминан шунча келадиган кичкина хужрача бор. Хужра десак унчалик тўғри бўлмайди. Чунки у фақатгина қалинлиги билакдай келадиган қўктерак новдалари билан ўралган ва кичкинагина эшикча очилган. Ҳамда ички томонига сомон солиниб, унинг устига тоза жундан тўқилган гилам тўшалган эди. Шифт ҳам худди шунақанги терак шохлари билан ёпилган ва кичкинагина мойчироқ осилган. Бу чироқ, мана, неча йилдирки ҳали бирор марта ҳам ўчмаган. Чунки қаровчиси бор. Қаровчи эллик билан олтмиш оралиғидаги аёл. Исми Хонбиби. У кунини деярли мана шу ним зах хужрада ўтказганлиги боис ранги мурданикидай оқариб кетган, олди тишлари тушган, озиб кетганидан кўзлари ичига ботиб, олайиб қолганди. Унинг яқинига келишингиз билан юзингизга бадбўй зах ҳиди урилади.

Ўқтам Паризодни шу ерга олиб келди. Эшик вазифасини бажарувчи тошни қуёш ботар томонга сурди. У осонгина сурилди. Бу «эшик»ни Ўқтамнинг ўзи ясаган, тўғрироғи, чўпонларга ясаттирган. Унинг ички қисми темир, ташқарисига тош ёпиштирилган. Ўқтамдан бошқа ҳеч ким очолмайди. Чунки очиш мумкин бўлган чўпонларнинг ҳаммаси ёшини яшамай, ошини ошамай, ўлиб кетишган. Ўқтам уларга қуюқ раҳмат айтиб, қўлларига пул берган, кейин чўлдан чиқиб кетмаслари олдидан тўсиб чиқиб, бирини кўксидан, бошқасини миясидан, учинчисини эса томоғидан отиб ташлаган-да, ўша қонлари тўкилган жойга кўмган, кейин устидан янтоқ уруғини сепиб, сув қуйган. Шу билан ҳаш-паш дегунча янтоқ ўсиб чиққан-да, шу ерга одам кўмилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги эҳтимолни бутунлай йўққа чиқарган. Албатта, бир-иккитасининг қариндошининг оёғи шу ёқларга етган. Бироқ жавоб битта: «Пулларини олиб, уйларига кетишган. Ўн беш кунда қайтиб келишмоқчи эди. Келишмади. Биз ҳам йўлларига интизор бўп ўтирибмиз. Қўйни боқадиган одам йўқ. Одамгарчилик қилувдик, қўлларига кўпроқ пул берувдик. Бола-чақасига обориб берсин, девдик. Лекин ишончимизни оқлашмади. Эсиз». Қариндошлар ишонади. Чунки Ўқтамнинг ёнида доим Абдусаттор

чўпон бўлади. Хўжайиннинг гапини тасдиқлайди. Яна қўшимчасига у ҳам ўзининг неча йиллардан бери ишлаётганини айтиб қўяди.

* * *

Ўктам Паризоднинг кўзига боғланган латтани ечди.

— Мана, қара, қаерга олиб келдим сени, — деди ёқимсиз хирилдоқ овозда.

Паризоднинг кўз олдидаги қоронгилик дарров тарқамади. У ён-атрофига олазарак боқаркан, кўзини ишқалади. Кейин шошиб:

— Қаерга опкелдингиз мени?! — деди.

— Ҳе, жаннатга. Бу ердаги роҳатни ҳеч қаердан тополмайсан, қани, ичкарига кир.

— У ёқда нима қиламан? — сўради Паризод қўрқаписа.

— Кирганингдан кейин айтаман.

— Йў-ўқ, кирмайман! Кирмайман!

— Ни-ма?! Кирмай қаерга борардинг? Кирмасанг ҳам менга барибир. Биз чўлу биёбоннинг қоқ ўртасидамиз, ҳамма томонинг беш кунлик йўл. Янтоқдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Одам яшайдиган жойга етиб боргунингча ё очингдан ўласан, ёки бўриларга ем бўласан, — деб Ўктам чирт этказиб ерга тупурди.

— Нега опкелдингиз бу ёқларга? Нима қиламан бу ерда?! — деди Паризод кўзи ёшга тўлиб.

— Ниятим яхши. Яхши бўлмаганида, аллақачон бир ёқли қилиб ташлардим. Эй, шошма, нимага сен билан ади-бади айтишиб ўтирибман? Кетсанг кетавер, тўрт томонинг қибла, — деб Ўктам ичкарига кирди.

Тош эшик тепасидаги тутқични тортди. Фор оғзи аста-секин ёпила бошлади.

— Шошманг, шошманг! — қичқирди қўрқиб кетган Паризод.

Тош эшик қайтадан очилди.

— Марҳамат, хоним, кирсинлар, — дея Ўктам қўли билан ичкарини кўрсатди.

Паризод қўрқаписа остона ҳатлади. Унинг юраги шунақанги тез ураётган эдики, товуши ҳатто ўзига эшитилаётганди.

— Бибихон! Бибихон! — овоз берди Ўктам.

Шу заҳоти ҳужра эшиги очилди. Кўринишидан мурдани эслатиб юборувчи аёл ташқарига чиқди.

— Хи-хи-хи, хўжайин, келдингизми? — деди иршайиб.

Паризод турган жойида қотди.

— Эй, Худо! Эй, Худо, — дея пичирлади.

— Қўрқма, қўрқма, бу хотиннинг кўриниши шунақа, ўзи тилла, шунинг учун мана шу тоғнинг ичида яшайди. Ҳали шошмай тур, олтиндай бир нур таратсин, бир нур таратсинки, оғзинг очилиб қолсин, — деди Ўктам Паризодга қараб.

Сўнг Хонбибига юзланди:

— Булоқ бўйига ҳамма нарсангни опкел. Ҳеч нимани аяма. Мен бунақанги меҳмонни ҳар куни ҳам олиб келавермайман. Қани, тез бўл.

Мурдасифат аёл бурни ерга теккунча букилди-да:

— Бош устига, хўжайин! — деди ва ортига бурилиб, чаққонлик билан ҳужрага кириб кетди.

— Бу ер ташландиқ бир жой эди. Қара, қандай уйча ясаб олганман. Деворлардаги мойчироқларни кўряпсанми? Бунақасини етти ухлаб тушингдаям кўрмагансан. Четдан махсус опкелтирганман. Буям майли, сен булоқни кўр. Нақ мўъжизанинг ўзгинаси. Ичсанг, кайф қиласан. Даҳшат!

У энгашиб ҳовучига сув олди. Ичди.

— Воҳ! Бай-бай! — дея мақтанди ва яна энгашиб кафтини сувга тўлдирганча Паризодга тутди.

— Йўқ, мен ичмайман, ичгим келмаяпти, — дея эътироз билдирди Паризод.

— Ич. Ҳали менинг қўлимни қайтарадиган одам туғилмаган! — дея дағдаға қилди Ўктам.

Паризод бир унга, бир ҳужра томонга қаради ва кўрқаписа энгашди. Ҳақиқатдан ҳам, сув тотли эди. Бироқ Ўктамнинг қўлидан келаётган ҳид унинг кўнглини ағдариб юбораёзди. У бир қултум сув ютар-ютмас, бошини кўтариб, шоша-пиша лаб-лунжини артди.

— Майли, ҳозирча янгисан, шунинг учун майда-чуйда инжиқлигингни кўтариб тураман. Лекин ҳаддингдан ошсанг, ҳеч нимага қарамайман, ташқарига опчиқаман-да, сўйиб ташлайман! Кейин Бибихон сендан яхши димлама ясайди!

— Мени нимага опкелдингиз? Ҳеч кимга ёмонлигим йўқ, ўлай агар. Қўйиб юборсангиз, ҳеч кимга ҳеч нима демайман. Балки, уйимгачаям етиб боролмасман. Беш кунлиқ йўл дедингиз-ку, яна бўрилар кўп экан...

— Ўша бўриларнинг энг каттаси менман. Ҳе, ўзим биринчи бўп ейман. Мендан ортсанг, бошқа бўрилар ейди, тушундингми?! Бу ёққа опкелганимга келсак, сени ўзимга хотин қип олмоқчиман.

— Ни-ма?! — деди товонигача титроқ босган Паризод.

— Ҳа, нима бўпти? Мендан зўр эр чиқади. Бировдан кўрқмайман. Ҳаммадан зўрман. Бунинг устига сени шу атрофнинг маликаси қип қўяман. Билсанг, мен жудаям бойман. Бойлигимни бир жойга тўпласам, мана шу гор кичкиналик қип қолади, — деди Ўктам ва ҳовуз бўйига тўшалган гилам устига ўтириб, оёғидагини алмаштирди.

Сўнг Паризодга ўқрайиб қаради-да:

— Ёнимга ўтир, ҳозир мулла никоҳ ўқиб қўяди, — деди.

* * *

Ишқални обдан дўппослашди. Яна ким денг, керак бўлса, оёғини ялашга тайёр бўлганлар уришди. Унчамунча эмас, шунақанги тепкилашдики, тишлари тўкилиб, жигари эзилди. «Энди бўлди, одам бўлмайман, шу ҳолда ўлиб кетаман» деб ўйлаганди. Бироқ кутилмаганда калтаклашни тўхтатишди. «Бас қилинглар, бундан бу ёғига бу ит шундай майиб бўлиб яшашга маҳқум. Ўлдирсанглар, осонгина қутулади», деди кимдир. Дамир — Ишқал ҳали ҳушидан кетмаганди. Овоз эгасини дарров таниди ва турмадан қочган лаҳзалари хаёлига келди. Аслида, қочиш тўғрисидаги фикр ундан чиқмаганди. Чўтир — Саттор топиб келди. «Акажон, қутулишга йўл топилди», деди. Чўтир Дамирнинг энг ишончли одамларидан бири эди. Айнан у кўча ишлари билан шуғулланарди. Турма ташқарисидагилар нималар билан машғул, ким қаерга боряпти, ким кимни туширган ва ҳоказолар ҳақида хабар топиш, Дамирга етказиш ишлари Чўтирнинг зиммасида эди. У оқизмай-томизмай маълумот етказарди. Дамир унга «Сен ёзув лентасисан, ҳамма нарсани ёзасан, лекин ўзингдан ҳеч бало кўшмайсан», дерди. Бундай олиб қараганда, ана шу ошқовоқ калла кутилмаганда бирдан «Қочай-

лик» деб қолди. Яна шундай осон йўли борлигини, оғзи кўпириб, кўзлари чақнаб, қизариб-бўзариб қувонч билан айтдики, Дамир шу заҳоти ўзини ташқарида тасаввур қилди.

Хушидан кетиш арафасида бўлган Дамир лабини тишлади. Эътиборсизлиги, илгаригидай ҳар томонлама ўйламагани учун ўзини ўзи яниди: «Нега қовоқ калла Чўтирдан шубҳаланмадим? Нега бирдан ишониб қолдим? Турмадан қочиш жуда қийин, лекин биз қочдик. Осонгина, Чўтир айтганидай... Ҳовли ўртасидаги тиканли симлар орасида одам бемалол сиғса бўладиган жойлар бор экан. Бу турмада пайдо бўлганидан бери озмунча маҳбус келиб кетдимми? Наҳотки уларнинг биронтасининг ҳам калласига қочиш фикри келмаган бўлса?.. Келган, ўлибдими келмай? Лекин ҳеч қайсиси қочолмаган. Чунки ўша ҳовлидаги қатор-қатор тиканли симлар орасида одам сиғадиган тешикча борлигини кўришмаган. Кўришмаган-а! — Дамир алам билан лабини янада қаттиқроқ тишлади: — Шубҳалар тиқилиб ётувди. Нега шубҳаланмадим? Нега? Ахир Чўтир сотқин экан-ку. Уни сотиб олишган. Кейин ҳамма нарсани режалаштиришган ва мен лаққа тушганман. Эҳ, ўзимни кечиролмайман».

У хушидан кетди. Тепасида турганлардан биттаси бўйин томирига бармоғини босиб кўрди. Сўнг қаддини ростлаб, ёнида турган жандармга:

— Ўлгани йўқ. Даволаш керак, — деди.

Жандарм шошилмасдан чўнтагидан сигарета олиб, лабига қистирди-да, тутатди. Кейин икки қадам наридаги ниҳоятда қилтириқ, пастгина бўйли маҳбусга:

— Ярамас, нега урдинг?! — деди пўписа билан.

— Келишмай қолдик, овқатимни еб қўйди-да, — дея жавоб берди иржайиб қилтириқ маҳбус.

— Бўйнингга яна икки йил илинади.

— Бош устига. Менга бу ер уйимдай бўп қолган.

Жандарм маҳбуслар хонасидан чиқиб кетди. Ник ортида турган иккита соқчи йигитга:

— Жанжал бўпти, беҳабар қопсизлар, ҳайвонлар. Қочоқни майиб қип қўйишибди, дарров «Тез ёрдам» чақиринглар! — дея пўписа қилди.

Бу жандарм тутқунхонанинг иккинчи каттаси эди.

Ҳамма ундан бирдай қўрқарди. Айтишларига қараганда, унинг қўли жудаям узун экан. Бироқ у ҳеч қачон биринчи раҳбар бўлмаган. Фақат иккинчи. Аммо обрўси биринчиникидан анча баланд. Шу боис тутқунхонанинг чумчуғи ҳам у билан ҳисоблашади.

Жандарм хонасига киргач, ўзини юмшоқ креслога ташлади-да:

— Уфф! — деди ва чўнтагидан ғижимланган дастрўмолини олиб, пешонасидаги терни артди-да, телефон гўшагини қўлига олди.

Шошилмасдан рақам терди.

— Алло, — деди нариги гўшак кўтарилганидан сўнг, — нима бўлди?

— Етиб борибди, ҳаммаси жойида. Эртадан ишга киришади.

— Ўринбосар келмади-ку.

— Номига бўлсаям, суриштирув ўтказаяпмиз. Бир-икки кун ичида исм-фамилиясини ўзгартириб жўнатаман. Аввал Парда бўлган бўлса, бундан бу ёғига Саттор бўп юради-да.

— Келсин, қисталоқни чўтир қип қўяман. Менга қара, шов-шув босилиб қолдими?

— Падарингга лаънати, раиснинг қизини олиб кетиб қолган, шуниси сал чатоқроқ бўп қолди-да.

— Каламушга совға обораин, дегандир-да.

— Ҳа-а, шундай.

— Бўпти, тезроқ ишни ҳал қилинглар, бу ёғи шимолдан комиссия келади, деган гап юриб қолди. Уларниям жойини соламиз-у, лекин ҳарна камчилик бўлмагани маъқул-да.

— Конга наряд бердик ўттизта. Ҳозирча шуларнинг орасига тиқиб юборинг.

— Бўпти, у ёғини ўзим биламан, — деб жандарм гўшакни қўйди ва столининг остидаги тугмачани босди.

Навбатчи сержант кирди. Жандарм қовоғини осилтириб:

— Ўттиз учинчидагини бу ёққа олиб кел, — деди.

Сержант буйруқни бажариш учун чиқиб кетгач, ўрнидан турди-да, керишиб олиб озгина жисмоний машқ қилган бўлди. Кейин сейфини очиб, бир шиша коньяк би-

лан шоколад олиб стол устига қўйди. Стаканни коньякка тўлдириб, шишани қайтиб жойига қўйди ва иштаҳа билан оч қизил суюқликни афти бужмаймасдан ичиб юбориб, газлагига шоколад еди. Сўнг чап қўли кафтига ўн қўлини мушт қилиб урди-да, «Бу ёғи зўр бўлади», дея шивирлаб қўйди ва ўз гапидан руҳланиб, яна бир стакан коньяк ичди.

У қайтиб оромкурсисига ўтирганида лабида сигарета бор эди. «Родопи» фильтри узунидан. У шунақасини чекарди. Ҳар ҳафтада нақ Москвадан унинг учун махсус келтириб беришарди. Ўзиям бир пайтлари Москвага борганида ишқибоз бўлиб қолган-да. Кейин одамларига: «Менга шу сигаретадан етказиб турасизлар, яна узилиб қолмасин», деди ва шундан бери думи узунидан чекади.

Эшик тақиллади. Сўнг очилди. Қўлини орқага қилганча маҳбус кириб келди. Унинг бўйи бир ярим метрча келарди. Бошида бир туки йўқ, қўзи олайган, қошлари бароқ эди. Яна шунақанги озғин эдики, кўрган одам бунда тери билан суякдан бошқа ҳеч нима бўлмаса керак, деб ўйларди.

Жандарм, дарвоқе, унинг исми Толдибек эди. Аристонлардан тортиб хизматчилар-у тиббий вакилларгача «Толди ака» деб чақириварди. Елкасидаги юлдузларга қараб ёки отасининг исми билан бирга мурожаат қиладиган одамни у жинидан баттар ёмон кўрарди. Шу боис ҳеч ким бундай демасди.

— Кал, келдингми? — дея иршайди жандарм сержант чиқиб кетгач маҳбусга.

— Буйруғингиз бош устига, хўжайин, — дея маҳбус ҳам иржайди.

— Ўтир. Коньяк ичасанми?

— Сизники табаррук, кўзга суртиб ютамиз.

— Тулкисан, кал, тулкисан.

— Ўрганияпмиз.

— Кимдан, менданми? Ҳе, сенинг олдинда мен ип эшолмайман. Бўйингга қара. Бекорга «Яримта» дейишмайди-да. Лекин шу ҳолингга қанча жойларни измингда ушлаб турасан.

У гапира туриб, асли исми Нўғай бўлган, бироқ аллақачон бу исми унутилиб, унинг ўрнини «Яримта» эгалла-

ган маҳбусга стакан тўла коньяк узатди. Нўғай бир кўтаришда суюқликнинг ҳаммасини ичиб юборди. Сўнг кал бошини икки марта силади-да, кафтини ҳидлаб қўйди.

— Мен томондан ҳаммаси силлиққина кечди. Бу ёғи сенинг бўйнингда, — деб жандарм унинг кўзига тикилди.

— Хабарим бор. Ҳозирча қизилидан...

— Қизилини пишириб е, — дея бирдан унинг гапини бўлди Толдибек, — сариғидан опкеласан. Сариғидан!

— Сариғи?.. Сариғи отлиққа йўғ-у, — дея норози бўлди Нўғай.

— Мен, сенингча, эшаклиманми? Айтганимни қиласан, тушундингми?! — дея пўписага ўтди жандарм.

— Илож қанча? Тишимиз орасида сақлаб юрганимиз бориди, шундан ҳам воз кечарканмиз-да.

— Салмоғини ўзим текшираман.

Нўғай ўқрайди ва секин ўрнидан турди-да:

— Бизда ҳаммаси тоза бўлади, қаерга оборишсин? — дея сўради.

— Айтаман. Ҳа-а, Чўтирингнинг ўрнига бошқаси келади. Уни ўзинг чўтир қилиб оласан.

* * *

Маъруфнинг тинка-мадори қуриб кетди. Асфальт йўл чўпон Абдусаттор айтганидай ҳув анови ерда эмас, анча олис экан. Бунинг устига, унга етгунича бирор ерда гиёҳ учратмади. Бу ёғи қуёш шунақанги қиздиргандан-қиздирдики, сал бўлмаса, боши айланиб йиқилиб тушаёзди. Яна ростини айтганда, у бир неча марта қароридан қайтмоқчи ҳам бўлди. Бироқ сўнгги лаҳзада қизнинг нигоҳини кўз олдига келтиргач, яна олға юришга ўзида куч топди. Ниҳоят, кун ботар маҳали ўша асфальт йўлга етди. «Бу ёғи унчалик узоқмасдир, тезроқ юрсам, ўша етим тоғига етиб оларман» деган хаёлда у янада қадамини тезлатди. Аммо юлдузлар пайдо бўлиб, қоронғи туша бошлагач, юришдан тўхтади. Оёқларида бутунлай дармон қолмаган эди. Ўтирди. Бироз нафасини ростлади. Сўнг Абдусаттор чўпон бериб юборган мешкобдан тўйиб сув ичди. «Бу аҳволда етолмайман, шекилли. Чўпонлардан бирорта от сўрасам бўларкан. Йўқ, беришмасди. Ўзи бор-йўғи учтагина от бор экан. Қўйлари бўлса, тикилиб ётибди.

От бўлмаса, уларни бошқариб бўлмайди. Уфф!..» дея хаёлидан ўтказиб, ўрнидан турди. Аммо юришга мадори етмади. Шу боис яна ўтириб олди.

Орадан тахминан уч соатча ўтди. Унинг ўтиришга-да кучи етмай, ётиб олди. Аста-секин салқин тушиб, эти жунжика бошлади. У ётган жойида қунишди. «Ухлашим керак, ухлашим... Шунда тез вақт ўтади. Тез тонг отади, кейин ўрнимдан тураман-у, югуриб кетаман. Қуёш чиққунча югурсам, анча йўл босиб қўяман» дея хаёлидан ўтказиб, кўзини чирт юмди. Шу пайт қулоғига қандайдир овоз эшитилди. «Қишлоқ яқинмикан?.. Йўқ, яқин эмас, яқин бўлганида боя чироқларни кўрардим. Шу чўпонларнинг итлари...» У ўйини охирлатмасдан яна «ак» деган овозни эшитди. Беихтиёр кўзи очилиб кетди ва секин ўрнидан туриб, ён-атрофга аланглади. Ҳеч нима кўринмади. Бироқ орқа томонда яна нимадир акиллади. «Падарингга лаънати, нима экан бу?» дея ўйлаган Маъруф ўрнидан туриб, ортига ўгирилиб қаради-ю, қотиб қолди. Ўзидан бор-йўғи етти-саккиз қадам нарида бир тўда кўзи ёниб турган ваҳшийларга кўзи тушди. Шоқоллар. Чўлда улар кўп бўлади. Одамни ёлғиз учратишса, тамом, бирданига ёпирилиб, ғажиб ташлайди. Улар оловдан кўрқишади. Кейин милтиқ овозидан. Маъруф бу гапларни қаердадир, кимдандир эшитганди.

— Бўлди, етиб келдим, шекилли. Абдусаттор берган чўпон таёқ билан ҳеч нарса қилолмайман. Эсиз, ҳеч бўлмаганда, гугуртим бўлгандаям, майлийди. Кўйлагимни ёқардим, — дея пичирлади у ва чўпон таёқни маҳкамроқ ушлади.

* * *

Наргиза энасидан келгувчилар совчилар эканини, Элёрга уни сўраб келишганини билгач, аъзойи бадани титраб кетди.

— Отам нима деди?! — ҳаяжонланганча энасига термилди.

— Тузукроқ гап айтмади. «Маслаҳатлашиб, кейин жавобини айтаман», деди.

Аёл кўзини олиб қочиб сўзлади. Наргиза шундан билдики, отаси рўйхушлик берган. Фақат бирдан рози бўлишни ўзига эп кўрмаган. «Наҳотки мен шу турқи совуққа

турмушга чиқсам? Йўқ, ҳеч қачон. Ўлсам ўламанки, тегмайман у итга» дея ўйлаган қиз бирдан онасининг кўлини ушлади.

— Эна, гапингизга қараганда, отам рози бўлган. Биласиз, отам сиз билан ҳам, мен билан ҳам маслаҳатлашмайди. Доим билганини қилади. Лекин, эна, билиб қўйинг, агар отам мени Элёр эшакка берадиган бўлса, ўзимни ўлдираман! — деди титраб.

— Ундай деб мени кўрқитма, қизим. Ўзинг яхши биласан, юрагимни олдириб қўйганман. Отанг... Отанг тоза калласини еб қўймагандир. Боласини бировга беришдан олдин сал у ёқ-бу ёқни ўйлаб кўрар. Биринчи келган совчига бериб юборавермас, — дея аёл секин қизини кучоқлади.

Унинг кўзидан икки томчи ёш думалаб, Наргизанинг елкасига тушди.

— Эна, барибир, олдиндан айтяпман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен қандай қилиб итимдан баттар ёмон кўрадиган одамга эрга тегаман? Кейин...

— Нима, кейин? — дея аёл қизини қўйиб юбориб, унинг юзига қаради.

Наргиза беихтиёр бошини эгди. «Айтсамми-айтмасамми?» деган хаёлда сўзлаёлмай туриб қолди.

— Қизим, сезиб юрибман, сенинг кўнглинг Маъруфда.

Наргиза ялт этиб энасига қаради. Кўзлари чарақлаб кетди. Кўнглида қандайдир умид учқунлари пайдо бўлди. «Қайғурма, барибир, сени севганингга бераман», деган гапни кутди. Аммо энаси бутунлай бошқа гапни айтди:

— Аммо улар билан борди-келдимиз йўқ. Шунга бошқа бировга кўнгли қўйганинг яхшимиди, дейман-да.

Қизнинг кўзида ёш пайдо бўлди ва у бирдан ортига бурилди-да, югурганча хонасига кириб кетди. Шу бўйи икки соатдан зиёдроқ чиқмади. Аввалига роса йиғлади. Кейин шундай ўйлади: «Бугун ҳаммасига нуқта қўяман. Шартта Маъруф акамнинг ёнига бориб, «Мени бугуноқ узоқларга олиб кетинг. Бугундан бошлаб сизникиман. Никоҳлаб олсангиз, бўлди, кейин тўй қиласизми-йўқми, ишим йўқ. Ҳаммасига розиман», дейман. Мабодо кўнмайдиган бўлса, шартта энаси билан отасига кўнглимда борини айтаман. Барибир, улар — яхши одамлар, кўкра-

гимдан итаришмайди. Қолаверса, Маҳлиё ҳам мен томонда...»

Қиз ўрнидан турди-ю, ташқарига чиқди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Кун ҳам анча исиб қолган. «Маъруф акамнинг отаси пахта суғоргани кетиб қолган бўлса-чи, — ўйлади қиз ва шу заҳоти ўз ўйини инкор этди. — Ҳализамон йиғим-терим бошланаман деб турган бўлса, бундай пайтда пахтани суғоришмайди. Демак, уйда бўлади».

У илдам юриб қўшнисиникига ўтди. Бахтига Маҳлиё ҳовлисида бир нималар қилиб юрган экан.

— Моҳи! — деди Наргиза юришдан тўхтамай.

Маҳлиё у томонга юзланди. Оралиқ яқин эди. Шу боис Наргиза дугонасининг юзидаги табассумни бемалол кўрди. Негадир бирдан хўрлиги келиб, Маҳлиёни қучоқлаганча йиғлашни истади.

— Наргиз, бормисан, нега йўқолиб кетдинг? — деди Маҳлиё яқинлашиб келаётган дугонасига ва шу заҳоти унинг юзидаги қайғуни кўриб: — Нима бўлди сенга? — дея сўради дарров жиддий тортиб.

Наргиза йиғлаб юбормаслик учун лабини тишлади ва келиб, Маҳлиёнинг қўлини маҳкам ушлади.

— Нима бўлди? — сўради яна Маҳлиё пичирлаб.

Наргиза жавоб беришдан олдин чуқур нафас олди, сўнг:

— Маъруф акам уйдами? — деб сўради.

— Йўқ, қаергадир чиқиб кетди, — жавоб берди Маҳлиё.

Наргиза тагин хўрсинди.

— Гапирсанг-чи, тинчликми? — дея тоқатсизланди Маҳлиё.

— Юр, бирон жойда ўтирайлик, — деб Наргиза кўзининг намини артди.

— Гапиравер, ҳеч ким йўқ. Нимага бундай юрибсан ўзи?

Наргиза ён-атрофига қаради. Сўнг секин сўз бошлади. Кеча тундаги воқеалар ва бугунги совчилар ҳақида бир кўзидан ёш оқизиб, бир жиддийлашиб гапириб берди. Маҳлиё унинг бирорта ҳам сўзини бўлмади. Жон қулоғи билан ҳаммасини эшитди. Охири дугонаси қарорини айтётганида, бирдан кўзи каттариб кетди.

— Нималар деяпсан? Акам ҳеч қачон бундай қилолмайди. Отанг билан жанжаллашсаям, сени олади. Лекин бирон жойга опқочиб кетиб, сени хотин қилишни истамаса керак. Кейин бунга отам билан энам ҳам йўл қўймайди, — деди.

Шу заҳоти Наргиза кафлари билан юзини бекитиб йиғлаб юборди-да, турган жойига ўтириб олди.

— Сен менга дугоналик қилмаяпсан. Ўзинг «Сендан бошқа ҳеч кимни янга қилмайман», девдинг. Энди бўлса, оғир аҳволимда ўзингни тортяпсан. Ҳаммаси номига бўлган экан-да, номига зерикмаслик учун шундай деб юрган экансан-да, — деди.

— Жинни, нималар деяпсан? Мен сенга ёмонликни раво кўрармидим? Худо хоҳласа, айтганимдай бўлади. Лекин қароринг бутунлай нотўғри. Кейин отангнинг феълиниям биламан, сениям, акамниям кечирмайдиганлардан. Акамни қаматиб юборади.

— Қаматолмайди. Қаматадиган бўлса, мен ўзимни ўлдираман. Майли, отангга ҳеч нима демайман, лекин энанг билан гаплашиб олайин. Энанг ҳамма нарсани тушунадик-ку. Кейин ўзимнинг энамниям айтиб келаман. Бирга-лашиб маслаҳатлашиб, бирон нима қиламиз. Шунда... балки, Маъруф акам икковимизнинг айбимиз камаярмиди?

— Йўқ, шошма, бошқача йўл тутамиз. Элёр отангни уйларингга олиб келганида, секин чиқиб, мен у билан гаплашаман. Тегажоелик қилишга мажбур қиламан. Ана шу пайт сен келиб қоласан-да, жанжал кўтарасан. Қараб-санки, отанг унга жавоб бериб юборади. Керак бўлса-чи, шофёрликдан ҳам ҳайдайди.

— Шундай қилсак бўлармикан?

— Нега бўлмас экан? Иш битганидан кейин секин акамни ўртага оламиз.

— Бўпти, — деди Наргиза ва кўз ёшларини артиб ташлади-да, ўрнидан турди.

* * *

«Сенга никоҳлангандан кўра, бошимни тошга уриб, ёрганим минг марта афзал» хаёлидан ўтказди Паризод ва нафрат билан Ўктамга тикилди.

Шу заҳоти Ўктамнинг қўллари мушт бўлиб тугилди.

Қўзи олайиб, жаҳл отига минди-да, қизни урмоқ учун энди қўлини кўтарган эди ҳамки, кўзи аста-секин очилаётган форнинг эшигига тушди.

— Омадинг бор экан. Фажиб ташлардим ҳозир, — деди у ва чирт этказиб ерга тупурди-да, Хонбибига юзланиб: — манавини хонага опкир, — дея ўзи эшик ёнига борди.

Хонбиби Паризоднинг тирсагидан ушлади. Қизнинг эти жимирлаб кетди. Чунки у мурдасифат аёлнинг қўли муздай бўлишини мутлақо кутмаган эди.

— Юр, ўзим сени бир нималар билан яхшилаб сийлайман.

«Ҳозир ҳужрангга кирайлик, сени бўғиб ўлдираман, ялмоғиз кампир» кўнглидан ўтказди Паризод.

Улар ичкарига киришгач, фор соҳибаси Паризодни тўрға ўтказди-да, ҳиринглаб кулди. Бир қўлини белига қўйиб энгашди-да, эшик ёнидаги қандайдир тугунни оча бошлади. Паризод дарров ён-атрофга кўз ташлади.

Бу ер анча кўримлироқ эди. Оёқ остига икки қават кип-қизил гилам тўшалган, шифтга иккита мой чироқ осилган, деворларга ҳар хил кашталар илинган эди.

— Эркаклар ўзлари билан ўзлари овора бўлишади. Сен билан бўлсам маза қилиб чилим чекамиз, — деди кампир хирилдоқ овозда.

— Мен умримда унақанги нарса чекмаганман, лекин кўп эшитганман. Кейин телевизордаям кўрганман, чекиш қийинмасми?

Кампир қиздан бунақанги гапни кутмаган эди. «Бу қайсарни кўндириб олишим қийин бўлса керак» деб ўйлаганди. Аммо кутилмаганда қиз мулойим тортиб қолди. Шуниси уни ажаблантирди.

— Ўргатаман. Ҳамма нарсани ўргатаман. Им-м, маза, — деб Хонбиби деворда осиглиқ турган пичоқни олди.

Паризод ҳужрани кўздан кечираётганида, қинга солиб, деворга осиб қўйилган ханжарни кўрмаган эди. Чунки ғалати нақшлари бор кашта унинг диққатини кўпроқ тортганди. «Ана йўл. Кампирнинг қўлидаги пичоқни тортиб оламан-да, бўғизлайман. Кейин ихтиёримни анави итга топширган киши бўлиб, ёнига бораман-да, қорнини ёраман» дея ўйлади.

Шу пайт бирдан унинг хаёлига «Мен одам ўлдираман-

ми?» деган ўй келди. Қўрқиб кетди. Бироз орқага тисарилди. Кампир иржайди. Ўйладики, «Мендан ҳайиқди. Бундан чиқди, ҳурмат қилади. Нима десам, бошини эгиб, итоат этади».

— Манавининг ичидагини биргалашиб чекамиз, — деди Хонбиби ханжарни қинига солиб қўйганидан кейин қўлидаги муштукни кўрсатиб. — Бутун танангни яйратиб юборади. Худди жаннатга тушиб қолгандай бўласан.

— Лекин менинг ҳали ўлгим келгани йўқ. Ўлган жаннатга тушади-да, — эътироз билдирди Паризод.

— Ҳе-ҳе-ҳе, ўлгиси келмаганимиш. Кимнинг ўлгиси келаркан? Менингми? Ҳеч қачон! Шундай маишат жойни ташлаб кетиб, аҳмоқ бўлганим йўқ.

У гугурт чақиб, муштукни тумшуғига тутди. Бирпасда муштук тутади. Хонбиби томоқ томирлари бўртиб, чираниб, ўпкаси тўлгунча тутун ютди. Сўнг муштукни Паризодга узатаркан:

— Ма, сен ҳам худди мендай торт, — деди.

Қиз жирканч бир нимани ушлаётгандай ирганиб, муштукни қўлига олди.

— Қўрқма, бу шундай яхши нарсаси, бир марта тутунини ичга ютиб кўрсанг, жонингнинг роҳати бўлиб қолади. Бемалол тортавер. Фақат менга ўхшаб чуқур-чуқур торт, кейин ичингда озгина сақлаб тур, бўптими? Қани, бўл.

Паризод муштукни секин лабига яқинлаштирди. «Мутасил қорадори истеъмол қилиб юрганидан у бутунлай эс-хушини йўқотди ва натижада пул бермагани сабабли отасига ҳамла қилди. Оғир жароҳатлади. Ота шўрлик вақтида тез ёрдам кўрсатилмаганидан касалхонада жон таслим қилди». Қиз газетадан ўқиган мана шу парча анча вақтгача эсидан чиқмай юрди. У кўкнорини кўп кўрганди. Ҳамқишлоқларидан баъзилари томорқасига экишарди. Мойини олишганидан кейин поясини бир жойга тўплаб, ёқиб юборишарди. Қиз «Фақат мойи олинган бўлса, мойни қандай чекишаркан?» деб анча вақт ўйланиб юрди ва орадан бир қанча муддат ўтиб, телевизорда нашавандлар ҳақидаги кўрсатувни кўриб қолди. Маълум бўлишича, чекиладиган наша бутунлай бошқача бўларкан. Қишлоқдошлари уни бангидевона деб аташар экан.

«Мен ҳам бир куни эсимни йўқотар даражада телба бўлиб қоламан. Кейин отамга, аямга ташланаман. «Менга пул беринглар, наша топинглар!» деб жанжал кўтараман. Менга ҳеч ким уйланмайди. Лекин мана шунақа нашани чектириб қўйиб, билган ишларини қилишади» ўйлади Паризод ва қўлидаги муштукни отиб юборди. Шу заҳоти Хонбибининг кўзи олайди.

— Нима қилдинг, ифлос?! — деди у овозини баландлатиб.

Ана шу маҳал Паризоднинг бирдан жини кўзиди ва ўйлаб ўтирмай, ўзини Хонбибининг устига ташлади. Хонбиби зўрға жуссасини кўтариб юрарди. Куч деган аломат нарса уни тарк этганига анча бўлган. Нашага ўргангандан бери қуввати йўқолган. Аслида, унинг мурдашўй бўлиб қолганига зах, қоронғи жой эмас, балки тотинмасдан уззукун наша чеккани сабаб эди. Шу боис қизнинг гавдаси устига тушиши билан Хонбиби ерга қапишди-қолди.

— Ҳали сен жодугар кампир мени «ифлос» дейдиган бўлдингми?! — бақирди Паризод остидаги Хонбибини бўғишга уришиб.

Шовқин шу заҳоти Ўқтамга етиб борди. У сўзлашдан тўхтади. Қулоғини динг қилди. Сўнг илжайди-да:

— Икки хотинни бир жойга қўйиб бўлмаскан, — деди ҳамсухбатига ва ўрнидан туриб, секин ҳужра эшигини очди. Қараса, Хонбибининг куни битиб турибди.

— Қўйвор! — бақирди у қизга.

Бироқ унинг гапини Паризод эшитмади. Остидаги аёлнинг кўзи олайгани сайин кучига куч қўшилиб, баттар бўға бошлади.

— Қўйвор, дедим! — яна бақирди Ўқтам.

Паризод чўчиб тушди. Бирдан овоз эгасига қаради, аммо қўлини, ҳақиқатан ҳам, одамлар тасавуридаги (айниқса, ёш болалар) ялмоғиз кампир — Хонбибининг томоғидан олмади. Улкан ҳайрат ва тушуниксизлик касб этганди унинг нигоҳи. Бу одам нима қилиб турибди бу ерда? Одамга ўхшаб ўлдиришгаям қўйишмайди? Бу кампирнинг кимга кераги бор? Яшади нима-ю, яшамади нима?

— Ўзи ўликка ўхшайди. Кўрган одам кўрқади. Босиб олувдим, типирчилашгаям холи бўлмапти, ўлдириб қўя

қолайин, — деди бир муддатли жимликдан сўнг Паризод.

Ўктам кулиб юборди:

— Гапларинг тўғри, пойинтар-сойинтар бўлсаям. Лекин ҳозирча менга керак. Ўлдириладиган вақти келади. Шунда сенга айтаман, хоҳлаганингдай қилиб бўғизлайсан. Ҳозир қўйиб юбор, — деди у.

Паризод ўзини мажбурлаб, азбаройи бирдан жиддийлашган Ўктамнинг юзи ва ёнаётган кўзидан кўрққани боис қўлини бўшатди. Бўлмаса, шундай ўлдиргиси келгандики, асти қўяверасиз. Худди азалдан ўнлаб одамнинг ёстигини қуритган жаллоднинг иштиёқи пайдо бўлганди унда. Шу пайтгача ҳаттоки Толмас Бадриддинович ҳам қизида кутилмаганда пайдо бўладиган фавқулодда куч борлигини сезмаган эди. Аммо келиб-келиб қиздаги бу хислатни Ўктам сизди. У қизни ўрага ташлаб, сўнг олиб чиқаётганида Паризоднинг қатъиятлилиги ва миясига келган гапни ҳеч тап тортмай айта олишини кўрганди. Мана, иккинчи марта худди шундай ҳолга гувоҳ бўлиб турибди. «Тарбияласа, бундан зўр муштумзўр шогирд чиқади. Яна хотин қилволсам, ҳақиқий эркак туғиб беради» ўйлади у ва шу заҳоти қизга нисбатан хурмати ошди. Шу боис Паризодни мақтаб юборишига оз қолди. Бироқ тилини тишлади.

— Бу ёққа юр, — деди бунинг ўрнига.

Паризод «Ҳозир мени урса, сўкса керак» деб ўйлаган эди. Ҳайрон бўлганча Ўктамга эргашди ва бутунлай бошқа бир одамни кўрди. У боягина Етим тоғ ёнига келган, рухсатсиз эшикни очган ва шу баҳонада Паризодни тарсакидан сақлаб қолган кимса эди. Бўйи икки метрча келадиган, бесўнақай гавдали, боши хумдай, кўзининг тагигача жун босган, бароқ қошли Мудар исмли бу одам қизни кўриши билан ўқрайди.

— Чўпон, инингда шундай соҳибжамол борлигини билдирмабсан-а? — деди у дағал овозда.

Ўктамнинг юзи бирдан қаҳрли тус олди:

— Ўзимники, бошқа гапирма! — деди.

— Ўзингникига бу ерда бало борми? Уйда ўтқазиб қўймайсанми? — дея кесатган бўлди Мудар.

— Ишинг бўлмасин. Гап бошқа ёққа бурилиб кетди.

Молнинг қолган қисми тўғрисида гаплашаётгандик, — деб Ўктам ҳовузча бўйидаги кўрпачага ўтирди.

— Эртага келади, дедим-ку, — дея бурнини тортиб қўйди Мудар ва Паризодга тикилиб тураверди.

— Хўкиз, ҳозир кўзингни ўйиб оламан! Сенга бу қиз меники, дедим-ку! — деди Ўктам бақриб.

— Қараган билан бир жойи камайиб қоладими? Бўпти, майли, жа номард эмасман. Лекин шунингни шу ерга опкеб чатоқ қипсан. Аёл бор жойда ишқал бўлади. Қаердан топдинг буни?

— Сенга ҳисоб бермайман. Кимни қаерга оборишним ўзим ҳал қиламан. Молингнинг ярми масаласига келсак, қолганиниям опкеласан, ундан кейин пулни бераман.

— Ни-ма?! — бақриб юборди Мудар. — Эсинг жойидами?!

— Одатимга хиёнат қилмайман. У ёғи сени ўлдириб ташлаганларидаям бир туким ўзгармайди. Биламан, молнинг ҳаммаси қўлингда. Фақат бу ерга ярмини опкелгансан. Одатинг бўйича. Эсингдами, бурноғи йили товарни нақ уч ой бермай юргансан. Ўшанда ўзим сени қутқариб қолганман. Бўлмаса, нақ терингни шилиб олишарди. Бирикки йил одам бўп қолувдинг, энди яна ўйинингни бошляяпсан, — деди Ўктам.

Сўнг Паризодга юзланди:

— Сен нимага қаққайиб турибсан?

Паризод қошини чимирди:

— Ўзингиз шу ерга тикка қип қўйдингиз-ку. На «Ўтир», дейсиз, на «Чиқиб кет», дейсиз. Бир қарорингиз йўқ.

— Воҳ! Чўпон, қўлида чирпирак қилиб айлантиради-ганлар хилиданми, дейман! — дея иржайди Мудар.

— Шерники шер бўлади. Хўкизники — сигир, тушундингми? — деди Ўктам ва бурнини тортиб қўйди.

Мудар гезарди ва ортиқ Паризодга қарай олмай, Ўктамга юзланди. Бир сўккиси, бир хуморидан чиққиси келди, лекин сўколмади. Тилини тишлади, чунки унга иши тушиб турибди. Агар бу хумпарнинг яна озгина асабига ўйнаса борми, нақ балога қолади.

— Бўпти, қарасам, оймчангнинг олдида мени ерга тикадиган шаштинг бор. Ундан кўра, айтганингдай, иш-

дан гаплашайлик. Менга опкелганимча бер, қолганини кейин берасан, — деди Мудар.

— Ана энди ўзингга келдинг, — деб Ўктам қайрилиб Паризодга қаради-да: — Хонбибига айт, майда-чуйдаларни опчиқсин. Биз манави ярамас билан бир отамлашамиз... — дея қўли билан Мударни кўрсатди.

Паризод хужрага кирди. Қараса, Хонбиби ҳалигача чўзилиб ётибди. Ора-чора хириллаб қўяди. Паризод қанчалик жирканмасин, уни туртишга мажбур бўлди.

— Тур ўрнингдан, бўл тез! Хожангга майда-чуйдасини обориб бер! — деди.

Хонбиби, ҳақиқатан ҳам, ўрнидан турадиган аҳволда эмасди. Боя Паризод бўғаётганида бўйнини ёмон қайириб юборганди. Сал қолса, бўйни синиб, ўлиб қолаёзди. Энди у бўйин оғриғига амаллаб чидаб ётарди. Гарчи кайфи тарақ бўлсаям. Ахир у наша чекди-ку, ўпкасини тўлдириб-тўлдириб тутун ютди. Сархуш бўлади-да. Тўғри, қониқиш даражасида чекмаганди. Ўйловдики, Паризод ҳам тортиб-тортиб, муштукни қайтариб беради, деб. Бироқ қизи тушмагур муштукни отиб юборди. Бунисиям етмагандай, бўғди. Энди, мана, у кайфнинг минг биринчисини ололмай, бўйни оғриб ётибди.

— Эшитмадингми, мурда?! — овозини баландлатди Паризод.

— Бурчакдаги гиламчани кўтарсанг, остида кичкинагина ўрача бор. Ҳамма нарса шу ерда, обориб бер, — деди қимирлашга-да мадори йўқ Хонбиби.

— Мен обориб бераманми? Бошқа яна нимани тусайди кўнглинг? Тур ўрнингдан! Агар турмасанг, бўғиб ўлдираман!

Бир марта нафаси қайтиб, ўлишига сал қолган Хонбиби қайта шу ҳол такрорланишини истамай, инқилаб-синқилаб ўрнидан тура бошлади. Шу пайт эшик ортидан Ўктамнинг бақиргани эшитилди:

— Ўлиб қолдингларми, маразлар?!

Паризод чўчиб тушди. Хонбиби тезлашди, лекин қаддини, барибир, ростлаёлмади. Икки букилган кўйи девор ёнига борди. Гиламчани кўтарди. Чўк тушиб, ўрачадан сирли қизил тоғорани олиб, амаллаб турди-да, букчайиб қолган кампирдай юриб, хужрадан чиқиб кетди.

Паризод ҳужрадан ташқарида бемалол эшитилиб турган гап-сўзларга, қаҳ-қаҳларга мутлақо эътибор бермай, орқасини деворга тираб ўтирди-да, оёғини букиб, тиззасига иягини қўйганча қўллари билан оёғини қучиб, кўзини юмди. «Бундан бу ёғига тақдирим нима бўлади? Мен ҳам аста-секин манавиларга ўхшаб қоламанми? Қўпол, бефаросат, маишатбоз... Эй, Худо, қанчадан-қанча яхши режаларим бориди, биронтасиям қолмади-я? Нима қилай, дардимни кимга айтай? Эй-й, шошма, боя егуликларни ўзим оборсам бўларкан, озгина наша қўшардим. Ароқ билан наша аралашганидан кейин уларнинг кайфи баттар ошарди. Думалаб қолишарди. Кейин бемалол қочиб кетардим. Тўғри-да, бу ерда анави итнинг қўлида ному-симдан айрилиб, абгор бўлгандан кўра, чўлдаги бўриларга ем бўлганим минг марта афзал эмасми?..»

У ўйини охирлатмай туриб, яна Ўктамнинг овози эшитилди:

— Ҳув, ойимтилла, бу ёққа кел! — бақирди у.

Паризод бошини кўтарди, лекин ўрнидан турмади — қулоғини динг қилди.

— Сенга айтяпман!

— Қулоқсизга ўхшайди, бир нима қилмасангиз, бўлмайди.

Паризод Хонбибининг гапидан кейин тишини тишига босди. Жаҳл билан ўрнидан турди. Бориб ҳужра эшигини очиб:

— Мени чақиряпсизми? — деди.

— Манави гўрнинг ёнига келиб қолган кампир ойимтиллага ўхшайдими? — деб Ўктам аввал Хонбибини кўрсатди, сўнг Мударга юзланди: — Ёки буниси?

Паризод миқ этмади. Унга тикилганча тураверди.

— Сенинг ўрнингда бўлганимда, мен ҳам шундай қилардим. Ёшлигимда шунақа эдим. Кимки хафа қилса, еб қўйгудек тикилиб тураверардим. Лекин менга сенинг бу қилигинг ўтмайди. Ўтир менинг ёнимга, элликта ичасан.

— Ичмайман! — деди Паризод.

— Юз!

— Йўқ!

— Бир бутилка!

— Бекор айтибсиз!

— Иккита!

— Топинг!

Ўктам бирдан Хонбибига юзланди. У қизариб кетган, кўзи олайган, қўллари мушт бўлганди. Унинг вазоҳатидан кўрқиб кетган Хонбиби гавдасини сал орқага тортди.

— Опкел! — бақирди Ўктам.

— Хўжайин, ҳалиги... Тугаганди. Фақат дастурхондаги ярим шиша қолган... — деди Хонбиби титраб-қақшаб.

— Вой, итдан тарқаган! Шунга нега олдинроқ айтмадинг?!

У ўтирган жойида пиёлани Хонбибига улоқтирди. Мастиги панд берди — мўлжалдан адашди. Пиёла Хонбининг елкаси оша учиб, тошга тегиб, чил-чил синди.

— Ҳов! — деди ўрнидан туриб кетган Ўктам Паризодга ўдағайлаб. — Ярим бутилканинг бир кўтаришда ҳаммасини ичасан!

— Икки бутилкага келишганмиз! — жавоб берди унга Паризод.

— Вой, энангни эмгур! — деб Ўктам Паризоднинг қўлидан ушлаб, ўзига шунақанги қаттиқ тортдики, қиз шўрлик тўғри бориб унинг кучоғига кирди.

* * *

Шоқоллар аста-секин айланани қисқартира бошлашди. Маъруфнинг бутун танасини кўрқув эгаллаб олган, ҳамла аввал қайси томондан бўлишини билмай, ён-атрофига, орқа томонга тинимсиз қараб олаверарди. Охири у чидаёлмади. Ўзи биринчи ҳужумга ўтди. Чўпон таёғини ҳавода ўйнатиб:

— Ҳаммангни мажақлаб ташлайман! Ўлгинг келса, бу ёққа кел! Сичқончалар! — дея бақирганча югурди.

Худди шу маҳал ортидан яқинлашаётган шоқоллар ҳам чопишган эди. Улар Маъруф ҳали олдидаги шоқолларнинг бирортасини ҳам уролмай туриб (шоқоллар икки ёнга ёйилганча чекинган эди) етиб олишди. Бирйўла иккитаси унинг оёқларига ёпишди. Маъруф бирдан югуртишдан тўхтади, ҳар иккала шоқолни ҳам тепиб ташлади. Кейин навбатдагиларини чўпон таёғи билан ура кетди. «Ҳозир беш-олтитасининг бошини мажақласам, қолганлари кўрқиб, қочиб кетади» деб ўйлаганди у. Бироқ бундай бўлиб чиқмади. Худди ер ёрилган-у, шоқоллар

кўкариб чиқаётгандай эди. Маъруф бир жойда сира тўхтаб турмас, гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига югуриб, тўрт-бешталаб ташланаётган шоқолларни уриб-учириб юбораётганди. Аста-секин у ҳолдан тоя бошлади.

— Йўқол! — бақирди йигит. — Барибир, ҳаммангни пачақлаб ташлайман-а-а-н!

Шундан кейин яна у тўртта шоқолни ер тишлатди. Бироқ бешинчисини уришга улгурмади. У ортидан келиб сакраганча елкасига чиқиб олган ва тишини йигитнинг танасига ботирган эди. Маъруфнинг қўлидан чўпон таёқ тушиб кетди. У жон алфозда елкасидаги шоқолни бошидан ушлаб тортиб олди-да, орқасига улоқтирди. Шу пайт нимадир гумбурлаб кетди. Шоқоллар бирдан олди-орқаларига қарамай, қочиб қолишди. Тинка-мадори қуриган, роса терга ботган Маъруф елкасини ушлаганча секин ерга ўтирди. Яна милтиқ гумбурлади. Ўқ, афтидан, қайсидир шоқолга теккан, шекилли, чийиллаб қолди.

— Сал қолди! Худога шукур! — деди Маъруф ва қўлагининг тугмасини ечиб, оғриётган жойига қўлини босди.

— Тирикмисан?! У-у! — бақирди милтиқ отган одам.

Овоз эгасини Маъруф дарров таниди — Абдусаттор. Йиғлагиси келиб кетди ва алам билан лабини тишлади.

— Тирикман! Келмаганинда ўлардим! — жавоб берди у алам билан.

Абдусаттор унинг ёнигача от чоптириб келди ва бир сакраб отдан тушди-да:

— Ҳеч қаерингга ҳеч нима қимадимми?! — дея сўради ҳовлиқиб.

— Елкам... Биттаси, тишлади... Ёмон тишлади ит эмган!

— Хайрият, овозингни эшитиб қолдим! Бўлмаса, ўтиб кетарканман! — деб Абдусаттор энгашиди-да, унинг елкасига қўлини қўйди.

— Имм! Қўй-қўй, тегинма! Ўзи зўрға чидаб турибман! — деди оғриқ зўридан кўзини чирт юмиб олган Маъруф.

— Ҳозир, ҳозир тўғрилаб ташлаймиз, — деб Абдусаттор чўпон эгардаги хуржунни пастга туширди-да, унинг кўзини ковлаштира бошлади.

— Қаердан келиб қолдинг? — сўради ундан Маъруф.

— Омадинг бор экан. Кечга томон чўпонлардан битта-

си охирги пайтларда шоқоллар кўпайиб кетганини айтиб қолди. Бирдан хаёлимга сен келдинг. Отга миндим-у, қамчи босдим.

— Раҳмат сенга! Ҳақиқатан ҳам, келмаганингга ғажиб ташлашарди. Ярамаслар, жуда ёмон экан! Лекин бирор ўнтасини ўлдириб ташладим.

Абдусаттор Маъруфнинг кўйлагини ечди. Муздай эпкин йигитнинг терлаган кўксига урилиб, этини жунжиктириб юборди.

— Ҳамма ёгинг қон бўп кетибди. Тиши яхшигина ботганга ўхшайди, — деди Абдусаттор кўйлак билан Маъруфнинг баданини артаркан.

— Биттасини сезмай қопман. Орқамдан келиб ташланди-да. Нима сурдинг? Уҳ, ёмон ачитиб юборди!

— Ароқ. Тишининг захрини олади. Падарингга лаънатиларда ҳар хил касаллик бўлиши мумкин! Қонингга ўтмай туриб, куйдиради-да ароқ.

Абдусаттор ярани яхшилаб ювгач, хуржундан латга олиб, унинг устидан маҳкам боғлаб қўйди. Бунгача Маъруф унинг ароғини олиб, шишани оғзидан қулқуллади анчагина ичганди. Шу боис дарров боши айланди.

— Энди озроқ дамингни ол, кейин қайтиб кетамиз, — деди ишини битирган Абдусаттор чўнтагидан носқовоғини олиб, унинг ёнига ўтираркан.

— Ёйишга бирон ниманг борми? — сўради ундан Маъруф.

— Яхна гўшт бор. Ҳозир опкеламан.

Маъруфнинг қорни роса очқаб кетганди. У Абдусаттор чўпоннинг гапларига эътибор ҳам бермай, худди тезроқ емаса, озиғини биров тортиб оладигандай, яхна гўшtdан катта тишлаб, оғзини тўлдириб, шошилиб чайнар, орасирада чўпонга қараб қўярди. Айни чоғда кайфи ошиб борарди. Бирор ўн беш дақиқалардан кейин унинг қорни тўйди.

— Тўғрисини айтсам, — деди у лаб-лунжини артиб, — сенинг олдинда бир умрга қарздорман. Лекин ҳозир айтганингни қилолмайман. Нима бўлсаям, Паризодни топишим керак.

— Ўжарлик қилма. Яхшики, шоқолларга дуч келибсан, бўрилар бўлганида борми, сени қутқаришга улгурмас-

дим. Битта қизни деб, ўлиб кетардинг! — деди Маъруфнинг қайсарлигидан аччиқланган Абдусаттор.

— У ўлишга арзийдиган қиз.

— Ўлганингдан кейин у ёгининг кимга нима қизиғи бор? Шу қизинг сенинг излаб бу ёққа келиб, бўриларга ем бўлганингни билмай ҳам қолади.

— Бўриларга дуч келмадим-ку.

— Яранг газак олиши мумкин. Ана ундан кейин кўрасан азобни.

— Сенга раҳмат, Абдусаттор. Лекин, жўра, мен, барибир, қайтолмайман.

— Бўпти, унда бирга борамиз. Қизингни топишингни ўша Етим тоғдан кўргим келяпти.

— Қўйларинг-чи?

— Бошқа чўпонлар боқишади. Бир кунга ўлиб қолишмайди.

Маъруф секин пешонасини силади. Абдусатторга нисбатан меҳри икки ҳисса ошди. У секин чўпоннинг елкасига қўлини қўйиб:

— Раҳмат... — деди.

Улар тонг юлдузи пайдо бўлганидан кейин йўлга тушишди. Унгача хуржунга бошларини қўйиб ухлашди. Ҳамма ёқ ёришиб, куёш аста-секин кўтарила бошлаганда, узокда Етим тоғ кўринди.

* * *

Норкул ака тушдан кейин безовта бўла бошлади. Бир неча марта кўчага чиқиб келди. Ҳар сафар чиққанида қарийб йигирма дақиқа у ёқдан-бу ёққа кўз югуртирди. Ўткинчилар билан гаплашди. Ҳатто бир-иккитасидан ўғлини сўради. «Кўрмадик», дейишди улар. У уйига қайтди. Хотинига ичини ит тирнаётганини билдирмаслик мақсадида чой дамлаб келишни буюрди. Уч марта кетмакет чой дамлаганидан кейин Намуна опа ҳайрон бўлди:

— Отаси, сизга нима бўлди? Бир пиёла чой ичасизми-йўқми, ўрнингиздан туриб кетасиз. Кўчага бир чиқасизда, қайтиб келиб, яна чой дамлашни буюрасиз...

Норкул ака бошини қашлади. Сал бўлмаса, Маъруфдан хавотирланаётганини айтиб қўяй деди.

— Ҳар-ҳар замонда одам ўзини ўқитиб туриши керак. Ташвишлардан қутулганимизга кўп бўлгани йўқ. Мулла

айттириб...

Норкул ака бирдан ўрнидан туриб кетди. Намуна опа шу заҳоти сўзлашдан тўхтади. Эрига термилди.

— Ҳақ гапни айтдинг, хотин. Мен, бўлмаса, эшон бованикига бориб кела-йин. Маъруф кеп қолса, айт, уйда қимирламай ўтирсин, — деди Норкул ака ва яна кўчага чиқиб кетди.

У эшонникига бормади. Идора тарафга кетди. Ошнаси — Баҳром ака билан учрашишни, ундан Маъруфни сўрашни кўнглига тугди. Аммо ошнасини идорадан ҳам, трактор паркидан ҳам тополмай, лабораторияга борди. Уни илгари бир неча марта шу ердан топган. Айни баҳор палласи, ипак қуртини очириш пайти. Кейин... кейингиси эсида йўқ. Ҳозир ҳам тахминан борди. Чунки кўсак қурти деган бир махлуқсифат ҳашарот ҳозир шунақанги кўпайганки, уни йўқ қилишнинг биологик чорасини эртароқ кўрмаса, ҳосилнинг ярмидан кўпидан айрилиш ҳеч гап эмас. Айниқса, ҳозирги бошбошдоқлик пайтида.

Баҳром ака куйиб-пишиб дафтарига бир нималар ёзар, кейин пиллани очиб чиққан капалакларни диққат билан кузатар, алланималарни ҳисобларди. Норкул ака эшикдан кириб келиб, томоқ қирди. Баҳром ака бошини кўтариб, у томонга қаради. Мийиғида кулди. Қўли билан ишора қилиб «Келаверинг», деди.

Норкул аканинг кўнглидаги губор тарқагандай бўлди. Чуқур нафас олди. Ошнасининг ёнига келди. Кўришди. Ишга берилган жўрасидан ҳол-аҳвол сўради.

— Эй, жўра, — деб Баҳром ака қўлидаги дафтарни икки буклади-да, оппоқ халатининг чўнтагига солди. Сўнг пешонасини силади: — Мен сизга айтсам, бу йилгидай дабдала йил бўлмаган. Раис йўқ, ҳеч кимнинг колхоз билан иши бўлмапти. Бугун эрталаб ишга келаётсам, иккитаси қарийб ўнта молини пахтага боқиб ўтирибди. Куппа-кундуз куни. Яна айни йиғим-терим арафасида. Тўғриси, хафа бўлиб кетдим. Инсоф қолмабди. Биттаси шу идора бор жойдаги бригадирнинг ўғли. Эҳ-ҳ! Қўйинг шуларни. Маъруф қандай, тузалиб қолдими?

Норкул аканинг дами ичига тушиб кетди. Шу боис бир муддат гапиролмай турди. Сўроқ такрорлангач, «Яхши», деб қўйди. Сўнг «Шу яқин атрофдан ўтиб кета-

ётгандим, хабар олайн дедим», деб қўйди.

Улар яна бир муддат гаплашиб турдилар. Кейин Норкул ака кетишга изн сўради.

У йўлда кетиб бораркан, «Бўлди, бундан бу ёғига Маъруфни ўз ҳолига қўйишим керак. Ёш боламас. Мен унинг ёшида беш-олти кунлаб йўқ бўлиб кетардим. Отам номигагина уришиб қўярди. Маъруф бўлса институтни битирган. Қанча вақт шаҳарда бир ўзи юрди?..» дея кўнглидан ўтказди ва ҳеч нима бўлмагандай, уйига кириб борди. Уйда... Уйда хотиннинг аҳволи чатоқ. Йиғлаган. қовоғи шишган.

— Нима бўлди? Тинчликми? Худди эринг ўлгандай, қайғуриб ўтирибсан... — деб Норкул ака зўрға юзига табассум югуртирди.

Намуна опа баттар қовоғини осилтирди.

— Қаерларда юрибсиз? Кун кеч бўляпти, Маъруфдан эрталабдан бери дарак йўқ, — дея жавоб қайтарди Намуна опа йиғи аралаш.

— Маъруф ёш боламикидики, орқасидан юрсам. Иши чиқиб қолгандир, бошқа сабаби бордир, юргандир. Бундан ташқари, у айни уйланадиган ёшда. Бундай пайт болани сал эркинроқ қўйиш керак, кампир. Ундан кўра, бориб битта чой дамлаб кел, — деди-да, Норкул ака чорпояга чиқди.

Чўнтагидан носқовоғини олиб, тилининг тагига бир чимдим ташлади. Сўнг ёнбошлади. Ўзининг ёшлигини хотирлаб, кўзини юмиб ётди.

Маъруфнинг кечкурун ҳам келмагани уйдагиларни саросимага солиб қўйди. У бундан олдин Парда билан жанжаллашмаганида, ҳамма жойи кўкариб, мелисахонага тушмаганида, эҳтимол, ҳеч кимнинг иши бўлмасди.

Норкул ака ярим тунгача ухлаёлмади. Айни чоғда уйда Намуна опа ҳам мижжа қоқмаган эди. Улар шу зайлда Муҳайёнинг режасини бузиб қўйишди. Чунки у бугун Ҳайбатулло агрономни уйига олиб келиб қўйган Элёрнинг йўлини тўсиши ва Наргиза билан бирга унинг шармандасини чиқариши керак эди-да. Муҳайё акасининг келмаганидан ота-онаси каби хавотирда эди. Бироқ айни дамда Наргизага ёрдам беролмаётганидан безовталанаётганди. Шу боис у онаси билан отасига нисбатан ҳам

сергакроқ эди. Ахийри у чидолмади. Бунга машина товуши ва чироғи сабаб бўлди. У аввалига ўзидан бир қадам нарида юзини деворга буриб ухлаётган (у «Энам ухлаётган бўлса керак» деб ўйлаётганди) энасига қаради. Кейин секин сирғалиб кўрпадан чиқди ва жуда эҳтиёткорлик билан қадини ростлаб, оёқ учида эшик томонга юрди.

— Муҳайё, бир ўзинг чиқма, ҳозир сен билан бирга бораман.

Қизнинг юраги шув этиб кетди. Ҳозир онаси қаерга кетяпсан, деб сўраганида, нима деб жавоб қайтарарди? Шундай ҳаяжонланган пайтда миясига тузукроқ гап келармиди? Келмасди. Яхшики, энасининг ўзи вазиятдан чиқариб юборди.

— Сиз ётаверинг, эна, мен кўрқмайман, — деди у.

— Барибир, қоронғида бир ўзинг юрма, — деб Намуна опа ўрнидан турди.

Муҳайё уйга қайтиб кирмоқчи бўлганида қулоғига кимларнингдир бақиргани эшитилди. У бирдан ёнида турган энасига қаради:

— Сиз ҳам эшитдингизми? — деб сўради.

— Йўқ, нимани? — ҳайрон бўлди Намуна опа.

— Биров бақиргандай бўлдимми?

Шу заҳоти Намуна опанинг оёғи қалтираб кетди. Чунки Маъруф ҳали уйга келмаганди.

— Юр-чи, кўча томонни бир кўриб келайлик, — деди у бирдан.

Муҳайё учгудай бўлиб турганди. Шу боис дарров олдинга ўтиб, илдам юриб кетди.

— Қўйиб юбор, қўй, деяпман сенга! Қанақанги безбет боласан?!

Муҳайё билан энаси кўчага яқинлашишганда қулоқларига аввал шу гап эшитилди.

— Қиз болами? — пичирлаб сўради Намуна опа қизидан.

— Наргизанинг овозига ўхшайди.

— Наргиза?.. Шошма, тўхта.

Муҳайё тўхтади. Ўгирилиб, энасига қаради.

— Наргиза ярим кечаси нима қип юрибди?

— Мен қаердан билай, эна?

— Эҳ, юр, уйга қайт. Керак бўлса, энаси билан отаси

чиқсин. Уларнинг олдига бориб, бошимизга бир балони орттириб олмайлик.

— Наргиза дугонам-ку, эна.

— Нима қипти? Дугонанг бўлса, ярим оқшом кўчада пишириб қўйибдими унга?

— Бирорта иши бордирки, чиққан.

— Юр уйга. Лекин иккинчи марта шу қиз билан дугоначилик қилмайсан. Қозонга яқинлашсанг, қораси юқади. Ўзи уйга кеп кетишлари кўпам менга маъқул келмаётганди.

— Эна, дугонамнинг ёнига бормасам, бўлмайди.

— Бор! Сен ҳам битта шармандачиликни бошла. Отанг икковимиз ажалимиздан беш кун олдин гўрга кирайлик. Маъруфники камлик қип турувди, энди сен ҳам бошла!

Намуна опа ортиқ ўзини тутиб туролмай, бақириб юборди.

Шу пайт кўчадаги бақир-чақир ҳам бирдан тинди. Намуна опа қизининг қўлини ушлади. Уй томонга тортди.

— Қўйвор!

Дугонасининг йиғи овозидан Муҳайё титраб кетди.

* * *

Ўктам шу заҳоти қизнинг белидан қучоқлади. Унинг оғзидан чиққан ачимсиқ ҳид Паризоднинг юзига урилди. У афтини бужмайтирди-да:

— Одаммас экансиз! — деди.

— Нима? Нима дединг?! Ҳали мен одам бўлмай қопманми?! Вой, энангни эмгурнинг қизи! — деб Ўктам қизни қўйиб юборди ва унинг юзига шапалоқ тортди.

Паризод ўзи нозиккина эди. Бунинг устига, неча кундан бери на юришида, на туришида ҳаловат бор. Камига ейишининг ҳам тайини йўқ. Мана шулар боис анча кучсизланиб қолган. Кучи... Кучи Хонбибагагина етади, холос. Шунда ҳам ҳозир эмас. Ўзи, аслида, боя ҳам вужуди қаҳр-ғазабга тўлиб-тошмаганида, ғор бекасини бўғолмаган бўларди.

Йиқилган Паризод қўлларини мушт қилди.

— Сенинг ўрнингда бошқа бўлганида, тепиб-тепкилаб жонингни олган бўларди, — деди Хонбиби хирилдоқ овозда.

Ўктам жойига ўтирди, пиёлани ароққа тўлдирди ва

бир қўли билан ҳали-ҳануз ўрнидан қимирламаган Паризоднинг сочидан гижимлаб ушлаб ўзига тортди. Қиз шўрликнинг жони оғриб, ингради ва шу аснода йиғлаб юборди.

— Йиғламаганингда сенга бўлган ҳурматим янаям ошган бўларди. Лекин йиғлаб, бошқалардан фарқинг йўқлигини билдириб қўйдинг. Энди ичмасанг, дабдалангни чиқариб ташлайман!

Паризод унинг қўлига бир урди-да, ўрнидан туриб ўтирди ва дастурхондаги пиёлани қўлига олиб:

— Шун ичсам бўлдим? Шун ичмаганим учун менга кучингизни кўрсатаётганмидингиз? Мана! — деди ва ароқни худди сувдай ича бошлади.

Фор ичида бир зумлик сукунат пайдо бўлди. Паризоднинг ароқ ичаётганини ҳамма бирдек кузатаётган эди. Қиз пиёлада бир томчи ҳам қолдирмади.

— Вў-ў, даҳшатсан-ку! Сал кам эркакнинг ишини қип ташладинг-а! Бор экансан-ку. Ноз қилмай, шуни олдинроқ ичганингда, аччиқ шапалоқ емаган бўлардинг, — деди Ўктам иржайганча.

— Кўп гапирмай, гўштдан узатинг, — дея юзини буриштириб, лабини артди Паризод.

— Гап йўқ! Мана... мана, — деб Ўктам қўлини гўштга узатди.

Икки дақиқа, ҳа, Паризоднинг боши қизиб, маст бўлишига бор-йўғи шунчагина вақт етарли бўлди. У ўтирган жойида кўзини юмиб тебрана бошлади.

— Ана геройликнинг аҳволи, — дея иржайганча уни кўрсатди Мудар, — ўзим ҳам шундай бўлади деб ўйлагандим. Худди ўйлаганимдай бўлди.

— Ҳечқиси йўқ. Бир ҳисобдан шуниси тузук. Кирги-зиб ётқизиб ташлайман-да, ишимни қилавераман.

— Итликними? — деди Мудар Ўктамга айёрона боқиб.

— Мен номардмасман. Мастликдан фойдаланмайман. Ҳамма ишни ўзига келганидан кейин, ўз розилиги билан қиламан.

— Манави билан ҳам шундай қилганмидинг? — деб Мудар кўз қирини Хонбибига ташлади.

Ўктам иржайди ва қулочини кенг ёзиб:

— Бунга итлар итлик қилмаса, соғ одам яқинига кел-

майди.

Эркаклар бараварига қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Хонбибининг ранги гезарди. У бир Ўктамга, бир Мударга қаради, сўнг иржайиб, оғзидаги луқмасини чайнаркан:

— Хо-о, бир пайтлар бошқача гапирувдингиз-ку, — деди нозланиб.

— Бир пайтлар?.. Бир пайтлар бошқача эдинг, олмадай тирсиллардинг, энди абжағинг чиқиб кетди. Шундай бўлсаям, ёнимда олиб юрибман. Шунисига шукур қил, — деб Ўктам қолган ароқни учта пиёлага тенг қуйди ва бошқалардан олдин ўзиникини ичиб юборди-да, кейин дарров сигаретасини лабига қистириб, ўрнидан турди.

Мудар туриш, кетиш кераклигини англаб, пиёласидагини сипқориб секин қимирлади.

Улар олдинма-кейин ташқарига чиққанларидан кейин Ўктам ортига ўгирилиб ўқрайди-да:

— Ўйинчоқлар нима бўлди? — дея сўради.

— Қийин бўляпти. Точкага янги бошлиқ келган. Ҳали унга канал топганимиз йўқ..

Ўктам унинг гапларини охиригача эшитмай, бирданига ёқасига ёпишди.

— Ит, кимни ёш бола қиялсан?! Менга иккита яшиқни олиб ўтганларинг тўғрисида аллақачон хабар келган! Ёки нархингни оширмоқчимисан?!

— Нималар деяпсиз, ака! Мени биласиз-ку, шу пайтгача бирор марта бўлсин, сизга хиёнат қилмаганман. Олиб ўтилгани рост, лекин патронлари бўлмагани учун сизга таклиф қилолмай тургандим. Улар ҳам пул етмаганлиги сабабли патронларни беришмади.

Ўктам унинг ёқасини қўйиб юборди. Кейин иржайди-да:

— Оббо, ярамас-эй, муғомбир-эй, жонинг қил устида тургандаям ёлғон гапирасан-а?! — дея чўнтагидан пичоқ чиқариб, қайириб тигини очди-да, Мударга кўрсатиб: — Бу матоҳ қаердан келганини биласанми? — деди.

— Ака, қаерданлигини...

Унинг гапи чала қолди. Чунки от кишнаши эшитилган эди. Иккиси ҳам бирданига кунчиқар томонга қарашди. Бир отга икки киши миниб олган, биттаси Абдусатор, унинг ортида ўтирган йигит эса бегона. Ўктамнинг

бирдан қошлари чимирилди. Ғазаби жўшиб, қони қайнади. «Бу падарингга лаънати бу ёқларда нима қилиб юрибди? Ёнидаги ким бўлди?» кўнглидан ўтказди у.

Абдусаттор оддан сакраб тушди. Одати бўйича бурни-ни тортиб қўйди.

— Нима қилиб юрибсан? — сўради Ўктам у оғзини очишга улгурмасидан.

Абдусаттор жавоб беришдан аввал ҳалигача оддан тушмай ўтирган Маъруфга қараб қўйди ва томоғини қириб:

— Манави укамни...

— Уканг борлигини айтмагандинг-ку, ҳароми?! — ўкириб юборди бирдан Ўктам.

Абдусаттор илгари бунақанги сўкишлардан беш-олти марта эшитган. Лекин унақа қаттиқ хафа бўлмаган. Бироқ ҳозир Ўктамнинг «ҳароми» дейиши суяк-суягидан ўтиб кетди.

— Оғзингиз бузилиб қоптими, хўжайин, — деди ва лабининг чеккасини кафти билан артди.

Бу жанжалга монелик пайдо бўлганидан далолат эди.

— Нима? Шу гапни сен гапирдингми? Менга-я? — деб Ўктам Мударга ўгирилиб қаради-да: — Сен ҳам эшитдингми? — сўради ундан.

— Бу аҳмоқ ким билан гаплашаётганини билмайди, шекилли. Ҳозир билдириб қўямиз.

Мудар Абдусатторнинг ёнига келди. Хунук иржайди. Чўпоннинг ияги остига шунақанги қаттиқ мушт туширдик, бечора Абдусатторнинг кўзидан ўт чақнаб, гурсиллаб ерга қулади. Мудар учун унинг йиқилгани кам эди. Шу боис у тепкилашга тушди. Кутилмаганда белига милтиқнинг қўндоғи урилиб, нафаси ичига тушди ва кўзи олайганча тиззалаб ўтириб қолди.

— Зўр! — деб бирдан қарсақ чалиб юборди Ўктам. — Анчадан бери бунақанги томоша кўрмагандим. Қани, давом этинглар. Мен тошнинг устига ўтирволиб томоша қиламан.

— Сен Паризодни ўғирлаб келганмисан?! — сўради қўлидаги милтиқни янада маҳкамроқ ушлаган Маъруф.

Унинг пўписаси Ўктамга зигирча бўлсин, таъсир қилмади. Фақат у кулгидан тўхтади.

— Паризод? — дея пешонасини тириштирди Ўктам. —

Унинг ким бўлди?

— Ўзингни гўлликка солма!..

— Тўғриси айтяпман. Умрим бино бўлиб, бунақанги исми эшитмаганман. Менда иккита қиз бор. Тўғрироғи, уларнинг биттаси кампир.

— Қиз қаерда?

— Сенга «Менда бор», дедим. Уларни бирон жойдан ўғирлаб келдим, деганим йўқ-ку. Бу, биринчидан. Иккинчидан, ҳозир менинг еримда турибсан. Яъни уйимнинг ҳовлисида. Агар мен сенинг уйингга мана шундай милтиқ кўтариб борсам-да, дағдаға қилсам, қандай аҳволга тушасан?!

— Гапни кўпайтирма, қизни бу ёққа чақир! — деб Маъруф милтиқни Ўктамга тўғрилади.

— Сен шу ўйинчоқ билан мени кўрқитмоқчи бўляпсанми? Мени-я?! — дея иржайди Ўктам ва кўрсаткич бармоғини ҳавода қимирлатиб: — Яхшимас, яхшимас. Кўринишингдан мардга ўхшайсан-у, номарднинг ишини қилиб ўтирибсан. Яна сен қизингни излаб юрибсан, Во! — деди чўпонбоши бошмалдоғини юқорига кўтариб. — Эсладим. Жодугар чўпоннинг севган қизини ўғирлаб кетади. Кейин чўпон мардлик билан жодугарни енгади ва севгилисини қутқаради. Бундан чиқди, ҳеч нарса осмондан олинмаскан-да.

— Қанақа мультфильм бу, нималар деб валдираяпсан? Қиз қани?! — деди Маъруф таҳдид билан.

— Қиз?... Демак, сенинг қизинг. Исмини нима дегандинг, Паризодми?! Ҳозир мен ичкаридаги қиздан исмини сўрайман, — деб Ўктам ёнидаги тошни пайпаслади ва шу заҳоти тош аста сурила бошлади.

Маъруфнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди. «Чўлнинг ўртасида... Қандай қилиб тошни сураяпти?» хаёлидан ўтказди у ва секин Ўктамнинг ёнига келди. Тош эшик шунчалик унинг ҳушини ўғирлаб олган эдики, қўлидаги милтиқни ҳам унутганди. Бундан Ўктам унумли фойдаланди ва бир ҳамла билан қуролни тортиб олди.

— Қалайсан энди?! — деди ҳиринглаб куларкан.

Шундагина Маъруф ўзига келди ва қўлини милтиқ томон чўзган эди, Ўктам бир қадам ортга тисарилди-да, йигитчанинг кўксига қурол милини тўғрилади.

Бу пайтда Мудар ўрнидан туриб, воқеани кузатаётганди. Милтиқ Ўктамнинг қўлига ўтиши билан у бирдан Абдусатторга ташланди. Аммо бу сафар чўпон йигит осонлик билан унга енгилмади. Муштга — мушт, тепкига тепки билан жавоб қайтараверди. Мудар узоқ уришолмади. Тинимсиз сигарета чекиш ва айни дамдаги мастлик кучини кўрсатиб қўйди. Шу боисдан ҳам гарчи жуссаси Абдусатторникидан қарийб ярим баробар катта эса-да, ожизлиги сезила бошлади. Рақибини ёнига яқинлаштирмай, қочиб-қочиб муштлашаётган чўпон буни сезди ва ҳамлани кучайтирди.

Ўктам қараса, аҳвол чатоқ. Яна беш дақиқа ичида Мудар шарманда бўлади.

— Тўхта! — бақирди у.

Ҳансираб нафас олаётган Мудар шу заҳоти иккала қўлини ҳам тиззасига тираб энгашди.

— Ака, буни ҳозир бир ёқли қилиб ташлайман. Озгина шошмай туринг, — деди пишиллаб.

— Ҳўкиз, пачоғинг чиқиб бўлди. Шу ҳолингни хўжайининг кўрганида борми, бесабзи-пиёз кетардинг! — деди Ўктам ва Абдусатторга қаради: — Манавининг ёнида тур. Тез кел. Ҳозир мен сенга ҳақиқатан ҳам, кимлигингни кўрсатиб қўяман.

Абдусаттор жойидан қимирламади. Ўжарлик қилиб тураверди.

— Вой, итвачча! Ҳали менинг буйруғимни бажармайдиган бўп қолдингми?! «Эшак семирса, эгасини тепади» деб бекорга айтишмаган-да, — деб Ўктам Маъруфнинг қорнига милтиқ қўндоғи билан урди.

Йигит бироз ўзини тортиб қолди. Акс ҳолда, зарба тўлиқ тегиб, уни бир ёқли қилиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Маъруф энгашиб қолгач, Ўктам Абдусатторнинг ёнига борди.

— Қорнинг тўйиб қолдимми?! — деди кўзи косасидан чиққудек бўлиб.

Абдусаттор миқ этмади.

— Сенга яхшилик қилган мен аҳмоқ! Аслида, сенга ўхшаганларни бошқа чўпонларга қўшиб бўриларга ем қилишим керак эди. Лекин ҳечқиси йўқ. Ҳамма нарсанинг ўз вақт-соати бор экан. Сенинг ажалинг сал кейин-

роқ келибди.

— Сен ҳали анави йўқолиб кетган чўпонларнинг ҳам-масини ўлдириб юборганмидинг?.. — деди товонигача титраб кетган Абдусаттор.

— Нима деб ўйловдинг? Шунча пулни бериб, талтай-тириб уйига жўнатади, деганмидинг? Наҳотки мен шу-нақа аҳмоқ бўлсам! Тиз чўк!

Чўпон кўзини юмди ва пишиллаб нафас ола бошлади. Ўктамнинг ортиқ сабри чидамади. Чунки чўпоннинг ҳар битта қилиғи кўзига балодай кўринаётган эди. У Абду-саттор вужудидаги бор кучни билагига тўплаб, хужумга ўтишини кутмай, милтиқ билан чўпоннинг бошига сол-ди.

— Аҳ! — дея ўкириб юборди йигит ва гурсиллаб кула-ди.

— Мен сени одам дегандим. Лекин кўрнамаклик қил-динг, ифлос, энди итдай ўлиб кетасан!

Шундан сўнг Ўктам билан Мудар икковлашиб Маъ-руфни савалашди. Аслида, осонгина ўлдириб қўйишмоқ-чи эди, аммо Маъруфнинг қизни сўраб келгани Ўктамга қизиқ туйилди. «Иккаласи бир-бирини кўрсин-чи, нима қилишаркан?» деб ўйлади у. Қолаверса, Паризодни Маъ-руфнинг кўз ўнгида шарманда қилишдек ўта жирканч режа ҳам пайдо бўлганди унинг кўнглида.

* * *

Толмас Бадриддинович касалхона халатини елкасига ташлаб, кўчага чиқди-да, тоза ҳаводан ўпкасини тўлди-риб нафас олди ва бошини эгган кўйи бир-бир қадам босганча йўлак бўйлаб кета бошлади. Биров салом бер-ди, бошқаси пичирлаб: «Анави раис шу бўлади. Буларни областдаги энг зўр касалхонада ётади, деб эшитувдим, бу бўлса районнинг оддий балнисасига кепти», деди. Тол-мас Бадриддинович салом берганга алик олган бўлиб, бошини қимирлатди. Пичир-пичирга жавобан мийиғида кулди. «Менинг бошқалардан қаерим ортиқ? Битта бо-шим, иккита кўзим, иккитадан қўл-оёғим бўлса» дея кўнглидан ўтказди ва ҳориган каби юришда давом этди. Бориб эгилиб турган мажнунтол остидаги ўриндиққа ўтир-ди. «Мелисалар қораларини кўрсатмай қўйишди. Дўхтир-лардан садо чиқмаяпти. Паризодга бир гап бўлганки,

яширишяпти. Эртароқ бу ердан кетишим керак. Қизимни топмасам, яшашимдан фойда йўқ» хаёлидан ўтказди ва беихтиёр чўнтагига қўлини тиқиб, сигаретасини қидирди. Йўқ. Бирдан хаёлига бош врачнинг «Сизга чекиш мумкин эмас», деган гапи келди: «Оббо, чексам ҳам ўламан, чекмасам ҳам. Нима қиларди, миямни қотириб?» У ўрнидан туриб, ён-атрофига қаради, нигоҳи билан чекувчиларни қидирди. Буни қарангки, на келувчилар ва на кетувчиларнинг оғзи тутаётган эди. Толмас Бадриддинович бошини қашлади ва тўғри дарвоза томонга юрди. Дарвозанинг ортида озиқ-овқат магазини борлигини у аввалдан билади. Шундай дўкон борми, демакки, сигарет ҳам бўлади. Албатта, пештахтага арзон «Прима», «Астра», «Космос» териб қўйилган, «Опал», «Радопи» пештахтанинг остида бўлади. Чунки улар наригиларга қараганда, яхши сигарет. Томоқдан юмшоқ ўтади. Шунинг учун чекувчи одам неча пул бўлсаям, сотиб олади. Демак, устига эллик тийин қўйиб сотса, магазинчининг қорнини оғритмайди.

Дўкончи Толмас Бадриддиновични дарров таниди.

— Ассалому алайкум, Толмас ака, — деди қўлини кўксига қўйиб, — сизнинг шу ердалигингизни эшитувдим. Шу бугун кечки пайт ўтмоқчийдим.

— Овора қилмай дедим-да, ука. Шу менга бир пачка «Радопи» нгдан берсанг.

— Йўталсангиз, юракка оғирлик тушади-ку, акам, дўхтирлар нима деркан?

— Менинг юрагим билан нима ишинг бор? Дўхтирларингнинг гапига кирадиган бўлсам, ҳеч нима емаслигим, ичмаслигим, чекмаслигим керак. Ол бу ёққа бир пачкани... Шошма, икки пачка бер.

— Хўп, сиз нима десангиз шу, бизлар кичкина одамлармиз. Катталар нима буюрса, чопиб қилаверамиз, — деб магазинчи энгашиб, нималарнидир титкилай бошлади.

Худди шу маҳал дўконга Сумбулхон кирди. У эрини анча наридан кўриб, бирдан ҳаяжонланган ва боласини синглисига бериб югурган эди. Келса, манави аҳвол, эри сигарета сотиб оляпти. Сумбулхон унинг оёққа туриб кетганидан хурсанд бўлса, тамаки харид қилаётганидан

хафа бўлди.

— Менгаям худди шунақанги сигаретангиздан икки пачка беринг, — деди у магазинчига.

Толмас Бадриддинович ортига бурилди. Хотинини кўриб, жилмайди.

— Сиз нима қиласиз сигаретни? — дея битта кўзини қисиб қўйди.

— Нима қилардим, эримга обориб бераман. Эрим бо-яқиш шунақанги сигаретани бирам яхши кўрадики, ҳатто соғлиғиям кўзига кўринмайди, — жавоб берди Сумбулхон.

— Эркаклар ўзи шунақа бўлишади-да. Хафа бўлмай-сиз, синглим, — деб Толмас Бадриддинович сотувчи томонга ўгирилди: — Болам, темир дафтарингга шу икки пачкани ёзиб қўйсанг, ҳали хотиним келганида айтаман, тўлаб қўяди.

— Мен бўлсам иккита ревизорни кўрдим, шу томонга келаётганиди, — мийиғида кулди Сумбулхон.

— Толмас ака обрўли одам. Янгам келгунича, мана, ўз киссамдан кассага ташлаб тураман, — деб иржайди сотувчи.

— Устига қўйганингизниям кассага ташлайсизми?

Кутилмаган савол сотувчини доводиратиб қўйди. У қулт этказиб ютинганида, бақбақаси гавдаси билан ияги орасига бориб келгандай бўлди.

— Нималар деяпсиз, мен ҳалол ишлайман, — деди у қизариб.

— Кўриниб турибди, — дея бошини қимирлатди Сумбулхон, — эллик тийинлик нарсани бир сўмдан пуллаяпсиз.

— Хоним, — дея гапга аралашди Толмас Бадриддинович, — сиз сигаретанинг нархини қаердан биласиз?

— Ҳали айтдим-ку, эрим учун тез-тез сотиб олиб тураман. Худди шу сигаретани бошқа магазиндан эллик тийиндан олганман.

— Мендаям эллик тийин. Одамнинг капалагини учирасиз, янга. Фу, мана, Толмас ака, — деб киссасидан битта бир сўмликни олди-да, кассага ташлади.

Кейин терлаган бурнини кафтининг орқаси билан ар-тди-да:

— Лекин сизга беролмайман, янга. Чунки қолмади, — деди Сумбулхонга қараб.

— Тушунарли... — дея Сумбулхон ортига бурилиб магазиндан чиқди.

Толмас Бадриддинович нима қиларини билмай қолди. Сигаретани олиб кетайин деса, ҳойнаҳой, Сумбулхон ташқарига чиқиб уни кутиб турибди, тортиб олади. Қолдирайин деса, магазинчининг олдида ноқулай. У ноилож сигарета пачкаларини чўнтагига солди-да, эшик томон юрди.

— Қани, бу ёққа чиқаринг-чи, — деди Сумбулхон кулиб қўлини у томонга чўзаркан.

— Ия, — дея кулди нарироқда келаётган Саидага кўзи тушган Толмас Бадриддинович.

У хотинининг талабини қондирмай, қайнсинглиси томон юрди. Бориб ўғлини кўтариб олмоқчи эди, аммо Сумбулхон қўймади. «Сизга мумкинмас», деди. Кейин келиб қўлидан кучди-да:

— Бу ёқларга нима қилиб чиқиб юрибсиз? Орқага қайтинг, дўхтир бечораларнинг меҳнатига ичингиз ачисин, — дея унинг чўнтагидаги сигаретани олиб қўйди.

Толмас Бадриддинович ўғлини кучиб, пешонасидан ўпди. Сўнг улар билан бирга дарвоздан ичкарига кирди. Биринчи кўргани шошиб келаётган икки ҳамшира бўлди.

— Ҳов ана! — дея бирдан бақирди улардан биттаси шеригига.

Улар тўхташди. Сўнг бараварига югуришди.

Маълум бўлишича, ўтган шу қисқа фурсат ичида тиббиётчиларнинг деярли бари оёққа туриб, Толмас Бадриддиновични қидиришаётган экан.

— Шунақаям одам бўладими?! — дея бақирди бош врач бемор келиб каравотига ётганидан сўнг. — Юзимга оёқ босасиз деб сира ўйламагандим! Катта колхознинг раиси эмиш!..

— Товба қилдим, товба қилдим! — деди унга жавобан Толмас Бадриддинович.

Врач «Бор-э», дегандек қўл силтаб, чиқиб кетди. Уч ҳамшира кирди. Бири қон босимини ўлчади, биттаси иссиқлик ўлчагични қўлтигига қистирди ва яна биттаси кардиограмма қилди. Буни қарангки, ҳаммаси яхши чиқ-

ди.

— Айтдим-ку, сизларга, — дея кулди Толмас Бадридинович, — отдайман. Мени бекордан бекорга ушлаб турибсизлар. Яхшиси, уйга қўйиб юборинглар, деб.

Унинг юзидаги табассуми ҳеч кимга таъсир этмади. Афтидан, улар ҳам раиснинг йўқолиб қолганидан роса безовта бўлишган, гап эшитишган эди. Толмас Бадридиновичнинг ҳазилмонанд гапини ҳазм қилишолмади. Бундан раиснинг ҳам қовоғи осилди.

— Дўхтирни чақиринглар, икки оғиз гапим бор, — дея у кўзини юмиб олди.

Бироздан сўнг касалхонанинг каттаси кирди. Бу сафарги ташрифда унинг юзидаги норозилик аломатлари хийла тарқагани кўриниб турарди.

— Сиздан битта илтимос, — деди Толмас Бадридинович ялиниб, — менга қизим нима бўлганини айтинг.

Дўхтир жавоб беришдан олдин Толмас Бадридиновичга бир муддат тикилиб турди. Раиснинг юраги безовталанди.

— Хавотир олманг, ҳамма иш режадагидай кетаётган экан. Қизингизга ҳеч қандай зиён етмаган. Лекин ашаддий жиноятчилар ёнигача бормаганлиги учун мелисалар кузатувда давом этишяпти, — дея жавоб берди хаёлан фикрини жамлаб олган дўхтир.

— Менга қаранг, мелисанинг куни менинг шу муштдайгина қизимга қолибдими? Аввал индамадим. Қарасам...

— Ўзингиз тушунган одамсиз. Мелисаларни биласиз-ку. Шунинг учун озгина сабр қилинг, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

— Айбим тушунган одамлигимдами?

— Толмас Бадридинович, сиз анча толиқиб қолдингиз. Ҳали ана шу қизингиз учун ҳам кераксиз. Шунинг учун миянгиздан ҳар хил нарсаларни чиқариб ташлаб, дамингизни олинг. Ҳа-а, айтиб қўяйин, сизга бундан бу ёғига чекиш мутлақо мумкинмас. Сиздан сигаретларни тортиб олган аёл ўша сигаретларни менга берди. Хийла ўткир экан, мени анча довдиратди. Лекин сизга меҳрибонлиги шундоққина кўриниб турибди. Аммо бошқа томонидан эҳтиёт бўлинг. Айтинг, камроқ келсин. Кечку-

рун-печкурун майли, лекин куппа-кундузи келиши... Яна у касалхонадагиларнинг ҳаммасига танилиб бўлди. Ҳозирча гап-сўзнинг камроқ бўлгани маъқул. Ҳар томонлама ўзингизга фойдаси бор, дейман-да.

«Сенсиз ҳам буларнинг барини биламан. Ақл ўргатмай қўя қол» дея кўнглидан ўтказган Толмас Бадриддинович синиқ жилмайиб, бошини қимирлатди. Дўхтир хурсанд бўлиб кетди. Чунки кимсан Толмас Бадриддиновичдай одам унинг маслаҳатига қулоқ соладиган бўлиб турибдида. Буларнинг ҳаммасини хотинига бориб айтса борми, у шодланиб кетади. Балки, шодланмас, ахир у жуҳуд. Бир хил пайтлари арзимас нарса учун эрининг бўйнидан қучоқлаб олиб қийқиради. Бошқа маҳали у «Зўр иш қилдим. Хотиним жинни бўп қолади», деганида, аёли пинагиниям бузмайди. «Ҳа, шундай бўлиб туради», дейди.

Раис Сумбулхон билан икки соатдан зиёд гаплашиб ўтирди. Сира зерикмади. Гаплари гапларига уланиб кетаверди. Улар ҳатто Саида ташқарига айлантиришга олиб кетган ўғилларини ҳам унутишди. Охири суҳбатни ҳамшира қиз бузди.

— Бўлди, раис бова бугун роса толиқди. Дам олсин. Агар ҳалиям кетмаганингизни бош врач билиб қолса, сизга қўшилиб, биз ҳам гап эшитамиз, — деди у.

Сумбулхон кетганидан кейин орадан тахминан бир соатча ўтиб, Насима кириб келди. Қўлидаги қоғоз пакетда мева-чева, кабоб, иккита нон бор эди. Бироқ буларнинг бирортасини ҳам Толмас Бадриддинович еёлмасди. Мумкин эмасди. Бундан ҳам баттари, Насима эрига салом бермади. Ўзи, аслида, илгаридан, ёшлигидан унинг бунақанги одати йўқ эди. Эр ишдан келса, бир қараб қўярди, холос. Шунинг ўзи салом, шунинг ўзи ҳол-аҳвол сўрашга ўтиб кетаверарди. Бошда Толмас Бадриддинович галати бўлиб юрди. Аммо аста-секин шунга ҳам кўникди.

— Шундай қилиб ётаверасизми, дадаси? — деди Насима қўлидаги пакетни стол устига қўйиб, эрининг ёнига, каравотнинг бир четига ўтиргач. — У ёқда Паризодга нима бўлган? Тирикми-ўликми, ҳеч ким билмайди. Бу ёқда сизнинг аҳволингиз бу. Мен бечора бир ўзим нима қилайин, бошимни қайси деворга урайин?..

Оғзидан ачимсиқ ароқ ҳиди келаётганидан беҳабар На-

сима гапининг давомини йиғига айлантириб юборди. Толмас Бадриддиновичнинг афти бужмайди.

— Шунинг учун олди-орқангга қарамай, ичиб юрибсанми?! — деди у жаҳл билан.

— Вой, билиндими? Иси келмаса керак девдим, — дея хунук иржайди Насима ва уялган киши бўлиб, оғзини кафти билан бекитди-да: — Мен бечоранинг шундан бўлак юпанчим қолмади-да. Ҳар томонлама эзилаверганимдан кейин... Мен ҳам инфаркт бўлайинми? Мана, сиз ярим жон бўлиб қолдингиз... Биладан, сизга керакмасман. Сизга анави манжалақи керак. Турсангиз ҳам, ўтирсангиз ҳам уни ўйлайсиз.

— Нималар деяпсан?! Кимни айтяпсан?! — деб раис ўрнидан туриб ўтирди.

— Ҳа-а, мени билмайди деб ўйлаяпсизми?! Мен ернинг тагида илон қимирласа биладан. Керак бўлса-чи, бошимнинг орқа томонидаям кўзим бор...

— Шошма, унда сени бемалол тўрткўз деяверсам бўларкан-да.

— Нима?! Тўрткўз?.. Ҳа, тўрткўз... Эй-й, шошманг, ҳамсоямизнинг Тўрткўз номли ити бор-ку, ҳали сиз мени кучукка ўшатапсизми? — дея бақриб юборди Насима.

— Менга нима дейсан?! Ўзинг тўртта кўзим бор, дединг-ку.

— Сизга мени аҳмоқ қилиш бўлса бўлгани! — дея Насима ўрнидан туриб кетди-да, эшик томонга юрди.

Аслида, у эрининг ёнида кўп ўтирмоқчи эмасди, чунки ташқарида Саид билан Фахриддин кутишаётганди. Биргалашиб аввал мелисахонага бормоқчи, ундан кейин бирон жойга кириб, кўнглини ёзмоқчи эди.

Толмас Бадриддинович унинг ортидан ачиниб қараб қолди. Икки аёл, икки дунё. Бири оёғининг тагинигина кўради, иккинчисининг нигоҳи узоқларниям илғайди.

* * *

Ички ишлар бўлиmidан тайинли жавоб ололмаган Насиманинг баттар жазаваси тутди. У қизариб-бўзариб, машинага минди-да:

— Ҳайда! — дея Фахриддинга бақирди. — Тез ҳайда! Тегирмонқўрғонга ҳайда!

Орқа ўриндикда ухлаётган Саид чўчиб уйғониб кетди.

Унинг мастлиги ҳали тарқаманган. Шу боис атрофига қарахланиб қаради-да, яна ўзини ташлаб юборди ва ярим кечагача уйғонмади. Тегирмонқўрғон шимолидаги сув омборининг сўл тарафидаги мажнунтол остига қурилган мўъжазгина қаҳвахонага Насима Фахриддин билан бирга кирди. Бу атрофда ҳеч ким яшамасди. Айтишларича, бундан қарийб чорак аср муқаддам Бердиқул Эломонов исмли райком ўзи учун шу қаҳвахонани қурдирган экан. Бироқ унга бир марта ҳам келиб дам олиб кетиш насиб қилмаган. Республика марказига катта йиғинга бориб қайтаётганида, самолётда фалокатга учраб, оламдан ўтган. Шундан кейин бу қаҳвахона ҳаммага хизмат қиладиган бўлиб кетди. Аввалига районнинг катталари келиб дам олишди, чарчоқ ёзишди. Сўнграқ уларнинг сафига бириккита амалдорлар қўшилди. Аста-секин улар «тунги капалаклар»ни олиб кела бошлашди ва охири шунга бориб етдики, «Мажнунтол» қаланғи-қасанғилардан бўшамайдиган бўлиб қолди. Насима Тегирмонқўрғонда шунақанги жой борлигини билмасди. Фахриддин шу томонга машинани ҳайдади. «Барибир, қуруқ туҳматга қоладиганга ўхшайман, ундан кўра, уларнинг кўнгилларидаги ишни қилайин, кейин алам қилмайди» деган хаёлга борган эди у.

Куз остонаси бўлганлиги боис «Мажнунтол»да одам кам экан, қарийб умрининг ярмини шу ерда ўтказиб, кўпчиликнинг ҳожатини чиқариб юрган қаҳвахоначининг юзи совуқдан-совуқ эди. Насима уни кўриши билан бошқача бўлиб кетди. Дарров кўзини олиб қочди.

— Зиёд ака, бизга жой борми? — сўради Фахриддин қаҳвахоначи билан қадрдонлардай сўрашгач.

— Зўри бор. Энг чеккадаги. Биров бормади, маза қилиб ўтирасан, — дея тиржайди Зиёд.

— О-о-о, бўлганман у ёқда! Бўлганман. Бизга ўн сих кабоб билан иккита ароқ, газлагига шу ўзингиз билганингиздай, келишдикми, ака?

— Сен боравер, у ёғини ўзим бошлаб ташлайман.

Уларнинг ўзаро гапи Насимани анча чўчитди. Шунга қарамасдан, у илдам юрди. Ўша энг чеккадаги хонага дарров кириб олди-ю, Фахриддинга ўгирилиб, деди:

— Бу ерга икковимиздан бошқа ҳеч ким кирмасин.

Анави турқи совуқни бўлса умуман кўришга тоқатим йўқ.

— Ҳеч нарсадан хавотир олманг, ҳаммаси чики-чики бўлади. Бу ёғи юракдан дам оласиз, — деди унга жавобан Фахриддин ва аёлнинг юзидан чимдиб қўйди.

Егулик-ичгулик қарийб икки соатдан кўпга чўзилди. Шу вақт оралиғида Насима эридан обдан нолиди. Дунёдан ҳеч бир роҳат-фароғат кўрмай ўтиб кетаётганини айтиди ва эвазига ҳамсуҳбатидан кўнгил юпатувчи гаплар эшитди. Эркаланди.

* * *

Маъруфнинг хаёли Паризодни эртароқ топиш билан банд бўлганлиги боис у ғор ичкарасига мутлақо эътибор бермади. Индамай кириб борди ва қўлларини боши остига қўйганча пишиллабгина ухлаётган қизни кўрди. Паризод шунақанги беозор ухлардики, ёнига ўтириб, маза қилиб томоша қилсанг бўларди. Маъруфнинг юраги гупиллаб уриб кетди.

— Қалай? — деди унинг ортидан кириб келган Ўктам.
— Боплаб ташлабманми?!

Маъруф бирдан ортига ўтирилди. Тишларини бир-бирига босиб ғичирлатди.

— Нима қилдинг?! — деди ғазаб билан.

— Эй, энангни эмгурнинг боласи, ҳали сен мени сенсирайдиган бўлдингми? Сен жинқарча-я! — дея бирдан дағдағага ўтди Ўктам.

Ташқарида Маъруф Ўктамни бир марта сўкканди. Лекин у эътибор бермаган эди. Ҳозир эса сенсирганига шунча дағдаға.

— Нима қилдинг, деб сўраяпман?!

— Кўрмаяпсанми нима қилганимни, ит?! — дея Ўктам милтиқнинг қўндоғи билан аямасдан йигитнинг қорнига туширди.

Маъруф икки букилганча инграб юборди. Худди шу пайт унинг белига ҳам зарба келиб тушди. Бу сафар Мудар ҳам кучини кўрсатиб қўйиш, ҳам Ўктамга яхши кўриниш мақсадида урган эди. Маъруф Паризоднинг ёнгинасига қулади ва кўзини юмди.

Ўктам ортига бурилиб, Абдусатторга қаради.

— Сен ҳайвонни нима қилсам бўлади? — деди ўқрайиб.

— Маъруф чўзилиб қолди. Шундай бола ағанаганидан кейин мен нима қилардим?

— Жуда юмшоқ эдинг, мени кўришинг билан оёғим остига пояндоз бўлишга тайёрдай жилпанглардинг, дарров ўзгариб қолибсанми, эшак?

— Эшак эшак билан гаплашаётганини биринчи марта кўришим, — дея жилмайди Абдусаттор чўпон.

— Эшак сен бўладиган бўлсанг, сен билан гаплашаётган мен ҳам эшак эканман-да. Ҳали сенинг бўйнинг шунақанги йўғонмиди? — деди пешонасини тириштирган Ўктам.

Ўктам уни уришга милтиқ ишлатмади, балки тепди. Чўпон ундан ҳар қандай зарбани кутганди. Шу боис ўзини орқага олди ва Мудар билан тўқнашиб кетди. Ана шундан кейин ур калтак-сур калтак бошланди. Шўрлик Абдусатторни сира аяшмади. Оғзидан қони келиб, ҳушидан кетиб қолгунича зўравонларнинг бири қўйиб, иккинчиси ураверди. Қий-чув, бақир-чақир Паризодни кўзини очишга мажбур қилди. У олдинига нима бўлаётганини тушунолмай, ёнгинасида ётган йигитнинг кимлигини аниқлаёлмади. Сўнг бошини кўтарди. Кўзини ишқалади.

— Нима бўляпти? — сўради хирилдоқ овозда.

Ўктам терлаб кетган, ҳансираб нафас олаётган эди. Қизга ўгирилиб қаради-да:

— Томоша бўляпти. Цирк бўляпти. Сен бўлсанг шундай нарсани кўрмай, қотиб ётибсан, — дея бурнини тортиб қўйди.

— Бечора, — деди Паризод Абдусатторга ачиниб қараркан, — нима гуноҳи бориди?

— Гуноҳ? Бунда гуноҳ нима қилади? Бу оппоқ, худди она сутидай оппоқ. Гуноҳнинг ҳаммаси менда. Манави гўрсўхта Мударда гуноҳ. Чўпон зоти қўй боқиб гуноҳга ботарканми? Ҳечам-да. Улар ювош, бировларнинг ҳожатини чиқарадиган бўлишади. Лекин бир хил пайтлари билмасдан кўлмакни босиб олиб, балога қолишади.

Паризоднинг кайфи тўла тарқамаганди. Яна оғзи қуруқлашаётганди. Шу боис Ўктамнинг гапларига унчалик эътибор бермай, ерда чўзилиб ётган иккинчи одамга қаради. Унинг кўзига йигит танишдай туйилди.

— Манавинисини илгари бир жойда кўргандайман...

Кўргандайман-у, лекин қаердалигини билмайман. Вой, бошим лўқиллаб кетяпти, — дея у ҳовузча бўйига тиззалаб ўтирди-да, энгашиб қўлини муздай сувга тикди.

Кафтини тўлдириб сув олиб ичди. Юзини ювди ва кутилмаганда бирдан тетиклашиб, кайфи тарқади. Ўрнидан турди. Ана ундан кейин Маъруфни таниди.

— Нима қилдинглар бунга?! — дея бақриб юборди.

— Нима қилардик, пачоғини чиқардик-да. Бизнинг кайфиятимизни бузганлар мана шу ҳолга тушади. Сен ҳам кўриб қўй, — гўдайдди Ўктам.

— Одаммас экансиз. Мен сизни бошқача деб ўйловдим. Лекин санғи кучукдан бир тукингиз фарқ қилмаскан.

— Нима дединг?! — дея Паризодни уриш учун қўлидаги милтиқни кўтарди Ўктам.

Худди шу пайт Маъруф йўталди. Бели қақшаб ингради ва шу билан қизни калтакланишдан сақлаб қолди.

— Мудар, буларнинг қўл-оёқларини боғлаб ташла, — деб Ўктам Маъруф билан Абдусатторни кўрсатди.

— Манавинисига ҳожат йўқ. Ўладиган бўлиб қолди ўзи.

— Ўлса, яна яхши. Чўлдаги бўрилар анчадан бери одам гўшти емай қўйишганди. Бир маза қилишади.

— Тўхтанг, ана шу қашқирлардаям сал инсоф бор. Бечора сизга нима қилдики, шунча?..

— Ҳов! — дея Ўктам Паризоднинг гапини бўлди. — Мен сенга айтдим нима қилганини, бошқа сўрама!

У ҳалидан бери калтакловчи ва калтакланаётганларни кузатиб турган Хонбибига юзланди:

— Ҳамма нарса бир тийин бўлди. Қуруғидан опчиқ, ўзимга келмасам бўлмайди. Ундан кейин манави икки молни бир ёқли қиламан. Кайфда азоб бериш зўр-да...

* * *

Парда аввалига «Мени қутқариб олишса керак» деб ўйлаганди. Ахир унча-мунча зўравонлар билан таниш. Бир-икки марта уларнинг ҳожатини чиқарган. «Акаларим эшитишлари билан етиб келади» деб ўйлаган эди. Аммо ишонганларидан биронтаси қорасини кўрсатмади. Бунинг ўрнига уни ушлаб келганлар қаёқдаги айбларни бўйнига юклашди: турмадан қочган, зўравонлик ва нар-

котик моддалар савдоси билан шуғулланган... «Жинни бўп қолдиларингми? Нималар деяпсизлар? Қачон турмадан қочибман? Кимнинг бурнини қонатибман? Наша деган нарсани умримда кўрмаганман!» дея у жони борича бақирди. Бироқ унинг гапига биров қулоқ солмади. Тергов жараёнидаги бақир-чақирлари ва ҳурматсизлиги ҳақини темир панжара ортига ўтқизишганидан кейин беришди. Айниқса, шишага сув тўлдириб, нозик жойига илиб қўйишганида, Парданинг кўзига дунё қоронғи кўришиб кетди. У ўтирган жойида «Мен қилувдим! Мен қочувдим!» дея бақираверди ва бўйнига қандай айб қўйишган бўлса, ҳаммасини тасдиқлаб, қоғознинг кўрсатилган жойларига қўл қўйди.

Шунда ҳам қарийб уч кун уни бошқа шаҳарга қамоқхонага олиб кетишмади. Ёвфон шўрва билан сийлашди.

У машинага чиққанидан сўнг йиғлаб юборди. «Бундан бу ёғига бунақанги жойларда ким нима деса, ҳаммасига рози бўламан» дея онт ичди.

Парда йигирма кишилиқ, атрофи бетон девор билан ўралган, икки қаватли каравотлар қўйилган, зах ҳиди уфуриб турган хонага кириши билан бўйи атиги бир ярим метр келадиган, сўхтаси совуқ кал бош бир одам:

— Чўтир ушланиб қолдимиз? — дея сўради.

Парда бирдан иржайди. Чунки у давра кўрган-да. Зўравонлар билан қандай муомала қилишни озми-кўпми биллади.

— Минг бор узр. Терговчини қанча тезлатсам ҳам, имиллайвериб вақтни ўтказди, бўлмаса, қанот чиқариб учгудай эдим, — деди Парда каравотда ётган кал бошнинг ёнида турганларга бир-бир қараб чиқиб.

— Йўғ-э, сен ҳали учишнинг биласанми?! — дея кесатди Нўғай.

— Ака, — дея қулт этказиб тупугини ютди Парда, — сиз ёки бу ердаги бошқа акалар «уч» дейишса, учаманда. Ҳеч бўлмаса, каравотнинг устидан ўзимни отарман.

— Буқа, бунинг учишига ўзинг қарашиб юбор, — деб мийиғида кулди Нўғай.

— Хўп бўлади.

Орқароқда турган хум калла, ҳар елкасида икки челақ сув бемалол турадиган жундор нусха кўкрагига қўлини

қўйиб, «Хўп бўлади», дейиши Пардага ғалати туйилди.

— Акажон, шарт эмас, ўзим бемалол учавераман.

Парданинг аъзойи бадани дағ-дағ қалтирар, у қандай бўлмасин, вазиятдан чиқиб кетиш йўлини ахтарар, аммо хаёлига тузукроқ гап келмасди.

— Аввал биз учирамиз, кейин ўзинг қанот қоқасан, кушча!

Кал бошнинг гапига ҳамма бараварига хохолаб кулиб юборди. «Буқа» лақабли тутқун кўзи олайиб, Пардага яқинлашар, Парда шўрлик гоҳ бошқа аристонларга, гоҳ рўпарасидаги кал бошлига умид билан боқарди. Мана, тўрт... уч қадам қолди. Энди барзанги тутқун икки қанотидан ушлаб, улоқтиради ёки бир бало қилади.

— Ўктам ака! — бақриб юборди у кутилмаганда.

Барзанги юришдан тўхтаб, орқасига ўгирилиб, Нўғайга қаради. Шу заҳоти кал бошнинг юзидан ранг қочди.

— Нима? Ўктам... Буқа, шошмай тур, — деб кал бош Парданинг ёнига келди, — Кимни айтдинг? — сўради.

— Сизга Ўктам акамдан, подачидан салом олиб келгандим.

— Сен уни қаердан танийсан?

— Олди-бердимиз бор.

— Шунақа дегин?

— Ҳа.

Кал бош атрофидаги тутқунларга олайиб қаради. Шу заҳоти улар тарқалди.

Нўғайнинг каравоти тўрда эди. Унинг тепасида ҳеч ким ётмасди. Умуман олганда, кал бош бу ерда тунамасди. Каравоти хўжақўрсинга эди. Унга ҳамма шароитлар муҳайё бўлган алоҳида хона ажратилган эдики, озодликда юрганлар ҳам бунақанги имкониятларга эга хонани ҳатто тушларида кўрмаган.

— Сен Чўтирга айланишинг керак, — деди Нўғай улар каравотга ёнма-ён ўтирганларидан кейин.

— Керак бўлса, айланаман. Лекин менинг бўйнимга яхшигина юк илишди. Биров аралашмади. Акаларга хабар беришимга имкон бўлмади. Сабабини тушунмадим.

— Бунисиям шундай бўлиши керак эди. Лекин, ростини айтайин, Ўктамга тегишли эканлигингни билмагандим. Бизга битта ёриқ керак, шуни акангга етказишинг

зарур. У шу пайтгача анави итнинг ялоғи билан ишлаб келяпти. Чўпоннинг бу иши ичкаридагиларга маъқул тушмаяпти.

— Мен бир нарса деёлмайман. Бунинг устига, ҳозир қорним оч. Ўн кундан бери тортмаганман ҳам, суякларим қақшаб кетяпти.

— Буни қара-я.

Нўғай мийиғида кулди ва бошини кўтарди. Шу заҳоти нарироқдаги каравотда ўтириб, у билан ҳамсуҳбатини кузатаётган икки тутқун ўрнидан турди.

— Опкел, — деб қўйди кал бош ва чўнтагидан сарғайган қоғоз парчасини олди-да, унга махорка солиб, ўрай бошлади.

Парда унинг қилаётган ишини кўриб, қотиб қолди. Ахир кимсан турмани зир титратувчи, қамоқхонадан ташқарига ҳам бемалол қўли етадиган одам газета парчасига махорка ўраб чекса-я.

Парданинг дарров кайфи ошиб қолди. У худди учиб кетаётганга ўхшарди. Шу боис ҳам ўзи ўтирган каравотни маҳкам ушлаб олди. «Қўйворсам, шифтга тегаман, кейин аста учиб бориб деразадан... Лекин ҳамма ёқ панжара... Бу баччағар, билагимга куч бағишлайдиганидан ҳам топиб бермасмикан, шунда деразадаги темир панжарани бир зарбда бузардим-да, қамоқхонадан учиб чиқиб кетардим...» У хаёлини охирлатолмай, ёнбошлаб қолди. Ана шундан кейин Нўғай шотирларини чақирди ва:

— Бангини айтганимдай қилиб қўйинглар, — деди.

Шу заҳоти Парданинг оғзига латта тиқилди. Сўнг учи ўткир мих ишга тушди. Парда бақирай деса, овози чиқмайди. Бақирмай деса, оғриқ жон-жонидан ўтиб кетяпти. Ётган жойида типирчилайверди. Бироқ бу ҳам фойда бермади. Чунки икки елкасидан барзангилар босиб туришарди.

Ҳаш-паш дегунча Парданинг юзида соғ жой қолмади, ўзиям қонига беланиб кетди. «Сино» номли кескин таъсир этувчи чекимлиқ Пардани карахт қилиб қўйган эса-да, у оғриқни сезди ва ҳушидан кетиб қолди.

Пардани ўзига келтиришганида, юзи тандирга кириб чиққандай ловулларди.

— Нима қилдинглар?! — деди у йиғлаб.

— Мен сенга Чўтир бўлишинг керак, дегандим-ку. Чўтир бўлдинг, тамом-вассалом. Сенга «Қушча» деган лақаб қўймоқчийдим. Лекин қарасам, эрақ экансан. Шунинг учун чўтирга айлантириб қўя қолдик.

Шу билан Нўғай ишини тугатди ва бориб эшикни тақиллатди-да, қоровулни чақирди.

У хонасига бориб эшитдики, Дамир ўлибди. Тўғрироғи, ўзини ўзи ўлдирибди. «Роса ишондим, одамани ишонтирдинглар. Ўзини ўзи ўлдирди, эмиш. Балки, ёрдамлашиб юборгандирсизлар. Озгина. Кейин шўринг қурғур жон бериб қўйган-да» кўнглидан ўтказди Нўғай ва аччиқ кулимсиради.

— Бир куни ҳаммамизниям тақдиримиз шу. Бизга ўхшаганлар ҳеч қачон ўз ажали билан ўлмайди, — деди овоз чиқариб ва бориб юмшоққина диваннинг бир четига ўтирди.

Қизғиш рангли «ака» хонтахта устидаги оппоқ чинни идишдаги келин бармоқ узумдан бир донасини оғзига солди. Узум карсиллаб кетди. Унинг иштаҳаси очилди. Бироқ иккинчи узумни олишга улгурмасидан эшик тақиллади.

— Кир, — деди у афтини бужмайтириб.

Икки нафар қиз кирди. Бирининг қўлида патнис, иккинчисиникида чойнак-пиёла.

— Тушлик вақтингиз бўлганди, — деди қизлардан бири жилмайиб.

— Тушлик?! Бунча тез? Майли, олиб келинглар. Лекин аввал бир-икки рюмка коньяк ичиб олишим керак.

Қизлар енгил қадам ташлаб, унинг ёнига келишди ва назокат билан патнисдаги яхна товуқ гўшти, сергўшт шўрва, салатлар ва бир шиша коньякни эҳтиёткорлик билан стол устига қўйишди.

Нўғай дарров шишани қўлига олди-да, қадаҳни тўлдирди. Одати бўйича, қизлардан бирига узатди. Қадаҳ яримлади. Қолганини иккинчи қиз ичди. Сўнг улар идишлардаги таомлардан бирма-бир татиб кўришди.

— Эшитдингларми, бугун Дамирни ўлдиришибди, — деди улардан кўзини узмай ўтирган кал бош.

Қизлар бир-бирларига кўз ташлаб қўйишди.

— Ким у Дамир? — сўради сариқ сочли қиз.

— Ҳе, сенлар ҳам турмадагиларга ўхшаб қолгансанлар. Лақабини айтмаса, танимайсанлар. Ишқалчи бор-ку, ўшани-да.

— Вой, бечора. У шўринг қурғур нима гуноҳ қилган экан? — дея узун киприкларини пирпиратди оппоқ юзли, қошлари ингичка, қоп-қора сочи елкасининг яланғоч жойини бекитиб турган қиз.

— Ҳи-и, ичинг ачиб кетди, ош-қатиқ бўлган жойинг борми? — деб кесатди Нўғай.

— Йўғ-э, менинг ёнимга сиздан бошқаси яқинлашмаган.

— Яқинлашиб кўрсин-чи, калласини сапчадай узаман! Агар шунчаки қуонаётган бўлсанг, бекор қиласан. Ахир дунёдаги зараркунандалардан бирининг йўқолиши байрам-ку, — деди Нўғай ва ҳиринглаб кулганча қадаҳни яна коньякка тўлдирди.

Бир кўтаришда ҳаммасини ичиб юборди-да, сариқ сочли қизнинг юзидан чимдиб қўйиб, кейин ўзининг бармоғини ўпди.

Орадан бир соатлар ўтиб, Нўғай айна «гулзор»нинг ўртасидалигида хабар келди, Парда жудаям ҳаддидан ошаётган эмиш.

— Парда, менга унинг ўлганини айтгандингла-ку. Демак, ёлғон маълумот берган экансизлар-да. Куппа-кундузи алдашяпти ярамаслар. Бунга қандай чидайман, қандай? — деб у ўрnidан туриб, ювиниш, тозаланиш кераклигини хаёлининг бир четига ҳам келтирмай (аслида, уни сув ҳам тоза қилолмас эди), қолган-қутган коньякни ҳам ичди. Бу пайтда хабарчи чиқиб кетган эди.

* * *

Ҳайбатулло райком идорасидан оғзи қулоғида чиқди-да, Элёрнинг елкасига қоқди.

— Иш беш, ука. Беш! Табрикла мени. Табрикла! Кутилмаганда раис вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. Мана буйруқ, — дея мақтанганча қўлидаги бир парча қоғозни ҳайдовчига кўрсатди.

— Эй-й, зўр бўпти, қойил, Ҳайбатулло ака, — деди Элёр иржайиб.

Шу заҳоти Ҳайбатуллонинг қовоғи осилди.

— Нималар деб валдираяпсан сен бола? «Ҳайбатулло

ака» эмиш. Раис бова, де, раис бова, — деди у машина-нинг орқа эшигини очаркан.

— Узр, узр, раис бова.

— Бу гапинг бошқача бўлди. Қани, энди тойчоғингни ҳайда-чи.

Ҳайбатулло орқа ўриндиқда керилиб ўтирар, шодлигидан ичига сиғмас, шу боис кафтларини бир-бирига уриб, қарсак чалиб қўяр эди.

— Хўжайин, қаерга борамиз? — сўради Элёр колхоз худудига яқинлашиб қолганларида.

— Идорага-да, бошқа қаергаям бўларди? Кейин сен бориб, ҳамма катталарни йиғиб келасан. Мажлис ўтказишим керак. Бу ёғи йиғим-терим бошланиб кетди. Газини босмасам, ҳамма лаллайиб, текин пулни еб юраверади, — деди жиддий тортган Ҳайбатулло.

Вақтинчалик раис зоотехникка, инженерга, бош бухгалтерга, худуд агрономларига бирма-бир ўқрайиб қараб чиқди. Сўнг шошилмасдан, қандайдир эринчоқлик билан райкомнинг буйруғини ўқиб эшиттирди.

— Мен хоҳламагандим. Лекин Толмас Бадриддиновичнинг ҳали узоқ даволанишини ҳисобга олган райком қўярда-қўймай, «Жиловни ўз қўлингизга оласиз», деди. Кейин бу ёғи йиғим-терим мавсуми бошланиб кетганини, шундай масъулиятли пайтда колхозни кимдир бошқариб туриши шартлигини алоҳида уқтирди. Улар аввалига четдан кадр чақирмоқчи бўлишган экан. Номзодлар ҳам бор экан. Лекин колхоздаги одамларни, колхоз ерини яхши билганим учун мендан бошқа одам тўғри келмаслигини тушунишибди...

— Мумкинми? — дея қўлини кўтарди Баҳромқул ака Ҳайбатуллонинг гапини бўлиб.

Ҳайбатуллонинг бирдан афти бужмайди.

— Нимаиди? — деди жеркиш оҳангида.

— Аризамни ҳозир олиб қоласанми ё мажлис тугаши-ни кутайинми?!

Баҳромқул аканинг гапидан Ҳайбатуллонинг кўзи олайиб кетди. У жон ҳолатда ўрнидан сақраб турди ва мувозанатини йўқотиб, йиқилиб тушаёзди.

— Бу... қанақанги безбетлик?! — деди ҳайқириб. — Сиздан сўраяпман, ўртоқ Саримсоқов, қанақанги безбет-

лик?! Одам шунақангиям пасткаш бўладими?! Бу ёқда ҳукумат планни сўраб турган бир пайтда, ҳамма жонини бериб ишламайдимиз?..

— Ҳе, — деб кулди Баҳромқул ака, — «жонини бериб-миш, сенми, шу жонини берадиган одам?

— Ни-ма?! — деди титраб кетган Ҳайбатулло. — Сен галварснинг аллақачон думингни тугиш керак эди. Мен аҳмоқ, Толмас Бадриддиновичдан илтимос қилиб, олиб қолган эканман. Йўқол! Қайтиб кўзимга кўринма, умуман колхоздан кўчиб кет!

Баҳром ака унинг бақир-чақирларига эътибор ҳам бермади, юмшоққина қилиб:

— Секретарга ташлаб кетаман, — деди ва зални тарк этди.

Шундан сўнг анча вақтгача Ҳайбатулло ўзига келолмади. Унинг катталарга айтадиган гапи кўп эди, ҳаммасини унутди. «Жавоб! Бугундан бошлаб колхозчилар теримга чиқсин», деди ва ҳали амалдорлар залдан чиқиб улгурмасидан сигарета тутатди. Сўнг столга ўтирди.

— Уруфингни қуритаман! Менинг совунимга кир ювмабсан сен мараз! Ким бўпсанки, менга сапчийсан?! Вой, ит-эй, «Аризамни ҳозир берайин»миш... Кўрсатиб қўяман сенга! — деди у ўзига ўзи столни муштлаб ўрнидан тураркан.

Ўзининг хонасига кирмади. Орланди. Одамлар билиб қўйсин деб, раиснинг хонасини очдирди. Кейин секретарга Элёрни чақиритишни буюрди. Секретарь ялтоқланди. Қўлини кўксига қўйиб, икки букилганча «Хўп бўлади, хўжайин», деди. Кейин «Чой-пойларингизиям дарров дамлаб бераман», деди. Унинг овози одамга хуш ёқишини Ҳайбатулло аввал билмаган экан. Тўғри, олдинлари ҳам секретарь Ҳайбатуллони кўрса, дарров ялтоқланишга тушарди. Бироқ унинг тавозеси ҳозиргидай чиқмасди. Ҳайбатуллонинг кайфияти бироз кўтарилгандай бўлди. «Қизталоқ, чойингни бошимга ураманми? Ундан кўра, яримта опкел. Емагиниям ёнига қўш. Тўғридан-тўғри шу ерга опкел», деди. Секретарь нонни кўрган итдай думини ликиллашиб, чиқиб кетди.

Элёрга эса Саидни топиб келиш буюрилди.

— Уни нима қиласиз, раис бова? Анави Толмас Бад-

риддиновичнинг хотинига қариндош у, яхшилик чиқмайди ундан, — деди Элёр маслаҳат берган киши бўлиб.

Ҳайбатуллонинг қовоғи осилди.

— Мен сендан кимлигини сўраяпманми? Топиб кел, тамом-вассалом. Кейин бунақанги ақл ўргатишларингни камроқ қил, ўзинга яхши бўлади, — дея чўнтагидан сигарета олиб тутатди. «Толмасни ўлдириб юборишнинг айна пайти. Битта укол билан у йўқ бўлади. Кейин, кейин мен ҳақиқий раис бўлиб оламан. Ана ундан кейин Баҳромга ўхшаган кучукваччаларнинг думини тугаман. Керак бўлса, йўқ қилиб юбораман», хаёлидан ўтказди у.

* * *

Саиднинг кўзига офтоб тушиб, уйғониб кетди. Қараса, машинанинг ичида ётибди. «Тушунмадим, қаердаман?» дея лўқиллаб оғриётган бошини кафтлари билан қисганча калласини кўтарди. Теварак-атрофга қаради: сув, довдарахт... «Палакат, Пахи мени қай гўрга опкелди?» деб ўйлаганча машинадан тушди. Шундан кейин у Тегирмонкўрғоннинг шимолидаги сув омборини таниди. «Мажнунтол» эса қарийб ўз уйидай гап. Ҳафтада камида бир марта бу ерга келмаса, у ўзини жуда зериккандай, сиқилгандай сезади.

— Эшак, ўзи кириб кетиб, мени мошинада қолдирибди-да. Ўзим ҳам бу ҳайвондан яхшилик чиқмайди, деб ўйловдим. Мана, айтганимдай бўпти, — деб Саид аста-секин қаҳвахонага яқинлаша бошлади ва бирдан кўзи аланг-жаланг бўлиб келаётган Фахриддин билан Насима опасига тушди.

Саид турган жойида қотиб қолди. Кўзларига ишонмай, қовоқларини ишқалаб-ишқалаб қаради. Сўнг турган жойида бақирди:

— Мен сен ит эмганни сўйиб ташлайман! Нима қилдинг?!

Келаётганлар шу заҳоти юришдан тўхташди.

— Менга уйқу дори бериб, ухлатиб қўйиб, ўзинг ҳаром ишни қилдингми?! Бўлди, иккаланг ҳам гўрга кирасан! Мен ҳозир бориб, ҳаммасини керакли одамларга етказаман. Ана ундан кейин кўраман ишрат қилиш қанақа бўлишини!.. — дея ўшқирди Саид овози борича.

У ортига бурилиб, югуриб кета бошлади.

— Тўхта! — чинқирди Насима. — Тўхта деяпман!

Саид ўзини эшитмаганга олиб, янаям қаттиқроқ югуришга тушди.

— Боринг, ушланг у аҳмоқни, — дея турткилади меровсираб турган Фахриддинни.

Фахриддин ана шундан кейингина уйғонгандай бўлди ва чошиб кетди.

Саид узоққа боролмади. Уни сигарета билан ароқ аллақачон тамом қилганди. Шу боис Фахриддин унга бир зумда етиб олди ва елкасидан тутиб тўхтатди.

— Сен, ит! Сен ит... — деди Саид ҳансираб, — сен итдан буну умуман кутмагандим. Маишат қиламан десанг, ўнтасини топиб берардим. Лекин сен мараз, келиб-келиб, менинг опамни...

— Шошма, ҳовлиқма! Бир нарсани билмасдан гапирма!..

— Нима?! Бир нарсани билмасам, гапирмайин?! Йўғ-э, билмасканманми?! Ҳе, энангни эмгур!..

Саид қолган гапларини айтолмади. Фахриддин унинг башарасига қулочкашлаб чунонам мушт туширдик, бечора орқаси билан гурсиллаб қулади. Унинг йиқилиши Фахриддинни янада авжлантириб юборди. Сўнг у Саиднинг дуч келган жойига тепа бошлади. Агар Насима ҳаллослаб етиб келиб, уни тўхтатмаганида, ўлдириб қўйиши ҳам ҳеч гап эмасди. Аслида, нияти ҳам шу эди-да. Ахир бу ярамас колхозга бориб, уни сотиб қўйса борми, шармандаси чиқади. Бу ҳам камлик қилганда, Толмас Бадриддинович хонумонини қуйдириб юборади.

— Тўхтанг, урманг, барака топгур, урманг! — дея Насима Фахриддиннинг қўлига осилди.

— Нимага экан?! Буну ўлдиришим керак, бу ифлоснинг қўлидан ҳар бало келади. Ўлдирмасам, иккимиз ҳам қутулмаймиз!..

— Шошманг, ҳовурингиздан тушинг. Саид яхши бола. Бемаза ўй келган-да хаёлига. Ҳозир тушунтирамиз, ҳаммаси яхши бўп кетади.

Тупроққа қоришиб ётган Саиднинг оғзи-бурни қонга беланган эди.

— Менинг кимлигимни билмабсизлар! Энди мендан осонликча қутулмайсизлар! — деб у оғзидаги қонни

ерга тупурди ва лаб-лунжини ёқасига артди.

— Саиджон, нималар деб валдираяпсан, уагинам?.. Тур, ўрнингдан тур, сен унақанги бемаза хаёлларга бормагин-да. Сен менинг ишонганим, суянган тоғимсан-ку! — дея йиғлаганча Саиднинг қўлидан торта бошлади Насима.

— Тортинг, ҳаром қўлингизни менга теккизманг! Мени ушлашга ҳақингиз йўқ!

Насима бирдан йиғлашдан тўхтади.

— Сен, итвачча, нималар деяпсан?! Ҳали менга тухмат қиляпсанми? Сенга ичим ачиб, таёқдан кутқарсам-у, эвазига тухматга қоламанми?! — дея қаддини ростлаб, биқинига қўлини тиради Насима.

Саид бошини кўтариб, унга қаради. Бурнини тортди.

— Фахриддин, буни уриб ўлдилинг, кейин мошинанинг орқасига ортиб, бир гўрга обориб кўмиб ташлаймиз, ит ҳам тополмайди.

Саид кўрқиб кетди. Зеро, Насиманинг важоҳати бошқача эди.

— Бу ерга яхши аёллар келмайди-да, опа, — деди у атайин йиғи оҳангида.

— Бу ерга кимлар келиши мени қизиқтирмайди. Мен бу ерга еб-ичиш учун келдим, бошқа нарсагамас. Ишонмайдиган бўлсанг, бориб текширтираман!

— Вой! Вой, белим, шуни олдинроқ айтмайсизми? Мен ҳар хил хаёлларга бориб юрибман, — дея ўрнидан туришга ҳаракат қила бошлади Саид.

Машинага минишдан олдин Саид Фахриддин олиб келган сувда ювиниб-чайиниб олди. Ора-чора Фахриддинни мақтади. «Хўкиздай кучинг бор экан, билмай юрган эканман. Сен асли атрофингга беш-олтитасини тўплаб, район марказини эгаллаб олишинг керак экан. Қаёқдаги мишиқилар гўдайиб юришибди», деди. Фахриддин унга жавоб қайтармади. У Саиднинг пахта қўйишга уринаётганини англаган ва ичида унинг устидан куларди.

— Юз грамм... — деди Саид ювиниб бўлганидан кейин, — иложи бўлса, юз граммгина ароқ топиб бер, бошим ёрилиб кетай деяпти.

Фахриддин хўмрайиб қўйиб, қаҳвахонага кетди. Яна бориб-келиб юрмайин деб, бирйўла бир шиша ароқ кўта-

риб келди. Лекин Саид, барибир, кўп ичмади. Афти бужмайиб, икки-уч марта хўплади-да, сигарета чекиб кетаверди. Насима эса ўзининг ҳеч қандай бўлмағур иш қилмаганини тўлиб-тошиб гапирар, ора-сира бебахтлигидан, бетайин эрга текканлигидан нолир ва баъзан Саидни койиб қўярди. Ниҳоят, улар ўзларининг районлари марказига етиб келишди. Саид «Универмагда ишим бор. Биттаси менга пул бериши керак», деб машинани тўхтатди. Сўнг эшикни очиб, бир оёғини ерга қўйди-да:

— Мен лохманми? — деди бошини буриб, бир Насимага, бир Фахриддинга қараркан.

— Нима деяпсан? — ҳайрон бўлди Насима.

— Икковларинг маишат қилдинглар, кейин манави мараз, — дея Саид қўлини бигиз қилиб Фахриддинни кўрсатди, — чиқиб мени тепкилади, оғзи-бурнимни қора қонга беллади. Энди мен индамай кетавераманми?!

— Сенга айтдик-ку, ҳеч нима бўлмади, деб. Ҳар бало деяверганинг учун Фахриддин ўзини тутиб туролмади. Сўнг нотўғри тушунганингни айтдинг. Келишиб олдик. Яна нима гап? — деди жаҳли чиққан Насима.

— Мен келишмадим. Сен маразлар билан келишмайман. Келишолмайман. Агар мени манави ит...

Фахриддин ортиқ чидаб туролмади. Бирдан уни ёқасидан ушлаб ўзига тортди.

— Ҳа, мана энди ур, ҳамманинг кўз олдида ур. Кўриб қўйсин одамлар. Ана ундан кейин мен ураман. Шундай ураманки, энанг сени танимайдиган бўп қолади! — деди кўзи олайган Саид.

— Қўйинглар, уришманглар. Фахриддин, унинг ёқасини қўйиб юборинг, келишиб оламиз, — дея жон ҳолатда орага қўшилди Насима.

Фахриддин Саиднинг ёқасини қўйиб юборди.

— Энди айт, Саид, нима хоҳлайсан? — сўради Насима.

Саид шошилмасдан ёқасини тўғрилади. Шишанинг оғзидан ароқ ичди. Сўнг лаб-лунжини ёқасига артиб қўйди-да:

— Мана шу ўтирган мошинамизни хоҳлайман. Бугуннинг ўзида номимга ўтиши керак. Бу — бир, иккинчиси, минг сўм берасизлар. Эвазига мен билганларим тўғриси-

да бировга миқ этмайман, — деди.

Фахриддиннинг аста-секин кўзи олая бошлаган эди. Саид сўнгги гапини айтиши билан у сал энгашиб, ўриндиғи остига яшириб қўйган пичоқни олди-да, ўзидан кета бошлаган йигитнинг биқинига тиради.

— Кўнглинг бошқа нарса тусамайдими, чўчқа?! — деди бақириб.

— Фахриддин, нима қиляпсан?! Ўзингни бос, ҳаммасини жойига қўямиз. Пичоқни қўйиб қўй! — дея Насима Фахриддиннинг елкасидан гижимлади.

— Пахи, ошна. Мен сендан бунақа қилиқни кутмагандим. Қилган ишингга яраша нарса сўрадим. Сен бўлсанг менга пичоқ ўқталдинг.

— Мен сенга ошнамасман. Мен сотқинлар билан ошначилик қилмайман.

— Шунинг учун мошинани менинг номимга ўтказасан, деяпман-да. Чунки бундан бу ёғига кўришамизми-йўқми, Худо билади.

— Худони тилингга олма, уни тинч қўй. Сенга мошина керакми, тамом, ҳозироқ бераман. Мана калит, бемалол ҳайдаб кетавер.

— Эй-й, шошма, «Мана калит, ҳайдаб кетавер», деганинг нимаси? Бунинг документи нима бўлади? Ундан кейин мен мошина ҳайдашни билмайман. Бориб бир жойга уриб олсам, пешонам ёрилса, дўхтирга тушсам, тортадиган азобларим ҳақини ким тўлайди? Осонгина қутулиб кетмоқчимисан? Йў-ўқ, мен сен ўйлагандай лапашанглардан эмасман. Ҳозир, — деб Саид секин ўгирилиб, қовоқ-тумшуғи осилган Насимага қаради, — опажонимнинг уйини зиёрат қиламиз. Опажоним уйига кирди-ю, менга минг сўм олиб чиқади. Ана ундан кейин районга қайтиб, мошинанинг ҳужжатларини тўғрилаймиз.

— Ўлик одам экансан, — деди жаҳли чиққан Насима, — дунёга келиб, сендайин пасткашни кўрмаганман.

— Кўрмаган бўлсангиз, мана, рўпарангиздаман, хоҳлаганча кўриб олинг, — дея ҳиринглаб кулди Саид.

— Безбет. Фахриддин, ҳайданг, бу билан гаплашиб, одам барака топмайди, — деб Насима орқа ўриндиққа суянди-да, кўзини юмди.

Саид шишанинг оғзини очди. Фахриддин машинани жойидан қўзғатди.

Шундай бўлишини Саид кутганди. Ахир ким ҳам бекордан-бекорга пулини бировга бериб юборади? Ахир у жигардан бўлган-ку. Саиднинг юзига теккан пул машина салонига сочилиб кетди. У ҳиринглаб кулди ва шошилмасдан қип-қизил ўнталикларни теришга тушди. Насима уйининг дарвозасини даранглатиб ёпиб қўйгач, бошини кўтариб, Фахриддинга қаради.

— Ошна, ёрдам бермайсанми? — деди Саид.

— Мен сенга ошнамасман, ўзинг териб олавер, — дея уни жеркиб берди Фахриддин.

— Эҳ, каллаварам, мендай ақлинг бўлганида борми, сен билан кўп ишлар қилишимиз мумкин эди. Қара, йўқ жойдан бойлик орттирдик.

— Бўпти, кўп гапирма, мошинани қаергача обориб берайин?

— Менга сенинг мошина-пошинангнинг кераги йўқ. Ҳалиям тушунмай, ҳаммасини жиддий қабул қилиб ўтирибсанми? Тўғри, урганинг ҳақини тўлайсан, барибир, лекин мен номардлик қилмайман.

— Йўғ-э, шу пайтгача...

— Ҳи-и, овсар, минг сўм ундириш учун ҳаммасини бир минутда ўйлаб ташладим. Энди, ҳайда, бориб бир майшат қиламиз.

Фахриддиннинг оғзи қулоғигача ёйилиб кетди. Моторни ўт олдирди-ю, газни босди. Бироқ бирор беш юз метр юрар-юрмас тормозни босди. Юраги эса шиғ этиб кетди. Чунки уларнинг йўлини раиснинг машинаси тўсиб чиққан эди.

— Бу палакатнинг бизда нима иши бор экан? — деди ҳайрон бўлган Саид.

— Насима эрига хабар бердимикин?

— Бўлиши мумкинмас. Насима опа аҳмоқмас, — дея бирдан Фахриддиннинг гапини инкор этди Саид.

Элёр машинадан тушди. Шошилмасдан юриб келди. Эгилиб салонга қаради. Юзи ёришди. Шундан сўнггина сўзлай бошлади.

— Ака, қаерларда юрибсиз, изламаган жойим қолмади?

— Менда нима ишинг бор? — сўради қовоғини уйиб олган Саид.

— Ҳайбатулло раис бова сўраяпти. «Тез келсин», деди. Муҳим иши бор экан.

— Нима? Ҳайбатулло? У қачондан бери раис бова бўп қопти? — энсасини қотирди Саид.

— Эй-й, хабарингиз йўқми? Бугун райкомда уни раис қилиб қўйишди-ку.

Саид иржайди.

— Шунақами? Унда Ҳайбатулло акамиз ҳақ берадиган бўлибди-да, — деди.

— Унисини билмадим. Ҳозироқ идорага бораркансиз.

Элёр бошқа гап айтмади. Кетди. Саид бўлса Фахридиннинг елкасига қўлини қўйди.

— Худо бераман деса, ҳеч гапмас экан. Яна омадимиз келиб қолганга ўхшайди, кетдик идорага, — дея ўриндиқ остига қўлини тиқиб, шишасини олди-да, қулқуллади ароқ ютди.

Ҳайбатулло гапни айлангириб ўтирмади. «Толмасда ишинг борлигини биламан. Ҳозир кўнглингдагини амалга ошириш пайти келди. Касалхонага бориб ишингни қилиб кел. Мана сенга икки минг сўм. Буниси хамир учидан патир. Қойиллатсанг, янги «Жигули» мендан. Ба-жаролмасанг, ҳолингга маймунлар йиғлайди», деди. Саид кўтаринки кайфиятда эди. Ахир бугун у атиги икки соат ичида минг сўм ишлаб олди. Яна эскироқ бўлса ҳам, машинали бўлиб олиши мумкин эди. Агар ўзи хоҳлаганда. Бу ёғи тагин тинчгина, бировнинг бошини ёргани йўқ, бировни ўлдирмади. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандай бўлди. Энди манави мешқорин бутун бошли одамни ўлдириши эвазига арзимаган пул бермоқчи.

— Ароғингиз борми? — сўради Саид лабини ялаб.

— Ароқни нима қиласан?

— Нима қилардим, ичаман-да.

Ҳайбатулло эриниб ўрнидан турди. Бориб шкафни очди. Яримлаб қолган ароқ шишасини олди-да, стол устига қўйди.

Саид пиёлани булғаб ўтирмади. Бир кўтаришда шишани бўшатди-да, стол устига «тақ» этказиб қўйди. Кейин энгини ҳидлади.

— Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз? — деди кўзини чақчайтириб.

Шу заҳоти Ҳайбатуллонинг ҳуши бошидан учди. Хаёлидан «Бу қисталоқ борибоқ мени сотса-я» деган ўй яшин тезлигида ўтди.

— Мен, керак бўлса, — дея чўнтагини ковлай бошлади Саид, — беш минутда сиз берган пулдан икки бараварини топаман. Ишонмасангиз, ана, ташқарида мошинанинг бардачогида турибди. Ҳаммаси қип-қизил ўнталиклар. Биласизми, ўша пулларни кўлимни совуқ сувга урмасдан топдим. Топ-тоза.

— Нима, кам деяпсанми? — деди бироз рангига қон югурган Ҳайбатулло.

— Кўпми?

— Шошма, — дея Ҳайбатулло эшик томонга қараб олди, — деворниям қулоғи бор. Қанча сўрайсан?

— Айтганингиздан уч баробар кўп. Ярми олдиндан.

Ҳайбатулло Саидга тикилди, қотди. Орадан икки дақиқа ўтганидан кейингина тилга кирди:

— Уч баробар, — деди томоғини қириб қўйиб, — нотўғри эшитмадим, шекилли... Уч баробар...

— Нархи шундай, ака.

— Ҳа-а, ҳали нархиям бор-а? Худди гўштнинг нархи уч сўм бўлгандай. Вой, нафсингдан ўргилай. Оғзингнинг бир чеккасидан чиқиб кетди-я. Ўзинг умрингда шунча пулни кўрганмисан, баччағар?! — бақириб юборди Ҳайбатулло.

Унинг бақирғига жавобан Саид иржайди.

— Мана, сиз бераман деб турибсиз, демак, кўрарканман-да, — деди.

— Ҳов, падар лаънати, бу ўртада қорангни кўрмайин! Агар кўриб қолсам, онангни учқўрғондан кўрсатаман.

— Йўғ-э, ёмон кўрқитиб юбордингиз-ку. Энди менинг гапимни икки қулоғингиз билан яхшилаб эшитиб олинг. Менга уч баробар пулнинг кераги йўқ. Мана, икки минг бердингиз. Бу пулингиз роппа-роса бир ҳафтага етади. Агар бир ҳафтадан кейин битта мошинанинг пулини бермасангиз, ўзингизни мелисахонада кўрасиз. Ҳарқалай, мени ёмон йўлга бошламоқчи бўлдингиз.

— Нима, ҳали сен мени шантаж қилмоқчимисан?! Вой,

уккагар-эй, мени-я, сендай итвачча-я! — дея ўрнидан туриб кетди Ҳайбатулло.

Шундагина Саид билдики, ошириб юборибди. Ҳозир дарров олдини олмаса, аҳвол чатоқ.

— Ака-а, — дея иржайганча иккала қўлини кўтарди Саид, — ҳазиллашдим-ку! Ҳазилни тушунмайсизми?!

— Ҳазил? Ҳали сен мен билан ҳазиллашмоқчимисан, муттаҳам?!

— Кайфда одамнинг ҳазиллашгиси келади-да. Бўлди, сиз нима десангиз шу. Манави икки мингнинг беш юзиди оламан. Ҳозирча шунисиям етади. Чунки бу ишни бир ўзим қилолмайман.

— Менга қара, ҳеч қачон иккита гапирмаганман, гапирмайман ҳам. Икки мингни оласан, ишни битирасан. Ким билан, қандай битирасан, ўзингнинг ишинг. Лекин менинг ҳеч нимадан хабарим йўқ, билмайман ҳам.

— Бу ёғидан хавотир олманг. Бир яхши ҳамшира танишим бор. Унга керакли уколни берсам, бўлди, ишни хамирдан қил суғургандай силлиққина бажаради, — дея Саид пул солинган қоғоз қопчани олиб, ташқарига йўналди.

* * *

Хонбиби дарров кичкина кулбага кириб, иккита «Беламор» сигаретасига етадиган кўкнори баргидан олиб чиқди. Ўктам уни шошилмасдан майдалади, сўнг сигарета донасининг махоркасини чиқариб ташлаб, ўрнига наша тикди. Унинг ишини нафрат билан кузатиб турган Паризод секин ўрнидан турди-да, қўлини ҳовузчага ботириб, бир ҳовуч сув олди ва Маъруфнинг юзига қуйди. «Бечорагина, бу аҳволида ўлиб қолади. Ярамастар, одам ҳам шунчалик шафқатсиз бўладими?» дея пичирлади. Яна бир ҳовуч сув олиб келиб қараса, Маъруф кўзини очибди.

— Ичиринг, — деди у зўрға гапириб.

— Ў-ў, шеф, манавини қаранг, дарров ўзига келяпти. Яхши емаган, шекилли, — деди унинг гапини эшитган Мудар тиржайиб.

— Индама, озгина нафасини ростласин, ўликни тепгандан кўра, сал жони борни тепсанг, маза қиласан. Қўявер, — дея Ўктам машғулотини давом этказди.

Сув ичганидан кейин Маъруф бироз тетиклашгандай бўлди. Аммо ҳали унинг чанқоғи қонмаган эди. Шу боисдан яна сув сўради.

— Бўзчининг моксидай қатнайвергандан кўра, сувга бўктириб қўй, бирдан тўяди, — деди Мудар Паризодга ва ўз гапидан руҳланиб, ўрнидан турди-да, Маъруфнинг кўлидан судраганча ҳовузчанинг ичига ташлаб юборди.

Паризод қанча чинқирмасин, Мударнинг кўлига ёпишмасин, фойдаси бўлмади. Оз-моз кучга энган йигит шалоплаб сувга тушиб кетди ва шу заҳоти сув ютди. Ҳаддан ортиқ ютди.

— Чиқар! — деди оғзидан паға-паға тутун чиқарган Ўктам Мударга. — Ўлиб қолмасин, ҳали керак.

— Сув ютган одамнинг қанча муддат ичида ўлишини синаб кўрмаймизми?

Ўктам унга жавоб беришга улгурмай, Паризод ўзини сувга отди. Бироқ унинг ёрдамига ҳожат йўқ эди. Чунки Маъруф тетиклашиб олганди.

У ўрнидан туриб, сув юқларини сидириб ташлади.

— Боланинг жони қаттиққа ўхшайди, — деди уни кўрган Мудар.

— Лекин сув ифлос бўлди. Падарингга лаънатилар, бу ерда мен ҳатто юзимни ювмайман! Чиқ-эй, икковинг ҳам! — бақирди Ўктам.

Маъруф унинг гапларига эътибор ҳам бермади. Паризодга термилди-да, жилмайди.

— Тополмайманми, деб кўрққандим. Лекин...

— Мен қойил қолдим, Маъруф ака, қандай келдингиз? — деди нигоҳини йигитнинг кўзидан узмаган Паризод.

— Мени тортдингиз шу ёққа. Ҳечам адашмадим. Жуда осон бўлди...

— Во-ха-ха, во-ха-ха, эртак!.. — дея думалаб кула бошлади Ўктам.

Маъруф тишини тишига босди. Кўлини мушт қилди. Сувни шалоплатиб икки қадам босди-да, ҳовузчадан чиқди. Унинг важоҳатидан Мудар кўрқиб кетди. Шоша-пиша милтиққа ташланганди, улгурмади. Маъруф милтиқнинг устидан босди.

— Ҳозир пешонангдан дарча очаман! — дея қичқирган

Мудар қанча уринмасин, милтиқни тортиб ололмади.

У ҳайрон бўлганча бошини кўтариб Маъруфга қаради. Ана шу пайтда юзига шунақанги қаттиқ тепки тегдики, кўзидан олов чиқиб кетди. Кейин нима бўлганини билмайди. Қулоғига бақир-чақир, дод-фарёд эшитилди-ю, булар кимларга тегишли эканлигини англаёлмади.

Маъруф бир қўллаб ушлаб, Ўктамнинг ёқасидан кўтарди ва ерга туширмасдан башарасига мушт туширди. Ўктам дунёга келиб, қанча-қанча одамлар билан жанжаллашди. Неча марталаб калтак еди. Аммо ҳозиргидай зарбани бирор марта кўрмаган, ҳис этмаган эди. Бир марта «Аҳ!» дейишга улгурди. Шундан сўнг боши қийшайиб қолди. Маъруф унинг ёқасини қўйиб юборган эди, худди бир қоп гўштдай ерга гупиллаб тушди.

Бақир-чақир, қий-чувнинг ҳаммасини Хонбиби қилди.

— Вой, ўлдириб қўйди! Вой, ўлдирди-и, мусулмонлар! — дея у ўтирган жойида тошни муштлаб, сочини юлиб чинқирарди.

Маъруф унга тегинмади. Ҳали-ҳануз ҳовузча ўртасида ҳайратдан донг қотган Паризодга қаради.

Қиз ўзига келди. Маъруфнинг нима демоқчилигини тушунди ва секин сувдан чиқиб, Хонбибига яқинлаша бошлади. Бу ернинг кўрсичқони (дарҳақиқат, баъзи-баъзида Ўктам уни шундай деб атарди) Паризоддан ҳақини олган эди. Шу боис унинг яқинлашаётганини кўриши билан чинқиришдан тўхтаб, аста-секин орқасига тисарила бошлади. Оралиқ масофа жуда яқин қолганида эса бирдан пешонасини ерга қўйиб, қўллари билан бошини бекитган бўлди-да:

— Тавба қилдим! Ойпошшо, илтимос, мени урма! — дея ялинишга тушиб кетди.

— Сени уриб, қўлимни кир қилиш ниятим йўқ. Ҳалигинда сени бўғанимдан бери ўзимдан ўзим жирканиб юрибман! — дея Паризод Маъруфга қараб, кўзини қисиб қўйди.

Хонбиби шу заҳоти бошини кўтарди.

— Тўғри, мендан жиркан. Мен-чи, оғир касалман. Юқумли касал — песман, моховман. Юқтириб олсанг, ўласан! Шундай йигитинг бор экан, теголмай ўлиб кетсан! Сенинг ўрнингга бошқа биров тегиб олади! — деди

жон алфозда.

— Буни қара, чекдинг, ичдинг, лекин гапларинг бурро-бурро экан. Тўғри, мен сенга тегинсам, бир балони юқтириб оламан. Аммо бу калтакламайман, деганимасда. Мана, қара, бу ерда уриш мумкин бўлган қанча нарса бор?!

— Қаргайман, ойпошшо, қаргайман!

— Ўзинг кимсан-у, қарғишинг нима бўларди?

— Ҳа-ай, алп бола, — дея қўллари титраб Маъруфга қаради Хонбиби, — сенга Ўктамнинг кўп бойликларини топиб бераман, илтимос, ойпошшога айт, мени урмасин!

— Бу қизга мениям кучим етмайди, — деди Маъруф мийғида кулиб.

Сўнг ерда чўзилиб ётганларни четлаб ўтиб, Абдусатторнинг ёнига борди. Унинг юзига умуман қараб бўлмасди. Нафас олиши зўрға эшитиларди. Паризод Хонбибинини чинқиртириб калтаклаётганида, чўпонни кўтариб олдида, ҳовузнинг бўйига олиб келди. Юзини обдан ювди. Лабини бироз очиб, сув томизди.

— Ошна, кўзингни оч, — деди.

Ичи эзилган Абдусаттор хириллади. Маъруф кўрқиб кетди. «Наҳотки ўлиб қолса. Унда мен нима қиламан? Мени ўлимдан олиб қолиб, ўзи шундай ўлиб кетаверадими? Ҳа-а, буни эртароқ дўхтирга обориш керак» ўйлади у. Сўнг Абдусатторнинг юзига бир-икки марта енгилгина уриб:

— Ошна, жўра, одамни кўрқитма, кўзингни оч! — деди.

Шу маҳал Паризод у томонга юзланди. Вазиятни тахминан билди ва Хонбибинини калтаклашни бас қилиб, югурганча Маъруфнинг ёнига келди.

— Тирикми, ишқилиб? — дея сўради хавотир билан.

— Тирик, лекин ҳозироқ касалхонага обормасак, аҳволи чатоқ бўлади. Аммо отда обориб бўлмайди. Маразлар, ичини эзиб ташлаганга ўхшайди.

— Шошманг. Мени бу ерга машинада олиб келишганди. Ташқарида машина бўлиши керак.

— Йўқ, мен кўрмадим.

— Унақада машина қаерга кетди? Ўктам ҳеч қаерга бормаганди.

— Бундан чиқди... — деб Маъруф Хонбиби томонга

юзланди, у елкасини силаб йиғлаб ўтирарди, — машина яширадиган жой бор. Буни анави ялмоғиз кампир биледи.

— У билса, ҳозироқ топиб беради. Топади... — дея Паризод ўрнидан турди. — Тўғрими, ҳой, кўрсичқон?!

— Во-о-й! — дея бирдан орқасига тисарилди Хонбиби.

— Мени бошқа урма-а! Ўлиб қолама-а-н!

— Топасан, тўғрими?! — бақирди Паризод.

— Ҳа, ҳаммасини топиб бераман. Пулларни, қуролларни, нашани! Ҳаммасининг жойини биламан! — деди титраб Хонбиби.

— Топасан, топасанми?!

Бу Ўктамнинг овози эди. У ўзига келган, бошини кўтарган ва еб қўйгудек бўлиб Хонбибига тикилиб ётарди.

Хонбибининг юраги шув этиб кетди. Зеро, у хожасини ўлган деб тахмин қилганди-да. Шу боис бирдан иккала кафти билан ҳам оғзини ёпди.

— Бу ит ҳозир бизга фақат халақит беради, — деб Маъруф ўрнидан турди ва ҳали қаддини ростлашга улгурмаган Ўктамнинг биқинига тепди.

Бир марта инқ этган эски чўпон ёнига ағдарилди ва яна туришга ҳаракат қилди. Аммо Маъруфнинг кетмакет келиб тушган тепкилари уни яна ерда қимирламай ётишга мажбур қилди.

Маъруф ишни шунақанги жирканиш билан бажардики, Паризод елкасидан тутиб қолмаганида, Ўктамнинг суяқларини синдириб ташлашга-да тайёр эди.

— Вақтингизни бекорга кетказманг. Ҳар дақиқа ғанимат, — деди у Маъруфга мўлтираб боқиб. — Жўрангизнинг юзини булоқ сувида қайта-қайта ювинг. Сувда бир гап борга ўхшайди. Сиз шу сувдан ичиб, қаранг, ўзингизни қандай тиклаб олдингиз. Мен унгача машинани топаман.

Паризод Хонбибини кичкина таёқча билан қувлаб ташқарига чиқиб кетди ва Маъруф Абдусатторга бир ҳовучгина сув ичирар-ичирмас қайтиб келди.

— Нима гап? Машина топилдими? — сўради ундан Маъруф ҳовлиқиб.

— Йўқ. Биз томонга иккита машина келяпти.

Паризоднинг кўзида бир олам ҳадик бор эди.

— Ким экан? — сўради Маъруф қаддини ростлаб.

— Билмайман. Лекин яхши одамлар эмаслиги аниқ. Чунки манавининг, — деб Паризод Ўктамни кўрсатди, — таниш-билишлари яхши бўлмайди.

* * *

Саид чиқиб кетганидан кейин Ҳайбатулло анча пайтгача ўзига келолмади. Ўрнидан туриб, ярим соатлар чамаси хонанинг у бошидан бу бошига бориб келиб юрди. Шунчалик ҳаяжон босдики, юраги сиқилганидан тинимсиз чуқур-чуқур нафас олиб турди.

Бир неча марта чўчиб ҳам тушди. Чунки ҳар қадам босганида, пол гичирлар, унинг назарида, Саид вазифани удалай олмай, қўлга тушган, кейин уни сотиб қўйган, гижирлаган товуш эса милиционерларники, у ташқаридан, йўлакдан келяпти. Милиционерлар ҳозир эшикни қарсиллатиб тепиб, ичкарига киришади-да, унинг қўллари қайриб, кишанлашади. Кейин олиб чиқиб кетишади. Ҳойнаҳой, машинани атайлаб кўчанинг бўйида қолдириб келишган. Уни олиб кетаётганларини ҳамма кўрсин, дейишган. Шарманда қилмоқчи бўлишган-да. Шарманда... Қоровуллар, мойга ботган тракторчилар, анави сал нарироқдаги мактабдан қайтадиган эсини еган муаллимлар, яна аллакимлар — ҳаммаси унинг устидан кулишади. Ҳали Ҳайбатуллодай одам шу қўйга тушадими? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Шу пайтгача у нимани режалаштирган бўлса, ҳаммаси амалга ошган, бундан бу ёғига ҳам шундай бўлади. Шундай бўлади!

Эшикнинг ғийқиллаб очилиши Ҳайбатуллони чўчитиб юборди. У кўзи қинидан чиққудек бўлиб эшик томонга қаради-ю, Шокирнинг иржайган башарасини кўрди. Жони чиқиб кетди. Шу боис ўзини «Мол!» деб бақаришдан тийиб туrolмади.

Одатда, бундай ҳақорат эшитгувчи одам орқа-олдига қарамай, қочиб қолиши керак эди. Аммо Шокир ундай қилмади. Қайтанга эшикни янада ғийқиллатиб очди-да, энасининг уйига кираётгандай рухсатсиз кирди. Унинг ортида Абдухалил кўринди. У ҳам Шокирдан кам иржаймаётганди. Иккаласининг ҳам қўлида қоғоз пакет бор эди.

— Хўжайин, буни қаранг, сизга сўкиш ярашди! — деди

Шокир кўзи чақнаб.

— Раҳбар, туғма раҳбар, — дея унинг гапини маъқуллади Абдухалил.

Шу билан ўзини ақлли гап айтган ҳисоблаб, гўдайиб кўйди.

Ҳайбатуллони ҳали-ҳануз қўрқув тарк этмаган эди. Шу боис у ажалдай руҳсатсиз кириб келганларга кўзи олайиб, бирма-бир қараб чиқди.

— Айб бизда, раис бова! Вақтида келмадик.

Ҳайбатуллонинг бирдан чиройи очилди. Шокирнинг «раис бова» дейиши бир ёқди, бир ёқдики, суякларигача эриб кетаёзди.

— Ана шу-да, биз бу ёқда сизларнинг келажакларинг учун қайғуриб, ўзимизни ўтга-чўққа уриб, мана бундай жойларга, — дея у қулочини ёзиб, хонани кўрсатди: — эга бўлиб ўтирсаг-у, сизлар аллақерларда санқийсизлар!

— Мен Элёрни уришдим. «Ака райкомдан чиққанидаёқ бир амаллаб хабарини етказишинг керагиди», дедим, — дея ўшайди Абдухалил.

Ҳайбатулло бармоқлари билан сочини орқага тараган киши бўлди-да, бориб оромкурсига ўтирди. Сўнг қисик кўзларини баттар қисиб, иржайганча:

— Қоққан қозикқа ўхшаб туравермасдан, ўтиринглар, — деди.

— Аввало, — деб қўлидаги қоғоз пакетни Ҳайбатулло томонга узатди Шокир, — сизга озгина харажат қилиб келувдик.

— Ҳе, сенинг нима олиб келганингни олдиндан билман. Қарамасдан айтайми?

— Сиз биласиз. Биласиз. Сизда фолбинлик хислати бор, — тиржайишда давом этди Шокир.

Шу заҳоти Ҳайбатуллонинг қовоқ-тумшуғи осилди. «Падарингга лаънатининг ўхшатганига қара. Ҳе-е, муаллим бўлмай ҳар нарса бўл», дея кўнглидан ўтказди-да:

— Фаросатинг гуллаб-яшнаганини олдиндан билмаган эканман, Шокирбой, — деди.

Ферма мудирини бироз ўнғайсизланган бўлди-да:

— Салобатингиз босади, устоз. Худди шундай, — дея қўлидаги қоғоз халтани стол устига кўйди. — Айтсам, ишонмайсиз. Фермага бораман-ку, ишчиларим мени

кўришлари билан тумтарақай бўлишади. Билсангиз, ҳар хил гаплар ўз-ўзидан қўйилиб келаверади... Лекин сизни кўришим билан негадир тилим айланмай қолади.

— Умуман, гунг бўлиб қолсанг, янаям яхши бўларди. Энди кўп чайналмай, кўрсат-чи, нима олиб келдинг?

— Шу шошилинчда иккита ароқ, бир-икки кило гўшт, кейин...

— Бўпти, тушундим. Ҳаммасини уйингга обор. Хотинингга айт, яхшилаб димлама қилсин, — дея Ҳайбатулло тишини шимиб қўйиб, Абдухалилга юзланди: — Бу, ука, сен ўзи қаерда ишлайсан? Қачон қарама, қишлоқдасан, бу дейман, редакциянинг иши ўйинчоқ шекилли-я?..

— Бе, ака, журналистика — жуда оғир касб. Баъзи пайтлари бир қоғоз нарса ёзгандан кўра, ўн гектар ерни афдариб ташлагингиз келади. Лекин мен ишимнинг устасиман. Бир ўтиришда дунёнинг нарсасини ёзиб ташлайман. Кўрган бўлсангиз, шу ойдаям журналда учта нарсам чиқди. Аммо кечадан олдинги кун кетувдим, Шокиржон укам телефон қилди. Шундай-шундай, деди. «Акамиз отни минди», деди. Ишонсангиз, ўтирган жойимда ҳайқариб юбордим-да, кўчага отилдим. Келинингизнинг дугонаси текстилнида ишлайди. Яқинда десангиз, бир тўп материал опкепти. Фабрикадан белига ўраб чиққан экан. Келинингизга сотиб беришни илтимос қилибди. Шошилинчда шу матодан шартта икки кийимлигини йиртиб олдим-да...

Абдухалилнинг қолган гапи ичида қолди. Ҳайбатулло бирдан хохолаб қулиб юборди. Унга Шокир ҳам қўшилди. Абдухалил бўзрайди. Қулаётганларнинг бир унисига, бир бунисига қаради-да, қулт этказиб ютинди.

— Бу дейман, у ёқдагилар ҳам ўғирлик қилишаркан-да. Текстиль фабрикадагилар матони белига ўраб чиқса, коса-пиёла ишлаб чиқарадиганлар нима қилишади?! Кўкрагига қўйиб чиқадими?! Хо... Хо... Хо! — аския қилди Ҳайбатулло.

— Ака! — чинқирди Шокир. — Михни айтмайсизми, михни?! Мих заводидагилар нима қилишади-и-и?!

— Эй-й! Ха, ха! Вой, ўлиб қоламан ҳозир, ўламан!.. — деди Ҳайбатулло қорнини ушлаганча қотиб-қотиб куларкан.

Абдухалил баттар мулзам бўлди. Миқ этмай, кулаётганларга жавдираганча қараб ўтираверди.

— Ҳай, майли, — деди орадан бироз муддат ўтиб Ҳайбатулло, — бир маза қилдик-да. Ишлайвериб диққатим ошиб кетганди, сал енгиллашгандай бўлдим. Хўш, аввало, опкелган нарсанг учун катта раҳмат. Ҳурмат қилиб опкелгансан. Лекин уни Элёрга бериб қўй. Бу ерда қолдиришинг яхшимас. Кейин, ука, шу бизнинг колхоз ҳақида яхши бир очерк тайёрла. Журналинг ойда бир чиқади, у бўлмайди. Ҳафтада чиқадиган газетга бер. Энди, укалар, бизга рухсат. Бу ёғи сезон бошланиб кетган, бригадларни айланишим керак.

Шокир билан Абдухалил бирдан ўрнидан туриб, қўллари кўксиларига қўйиб, чиқиб кетишди.

Ҳайбатулло ярим тунгача бўшамасди. Аввал ўзи айтгандай бригадаларни айланди. Сал кўкрак кериб, оғир-оғир қадам ташлаб, бригадирларга қовоғини уйиб, теримчиларга сал очилиб гапирди. Кейин пахта топшириш пунктига борди. У ердагилар билан тусини ўзгартирмай сўзлашди. Ана ундан сўнг райком идорасига бориб, мажлисда қатнашди. Чарчади. Шунда ҳам Саидни ўйлади. «Нима қилдийкан, бирон жойда гуллаб қўймадимикан? Пулга бало сотиб олмасам гўрғайди. Балки, уни қайтариш керакдир. Бир ўнғай келганида, ўзим битта ҳаракат билан Толмасни орадан олиб ташлаганим яхшидир, — деб кўнглидан ўтказди, аммо яна иккиланди: — Эҳтимол, қўлга тушмас, балки, ҳаммаси силлиқ кечар. Саид ҳам пихини ёрганлардан. Ҳеч вақт ўзи бориб, Толмаснинг томоғидан олмайди. Ўзи айтгандай, орага одам аралаштиради. Демакки, менгача бўлган масофа янада узоқлашади... Уфф, жонимга тегиб кетди».

У машинага ўтирганидан кейин ҳам мана шундай ўйлар исканжасидан қутулолмади. Элёрга «Энди Шокирникига ҳайда. Озроқ чигал ёзди қиламиз», деди.

Шокир қўй сўйибди. Дастурхонга одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса қўйибди. Ароқ учун вилоят марказига бориб келибди. Нақ заводнинг ўзидан, лентадан келадиган ароқлардан териб-териб олибди. Кейин ўзи яшикка жойлабди. Машинага ортибди. Бирортаси синиб-не-тиб қолмасин деб, машинани секин ҳайдабди. Уйига ке-

либди-ю, хотинига бақирибди: «Қанақанги муаллимсан ўзи? Қанақанги шаҳар кўргансан?! Ҳе, маданиятингдан ўргилдим, ўласанми устингга тузукроқ кийим кийсанг? Бундай одам қараганда яйрайдиганидан кийсанг бўлмай-дими?..» Хотин уйига шошиб кирибди. Елкаси очиқ кўйлагини кийиб чиқибди. Яна атир-упани ҳам аямасдан ишлатибди. Шундан кейин Шокир ўзи билан бирга юрган Абдухалилга хотинини кўрсатибди. «Қалай, ишқинг тушяптими?» дебди. Абдухалилнинг шундоғам оғзидан суви қочиб турган экан, иржайибди. «Бу аҳволда хотинингни бирортаси ўғирлаб кетади», дебди. Шундан кейингина Шокирнинг кўнгли жойига тушибди.

Бу гапларни у Ҳайбатулло уйига кириб ўтирганидан сўнг, ҳали ичишга улгурмасидан, тўлиб-гошиб гапириб берди. «Ўл-а, ҳезалак, даюс, одам ҳеч вақт хотининиям бировга кўз-кўз қиладими?» хаёлидан ўтказди Ҳайбатулло ва ўзини Шокирнинг гапларига эътибор бермаётгандай кўрсатиш мақсадида «Ароқдан қуй!» деб буюрди. Шокирнинг хотини овқат кўтариб келганидан сўнг кўрсаки, ажибгина хилқат. Шартта пешонасига урди: «Қаердаги пандавақиларга мана шунақанги санамлар учрайди. Эҳ! Шу томондан омадим келмаган-да. Лекин ҳечқиси йўқ, Шокирни у ёқ-бу ёққа сафарга жўнатиб туриш мумкин» ўйлади у ва мийиғида кулиб, аёлга еб қўйгудек тикилди.

* * *

Маъруф Паризоднинг кўзида бир олам кўрқув кўрди. Бундан қувониб жилмайди.

— Каттасики, оёғимиз остида ётибди, кичкиналари нима бўпти? — деди ва ўзини ботир кўрсатиш мақсадида илдам юриб, ташқарига чиқди.

Узоқдан келаётган иккита машинага кўзи тушди. Улар чанг-тўзон кўтариб, худди танкдай олдинга интилишарди. Маъруфнинг юраги гупиллаб уриб кетди. Бир зум бутун вужудини кўрқув эгаллади. Аммо у дарров ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб, «Буларни ажал етаклаб келяпти. Ажал! Бўлмаса, бунақа ҳовлиқишмасди, — дея кўнглидан ўтказди, аммо кўнгли кўтарилмади. — Фордаги ҳовузнинг қандайдир хислати бор экан. Тинка-мадорим қуриб, ўлар аҳволга тушиб қолгандим, мана, кўз очиб юмгунча ўзимни тиклаб олдим. Фақат тикланма-

дим, балки кучимга куч қўшилди. Бундан чиқди, ҳозир менда ўзим ўйлаганимдан ҳам ўн баробар кўпроқ куч бор. Бир мушт уришда камида иккитасини бемалол ер тишлата оламан. Лекин бунинг учун ҳаммасини бир жойга тўплашга тўғри келади. Икки мушт ва улар тамом... Шошма, йўли топилди-ку, боплайман ҳозир».

У миясига келган ўйдан қанчалик хурсанд бўлган эса-да, барибир, оёғининг қалтираши қолмади. Сабаби, қилмоқчи бўлган иши анча қалтис эди.

Олдинги машина унинг ёнгинасига келиб тўхтади. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган ўттиз беш-қирқ ёшлардаги чўтир юзли одам эшикни очиб, сақраб тушди.

— Нега бунча кеч қолдинглар? — деди Маъруф қовоғини уйиб.

Чўтирнинг иржайган башараси бирдан жиддийлашди.

— Кармисан? Қачон келишинг керак эди? — дея овозини баландлатди Маъруф.

— Хўжайин сенга шунақа кутиб олгин, дедими? Кимсан ўзинг? — дея Чўтир ерга чирт этказиб тупурди.

— Кимлигимни ичкарига кирганингдан кейин биласан.

— Уфф. Ҳеч кўнглини ололмадим, ололмадим-да. Нима бало, мен опкелган қушча учиб кетдими? Ё хархаша қилиптими?!

Маъруф билдики, Паризодни мана шу турқи совуқ олиб келган. Мана шу ярамас Толмас Бадриддиновични тўшакка михлаб қўйган.

— Ҳимм, нимага жимиб қолдинг? Ўзларинг оғзиларингга солиб қўйилган овқатни ютолмайсанлар-у, бошқаларни айбдор қиласанлар.

— Агар ўша қушчанг бўлмаганида, ҳозир мен билан гаплашиб турмаган бўлардинг!

— Эй-й, ошна, бор экансан-у, мен бу минилмаган тойча қилиқ чиқариб, бошим балога қолдими, дебман. Ташқарида юрганингга қараганда, ичкарида яхшигина «суҳбат» кетаётганга ўхшайди.

— Унисидан беҳабарман.

— Кирсам бўладими?

— Шу ерда туриб тур, келганингни айтайин.

Маъруф форга кирди. Ўзига киприк қоқмай тикилиб

турган Паризоднинг ёнига борди. «Ҳаммаси яхши бўлади. Озгина сабр қиласиз, хўпми?» дея ҳазиллашган бўлди ва ортига қайтиб, ташқарига чиқди. Қарасаки, Чўтир ўзи миниб келган машинанинг ҳайдовчиси билан гаплашиб турибди.

— Кираркансан, — деди унга ва тикилиб тураверди.

— Қалай экан? Илгари доим бизни ўзи кутиб оларди. Бу чиқолмайдиган бўлиб қолдими? Айтувдим-а, қушчага кўп талпинаверманг, бор кучингизни тортиб олади, деб. Қулоқ солмаганди-да.

— Киргин, кўрасан.

Чўтир кийим-бошини тўғрилаб олган бўлди. Кейин машинадагиларга бир қараб қўйиб, секин горнинг ёнига келди. Маъруфга бошдан-оёқ қараб чиқди. Бир нарсаларни сўрамоқчи бўлди-ю, лекин нимагадир сўрамади.

У Паризодни, ерда чўзилиб ётган Ўктамни кўрди. Кейин бирдан ортига бурилмоқчи бўлди-ю, бошига теккан қаттиқ зарбадан кўзи тиниб, ерга қулади ва бирдан тинчиб қолди.

Маъруф қўлидаги тошни ерга ташлади. «Биринчиси», деди.

Паризод Чўтирни дарров таниб, қўрққан ва орқасига биров тисарилган эди. Яхшики, Маъруф Чўтирнинг бошига тушириб қолди. Акс ҳолда, бечора қизнинг қичқириб юбориши ҳеч гап эмасди.

— Буларнинг ҳаммасини анави хужрага тиқиб ташлашимиз керак, бошқалари пишиқроқ чиқиб қолиши мумкин, — деди Маъруф ва Чўтирнинг оёғидан ушлаб судради.

Паризод Ўктамнинг ёқасидан ушлаб тортди. Аммо қимирлатолмади. Кучи етмаганидан жаҳли чиқиб, янада қаттиқ тортди. Аммо Ўктам, барибир, қимирламади.

— Падарингга лаънати, гўрсўхта! — дея Ўктамнинг елкасига беихтиёр бир тепди.

Ўктам ингради. Паризод қўрқиб кетганидан уни қўйиб юборди.

— Маъруф ака, — деди кўзи чақнаб, — манави ўзига келганга ўхшайди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳозир яна ухлатиб қўямиз, — деди Чўтирни хужрага ташлаб қайтган Маъруф.

Дарҳақиқат, чўпон кўзини очган, нима бўлганини англаёлмай энди бошини кўтармоқчи бўлаётган эди.

— Ошна, ҳали вақтли. Тонг отмади. Вақти келганида ўзим уйғотиб қўяман, — деб Маъруф тиззалаб ўтирди-да, Ўктамнинг сочидан гижимлаб тортиб, башарасига мушт туширди.

Чўпоннинг яна кўзи юмилди.

Шундан сўнг у ҳам Маъруфнинг кўмагида ҳужрадан жой олди. Ундан кейин Мудар ҳам судралди.

— Ошна, — деди Абдусаттор Маъруф ишларини саранжомлаб, энди ташқарига чиқмоқчи бўлиб турганида. — Мени кечир, сенга ёрдам беролмаяпман.

Йигит ва қиз бирдан унга қарашди.

— Эй-й, — дея унинг ёнига келди Маъруф, — ўзингга келаётганинг — менга ёрдам берганинг. Ҳали сен билан бирга кўп иш қиламиз.

— Ташқаридагилар кўпми?

— Тўрт киши бор.

— Унда анавини ол, Чўтирни судраётганингда чўнтагидан тушиб қолди.

Маъруф шундагина ерда ётган тўппончани кўрди.

Паризод қўрқиб кетди. Югуриб борди-да, Маъруфдан олдин тўппончани олди.

— Йўқ! Йўқ, буни олманг. Илтимос қиламан! — деди у чинқириб.

— Нега? — ҳайрон бўлди Маъруф.

Паризод бошини эгди. Пешонасида маржон-маржон тер пайдо бўлди.

— Тушунмадим, Паризод, сизга нима бўлди? Нега тўппончани олишимга қаршилиқ қилиясиз? Ташқаридагилар...

— Биламан, лекин бирортасини отиб қўйишингизни хоҳламайман. Отсангиз ўлади, ана ундан кейин... Балки, бошқа чораси бордир.

— Бошқа чора бор, дейсизми? Бирдан-бир чораси, мен ўлишим керак, сиз эса мана шу горга тўпланадиган каламушларнинг маликаси бўлишингиз лозим.

— Маъруф ака, мен бундай демоқчимасдим. Сизнинг одам ўлдириб қўйишингиздан қўрққандим, мана, олинг, — дея Паризод тўппончани Маъруфга узатди.

— Йўқ, энди керакмас, шусиз ҳам эплашга ҳаракат қилиб кўраман, — деб Маъруф ташқарига чиқиб кетди.

Дўппини учирадиган шамол турган, хас-чўплар ҳавода учиб юрарди. Машинадагилар пастга тушиб, Хонбиби билан гаплашиб туришарди. Маъруф бундай манзарани кутмаганди. Кутмаганди эмас, хаёлининг бир четига ҳам келтирмаганди. Чунки у Хонбибини унутиб қўйганди-да. Хонбиби бўлса Чўтирга эргашиб келган йигит билан гаплашиб турибди. Аниқроғи, унга нималарнидир тинимсиз гапиряпти. Маъруфга кўзи тушиши билан кўрққанидан нарироққа кетганидан билиш мумкин эдики, у ичкарида бўлган воқеаларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб беряпти.

— Саттор ака қани? — сўради Хонбиби нарироққа кетиши билан олдинги машинани ҳайдаб келган йигит.

— Ким у Саттор? — дея пешонасини атайин тириштирди Маъруф.

Суҳбатдошнинг қошлари чимирилди. Кўзи олайди. Қўли мушт бўлди.

— Боягина сен билан бирга кириб кетганди-ку! — деди дағдаға билан.

— Ҳа-а, шундоқ демайсанми? Мен унинг отини билмасам. Афти чўтир бўп ётибди...

— Лақаби Чўтир. Қарда у?

— Қарга кириб кетган бўлса, шу ерда.

— Нима қиляпти?

— Нима, терговчимисан, савол берасан, ярамас? Кир ичкарига, кўрасан! Юрак борми ўзи?!

— Шунақа дегин. Ичкарига кириб Саттор аканинг ўлигини кўрайин, тўғрими?!

— Йўқ, ҳозирча тирик. Хўжайин сен билан уни бирга ўлдирмоқчи, тушундинг?!

— Алдади. Ишонма гапига. Сениям ўлдиради. Ўлдиради бу! — дея кутилмаганда Хонбиби қичқириб юборди.

— Бунисига нима дейсан? Эндиям бошқача гапирасанми? Мен сенга боя ишонмагандим!

Маъруф кулди. Иккала қўлини ёнига ёзди. Бошини сарак-сарак қилди.

— Сен ҳали шу ялмоғиз кампирнинг гапига ишоняпсанми? Шунга-я?!

Ҳайдовчи бошини машиналар томонга, уларнинг гапини диққат билан эшитаётган шериклари тарафга бурди. Маъруф шу заҳоти ишни бошламаса бўлмаслигини англаб етди ва қаршисидаги йигитга ташланди. Дарҳақиқат, унинг билагида кучи кўп эди. Ўша ҳовузчадаги сув туфайли, унинг гаройиб хусусияти сабаб. Фор сувидан Паризод билан Абдусаттор ичганди. Аммо Паризод жуда кам қувват олди. Абдусатторга эса жигарининг озроқ эзилгани панд берди. Йўқса, у ҳам ҳозир Маъруф каби паҳлавонга айланарди.

Дарвоқе, Маъруф ёшлигидан унча-мунчага жанжаллашмасди. Ҳамқишлоқ тенгдошлари билан, кейин талабалигида ҳам бир-икки марта ёқалашган. Аммо буларни ҳақиқий муштлашиш деб бўлмасди. Шу боис ҳозирда билаги зўр эса-да, уришишни билмасди. У рақибини ердан даст кўтариб, нарироққа улоқтирди. Ҳа, фақатгина улоқтирди. Шунда ҳам душмани йиқилмади. Мувозанатни сақлади. Кейин очиқчасига Маъруфнинг устидан кулди.

— Кампир алдабди. Сен бечора қандай қилиб икки одамни ўлдиришинг мумкин? Ўлдиролмайсан.

У бир кўлини юқорига кўтариб, шерикларига ишора қилган эди, улар бараварига югуришди. Маъруфни урмоқ, бир ёқли қилмоққа ошиқишди. Бундай олиб қараганда, уларнинг кўлларидан ҳар нарса келади. Чунки ҳаммаси ўтириб чиққан, ҳаётни жиноятдан иборат деб билгувчи кимсалар эди. Аммо кутилмаганда олдиларда ғов бўлаётган йигитчага бир мушт туширишга-да улгурмасларидан гумбурлаган товуш эшитилди.

Фор эшиги ёнида Паризод турарди. Унинг кўзи ёшга тўлган, тўппонча ушлаган кўли қалтирар эди.

* * *

Уйига қайтиб келган Наргизанинг ранги докадек оқариб кетган, бутун аъзойи бадани титрар эди. «Ҳаммаси тугади. Бундан бу ёғига яшашимга ҳожат йўқ. Аввал уйимдагилардан хавотирда эдим. Энди Маъруф акамнинг энаси ҳам мени келин қилмаслигига ишончим комил бўлди. Бунинг устига, Маъруф акам мени демаслигини билман. Шу пайтгача «У бир кунмас-бир кун севиб қолади. Бир кунмас-бир кун у билан бирга бўламиз, тўй қила-

миз» деб ўзимни ўзим алдаб келдим. Лекин буларнинг бари бекор. Чунки... Чунки у мени ёқтирмайди. Эй, Худо, севиш гуноҳмиди, севиб гуноҳга ботдимми? Қара, севгимнинг орқасидан бошимга қанча ташвишлар келяпти? Агар севмаганимда, буларнинг биттасиям йўқ эди. Лекин... севмай турмушга чиқиш, яна анави турқи совуқ Элёр билан бир ёстиққа бош қўйиш — ўлим... Шошма, ўлим деганлари мени ҳар нарсадан қутқаради-ку. Унда нимани кутяпман?...» хаёлидан ўтказди қиз ва секин ўрнидан турди-да, ҳовлига чиқди. Энасига дуч келди. Ундан кўзини олиб қочди. Ахир кўз ҳамма нарсани сотиб қўйиши мумкин-да.

— Тинчликми, қизим? — сўради энаси Наргиза гап-сўзсиз ёнидан ўтиб кетаётганида.

— Тинчлик, озроқ бошим оғриб турибди. Шунга...

— Тўхта, унда бу ёққа кел.

— Ўтиб кетади, эна, дарров хавотир олаверманг.

— Рангинг оқариб кетибди. Бу ўтиб кетадиганга ўхшамайди. Юр, — деб аёл қизини орқага қайтарди.

Кўрпа-тўшак қилиб, қўярда-қўймай қизини ётқизди. Кейин дамлама тайёрлагани ошхонага кетди. Наргиза ётган жойида шифтдан кўзини узмай хаёл сура бошлади. Ўтган кунларини бир-бир хотирлади. Англашича, ўзини роса ерга урибди. Бир йигитга ёқиш учун ўлиб-тирилибди. Шартмиди шу? Ундан кўра Маҳлиёга ўхшаб бепарво юрса бўлмасмиди? Кўнглига сал-пал ёқадиган бирортаси топиларди. Аввалига унга ноз қиларди. Кейин озроқ мойиллигини билдирарди. Сўнг болапақир совчи жўнатарди. Отаси озроқ қайсарлик қиларди-ю, лекин, барибир, кейин рози бўларди. Қарабсизки, Наргиза бир оиланинг бекаси...

«Уфф, — деди у сочини гижимлаб, — буларнинг бари энди орзу, етиб бўлмайдиган масофада. Бекордан-бекорга хаёл суриб, ўзимни қийнаганим қоляпти. Бундан кўра, ўзимни осганим... Шошма, бундан осонроғиям борку. Ана, ошхонадаги сиркани оламан, битта пиёлага тўлдириб қуяман, сўнг кўзимни чирт юмиб, бир кўтаришда ичиб юбораман. Ичим қуяди. Чидайман. Бор-йўғи ўн-ўн беш минут, ундан кейин ҳушимдан кетаман, руҳим танамдан чиқади-да, осмонга кўтарилади. Эшитишимча,

осмонда ҳуру филмонлар бўларкан. Уларнинг ҳаммаси менга ўхшаб бир йигит бағрида эркаланишга улгурмасларидан бу дунёни тарк этишган экан. Мен уларга қўшиламман. Кейин жаннатийларга ёр бўламман. Бир умр ҳозирги ёшимда қоламман. Оҳ, бундан яхшиси борми?! Борми, борми?! Йўқ. Шундай экан, вақтни ўтказиб нима қилдим? Ҳозироқ бориб сиркани ичмайманми?!»

Қизнинг юраги бирдан ҳаприқиб кетди. Пўртанадай кучли ҳовур билан ўрнидан турди. Сочларини тузатган бўлди ва шошганча ошхонага кетаётганида яна рўпарасидан энаси чиқди.

— Нимага туриб олдинг? — сўради энаси унинг юзига тикилиб.

— Бошимнинг оғриғи қолди, эна, сизни ташвишга қўйганимдан уялиб кетдим. Энамга бир ширин овқат пишириб берайин деб, ошхонага бораётгандим.

Аёл қизининг юзи аввалгидан-да оқариб кетганини, сўзлаётганида кўзини олиб қочаётганини сизди ва қўнглига шу заҳоти шубҳа оралади. «Бу қиз бир фалокатни бошламоқчи, бўлмаса, бундай ўзгармаган бўларди» дея ўйлади қовоғини уйиб.

— Дарров жойинга бориб ёт, аввал манави, — дея у қўлидаги косани кўрсатди, — дорини ичиб оласан, кейин, майли, овқат пиширсанг ҳам розиман.

Қиз режаси ортга сурилаётганидан афсусланиб, жойига қайтиб тўшакка ётишга ва энаси келтирган қандайдир ўтлардан тайёрланган дамламани ичишга мажбур бўлди. Ўзини тетиклашгандай сизди. Кўзини юмганча энасини алдади.

— Уйқум келяпти, эна. Майлими, ухласам? — деди.

Энаси «майли», деди-ю, лекин чиқиб кетмади. Ёнгинасида ўтирди. «Барибир кетади. Ҳозир кетмаса, ярим соат, бир соатдан кейин кетади. Мен ўзимни уйқуга солишим, хаёл суришим керак. Энам ухлаб қолганимга ишонч ҳосил қилгач, кетади. Кейин ошхонага бораман-да, сирка ичаман. Сиркани кеча ўзим магазиндан олиб келгандим. Озгинасига сув аралаштириб қўйганман. Қолгани турибди... Ҳозир, ҳозир анави ширин хаёлимни давом эттиришим керак. Бўлмаса, зерикаман, юрагим сиқилади. Шунда билмасдан кўзимни очиб қўйсам, энам

ухламаганимни билиб қолади... Нимага келувдим, ҳа-а, эсладим, хур қизлар... Жаннатдаги хур қизлар... Мен бориб уларга қўшилишим керак эди. Қўшиламан, кейин Маъруф акамнинг боришини кутаман. Қизиқ, яна Маъруф акамни севиб қолармиканман? Йўқ, ҳеч қачон. Уни деб бу дунёда тортган азобларим етиб-ортади. Мен ўлганимдан кейин бу дунёда, барибир, бирортасига уйланади. Ўша қиз нариги дунёда ёнида бўлаверсин. Сиқилиб кетяпман. Сиқилияпман. Нега энам кетмаяпти? Ёки мендан шубҳаланиб қолдими? Кетсайди...»

У лабларини ялаб қўйди-да, ёнбошига, девор томонга ағдарилиб олди. Худди шу пайт қизидан кўзини узмай ўтирган аёл оғир хўрсиниб қўйди. «Мени куйдирма, қизим. Шундоқ ҳам рўшнолик кўрмай ўтяпман. Сенга бир нима бўлса, мен яшолмайман» дея хаёлидан ўтказди.

Бу пайтда Наргиза дугонаси ҳақида ўйлаётган эди. Илгари у Маҳлиёга ҳавас қиларди. Ахир ҳавас қилмай бўлади? У Маъруфнинг синглиси-ку.

Қадам товуши эшитилди. Демак, энаси кетяпти. Яна бир-икки дақиқадан сўнг ташқарига чиқади. Ана шунда ошхонага кирса бўлади.

Наргиза сабр-бардош билан икки-уч дақиқа эмас, ундан кўпроқ ётди. Сўнг кўзини очиб, бошини кўтарди-да, бир сидра уйни кузатди. Ҳеч ким йўқ, тиқ этган товуш эшитилмайди. Айни вақти деб, қиз ўрнидан турди. Оёқ учида юриб борди-да, эшикни эҳтиёткорлик билан ғийқиллатмасдан очиб, ойнабанд айвонга чиқди. Кейин яна худди шундай юриб ошхонага кирди. Сирка солинган шишани олди. Пиёлага тўлатиб қўйди. «Маъруф ака, барибир, мени севмайсиз, шунинг учун сизга ўлган-қолганимнинг фарқи йўқ. Балки, бу дунёдан кетганим яхшироқдир... Эна, энажон, биргина сиз мен куясиз. Кечиринг мени, бошқа иложим йўқ эди» дея кўнглидан ўтказди у ва кўзини чирт юмди-да, пиёладаги сирканинг ҳаммасини бир кўтаришда ичиб юборди.

* * *

— Мен сенга нима дегандим, ошна, нима дегандим?! — дея Фахриддиннинг елкасига урди Саид. — Мен билан юрсанг, хор бўлмайсан, деганмидим? Манавини қара.

Фахриддин иржайганча у узатган қоғоз халтачани олиб,

ичини очиб кўрди. Ўнталик, йигирма бешталик пуллар.

— Саид, жўра, мени чимчилаб қўй, кўраётганларим тушга ўхшайди, — деди Фахриддин кўзи олайиб.

— Ана шунақа бўлади. Сен бўлсанг, менга ишонма-
гандинг. Одамга ўхшаб, кечирим ҳам сўрамадинг. Шун-
дай ақлли бошга қўл қўтардинг-а, номард!

— Узр, ошна. Мендан ўтибди.

— Мендан ўтибдиймиш. Ҳайда. Шаҳарга ҳайда, мен бунча пул билан бу ердаги пашша тўлиб-тошиб ётган ошхоналарда овқатланмайман. Шаҳарда, ресторанда ма-ишат қиламиз. Ресторанда! — деди Саид бақириб ва Фахриддиннинг елкасига яна уриб қўйиб, кўзини юмди.

Саид ярим йўлгача бир нималар деб гўлдираб кетди. Кейин хуррак отиб ухлади. Фахриддиннинг эса хаёли бузилган эди. Ахир машинасидаги пул озмунча эмас-да. Шуларнинг ҳаммаси ўзида бўлса борми, қанчадан-қанча муаммоларини ҳал қилган бўларди! Афсус, Саид бор. Маишатни яхши кўрадиган, лекин доим омади келадиган Саид. У — пулнинг асосий эгаси. Қанча хоҳласа, шунчасини унга беради. Мабодо феъли айниб қоладиган бўлса, унда Фахриддин сариқ чақасиз қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бунинг устига, ҳали машинани олиб қўйиши ҳам мумкин. «Толмасга ҳамма қилиқларингни сотаман, шарманда қиламан», дейди. Яна бир балоларни ўйлаб топади. Ана ундан кейин тўрт йилдан бери гижинглаган отдай хизматини қилаётган «Жигули»сидан айрилади. Де-мак, нимадир қилиш керак, нимадир...

У ўйини охирлатмай туриб, кўзи йўл четида ола-була таёғини ушлаганча турган ДАН ходимига кўзи тушди.

— Оббо, шуниси етмай турувди. Ишқилиб, тўхтатма-син-да, — дея пичирлаганча газни бироз ташлаб, йўл посбонини кўрмаган киши бўлиб қўшиқ хиргойи қилди.

Бироқ кичкинагина шумлиги ўтмади. Ола-була таёқ унга «тўхта» ишорасини берди.

«Эй-й, Худо, ишқилиб, оғзим сасимаётган бўлсин-да» дея ўйлаган Фахриддин секин тормозни босди.

Узун бўйли, мўйловли, шапкасини бостириб кийиб олган ДАН ходими Фахриддиннинг хужжатларини синч-ковлик билан кўздан кечиргач, қовоғини осилтириб, ҳай-довчининг юзига қаради-да:

— Йўл бўлсин, — деди.

— Шаҳарга, — жавоб қайтарди Фаҳридин.

— Эй-й, оғзингиздан ароқ ҳиди келяптими?

Фаҳридиннинг бирдан юраги шув этиб кетди.

— Йўғ-э, ичиб шаҳарга қандай бораман?..

— «Куҳ» денг-чи, ҳурматли ҳайдовчи.

Фаҳридиннинг гувоҳномаси икки букланиб, ДАН ходимининг бурни тагида пайдо бўлди.

— Бўлди, ака, тушундим. Ошнам, ана, машинада ухлаб ётибди. Шу ичганди. Менгаям уриб қопти-да, — дея Фаҳридин иржайганча Саидни кўрсатди.

— Йўқ, сиз ичгансиз. Қани, машинанинг калитини менга беринг-чи.

— Командир, командир, қўйинг, шундай қилманг. Айтдим-ку, ичмаганман, деб. Ошнам ичган.

— Калит!

Фаҳридиннинг ранги ўчди. У машинанинг эшигини очиб, ўзи билан Саиднинг ўриндиғи орасидаги қоғоз халтачадан битта бели букилмаган қип-қизил ўн сўмликни олиб, эшикни қайтадан ёпди. Сўнг иржайганча:

— Мана калит, — деб, кафтини машинасини тўхтатган одамнинг кафтига урди.

ДАН ходими унинг қанча пул олганини кўрганди. Шу боис кўлидаги ўн сўмликка ҳам қарамасдан:

— Кам, — деди.

Фаҳридин яна битта ўнталик олишга мажбур бўлди. Сўнг «Атир-патир сепиб олинг, яна бирортаси тўхтаса, тушиб юрманг», деган гапни эшитди.

У машинани энди юрғазмоқчи бўлганида, Саид кўзини очди. Яхшилаб эснади-да, кейин:

— Шошма, мен шу пайтгача бирон жойда чув тушган одам эмасман. Мени туширадиган одам дунёга келмаган, ҳозир бу шапканинг ўзини боплайман, — деди.

— Қўй, тинчгина кетаверайлик. Шунча пулдан йигирма сўмгина камайди, шу билан камбағал бўп қолмаймиз, — дея норози оҳангда тўнғиллади Фаҳридин.

— Пул ўзингники бўлганида, ётволиб тортишган бўлардинг, ярамас, қара, қандай қиламан! — деб Саид эшикни очди.

ДАН ходими бундай бўлишини сира кутмаганди. Шу

боис ҳайрон бўлиб қараб турди.

— Начальник, отингиз нимаиди, эшитмай қолдим? — деди Саид афтини бужмайтириб.

— Катта сержант Бекқулов Соли, — жавоб берди кўзларини бироз қисган йўл посбони.

— Сиз одам эмаскансиз, Бекқулов, пора олишга уял-мадингиз-а? Бунинг учун қанчага кетишингизни биласизми?! Ё айтайинми, ўртоқ Бекқулов?!

Посбоннинг бирдан туси ўзгарди. Киприги пирпираб:

— Сиз кимсиз? Нималар деяпсиз? — деди шошганча.

— Менми?! Менинг кимлигимни сўраяпсизми? Марҳамат. Паспортида Бўриев Саид Фаффорович ёзилган. Яна кўча-кўйда область инспекциясининг бошлиғи полковник Салимовнинг жияни деб чақирганларида, «лаббай» деб жавоб берган пайтларим ҳам бўлган. Хўш, бундан ташқари, ҳозир тоғамникига кетаётганимни ҳам айтиб қўйишим мумкин!

Саид қўлини мушт қилиб, кўзини олайтириб гапирганидан Бекқулов яхшигина доводиради:

— Менинг сиз билан ишим йўқ. Ҳайдовчи билан гаплашаман. Ҳайдовчи, ҳов, ҳайдовчи!..

— Ҳе, нима қиласиз, мошинани тортиб оласизми? Бемалол. Лекин мен кўрган-билганларимни ҳурматли тоғамга етказаман. Энди сизнинг қамалиб кетишингиз билан мошинани олиб қўйишни таққослаб кўринг-чи.

— Ука, қўй, ундай-бундай гапларни гапирмайлик. Мана, ўша падарингга лаънат йигирма сўм! Кетаверинглар, — деди бутунлай капалаги учган Бекқулов.

— Энди бунақаси кетмайди, ўртоқ начальник. Иккита кип-қизил пул ҳомиладор эди. Икковиям биттадан туғаман деб турувди. Менимча, киссангизда иссиқдан қийналиб, туғиб қўйган бўлса керак. Оналар болаларсиз қийналади. Чиқаринг болаларини ҳам.

Ноилож қолган Бекқулов бугунги даромадининг йигирма сўмини кўшқўллаб Саидга тутқазидан ўзга илож тополмади.

Фахридин газни охиригача босди. Мотор зўриққанидан додлаб юборди. Резина ғилдираклар асфальт йўлда чийиллаб, «Жигули» олдинга сакради.

— Лекин бопладинг! Қойилман сенга! Қойил қолдим!

Мен ҳеч қачон бундай қилолмасдим! Эй-й, санъатингга беш кетдим, жўра! — дея ҳайқирди Фахриддин.

— Буниси ҳолва. Насима опагинам билан Ҳайбатулло-ни қандай туширганимни кўрганингга, кўзинг чиқиб кетарди! — деди Саид гўдаиби ва чўнтагидан сигарета олиб, лабига қистирди.

— Ошна, бу ГАИларнинг каттасини ҳақиқатан ҳам танийсанми?

— Нималар деяпсан? Умримда кўрмаганман. Эшитганман.

— Ў-ў, эшитганингга шунча қилсанг, бир-икки марта салом-алик қилсанг, йўлда турганларнинг ҳаммасининг шўрини қуритаркансан-да.

— Ҳе, калланг ишламайди сенинг. Агар салом-алигим бўлса, майдалашиб ўтирмайман. Бирдан катта-катта босаман, — деб, Саид сигаретасини тутатди-да, ўпкасини тўлдириб тутун ютди.

«Бу қисталоқ ухламаган экан. Машинани тўхтатганимни, сержант билан гаплашганимни — ҳаммасини эшитибди. Чеккароққа обориб, кўнглимдаги ишни қилганимда борми, нақ энамни кўрарканман. Худо бир асради» дея кўнглидан ўтказган Фахриддин Саидга ўғринча қараб қўйди.

Машина ресторан ёнига тўхтаганидан сўнг:

— Сенга бир нарсани айттайин. Охирги пайтларда шаҳарда мошина ўғирлаш эрмак бўп қолган. Шунинг учун сен ресторанга кирма. Ҳақингни ўзим олиб чиқаман. Ҳе, кеча сен маишат қилиб, мен мошинага қоровуллик қилувдим, бугун қоровуллик навбати сеники. Лекин пулга эҳтиёт бўл, тинчитиб кетишмасин тагин, — деб Саид машинадан тушди.

Фахриддин ошнасининг бугунги кароматларидан даҳшатга тушган эди. Шу боис эътироз билдирмади.

Саид рестораннинг энг тўрига бориб ўтирди. Хипча бел, сариқ соч официант қизга бошдан-оёқ қараб чиқди. Сўнг мийиғида кулганча, «Хўжайинни чақиринг», деди.

Буюртма қабул қилишга тайёр турган қиз ҳайрон бўлди-да, унга бир муддат тикилиб қолди.

— Биламан, истарали, кўзга яқин одамман. Лекин ҳозир хўжайинни чақиринг, яхши қиз, ана ундан кейин хизмат

қиласиз. Бошқа жойдаям, — деди Саид.

Официант қиз қовоғини осилтирди.

— Хўжайин ҳозир йўқ, нима буюрасиз? — сўради у нозик овозда.

— Хўжайинга айтинг, Саид келди, денг. Хўпми?! Ундан кейин уч-тўрт хил салат билан битта ароқ, бир пачка сигарета, яхши пишган димлама опкеласиз, қолган заказни хўжайинингиз айтади.

Саид битта сигаретани охиригача чекиб бўлмасидан бош ошпаз келди. У билан қучоқлашиб кўришди. Кейин рўпарасидаги столга ўтирди.

— Типратикан, ошна, ичмасимдан олдин айтайин, битта заказ чиқди. Нақд минг сўмлик. Бор-йўғи битта укол учун, — деди Саид нигоҳини бош ошпазга қадаб.

Ресторан хўжайини — бош ошпаз Эшбўта Темурхўжаев мийиғида қулиб, бошини сарак-сарак қилди. Сўнг официант қиз келтирган ароқни олиб, иккита қадаҳга тўлдириб қўйди.

— Саиджон, ука, сени билганимга минг йил бўлди, десам, хато қилмасам керак. Ҳамиша мард бўлгансан. Ана шу мардлининг умрининг охиригача йўқолмаслиги учун аввал биттадан олайлик, — деди.

— Сиз менга устозсиз. Агар сиз бўлмаганингизда, умрим қамоқда чирирди. Мана, айтганларингизга амал қилиб, кам бўлмаяпман. Қани, олдик, — дея ўшшайди Саид.

Суҳбат қизигандан-қизиди. Агар бир-икки марта Эшбўта ошпазнинг ичкарига, ошхонага кириб-чиққанини ҳисобга олмаганда, улар тинимсиз гаплашишди. Ҳаммаси олди-қочди гаплар. Мақсадга кўчишга ресторан хўжайини сира йўл бергиси келмаётган эди. Унинг нега бундай қилаётганини Саид тушунмас, айтиш чоғда сўрашга юраги бетламаётганди. Суҳбат аввалида дангал, ҳеч нимадан тап тортмай айтиб юборганди. Кейинчалик Эшбўта ошпаз суҳбат жilовини шундай қўлга олдики, Саид нима деярини билмай қолди. Охири маст бўлиб қолишдан, кейин кўнглидаги гап кўнглида қолиб кетишидан кўрқиб, айтишга мажбур бўлди.

— Ўша бояги айтганимни қилиш керак, — деди.

Ошпазнинг бирдан қовоғи осилди. Санчқини олиб,

салфеткани бир-бир теша бошлади.

— Яхши одамларнинг илтимоси, — деди ундан кўзини узмай ўтирган Саид.

— Биринчидан, яхши одам бунақанги илтимос қилмайди. Заказчик ҳамиша ўтакетган аблаҳ, пасткаш бўлади. Иккинчидан, унақанги уколнинг нархи наҳотки шунчалик арзон бўлса? У ҳайвонгамас, одамга ишлатилади, одамга. Сен гап бошлаганингда, тушунтиряпти деб ўйловдим, қарасам, бошқа ёққа ўтлаб кетяпсан... Эллик берсин, бус-бутунидан. Бўлмаса, ўша яхши одамингга айт бориб, ҳаром ишни ўзи қилсин. Мен обрўйим тўкилишини... Очигини айттайин, бир ҳафтадан бери кўчага чиқмайман. Уйим ҳам, ишим ҳам, бошқа бало-баттарларим ҳам, мана шу — бор-йўғи уч юз киши сифадиган ресторан. Балки, шунинг учун ташқаридагилар нархимни пазайтириб қўйишгандир.

Саиднинг капалаги учиб кетди. Чунки у бундай бўлишини мутлақо кутмаган эди. Ахир ўтган сафар ошпаз «Бизга харажатнинг кераги йўқ, яхши акалар айтган бўлса, бўлди, ўзимиз хизмат қиламиз», деганди-да. Ўша пайт матлубот жамиятининг раҳбари касалхонага ўз оёғи билан келиб, қайтарида кафанга ўралганди.

— Умид қилувдим, — деди у бошқа гап тополмай.

— Ҳе, Саиджон, бир хил пайтлари худди ёш болага ўхшаб гапирасиз-а! Мен сизга айтсам, эшак ҳам умид қилади «Эгам менга бир тутам емиш берармикан», деб.

— Мен эшакмасман-ку.

— Шуни айтаман-да.

— Демак, бу шўрва кимга керак бўлса, ўзи тайёрласин, шундайми?

Ошпаз қўлларини икки ёнига ёзди.

— Яхши, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Менга ампуладан берсангиз бўлди. Тўғрироғи, уни сотиб оламан.

Ресторан хўжайини қошларини бир жойга йиғиб, ўткир нигоҳини Саидга қадаб, деди:

— Ана шу зормандаям фалон пул.

— Сенинг киссангдаги етмайди, демоқчисиз-да. Яхши. Шундай ўйлаганингиз маъқул. Лекин-чи, еб-ичганларимнинг пулини тўлай оламан, ха-ха-ха. Тўлай оламан!

Эшбўта бақа бўлиб қолди. У Саиддан ҳамма нарсани

кутганди, аммо бунақанги қилиқ кўрсатиши тушига ҳам кирмаган эди.

— Ҳа-а, киссасида сариқ чақасиям йўқ деб ўйлаганми-дингиз?! Йў-ў-ў-қ, — дея Саид кўрсаткич бармоғини ҳавода силтади, — мен унча-мунча нарсани бемалол сотиб оламан. Шундай! Ойимчангизни чақиринг, энг зўр нарсаларни опкелсин!

Эшбўта ўрнидан туриб кетди. Ошхонага борди. У ўзини жуда ғалати сезаётган эди. Кўз ўнгидан Саиднинг иржайган башараси кетмас, назарида, бу пандавақи унинг устидан кулаётгандай туйиларди. Ахир тескариси бўлиши керак эди. «Икки марта бўлди. Биринчисида ерга урди. Анавинақанги укол учун бор-йўғи минг сўм беришини айтди. Кейингисида... Падарингга лаънати яна худди шундай кулди-я! «Еганимнинг пулини тўлай оламан»-миш. Ит, мараз! Кўрсатиб қўяман сенга. Мени ким деб ўйлаган эдинг?» хаёлидан ўтказди у ва нигоҳи билан хизматчи қизларни қидирди. Яқинда келган биттасини кўрди. Азбаройи ёқтириб қолгани учун уни ишга олган. Бўлмаса, ўтакетган ишёқмас қиз экан. Лекин қисталоқ нозланишни бопларкан-да. Кейин жуда бошқача кийинади. Ажнабий-да, ажнабий. Кийинишга уста.

— Бу ёққа кел, — деди Эшбўта унга

Официант нозланганча қадам ташлаб, унинг ёнига яқинлаша бошлади. Эшбўтанинг асаби бузилди. Қовоғини осилтириб:

— Тезроқ кел! — дея бақирди.

Қизнинг шу заҳоти қошлари чимирилди. Чунки у шу пайтгача хўжайинидан эркалашдан бошқа гап эшитмаган эди-да.

— Лаббай, хўжайин! — деди официант «хўжайин» сўзига алоҳида урғу бериб.

— Менинг ким билан ўтирганимни кўрдингми?

— Кўрдим, хўжайин.

— Ёнига борасан, ўрайсан... Шошма, аввал кийимларингни алмаштир. Анави кийиминг бор-ку, бир қаричли юбканг, шуни кийиб ол. Ўзингни бу ерга ўтиргани келган мижоздай кўрсат... Шунақанги туширгинки, ўтирган жойига михланиб қолсин. Оёғимнинг тагига эмаклаб келиб, ялинсин!

— Маза-ку! Мен бунақанги ишларга профессионалман. Сиз сира хавотир олманг, хўжайин. Ўша одамни итдан баттар қиламан.

Официант бу сафар оёғини қўлига олиб югурганча кийиниш хонасига кетди.

Саиднинг аҳволи Эшбўтаникидан баттар эди. Чунки ишбилармонлиги ўтмади. Бош ошпаз уни менсимади. Бундан ҳам баттари, таҳқирлади. Бугуннинг ўзида не-не керилганларнинг бурнини ерга ишқаган одамни... Бунга қандоқ чидаш мумкин?

У ёнига келиб қошини учирган қизни сезмай қолди. Гўлдирашда давом этди. Нималар деяётганини ўзи ҳам тушунмасди. Чунки ароқ энди кучини кўрсата бошлаган эди.

— Мумкинми, сиз билан битта столда ўтирсам...

Ниҳоятда майин, жозибадор овоз Саиднинг қулоғига узоқ-узоқлардан эшитилгандай бўлди. У кўзини чирт юмиб, бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, деяпсизми?

«Кимдир қачондир «Бунақанги ичишда бир кун келиб, бутунлай ақлдан озасан. Шундай кун келадики, лойқа ариқ ҳам сен учун юмшоққина, иссиққинадай туйилади», деганди. Ким айтганди-я? Ким эди ўша? Йўқ, барибир, эслолмайман. Лекин молдай ичиб, чўчкадай еяётганимни, итдай дуч келган жойда ухлаётганимни биламан. Пулим бор, аммо мен аҳмоқ нимага бундай қиляпман, тушунмайман. Ҳа-а, топдим. Менга ҳамма паст назар билан қарайди. Амалдориям, қўлидан бир иш келмайдиганиям бармоғи билан кўрсатади мени. Расвогарчиликларнинг бари шунинг орқасидан. Бўлмаса, мен нималарга қодирман...»

— Ухлаб қолдингизми, яхши йигит?

Саиднинг хаёли бузилди. У кўзини очиб, бошини кўтарди ва ёнгинасида турган ним табассумли соҳибжамолни кўрди.

— Ўлган бўлсам керак, тўғрими? Лекин мен дўзахга тушишим керак эди. Нима қилиб жаннатда юрибман? — деди.

Қиз бирдан хандон отиб кулиб юборди. Унинг овози ресторан деворларига урилиб, акс-садо берди.

— Тириксиз, тириксиз, — деди қиз кулгидан ўзини аранг тўхтатиб.

— Тирикман?! Унда сиздай қиз қаердан келиб қолди? Бу дунёда қанчадан-қанча қизларни кўрганман, лекин бирортасиям сизга ўхшамасди. Ҳе, жаннатдаям одамни алдашаркан-да, тўғрими?!

Қиз яна қотиб кулди, бу сафар қорнини ушлаб, букилганча кулди. Ресторанда ҳали мижоз оз эди. Борлари ҳам улардан анча нарида ўтиришарди. Бироқ шулар ҳам ўгирилиб қарашаётганди. Қизнинг букилиб олганига ҳайрон бўлишди.

Саид ўзининг юзига шапатилаб урди.

— Би, би, би, — дея лабини чўччайтириб, бошини кимиради. — Ҳа, тўғри, ўлмаган эканман. Тирик эканман ҳали... Сиз кимсиз? Эй-й, нималар деяпман, ўтиринг, ўтиринг, — деди у шошиб.

Уни четдан қузатган одам сира маст деб ўйламасди. Бироқ Саиднинг ўрнидан туришга-да мадори йўқ эди. Қизиғи, тили бурро, калласи мойланган мотордай ишлаётганди.

— Раҳмат, бор экансиз-ку, — дея қиз чаққонлик билан Саиднинг рўпарасидаги столни орқага сурди-да, ўтириб, тирсагини столга қўйганча бармоқларини чалиштирди. — Айтсам, ишонмайсиз, бугун уйда ўтиравериб, роса зерикдим. Умримда бунақанги аҳволга тушмаганман. Чунки атрофимда ҳамиша ўртоқларим бўларди. Негалигини билмайман, лекин дугоналарим, ўғил бола дўстларим мени роса яхши кўришади. Аммо бугун уларнинг бирортаси ҳам уйимга келмади. Умуман, мен уларнинг ҳаммасидан безганман. Бир хил ўртоқлар ҳам жонга тегиб кетаркан... Юмшоққина каравотимда шифтга қараб анча вақт ўйланиб ётдим. Кейин бирдан хаёлимга мана шу ресторан келиб қолди. Ўзимча ресторанга бораман-у, кўнглимга ёққан кишининг столига ўтирволиб, у билан маза қилман, деб ўйладим.

Қиз бидирлашни тугатиши билан енгилгина кулди. Саид ҳам унга қўшилди ва шу заҳоти тагида икки қадаҳ ароқ қолган шишани қўлига олди.

— Лекин адашганга ўхшайман, — деди ундан кўзини узмай ўтирган қиз.

— Нимага адашасиз? Нега адашасиз? — ҳайрон бўлди Саид.

— Чунки мен сизни ҳақиқий жентльмен деб ўйлагандим. Аммо сиз мени олқинди билан сийламоқчисиз.

Саид дарров қўлидаги шишага, кейин яна қайтиб қизга қаради.

— Тўғри. Айб биздан ўтди. Уч юз фоиз айбдорман. Лекин ҳозир айбимизни ювамиз, — дея бўйнини чўзиб, гоздай атрофига аланглади.

Нарироқда турган официантни қўли билан имлаб чақирди. У шуни кутиб турган экан, шекилли, липиллаб дарров етиб келди-да, қўлини кўксига қўйиб:

— Лаббай, — деди.

— Бизга бир шиша ароқ, беш-олти хил газак, яхши пишган шашлик...

— Эшитишимга қараганда, — дея Саиднинг сўзини бўлди рўпарасида ўтирган ҳурлиқо, — Владивосток балиғи келганмиш, қизил балиқ.

— Ҳа, бор. Бугун келган, — жавоб берди официант унга ғалати қараш қилиб.

Хурлиқо Саидга қараб, жилмайди.

— Агар мумкин бўлса... — деди.

— Бўлмасам-чи. Шундай нарса борлигини менга шеф ҳам айтмаганди. Хўш, яна нима айтамыз, жонидан?..

— Ароқдан олдин Московский шампань опкелсангиз, мен уни шоколад билан ичишни яхши кўраман.

— Бўлди, хоним нима деган бўлса, ҳаммасини келтиринг, — деди Саид ғўдайиб ва беихтиёр яна бояги шишага қўлини узатди.

— Биз ҳали танишмадик-ку, — дея нозланди хурлиқо официантни нигоҳи билан кузатиб қўйгач.

— Эсим қурсин. Қишлоқиман-да, унча-мунча нарсага фаросатим етавермайди-да. Менинг отим Саид. Сизники-чи?

— Менинг отим йўғ-у, исмим бор. Наташа, — жавоб берди қиз кулгичини кўз-кўз қилиб.

— Ия, сиз ўрисмисиз?

— Шундай.

— Қойил! Мен сизни ўзбек деб ўйловдим. Лекин-чи, ўзбекчани қийиб ташларкансиз. Аммо, барибир, озгина

билиниб турувди. Шошманг... Соч сариқ, юз оппоқ, қош-киприк қоп-қора. Ҳа-а, тўғри, ўрссиз. Мен бўлсам, тоза ўзбекча гапирганингизга, сочини бўяб олган бўлса керак, дебман-да... Наташа, менда битта савол бор. Мана, масалан, кипригингиз билан қошингиз қоп-қора, нега?

— Бу аёллар секрети.

— Сиз аёлмисиз, қиз эмасмисиз?

Наташа қиқирлаб кулди. Кейин бошини сарак-сарак қилиб:

— Ажойиб! Сиз билан ўтириш ниҳоятда ажойиб. Очиғи, маза қиляпман. Ҳеч ким мени сизчалик роҳатлантиролмаганди, — дея кулди ҳурлиқо.

Саид унга қўшилиб иршайди. Кейин, барибир, ўша ортган ароқни қуйди. Битта қадахни қизга узатди. У бояғидай нозланмади. Тортинмасдан идишни Саиднинг қўлидан олди. Кейин «Танишганимиз учун» дея кўтариб ичиб юборди. Бироздан сўнг уларнинг буюртмасини келтиришди. Официант қиз тагин Наташага ғалати қараш қилди ва ҳаттоки кўзини қисиб қўйди. Саид уларни зимдан кузатаётганди. Шу боис хатти-ҳаракатни сезиб қолди.

Егулик-ичкилик авжига чиқди. Бу орада мусиқа ҳам янграй бошлади. Янги танишларнинг бири қўйиб, иккинчиси гапирар, шарт бўлмаса-да, хохолашиб кулишарди. Стол усти эса борган сари буюртмаларга тўлиб кетаётган эди. Шундай таомлар келтирилдики, Наташа билан Саид бир марта ҳам чўқиламади, стол устида беш дақиқа турар-турмас ҳурлиқонинг буйруғи билан официант уларни қайтариб олиб кетди.

— Сиздан мен... — деди кўзлари юмилиб кетаётган Саид орадан икки соатча вақт ўтиб. — Мен, ҳалиги... Ту... Туалет қаерда?..

Наташанинг ҳам анча кайфи ошиб қолган эди. У қўлини ҳавода силтаб ҳиринглади-да:

— Ҳе, тушундим. Тушундим. Ҳозир, ҳозир обораман. Қаердайди? Ҳа, биламан, чиқишда. Чиқишдайди, — деб у оғзидаги тупугини бир неча марта ямлаб олди-да, қўлини столга тираб, ўрнидан зўрға турди.

— Сен!.. — дея кўрсаткич бармоғини ҳавода ниқтади Саид. — Ҳе, ҳе... Мен эркакман, керак бўлса, эркак!

У ўрнидан туриши билан ён томонига қийшайиб кет-

ди ва гилам ўрнини босувчи қип-қизил мато устига қулаб тушди.

Бу пайтда уларнинг ён-атрофида ўтирганлар ўринларидан туриб, шўх мусиқага рақс тушаётган эдилар. Шу боис ҳам унинг йиқилганини ҳамма кўрмади. Кўрганлар эса шунчаки афтларини буриштириб қўйишди.

— Йиқилди! — деди Наташа турган жойида қийшанглаб.

Саид амаллади. Шундаям икки марта қайта йиқилганидан кейин. Аммо уни шу аҳволда кўрганлардан бирортаси ёрдам берай демади.

Икки маст бир-бирини суяб ташқари эшиккача боришди. Кейин биргаликда эркаклар ҳожатхонасига кираётганларида эшикбон Наташани ушлаб қолди. Ҳартугул, у шу ерда ишлайдиган қизни яхши танирди. Бир қанча муддат уни иш кийимида кўрганди. Энди қараса, бу аҳвол. Ҳеч балога тушунмади.

— Кирма сен, — деб қўлидан тортди-да, эшик ёнидаги столга ўтқазиб қўйди.

Саид дарров чиқди. У фақатгина юзини ювганди, холос. Наташанинг ёнигача амаллаб келди-да:

— Нега ўтириб олдинг? Тур. Мени кучоқла. Мен сени бошлаб ўпайин, — деди.

— Мазанг қочиб қолибди-ку, ошна. Нима қилардинг бунча кўп ичиб? — деди унга ачинганча қараган эшикбон.

— Сен... Сен билсанг. Билсанг...

Саид гапини охиригача етказолмай, қўллари билан ҳавода бир нималарни чизди. Сўнг ним очиқ кўзини эшикбонга тикиб:

— Сен Пахини чақир, Пахини, — деди.

— Ким у Пахи? — деди ҳайрон бўлган эшикбон.

— Пахи шофёрим.

— Тушунарли.

Эшикбон ташқарига чиқиб кетди. Саид эса Наташанинг устига эгилиб олган, бошига лабини теккизиб:

— Сен бугун... Ҳа, бугун меники... — дерди.

Ўзиям у мана шу гапни қарийб беш марта қайтарди. Аммо давомини айтишга сира тили айланмади. Бир муддатдан кейин эса Фахриддин келиб, уни олиб кетди. Ана

ундан кейин тўполон бошланди. Сабаби, ичкари хонада телевизор кўриб ўтирган Эшбўта воқеани охиригача кўрмаганди. Эшикбон эса Саиднинг шеф билан бирга отамлашганидан хабардор эди. Шу боис ҳам уни чиқариб юборганди.

Ҳамма нарса Наташанинг зиммасига юкланди. Ҳозир у маст, нима бўлаётганини идрок этолмасди. Бироқ ўзига келгач...

* * *

Беш эркак ва нарироқда турган Хонбиби қотиб қолди. Бирпасда шамол ҳам тингандай, жимжитлик ҳукм сураётгандай эди. Ҳамманинг кўзи Паризодда, унинг кейинги ҳаракати нима бўларкан, деб қараб туришарди. Қиз эса кўрқиб кетганидан кўз ёшгагина кучи етиб, ҳайкалдек қотганларга «Энди нима қиламан?» деган ўйда бир-бир жовдирарди. Ахир у тўппонча отиш у ёқда турсин, умуман, қурол ишлатишни билмасди-да. Билгани, биргина тепкини босиш эди. Шуни ҳам кинода кўрганди.

Унинг бахтига бир неча марта ўлимга дуч келган Чўтирнинг шериклари қизнинг нўноқлигидан беҳабар эдилар. Улар «Қиз бизни отмасайди» деб туришарди.

— Кўрдингларми? — деди биринчи бўлиб тилга кирган Маъруф. — Паризод биринчисини осмонга отди. Лекин аниқ биламан, иккинчиси биттангнинг пешонангни тешиб ўтади.

Унинг гапидан бироз тетиклашган Паризод шу заҳоти қуролни Чўтирнинг шерикларига қаратди.

— Ёт баринг! Ёт! — буйруқ берди Маъруф бевақт келганларга.

— Ошна, — деди Саттор билан бир машинада келган йигит, — аслида, Чўтир бизни мажбурлаб бу ёққа опкелди. Тўғриси, биз сендан ичкарида нима бўлганини билиб, кейин орқамизга қайтиб кетмоқчийдик.

— Эртагингни энанга айт! Ёт ерга! — бақирди Маъруф.

— Мана, ишонмасанг, ҳозир исботлайман. Бир минута. Қара, қараб тур, — деб у ёнидан кичкинагина пичоқчани чиқариб, тигини кафтининг устига қўйди. Сўнг Маъруфга юзланиб: — Ишонмасанг, кесаман. Хоҳлайсанми жоним азобланишини?

— Кес.

— Бўпти, мана.

Чўтирнинг шеригининг башараси бужмайди, кафтидан эса қон оқа бошлади.

— Ишондингми энди? — деди у бечорасифат тусга кириб. — Энди бориб, мошинага ўтириб, орқамизга қайтиб кетаверайликми?

— Биз-чи? — бақирди шу пайт Хонбиби. — Бизни ташлаб кетаверасизларми?! Ўктам акам териларингни шилиб, сомон тикади.

— Ўчир овозингни, кампир, сен бизни ким деб ўйла-япсан?! Ўлиб кетмайсизларми?! Манави бола маладес экан! Биз қилолмаган ишни қипти. Мелиса-да, мелиса! Мен шундай мелисаларни ҳурмат қиламан!

— Нима деб валдираяпсан, Фулом! Ўктам ака сенга қанча ёрдам берган?! — қичқирди унинг кетишидан кўрққан Хонбиби.

«Падарингга лаънати, эшак, ҳамма ёқнинг расвосини чиқардинг. Энангни эмгур. Қутулсам, онадан туғилганингга пушаймон едираман!» хаёлидан ўтказди исми ошкор этилганидан, режаси бузилганидан газабланган Фулом.

— Мен ёш боламан. Алдасанг, шундай экан, деб, ишониб кетавераман, — дея жилмайди Маъруф.

— Бу кампир мени кимгадир ўхшатапти! Падарингга лаънати. Ялмоғиз кампир бу ерда нима қилиб юрибди? — иршайди Фулом.

Маъруф шу пайт беихтиёр Хонбибига қаради. Чўтирнинг вақтида етиб келганидан хурсанд бўлган Хонбиби унинг ҳам, кутилмаганда, манави зўравон йигит томонидан ер тишлатилганига, қолаверса, у билан бирга келганлар кўрқоқларча қайтиб кетишга қарор қилгани учун уларнинг қилмишига чидолмай, йиғлаб юборган эди. Унинг шу йиғиси бир лаҳзага Маъруфнинг эътиборини тортди. Бундан фойдаланган Фулом Маъруфнинг қўлидан ушлаб, ўзига бир тортди-да, томоғига пичоқчасини тиради.

— Қимирласанг, сўйиб ташлайман! — деди у секин Маъруфнинг орқасига ўтиб. Сўнг Паризодга бақирди: — Ойим қиз, бундай бўлишини кутмаган бўлсанг керак! Шундайми?! Ха-ха-ха! Агар ҳозир қўлингдаги ўйинчогингни ерга ташламасанг, йигитингнинг бошини сапча-

дай узиб ташлайман!

Паризод воқеа бундай тус олишини мутлақо кутмаган эди. Шу боис ранги докадай оқарди, шундоғам қалтираётган қўли баттар қалтирай бошлади.

— Ишонма, Ишонма! Ҳеч нима қилолмайди! Тўппончангни ташласанг, икковимизни ўлдиришади! — бақирди Маъруф.

Паризоднинг қўлидаги тўппонча тушиб кетди. Ахир у худди чўғни ушлаб тургандай хавотирланаётганди-да. Маъруф бақирмаганда ҳам бир нави эди. Аммо у бақирди-ю, қизнинг қўрқувини икки ҳисса ошириб юборди. Паризод Маъруфни ўлдириб қўйишларидан кўра кўпроқ ўзининг қўлидаги қуролдан қўрқаётганди. Ана шунинг учун ҳам тўппончани ташлаб юборди. Ташлаб, яна қайтариб олганида ҳам бошқа гап, бунга унинг вақти бемалол эди. Бироқ у қуролни ташлаб, кафти билан юзини бекитганча йиғлаб юборди. Энди анави тўрт такасалтангга Худо берди. Тирноғидан сочининг учигача шодлик эниб, бири югуриб келиб, тўппончани олди. Бошқаси Маъруфнинг қорнига ўхшатиб уриб, уни буклаб қўйди.

— Ташвиш чекиб ўтирибмиз, ҳаммаси осон экан-ку, — деди Фулом иржайиб ва пичоқни қайириб, қинига тикди-да, кейин чўнтагига солиб, Маъруфнинг қорнига тепди.

Аниқ биладики, туфлисининг учи мўлжалга аниқ етиб борди. Аммо кейин пойабзали негадир теккан жойидан олинмай қолди. Чунки уни Маъруф ушлаб қолишга улгурган эди.

— Вой қисталоқ! — дея ўкирганча оёғини тортди у.

Бироқ яна тортиб ололмади. Букчайган рақиб қаддини ростлади ва шўринг қурғурнинг оёғини янада баландроқ кўтариб, хотининг орасига тепганди, Фуломнинг кўзи касасидан отилиб кетай деди. Ёмон бўлди. Одам зоти душманигаям бунақанги азобни раво кўрмайди. Зарба энг нозик жойга тегди-я.

— Во-ой! Ўлд-и-им! — дея ўкириб юборди Фулом ва шу заҳоти нафаси ичига қайтиб, ерга ағанади-ю, типирчилашга тушди.

Иккинчи душман Маъруфдан узоқда эмасди. Шу боис дарров унинг чангалига тушди. Ҳалиги тўппончани қўлга

киритиб, ўзини ниҳоятда бахтиёр ва зўравон ҳис этган газанда бўлса ана шу маҳал қовун тушириб қўйди. У қурол мили Маъруфга эмас, ўз ошнасига мўлжалланганини билмай, тепкини босди. Жўраси ўкириб юборди. Бироқ йиқилмади. Йиқилишига Маъруф йўл қўймади. Қучоқлаганча тутиб тураверди. Қуролли галварс бўлса яна тепкини босди ва неча йиллик қадрдонини ўлдириб қўйди. Ана энди у қўрқув исканжасига тушди. Тушганда-ям унча-мунчамас, нақ юраги ёрилаёзди.

— Мараз, ит, ҳайвон! Сени деб... Барибир, ўлдираман, энди жоним чиқди! — дея ўкирганча тепкини қайта-қайта босди.

Бироқ тўппончанинг ўқи тугаган эди. «Чиқ-чиқ»дан нарига ўтмади. Қуролни отиб юборди. Ҳозиргина у сузишга тайёр турган буқадай эди, бирпасда қўйга айланди-қўйди. Аммо унинг шериги жанжални хуш кўради-ганлар хилидан эди. Шу боис тўппончали қаҳрамонга эътибор бериб ўтирмай, Маъруфни ерпарчин қилиш учун ошиқди.

Бирпасда чанг-тўзон кўтарилди. Ким кимни босиб олган, ким бақирган, ким мушт туширган, ким тишлаган — аниқлаб бўлмасди. Маъруф билан тўртинчи душман ана шу тарзда олишарди. Ҳалигина тўппончани қўлга киритиб, бир неча лаҳзага ўзини шер билган, дуч келганни қурол ёрдамида тиз чўктираман, деб ўйлаган тентак бундан фойдаланиб қолиш ниятида чанг-тўзонли жойга югурди. Бироқ икки қадам ташлади ё ташламади, йиқилди. Паризоднинг оёғига суриниб йиқилди. Айни лаҳзада қизнинг ақли ишлаб, у гўрсўхтани чалишга улгурганди. Душман зўр йиқилди. Албатта, шундай бўлади-да. Қутилмаганда оёғингиз бирор нимага тегиб кетса, юриб кетаётган тақдирда ҳам, камида мункиб кетасиз, югурганда-чи?.. Яхшиям, у битта қўлини бироз бўлса-да, ерга тираб қолишга улгурди. Бўлмаса, бурнини синдириб олиши ҳеч гап эмасди.

Тўполон беш дақиқа ўтар-ўтмас тугади. Ҳаммасига тамаки сабабчи бўлди. Маъруф-ку чекмасди, чангни ҳисобга олмаганда, ичига деярли тутун кирмаган эди. Аммо унинг рақиби роса жанжалкаш бўлгани билан чекаверганидан ўпкаси илвираб қолганди. У бир-икки зарбада душмани-

ни қулатса қулатади, йўқса, дарров нафаси томоғига тикилиб, ўзи душманига «гўшт» бўлади.

Маъруф уни тинчитгандан сўнг йиқилиб, қайта ўрнидан туриб, ўзини қандайдир қиз чалиб йиқитганидан жони ҳалқумига келган ва ўша қиз (Паризод) нинг юзига шапалоқ тортган зўравонни бир ёқли қилди. Тўғриси, уни сафдан чиқариш Маъруфга қийинчилик туғдирмади. Чунки юраксиз одам ҳар қанча кучли бўлмасин, барибир, кўрқоқ бўлади. У ёнига Маъруф етиб келмасидан бурун тиз чўқди-да:

— Менда айб йўқ! Тавба қилдим! Мен шунчаки ҳазил-ҳазил билан буларга қўшилиб қолганман. Илтимос, мени урманг! — дейишга тушди.

Маъруф кейин унга ҳазил нималигини кўрсатиб қўйди. Икки марта ўхшатиб урганди, зўравон бошини бекитиб, ерга ётиб олди. Кейинги калтакларга шу ҳолатда чидади. Бақирмадиям, ўзини ҳимоя ҳам қилмади. Гўёки ўлик ҳолига тушди.

Кўзидаги ёш юзини ювиб, кейин чанг ўтиргач, Паризоднинг юзи кўримсиз бўлиб қолганди. Маъруф уни қўлидан ушлаб, ўрнидан турғазди-да, бағрига босди. Эҳтироссиз, худди ака сингилни кучгани каби.

— Нима қиламиз энди? — шивирлади қиз.

— Кетамиз. Абдусатторни оламиз-у, кетамиз, — жавоб берди Маъруф.

— Мен кўрқиб кетяпман. Илтимос, тезроқ кетайлик, — ёлворди Паризод.

— Ҳаммаси ортда қолди. Бир минут ҳам қолмаймиз бу ерда, — дея Маъруф қизни бағридан бўшатди.

Сўнг ғор ичкарасига кириб кетди ва ҳаял ўтмай, Абдусатторни кўтарганча қайтиб чиқди. Уни Чўтир миниб келган машинанинг орқа ўриндиғига ётқизди, Паризод ёнига ўтиргач, моторни ўт олдирди.

— Ошна, — деди Абдусаттор хаста овозда, — анави-ларни бир ёқли қилиб кетиш керак. Яраланган бўри ёмон бўлади. Ўзига келганидан кейин ўч олиш пайига тушади.

— Улардан ҳам зарури — сени эртароқ касалхонага обориш. Буларни мелиса опкетеди.

Машина бир зумда Етим тоғдан узоқлашиб кетди. Паризод шундай аблаҳлар қўлидан қутулиб чиққанига ишон-

гиси келмасди, Маъруфга эса кўрганлари тушдай туйилди. Чунки йигит шунча одамга қарши чиқиб, уларнинг ҳаммасини енгаман деб сира ўйламаганди. Ахир Парданинг ўзи, сал бўлмаса, ер билан битта қилиб ташлашига оз қолганди-ку.

Абдусаттор йўлни яхши биларкан, шу боис ҳушидан кетгунича қайси томонга юришни айтиб турди. Қолгани Маъруфга таниш эди. Улар аввалига район марказидаги касалхонага боришди. Маъруф жўрасини дўхтирлар қўлига топшириб, «Жигари эзилган бўлиши мумкин», деди. Врачлар уни сўроққа тутишни ҳам унутиб, бемор билан овора бўлиб кетишди. Бундан фойдаланган йигит ортиқча саволлардан қочиб, ташқарига чиқди. Машинага ўтириб, бир муддат қотиб қолди.

— Нима гап? Нима бўлди? — сўради ундан Паризод хайрон бўлиб.

— Ҳеч нима. Ишқилиб, вақтида опкелган бўлайлик. Дўхтирлар чопиб қолишди. Оғир бўлмаганда бундай қилишмасди, — жавоб берди Маъруф.

Уларнинг иккиси ҳам оғир, қарийб қутулиш мумкин бўлмаган вазиятдан чиқиб келаётганлари ҳақида мутлақо ўйламасдилар. Ҳозир уларни Абдусатторнинг омон қолиши кўпроқ қизиқтирарди. Шу боис талай муддат гаплашишмади.

— Одамлар бекорга чекишмас экан, — деди, ниҳоят, орадаги жимликни бузган Маъруф.

— Чекингиз келяптими? — дея киприкларини пирпиратиб унга қаради Паризод.

— Ҳа. Илгари бир-икки марта чекаман деб, ўлай деганман. Лекин ҳозир юрагим негадир сиқилияпти.

— Чекинг.

— Йўқ-да.

Паризод жилмайди.

— Магазиннинг ёнида тўхтанг, кириб, олиб чиқасиз.

— Тўхтасак ҳам, ололмаймиз.

— Шошманг-чи, манави ерда бўлса керак, — деб Паризод бардачокни очди.

У адашмаганди. Бир қути сигарета билан гугурт турарди очган жойида.

— Қойил, биларкансиз ҳаммасини.

— Отамнинг мошинасида кўп кўрганман. Ҳа, айтганча, қаерга кетяпмиз?

— Уйга.

— Уйга?

— Ҳа.

Шу заҳоти Паризоднинг кўзи ёшга тўлди ва қулт этказиб ютинди-да, ҳолсизланганча сигаретани Маъруфга узатди. Йигит бир нигоҳ ташлашнинг ўзидаёқ ундаги ўзгаришни сезди ва дарров гапни бошқа ёққа бурди.

— Очиги, мен ўзимни бунчалик қудратли деб сира ўйламагандим. Шунча куч, чаққонлик қаердан келди, билмайман. Бўлмаса, уларга тайёр гўшт эдим. Қозонга солиб, олов ёқишса, кўз очиб юмгунча пишардим. Маза қилиб ейишарди...

У гапираётган Паризодга кўз ташлади. Қиз унинг гапини эшитмаётганга ўхшарди. Кўзидан оқаётган ёшни кафти билан артар, лабини қаттиқ тишлаб олганди.

— Институтда ўқиб юрганимизда, болаларга қўшилиб бир-икки марта курашга боргандим. Менимча, шу ёрдам бердиёв, — деди Маъруф гапини давом эттириб. — Энди бундан бу ёғига астойдил шуғулланаман...

— Аввал идорага борсак, — дея унинг гапини бўлди Паризод.

— Идорада нима қиламиз? — сўради Маъруф.

— Отамни кўрмоқчиман.

— Отангиз, менимча, идорада бўлмаса керак. Уйдадир ёки далада, қайсидир бригадда.

— Уйга боргим келмаяпти.

— Бориш керак. Кутишяпти сизни.

Паризод кафти билан юзини бекитиб олди. Шундагина унинг йиғлаётгани эшитилди.

* * *

Насима машинадан тушаётган қизини кўрди-ю, турган жойида қотиб қолди. Бирор сўз ҳам демади, киприк ҳам қоқмади. қаққайиб тураверди. Паризод машинадан тушди, юзидаги кўз ёшни яна бир марта сидириб ташлади-да, бир-бир қадам босганча онасига яқинлаша бошлади. Оралиқ масофа бирор икки қадам қолгандагина Насима ўзига келди.

— Қизим! — деди бутун аъзойи бадани титраб. —

Қизим!..

— Мен келдим, эна. Келдим!

Насима қўлидаги арқонни ташлаб юборди. Ўша лаҳзада уни кўриб турган Маъруф ҳам, Паризод ҳам аёл ўзини осмоққа чоғланганини билмасди. Шунчаки мол-ҳоли бўшалган-у, аёл уни боғлашга чоғланган, деган хаёлга бориш мумкин эди. Ваҳоланки, Саид кўрсатган кароматдан сўнг Насима ҳамма нарсага қўл силтаганди. «Паризод келмайди. Уни ўлдиришган, қизим бечорага гўр ҳам насиб этмади» деган хаёлга борган ва қилмишлари учун минг марта тавба-тазарру қилгач, ўзини осмоққа чоғланганди. Аммо мутлақо кутилмаганда Паризоднинг пайдо бўлиши унга тўсиқ бўлди.

— Шу кунларни кўргунча кўзим оқиб тушса бўлмасмиди, Пари?! — дея ўкириб юборди Насима.

— Эна, мана, тирикман, келдим. Соппа-соғман. Ҳеч қаеримга ҳеч нарса қилмаган! Худди аввалгидайман! — кичқирди Паризод.

— Қизим, қаерларда юргандинг, тамом бўлдим?! Хор бўлдим! Ер бўлдим! Бало бўлдим, баттар бўлдим!

Улар бир-бирларини маҳкам қучоқлаб олишган, елкаларига пешоналарини қўйиб, уввос тортишарди. Маъруф бир муддат туриб қолди. У ноқулайлигидан бир ерга, бир ён-атрофига қарар, кетишини ҳам, қолишини ҳам билмасди.

— Қўни-қўшнилар ҳар хил хаёлга боришмасин, — деди у охири миясига келган гапдан хурсанд бўлиб.

Аммо гапи ожиз чиқди. Йиғлаётганлар эшитишмади. У яна такрорлади. Паризод бошини кўтарди, ортига ўгирилди. Бир нималар демоқчи бўлди. Аммо эплаёлмади.

— Қизим, сени деб отанг тамом бўлди. Ўл...

— Нима?! — деди бирдан онасига ўгирилиб қараган Паризод. — Отамга нима бўлди?!

— Сен сўрама, мен айтмай, қизим...

— Отам... отам ўлдими?!

Насима «йўқ» дейишга улгурмади. Паризоднинг боши айланди. Кўзи тинди. Оёғидан мадор қочиб, йиқила бошлади.

* * *

Бундай бўлиши етти ухлаб уларнинг тушига ҳам кир-

маган эди. Биргина она сути оғзидан кетмаган гўдак етти тоғни урса толқон қиладиган, керак бўлса, игнанинг тешигидан ўтиб кетишни-да қойиллатадиган эркакни ўйинчоқ қилиб кетса, кимга алам қилмайди? Фор атрофи-ю, ичкаридагилар шу аҳволга тушишди. Айниқса, Ўктам. У Хонбибининг муолажаларидан кейин кўзини очиб, ён-атрофига бир-бир қараб чиқди. Ҳаммаси таниш. «Қаттиқ маст бўлганга ўхшайман, камроқ ичиш керак эди. Ўзи аллақачон нашага ўтиб кетсам бўларкан. Кайфи енгил...» У ўйини охирлатмай туриб, бошида қаттиқ оғриқ сизди, кейин қорнидаям шунақанги оғриқ бошланди.

— Хўжайинжон, жон хўжайин, хайриятки, тирик экан-сиз! Итлар, ҳайвонлар бизни не кўйга солишмади! — деди унинг кўзини очганидан қувонган Хонбиби хурсандлигидан ўзини туютолмай йиғларкан.

— Нима бўлди, Бибихон?! — деди Ўктам.

— Сизни ёмон урди, қўлинг сингур!

— Ким?

— Анави суюқоёқнинг орқасидан келган бола.

Шу заҳоти Ўктамнинг хотираси тикланди.

— Қиз қани?! — бақириб юборди у.

— Хуштори билан қочди!

Ўктам бирдан ўрnidан туриб кетди. Аммо шу заҳоти боши айланиб, яна йиқилиб тушди.

— Ким бор?! Қани анави хўкиз?! Топ! — бақирди у ётган жойида.

Хонбиби сал нарироқда ҳали-ҳамон ўзига келолмай чўзилиб ётган Мударга бир қараб кўйди-да, ташқарига югурди. Қайғуда ётган шерикларга: «Хўжайин ўзига келди. Югуринглар, киринглар, сизларни чақиряпти», деди. Йигитлар шошиб қолишди. Ўринларидан туришди. Чанг бўлган кийимларини қоқишни ҳам унутиб, Хонбибининг ортидан югуришди. Ахир ичкарига киришга, Ўктамга рўбарў бўлишга уларнинг юраклари бетламаганди-да.

— Ҳаммангни ўлдираман! Ҳаммангнинг қонингни ичман! Сен маразларни деб, нима аҳволга тушдим?! Қизни топасанлар, топмасанглар, териларингни шиламан!

Йигитлар гап қайси қиз ҳақида кетаётганини дарров фаҳмлашди. Аммо уларнинг оёқлари елимланган, қаерга боришни, қизни қандай топишни билишмасди.

Яхшики, Ўктамнинг бош оғриғи яна забтига олди. У гапини давом этказолмай, инграб қолди. Йўқса, учаласи ҳам тиз чўкиб, хўжайиннинг оёғини ўпишга-да тайёр эдилар.

Бу горга ҳали бирор марта бўлсин, дори-дармон олиб келинмаган. Сабаби, Ўктам дориларни ёқтирмасди. Шу боис бош оғриғининг ягона давоси сифатида Хонбиби ароқ билан пиёла кўтариб келди. Аммо бир пиёла захру заққум зўравоннинг дардини тортиб ололмади. У кетмакет уч пиёла ароқ сипқорди. Шундан сўнггина бироз кайфи ошиб, оғриқ пасайди.

Ўзига келган Ўктам аввалига қўл қовуштириб ҳар қандай буйруққа тайёр турган йигитларини ташқарига қувиб солди ва шундан сўнггина Хонбибидан бўлган воқеаларни батафсил сўраб олди.

Ўктам аввалига жимгина хаёл суриб ўтирди, сўнг бирдан хохолаб кулиб юборди.

— Қойил, бошлабди! Шунчамизнинг абжағимизни чиқарибдими, қандини урсин! Мен унинг ўрнида бўлганимда ҳеч кимни тирик қолдирмасдим. Бор бойликларни, наша ва қуролларнинг ҳаммасини опкетган бўлардим! — деди.

Хонбиби ичидан зил кетди. Чунки у хўжайин ўзига келиши билан йигитларнинг ҳаммасини ёнига олиб, Маъруфнинг орқасидан қувади, ушлаб олиб, ичагини бошига салла қилади, анави қизга эса пичоқ уради, деб ўйлаган эди. Аммо хўжайин бунинг ўрнига хохолаб, ярамаснинг ботирлигига қойил қолиб ўтирибди.

— Ўрадан автоматни ол! — буюрди кулгидан тўхтаган Ўктам қовоғини осилтириб, Хонбибига қараркан.

Шу заҳоти «фор каламуши»нинг кўнглига қувонч кирди. Шоша-пиша ўрnidан туриб, ўранинг оғзини очди.

Ўктам ўрnidан туриб тебрана-тебрана хўжрадан чиқди. Ҳовузча бўйига борди.

— Сен менга душманлик қилдинг. Неча йиллардан бери авайлаб-асраб келардим. Кимки сенга сал бўлсаям чанг туширса, аямасдан жазоладим. Лекин яхшилигимга ёмонлик билан жавоб қайтардинг. Душманимни шер қилиб юбординг-а, ярамас! — деди у сувга тупураркан.

Тупук сув юзасида бироз тургач, ёйилиб кетди.

— Энди айбингни ювадиган вақт келди, — деди ҳовуздан кўзини узмай турган Ўктам.

Сўнг тиззалаб ўтирди-да, ҳовучини сувга ботирди. Олдин тўйгунича сув ичди, сўнгра бошини, юзини ювди. Бироз тетиклашгандай бўлди. Хонбиби келтирган автоматни олиб, ташқарига чиқди. Бу пайтда шамол тўхтаган, қуёш аямасдан қиздирар эди. Захдан чиққан Ўктамнинг танаси яйраб кетди.

У кўзини ишқалади. Сўнг бош эгиб, қатор турган йигитларига бирма-бир қараб чиқаётганида, кўзи ўлиб ётган одамга тушди.

— Бу ананининг ишими? — сўради йигитлардан.

Йигитлар бараварига бош қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилишди. Ўктам чирт этказиб ерга тупурди-да:

— Ичкаридаги иккита гўрсўхтани ўзига келтириб, бу ёққа олиб чиқинглар, — деди.

Йигитларга бирдан жон кирди. Ахир улар Ўктам автомат кўтариб чиққанини кўргач, сал бўлмаса, юраклари ёрилаёзганди-да. Чунки Ўктамнинг қай даражада қаҳри қаттиқ эканлигини яхши билишади. У айб иш қилган одамни ёки ожизни аяб ўтирмайди. Ё сўяди, ё отади.

Ўктам узоқларга термилди. Паризоднинг гўзал чехрасини кўз олдига келтирди. Юраги ўйноқлаб кетди: «Ишқим тушган экан. Яхши кўрган эканман, шунинг учун озроқ эркалабман... Бошқача қилолмасдим. Унинг юзига шапалоқ туширганимда, ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетдим. Аҳмоқ қиз, шундай маишат ҳаётдан воз кечдинг-а?.. Шошма-шошма, Ўктам, нималар деяпсан? Нега ожизлик қиляпсан?! Унинг чиройини пишириб ейсанми? Гапингга кирмадими, дарров бўғизлаб ташлашинг керак эди. Индамагандинг, мана, нима бўлди? Сени шарманда қилди. Обрўйингни бир пул қилди».

У жаҳл билан автомат затворини тортди-да, тепкини босди. Бирдан тариллаган овоз эшитилди.

— Ўлдираман! Ўлдираман! — ўкирди у ва шу тариқа тепкини босиб тураверди.

Автоматдаги ўқларнинг ҳаммаси бирпасда учиб чиқиб кетди ва у чиқиллаб қолди. Бундан Ўктамнинг баттар жони чиқди. У қўлидаги қуролни улоқтириб юбориб, беш-олти марта сўкинди.

Мудар билан Чўтир зўрға ўзига келди. Ўктамнинг йигитлари уларни ташқарига олиб чиқишди. Улар ҳали тик оёқда туролмаслиги боис ўтқазиб қўйишди.

— Ҳов, ит эмган! — бўкирди Ўктам Саттор чўтирга. — Анави қизни қаердан опкелгандинг?!

Чўтир карахт эди. Кўзи ҳам яхши кўрмаётганди. Шунинг учун хўжайини кимни сўраётганини тушунолмади, кипригини пирпиратиб ўтираверди.

— Сен мараздан сўраяпман, кимнинг қизийди у?!

Саттор талмовсираб, ёнида ўзи каби ўтирган Мударга, ундан сўнг йигитларга қаради. Ўктам билдики, Чўтир ҳали тўла ўзига келмаган.

— Сув опкел! — бақирди у йигитларига.

Ҳаммадан олдин Фулом ўзини ғор эшигига урди. Ахир бундай пайтда қутурган шер қаршисида кимнинг тургиси келади? Бу феъли чатоқ исталган пайтда тўғри келганни айбдор қилиши ва камида уни ўлакка қилиб калтаклаши мумкин-да.

Устидан сув қуйилгач, Саттор атрофни яхшироқ кўра бошлади ва хўжайинини таниб қолди. Беихтиёр иржайди. Савол такрорланди. Чўтир бўлиб ўтган воқеани ҳали хотирасида тиклашга улгурмаганди. Шу боис ичидан хурсанд бўлди. «Ўлжам хўжайинга ёқибди» дея ўйлади ва қизнинг бокиралигини, яна раиснинг қизи эканлигини, уй манзилини қувонч билан айтиб берди.

— Опкел! — бўкирди Ўктам Хонбибига ўқрайиб.

«Ғор каламуши» унинг нима сўраётганини дарров фаҳмлади ва кўз очиб юмгунча автомат кўтариб келди.

— Сен ифлослар, шунча киши бўлиб, битта болачани эплаёлмадингми?! — деди Ўктам ва автомат милини Чўтирнинг пешонасига тиради.

— Хўжайин, хўжайин, мен...

Чўтир ортиқ гапиролмади. Ўктам тепкини босиб юборди.

Уч йигитга қўшилиб Мудар ҳам даҳшатга тушди. Улар ортга тисарилишди.

Автомат мили ўзларига қаратилган йигитлар қалтирай бошлашди.

— Адресни эшитдинглар. Кун ботиб, яна чиққунича қиз билан йигитни оёғим остига ташламанлар, сен-

ларни Чўтирдан ҳам баттар аҳволга соламан!

Ўқтамнинг кўзи қип-қизил қонга тўлган эди.

Маъруф чаққон ҳаракат қилмаганида, келиб Паризодни ушлаб қолмаганида қиз шўрлик гурсиллаб ерга йиқилган бўларди. Чунки унинг ёнида турган онаси бир аҳволдалиги боис қизини ушлаб қолишга қурби етмасди.

— Отанг ўлгани йўқ! У ҳали-бери ўладиганлардан эмас. Отанг тирик, қизим! — деди Насима Маъруф Паризодни суяб уйига киргунича.

Кўрпачага ётганидан сўнг Паризод узун киприкларини кўтарди. Лаблари титради. Нигоҳи бир онасига, бир Маъруфга қадалди.

— Отамни кўргим келяпти, — деди у.

Унинг овози жудаям ожиз эди. Худди сўнгги гапини айтаётганга ўхшарди. Унга термилиб турганларнинг этлари увишиб кетди.

— Мен ҳозир бориб, айтиб келаман. Толмас Бадриддинович тез етиб келади. Идорадан бориб сўрайман, қайси бригадалигини аниқлаштираман, — деб Маъруф эндигина эшик томонга йўналганида, Паризод бир нарса дегандай бўлди.

У тўхтаб, ортига ўгирилди. Кўзлари ёшга тўла қиз унга тикилиб турарди.

— Раҳмат, Маъруф ака, — деди Паризод унга бироз термилиб тургач.

Йигит мийиғида кулди ва бир сўз демай йўлида давом этди.

Маъруф уйига бормоқчи, уйдагиларга: «Мана, мен тирикман, қайтиб келдим. Раиснинг қизини олиб келдим. Энди у хавфдан холи. Эрга-индин Толмас Бадриддинович соғайиб чиқса, бемалол совчи бўлиб боришларингиз мумкин», деб айтмоқчи эди. Очиғи, бундай деёлмасди. Сўрамасдан йўқ бўлиб кетгани боис отасидан бирикки сўкиш эшитарди. Энасининг кўз ёшини кўрарди. Ундан кейин «Мен районга бориб келайин, раисга қизини опкелганимни айттайин», деса, отаси тошбўронга тутади. Орқасидан узундан-узоқ сўкишни давом эттириб юборади.

Шуларни ўйлаган Маъруф аввал касалхонага боришни ният қилди. У раиснинг ёнида бегона аёлни кўрди. Эҳти-

мол, унинг эгнида оппоқ халат бўлганида дўхтирми-ҳамширами, деб ўйлаган бўларди. Аммо...

Кўнгил душман деганларича бор-да. Биласизми, у нимани ўйлади? «Бу аёл Толмас Бадриддиновичнинг жазмани бўлса керак». Эшикдан кириб, аёлга кўзи тушиши билан шундай хаёлга борди. Албатта, бекордан-бекорга эмас. Аёл раис ётган каравотнинг бир четига ўтириб олганди.

— Мен, ҳалиги... — деди у довдираб.

— Киравер, — жилмайди Толмас Бадриддинович, — Сумбулхон, бу йигитчага дарров стулни тўғрилаб беринг.

Аёл чаққонгина экан, сапчиб ўрнидан турди-да, колхоз хўжайинининг айтганини бажарди. Бироқ ҳаяжондаги Маъруф тезда ўзига келолмади. Шу боис қувса, қочишга қулай бўлсин дегандай, омонатгина ўтирди. Нимага келганини, нима дейиш кераклигини ҳам унутиб, бир Толмас Бадриддиновичга, бир бегона аёлга жавдирабгина қаради.

— Бу йигит ёш кадрларимиздан. Келажагимиз. Яқинда институтни битириб келди, — деди раис аёлга Маъруфни таништираркан. Сўнг сўради: — Ишлар қандай, Маъруфжон? Теримни бошлаб юборибсизлар. Мавсум чарчатмаяптими?

— Йўқ. Яхши. Сиз бўлганингизда янаям яхши бўларди... Ҳали... — дея ичидагини айтолмаган Маъруф бегона аёлга қараб қўйди.

Сезгир раис унинг ичида нимадир борлигини, Сумбулхоннинг олдида айтолмаётганини дарров фаҳмлади ва хотинига ўгирилиб қаради-да:

— Битта чой дамлаб келсангиз, — деди.

— Хўп, ҳозир, — деб Сумбулхон ўрнидан турди ва чойнакни олди-ю, ташқарига йўналди.

— Нима бўлди, Маъруф? Бирор муаммо борми? — сўради аёл кетгач, бирдан жиддий тортган Толмас Бадриддинович.

— Муаммо йўқ. Мен, биласизми, нимани айтмоқчийдим...

— Ука, ўғил боласан. Чайналма.

— Хўп. Паризодни олиб келдим.

Толмас Бадриддинович ўрнидан туриб ўтирди. Боши-

ни хиёл эгиб, пешонасини силади-да, чукур-чукур нафас олди.

— Опкелдим?! — дея Маъруфнинг гапини такрорлади.
— Опкелган бўлсанг, қани, шу ердами?!

Раиснинг юзи қизара бошлади. Лаблари титради. Қўли қалтиради. Буни кўриб, қўрқиб кетган йигит шоша-пиша деди:

— У соппа-соғ, ҳеч нима қилмаган. Шунчаки гаровда ушлаб туришган экан. Бордим-да, опкелдим!

— Гаровдалигини билардим...

Толмас Бадриддинович кўкрагини силади, худди ҳаво етишмаётгандай, бошини у ёқдан-бу ёққа қимирлатди. Кейин афтини бужмайтириб ютинди. Худди шу пайт унинг бахтига, ҳа, бахтига даволовчи врач кириб келди. У бир қарашдаёқ раисдаги ўзгаришни сезди ва орқага бир қадам ташлаб, бошини эшикдан чиқариб:

— Ҳамшира! — дея қичқирди-да, тез юриб, раиснинг ёнига келди.

Ҳеч бир сўзсиз унинг қўлини ушлаб, юрак уришини текширди ҳамда Маъруфга ўқрайиб:

— Чиқиб кет! — деди.

* * *

Саид эртасига тушдан кейин кўзини очди. Унинг боши шунақанги лўқиллаб оғрирдик, сочига қўшиб, бош терисини ҳам гижимлаб олди. Инграганча ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Ундан кунботар томонга юриб, моғор босган эшиги бир томонга қийшайиб қолган ошхонага кирди. Эски-туски латта-путталарни титкилаб, улар орасидан ярмидан кўпи ичилган ароқ шишасини олди. Шоша-пиша оғзини очиб, бирорга идишга ҳам қуймасдан, турган жойида қулқуллатиб ютди. Шу туришда шишани бўшатди.

Орадан бир дақиқа ўтди ё ўтмади, бирдан бош оғриғи қолди. Яна кайфи ошди.

— Бизга бу дунёнинг кераги йўқ! Биз дунёни ўйнаб ўтказамиз, лака-тум, лака-тум! — деди қичқариб.

Сўнг қулочини кенг ёзди-да, керишиб, ташқарига чиқди. Ҳовли унчалик катта эмас. Супанинг бир четида ток бор. Саиднинг отасидан қолган. Унинг остидаги чорпоя ҳам ота мерос. Умуман, бу уйдаги нимаики бўлса, ҳатто

тешик тоғора-ю, ёши етмишга яқинлашган мункиллаган кампир ҳам отаники. Саид ўсиб-улғайибдики, бу уйга балонинг калтагиниям кўтариб келмаган.

— Энам... Энагинам! — дея қичқирди у.

Чорпоянинг устида бир нималарни эрмак қилиб ўтирган кампир бошини кўтарди. Ошхона томонга қаради.

— Ергина ютсин сени, ергина ютсин! — деди ва ишини давом этказди.

— Ютмаяпти-да, энагинам. «Ҳали вақтинг келмади. Яна беш-олти йил ўйнаб-кул, қиладиган ишларинг бор», деяпти. Буни қаранг, мениям қиладиган ишим бор эканда, энагинам!

Саиднинг оғзи қулоғида эди. Гаплари эшилиб-эшилиб, жой-жойига етиб бораётганидан шодланаётганди у.

Кампир минғирлаб-минғирлаб бошини қимирлатиб кўйди.

Саид сув ичмоқчи бўлиб, қудуқ ёнидаги челакни келиб кўрди. Челакнинг таги занг босган. Демакки, неча вақтдан бери сув солинмаган.

— Эна, олдингиздаги чойнакда чой борми? — деди у қуруқшаган лабини ялаб.

— Чой ичгинг келдими? Ундан кўра заҳар ич! — жавоб берди кампир бошини кўтармай.

— Оҳ, энагинам-а, бўлганида ичардим, — дея Саид чорпоянинг ёнига келди.

Энасининг ёнидаги чойнакни олиб кўтарди. Ҳартугул, бир-икки қултум совуқ чой бор экан. Ютди.

— Бунча сасийсан? — деди энаси унга ўқрайиб қараб.

— Шу, эна, ҳеч яхши гапингиз йўғ-а. Анави тўртта қизингиз кеп қолса, айланиб-ўргиласиз. Мени бўлса гўрдан олиб, гўрга тикасиз, сассикдан олиб, сассикқа... Ўзимга-ку, шундай дейсиз, бошқаларга ким-нималар деб ташлайсиз. Тўғрисини айтинг, мени бирор жойдан топиб олганмисиз?

— Топволганимда аллақачон баҳрингдан ўтардим. Тўққиз ой кўтариб юрганам, уч йил эмизганим бор-да. Ана шунисига куюнаман. Сен яшамагур, қамалишингдан олдин отангни адо қилдинг. Қамалдинг. Энди шу ёқларда одам бўп келар, деб ўйловдим. Лекин сен баттар бўп келдинг... Чой ичгинг кеп қолдими? Шу чойнинг ҳақиға

яраша бирор нима қилдингми?! Кеча Ойсулув бечора бир чойнак чой дамлаб кетувди. Шуниям қуритдинг-а?!

— Яхшиям, икки қултумгина ичдим. Бирор пиёласини ичганимда нима қиларкансиз? Лекин-чи, эна, кўп нолийверманг. Чойингиз нима бўпти? Ярим соат ичида чорпоянгиз устини нарсаларга тўлдириб ташлашга кучим ҳам, пулим ҳам етади, — деб Саид чўнтагига қўлини тикди.

Шу заҳоти ҳуши бошидан учди. Чунки киссасида ҳеч вақо йўқ эди.

— Онангни эмгур, мастлигимдан фойдаланиб, ҳаммасини тинчитган! Итдан тарқаган!.. Балки...

У югурганча уйга кирди. Ётган кўрпаларини ағдартўнтар қилди. Йўқ. Кечаги пуллардан бир сўм ҳам йўқ.

У сочини гижимлаб ўтирди.

— Кеча... Кеча... Кеча кимлардан пул олувдим? Ҳа-а-а, раиснинг хотинидан, Ҳайбатуллодан, кейин анави йўлтўсардан... Войбў, озмунча пулмиди, ҳаммасини тинчитибдими, мараз, мен унга кўрсатиб қўяман! Туғилганига пушаймон едираман! Ҳали менинг совунимга кир ювмабди ит эмган! — деди-ю, ўрнидан сакраб туриб, ташқарига югурди.

— Ҳой! — деди чорпояда ўтирган кампир Саид туфлисини шошиб кияётганида.

— Нима?!

— Сенда гапим бор эди.

— Кейин айтаверасиз шу гапингизни.

Саид энасининг қолган гапларини эшитмади. Ваҳоланки, кампир: «Узоқлаб кетма, менинг икки соатлик ҳам умрим қолмади. Ёмон бўлсанг ҳам, ўзинг кўм», деган эди.

* * *

Оғзи ачимади. Томоғи куймади. Худди сув ичгандай бўлди. «Вой, тавба қилдим. Нима ичдим ўзи?» дея хаёлидан ўтказган қиз дарров стол устидаги идишни олиб, унинг ёрлиғига қаради. Сирка кислотаси деб ёзиб қўйилган.

— Нега унда менга ҳеч нима қилмади? Магазинда сирканинг ўрнига сув солиб қўйишганмиди идишга? Йўғ-э, кунни кеча ишлатувдим. Аччиқ эди. Қўлимни куйдириб

олишимга сал қолувди, — дея ўзига ўзи гапирди Наргиза.

Шу пайт унинг қулоғига йиғи овози эшитилди ва бирдан эшик томонга қаради. Энаси эшикка суянганча кўздан дув-дув ёшини оқизмоқда эди.

— Нима? Нима қилмоқчийдинг, қизим? — сўради она Наргиза билан нигоҳлари тўқнашгач.

— Эна, мен... Мен...

Наргиза ортиқ гапиролмади. Бирдан полга ўтирди. Юзини кафти билан бекитиб, хўнграб юборди.

— Биргина сени деб яшаб юрибман, қизим. Неча марта сенга айтдим. Лекин сен қиз, барибир, билганингдан қолмаяпсан. Илтимос, жон болам, нима қилсанг ҳам, аввал мен ўлайин. Кейин, майли... Аммо унгача чида. Мени куйдирма!

Наргиза энасига етиб олди.

— Мени кечиринг, энажон! Кечиринг! — деди титраганча ўзини энасининг оёқлари остига ташларкан.

Унинг оёғини ўпди. Кўзига сурди.

— Қизим, мен акангдан ҳам сенга кўпроқ суянаман. Бу ишни бир қилдинг, иккинчи хаёлинггаям келтирма. Билиб қўй, агар ўзинга ўзинг зиён етказсанг, қарғайман. Шундай қарғайманки, тўғри дўзахга бориб тушасан. Кейин орқангдан мен ҳам бораман. Икковимизни баравар кўмишади. Агар шунга рози бўлсанг, хоҳлаган ишингни қилавер.

Аёл на йиғлади, на ҳаяжонланди. Равон, дона-дона гапирди. Ҳар битта сўзи Наргизанинг суяк-суягигача етиб борди. Аёл дилидагини тўкиб-сочгач, қизини шу аҳволда қолдириб кетди.

Наргиза аввал хонасига кирди. Олдин ўзининг қилмишидан куюниб йиғлади. Сўнг Маъруфни айблаб йиғлади. Отаси келишидан беш дақиқа олдин муздай сувда ювинди. Сўнг бориб яна энасидан кечирим сўради. Аёл фарзандини қучиб, пешонасидан ўпиб қўйгачгина, бироз ўзига келиб, юмушларга унади.

Ҳайбатуллонинг кайфияти йўқ эди. Гарчи ҳамма ишлари бинойидек кетаётган эса-да, кўнглининг туб-тубида қандайдир гашлик бор эди. Ана шу гашлик уни ҳар қадамда таъқиб этар, хотиржам юришига, ишлашига халақит

берарди. Шу боис у икки-учта бригадани айланганидан кейин уйига қайтиб келди. Дарвоқе, ўн бешинчи бригадада нохушлик устидан чиқиб қолди. Табелчи теримдан олдин қарийб йигирма колхозчига ишламаса ҳам ҳақ ёзган-у, пулнинг ҳаммасини чўнтакка урган. Буни ҳудуд бухгалтери билиб қолибди. Чунки унинг институтда ўқиб, шаҳарда курсдоши билан севишиб, қўшни областга тегиб кетган қизига ҳам маош ёзилган экан-да. У табелчидан табелни олиб қарасаки, аҳвол бунақа. Бирдан тепа сочи тикка бўлиб кетади. Оёғини қўлга олиб, ўн бешинчи бригадага — Сайдим қишлоғига боради. Бригадир ёрдамида қишлоқ колхозчиларини йиғади ва ҳамманинг кўз ўнгида табелчининг кирдикорларини очиб ташлайди. Оқибатда жанжал чиқади ва шу пайт Ҳайбатулло бориб қолиб, жанжални бостирди:

— Бақир-чақирлардан, табелчини ўртага олиб, тепкилашдан фойда йўқ. Мен буни қустираман. Шундай қустираманки, еганини беш барабар қилиб тўлайди. Шунинг учун ҳамма иш-ишига борсин. Ҳаммасини колхознинг идорасида ҳал қилмай, оромларингни бузган бухгалтер билан бригадир ҳам кераклича жазо олади. Чунки колхознинг бойлиги ўмарилган. Бу масала идорада ҳал бўлиши керак эди. Мен бугуннинг ўзидаёқ мелиса чақираман. Керак бўлса, ревизорлар ҳам келишади.

Унинг гапларига биров у деди, бошқаси бу деди. Лекин ҳеч ким ортиқча шовқин қилмади. Ҳамма кетганидан кейин эса Ҳайбатулло бухгалтер билан бригадирни роса оширди, сўнг табелчини машинага миндириб олди. Табелчининг чиқиб қолиши Ҳайбатуллога қўл келганди. Шундай пайтда унга ёрдам беради ва ўзининг одамига айлантириб олади.

Ана шу воқеа чалғитган эди. Аммо орадан яна бирор соат ўтиб, барибир, дилининг хиралиги нишона бера бошлади. Шунда у Элёрга айтдики: «Уйга ҳайда. Бир-икки соат дам олайин, барибир, кейин ярим кечасигача юришим керак».

Унинг уйига бориши Элёрнинг Наргиза билан кўришишига олиб келади. Ўртада кечаги, ундан аввалги воқеалар бор. Демакки, қиз нафратини ёғдиради. Ажабмаски, отасининг олдида бирор нима деб юборса. Ана унда

Элёр тагин ҳаммасидан айрилади.

Бироқ унинг хавотири ўринсиз бўлиб чиқди. Наргиза ораларида ҳеч нима бўлмагандай салом берди. Юзида табассум билан кўзларини бироз қисиб, чойга таклиф қилди. Шу заҳоти Элёрнинг юраги гупиллаб уриб кетди. У қулт этказиб ютинди-да:

— Менинг ишим бориди, озгина. Хўжайин дам олиб бўлгунича...

— Эрталабдан бери туз тотмаган бўлсангиз керак. Барибир, қаердадир овқатланасиз, тўғрими?

— Шундай-ку-я, лекин...

— Лекинга ўрин йўқ. Овқат тайёр, киринг уйга. Отам бечора ёлғиз овқатланмасин.

Қиздан бундай мурувватни, меҳрибончиликни кутмаган Элёр эсанкириб қолди ва беихтиёр унинг амрига бўйсунди. Аммо икки қадам ташламасдан тўхтади. Ўгирилиб қизга қаради-да:

— Мендан хафа бўлманг, — деди.

— Нега сиздан хафа бўларканман? — мийиғида қулганча йигитга тикилди Наргиза.

— Ҳалиги... кўполлик қилиб қўйдим. Шунга ноқулай бўлаётганди. Бошқача бўп кетаётгандим. Ҳали мошинадаёқ кўзим сизга тушганида, ичим шириллаб кетди.

Наргиза кулиб юборди. «Одамга ўхшаб гапиришниям билмайди, довдир» дея кўнглидан ўтказди-да, деди:

— Йўқ, қайтанга хурсанд бўлиб кетдим. Муносабатингизни очиқ-ошқора билдирдингиз. Бировларга ўхшаб пусмаймадингиз. Менга мана шунақанги мард йигитлар ёқади.

— Ростданми? — деди хурсандлигидан сакраб юбораёзган Элёр.

— Мен ёлғон гапириб ўрганмаганман.

— Мен бўлсам сизни хафа қилиб қўйдим деб, ўзимни ўзим сўкиб юрибман. Ҳалиги... хабарингиз бўлса керак, совчиларни жўнатгандим?..

— Хавотир олманг, ҳаммаси сиз айтгандай бўлади. Энди уйга киринг, отам кутиб қолди.

— Мен... киролмайман. Ноқулай. Эрта-индин...

— Уялманг, мен замонавий қизман. Уйимдагилар ҳам шундай.

Наргиза бошқа гапирмади. Шартта ортига бурилиб кетди. Тўғри дугонасиникига борди. Маҳлиё қўйларига емиш ташлаётган экан.

— Дугон, — деди унинг қўлини ушлаб, — сендан кечирим сўрайман.

Маҳлиё унга бошдан-оёқ қараб чиқди. Сўнг қўйлагининг ёқасига туфлади.

— Қаердан келиб қолдинг? Нимага кечирим сўраяпсан? — деди Маҳлиё ҳайрон бўлиб.

— Кеча оқшомги нарсалар учун.

Маҳлиё сўзлашдан аввал уйи томон кўз ташлаб қўйди-да, Наргизага ўтир ишорасини қилди.

— Аслида, мен сендан кечирим сўрашим керагиди. Энам ёпишиб олди. Ҳатто ташқарига мен билан бирга чиқди...

— Шунинг учун кечирим сўраяпман-да. Мен сендан ёрдам сўрамаганимда, сен энангнинг олдида бундай аҳволга тушмаган бўлардинг. Ўзи шу нарсани бекор қилган эканмиз.

— Нега?

— Умуман, керак эмасди.

— Нимага керакмас бўларкан?

— Элёр акам ҳозир уйда.

Маҳлиёнинг бирдан кўзлари каттариб кетди.

— Элёр акам? — дея Наргизанинг гапини такрорлади.

— Ҳа, Элёр акам. У ҳозир уйда. Отам иккови келишди. Роса чарчабди, бечора. Қорниям очқаб кетган экан. Шунга овқатини тайёрлаб бердим-да, сендан кечирим сўрагани келдим.

— Вой, Наргиз, нималар деяпсан? Нега у сенинг Элёр аканг бўларкан? Кейин, нима, сен унинг хотинимидингки, овқатини тайёрлаб берасан? Сенга нима бўлди? Ёки?..

— Ёки-покиси йўқ. Асли бўладиган нарса экан, нима қиламан дилини оғритиб?

— Очиғи, биттаям гапингга тушунмаяпман. Сен Маъруф акамни севардинг, унинг учун жонингни ҳам беришга тайёр эдинг. Энди бир кундаёқ ўзгариб, «Элёр акам, бечорагинам» дейсан.

— Тўғрисини айтсам, кеча энанг менинг аҳволимни кўрганидан кейин ўзимни ўлдиришимга сал қолди. Ях-

шиям... Кўй, гапирмайин. Хуллас, мен сизларникига ҳеч қачон келин бўлиб келолмайман. Бунга сенинг уйдагиларинг ҳам, менинг уйимдагилар ҳам кўнишмайди. Кейин акангниям мен билан зигирча иши йўқ. Энди, айт, севмаганга суйкалиб юраинми?

— Барибир...

— Айтганча, яна баъзи бир гаплар оралаб қопти, — дея Наргиза дугонасининг гапини бўлди.

— Нима гап? — ҳайрон бўлиб сўради Маҳлиё.

— Акангни ўлдириб кетишибди, деб эшитдим.

Маҳлиё титраб кетди. Бошини эгиб, лабини тишлади. Шу алпозда ёнгинасидаги Наргизанинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Кўшни қизнинг кўзидан ўт чиқиб кетди.

— Вой! — деганча у бирдан юзини бекитди.

— Йўқол! Қайтиб кўзимга кўринма! Умуман, бизларникига келма! Мен аҳмоқ кўз ёшларингга ишониб, нима бўлсаям, акамга келин қиламиз, деб куйиб-пишиб юрсам-у...

Маҳлиёнинг кўзида ёш пайдо бўлди. Бир лаҳза сўзлашдан тўхтади-да, кейин яна давом этди:

— Бор, кет, Наргиза. Сениям отангдан бир тукинг фарқ қилмаскан. Яхшиямки, асл башарангни очдинг. Бўлмаса, акам шўрлик бир умр куйиб ўтаркан.

Наргизанинг иккала юзи ҳам қип-қизил эди. Лекин шу тобда у энгил тортганди.

Сумбулхонга эрининг ёнига киришга рухсат беришмади. Қўлида чойнак билан эшик ёнида қарахт ҳолда туриб қолди. Сўнг ортига ўгирилган эди, чойнак қўлидан тушиб кетди. Полга тўкилган қайноқ чой унинг-да оёғига куйилди. Бироқ аёл оёғи куйганини сезмади. «Ярамас бола. Толмас акамга нима деди? Нега бирдан унинг мазаси қочди? Ўзи бирорта яқин дўсти борми? Нега ҳамма унга бирдек душманлик қилаверади?» дея кўнглидан ўтказди у. Атрофга аланглаб, эри Маъруф дея атаган йигитни қидирди. Дарров топди. Узоққа кетмаган экан. Сал нарироқда бошини эгиб юрибди.

«Қизиқ, — ўйлади жувон, — боягина ўша ердан ўтдим-ку. Лекин уни кўрмабман-а. Ё мени кўриб, бирор жойга яшириниб олганмиди? Ҳа, шундай бўлган, йўқса, уни кўрардим. Бу ёққа келаётганимда эс-ҳушим жойида эди».

У полда думалаб ётган чойнакни тепиб ўтди-да, Маъруфнинг ёнига бориб, тирсагидан ушлади. Йигит чўчиб, аёлга юзланди.

— Нима дединг?! — сўради Сумбулхон қаҳрли нигоҳини унга қадаб.

Маъруфнинг тили айланмай қолган, мўлтирабгина турарди. Шу асно баҳона излар, қани энди, тузукроқ бир гап миясига келса...

— Сендан сўраяпман, ҳов, ит, нима дегандинг?!

Ҳақорат йигитга зиғирча ҳам таъсир этмади. Зеро, ўзини ўзи айна пайтда шу номга муносиб кўриб турган эди-да.

— Паризодни айтгандим...

— Паризодга нима қилибди?

— Ҳеч нима, уйига келибди.

Бирдан Сумбулхоннинг юзидаги қаҳр йўқолиб, чехраси ним қизғиш тусга кирди. Киприклари пирпиради. Гўё ҳаво етишмаётгандай, ўпкасини тўлдириб чуқур-чуқур нафас олди.

— Лекин, лекин...

У бошқа гапиролмади. Ички ҳаяжон, титроқ сўзлашига тўсқинлик қилди.

— Дўхтирлар қарашади-ку, тўғрими? Мен бундай бўлишини сира хоҳламагандим, ўзи, аслида, айтмоқчимасдим ҳам, шундай бўп қолди. Оғзимдан чиқиб кетди, — деди Маъруф беихтиёр ўзини ҳимоя қилиб.

— Биламан, аммо нима бўлгандаям, айтмаслигинг керагиди. Менинг ўзимга... Ҳеч бўлмаганда, ана, дўхтирларга билдириб қўйганингда, ўзлари бир йўлини топишарди. Аммо билиб қўй, сени ҳеч қачон кечирмайман!

Маъруф кўзи билан ер чизди. Сумбулхон тез-тез юриб, ундан узоқлашди. Эри ётган палата эшиги ёнига борди-да, нима қиларини билмай, туриб қолди. У на ичкарига киришни билади ва на эшик ортида кутишни. Юраги гупиллаб уряпти. Шу туришида ўзига ҳам бир бало бўлиши аниқ. У худди ана шуни айна дақиқада кўнглидан ўтказди. Хаёли алғов-далғов бўлиб кетди. Нохуш ўйлар миясига ёпирилиб келди. Толмас акасига бир нима бўлса, ёлғиз ўғлини отасиз катта қилишини, яна... Жудаям оғир, аммо нима қилсин? Шу тобда Толмас акасини қабрга қўяётганларида ўзининг не қўйга тушиши мумкинлигини

ҳам ўйлади. Бироқ бу ўй хаёлидан ўтиши билан ёқасига туфлаб, «Астағфирулло, астағфирулло, тавба қилдим, тавба қилдим!» дея пичирлаб қўйди. Ўзини қўлга олиш учун чуқур-чуқур нафас оларкан, «Толмас акам бақувват одам. Мана, шунча юкни елкасига олди. Бундан бу ёғигаям ҳар нимага чидашга қурби етади. Ҳали қўп яшайди. Ўғлини ҳам ўзи уйлантиради» дея хаёлидан ўтказди.

Йўлақда у ёқдан-бу ёққа бориб келаркан, кўзи ҳамма ёқни остин-устун қилган анави йигитчага тушди. Жаҳли чиқди. Тағин унинг ёнига борди.

— Нега турибсан? — деди қошларини чимириб.

Буни қарангки, у биринчи марта Толмас Бадриддиновичга таниш бўлган одамлардан бирига қаттиқ гапираётган эди.

Маъруф култ этказиб ютинди-да:

— Нима қилай? — дея киприklarини пирпиратди.

— Кимсан ўзинг? Сен ҳам Толмас акамнинг душманлариданмисан?

— Эй-й, йўқ, мен ҳеч қачон у кишига душманлик қилмаганман. Қайтанга...

Унинг гаплари яна узилиб қолди. Чунки бу пайтда дўхтирлар Толмас Бадриддиновичнинг хонасидан чиқишган, қандайдир ҳоргин кайфиятда зўрға қадам ташлаб келишарди.

— Нима бўлди, дўхтир? — дея сўради Сумбулхон бош шифокорнинг йўлини тўсиб.

— Нима бўлган деб ўйлайсиз, хоним? Бир бечорага нисбатан шунчалик ҳам шафқатсиз бўласизларми?! Эндигина оёққа тураётганди, бирдан ҳамма ёқни остин-устун қилиб юбординлар. Мен сизнинг кимлигингиз, Толмас Бадриддиновичга қандай алоқангиз борлигини билмайман, лекин айтиб қўяйин, келишингиз раисга ёмон таъсир қиляпти. Шунинг учун сиздан илтимос қиламан, Толмас Бадриддинович тўла ўзига келиб олмагунча ўзингизни босиб юрсангиз.

Сумбулхоннинг бошига биров гурзи билан ургандай бўлди. У дўхтирга тикилганча қотиб қолди. Аёлнинг яхшигина таъзирини бериб қўйганига ишончи комил бўлган бош врач унинг ёнидан ўтиб, хонаси томон илдам юриб кетди.

Маъруф ҳам ҳамма гапларни эшитган эди. Шу боис ўзини ўтакетган аблаҳ, пасткаш, ярамаслар қаторига кўшиб қўйди-да, дарров аёлнинг ёнига бориб:

— Ҳаммасига мен айбдорман. Мени деб шунча...

— Бас қил! — деди аёл ва кафти билан юзини беки-тиб, югурганча касалхонадан чиқиб кетди.

Маъруф унинг ортидан югурди. Ҳовлида етиб олди-да, йўлини тўсди:

— Нима қилай? Нима қилсам, айбимни юваман?! — деди шошиб.

— Қорангни ўчирсанг, қайтиб умуман кўзимга кўрин-масанг, даф бўлсанг!.. Лекин шундаям ҳеч нимани қай-тариб жойига қўя олмайсан! Тушундингми?! Кўёлмайсан! Қанақа одамсизлар ўзи?!

Ўз-ўзидан Маъруфнинг қоши уча бошлади. Бироқ олдинги сафаргидай бошини эгиб, кўзи билан ер чизиб қолмади. Чунки у аёлнинг кетиб қолишидан қўрқаётган-ди. Шу пайт унинг қулоғига:

— Маъруф ака! — дея кимнингдир чақиргани эшитил-ди.

Йигит овоз келган томонга ўгирилди. Кўзи Паризод билан унинг онасига тушди.

* * *

Саид тўғри Фахриддиннинг уйига борди. Буни қаранг-ки, уникида байрам эди. Жуда ўртага безатилган арча қўйиб, атрофида айланиб ўйнашмаётган бўлса-да, хона-донда кўтаринки кайфият ҳукмрон эди. Фахриддиннинг хотини аллақачон бозорга бориб, сумкаларини емак-ич-макка тўлдириб келган, қозонга ёғ, гўшт ташлаб, ошни бошлаб юборганди. Шунингдек, икки катта ўғил ва бир қиз ҳам ясан-тусан қилиб, кийиниб олганди. Шундай қилишни уларга ичкарида оёғини чайла қилиб ётганча телевизор кўраётган Фахриддин буюрганди. У Саидни бир амаллаб уйига ётқизиб қайтганидан сўнг пулларнинг ҳаммасини хотинига бераркан: «Бозорга борасан, кўнглинг тусаган нарсаларнинг ҳаммасини оласан, пулни сира аямайсан, келиб яхшилаб ош дамлайсан, ўзимиз оила-вий маза қилиб ўтирамыз. Ҳа, айтганча, болаларингниям пўрим кийинтириб қўй. Байрам пайти кўзи қувнасин», деганди.

Мана, унинг истаклари рўёбга чиқди. Энди ош пишиб, сузилишигина қолди. Худди ана шу пайтда томдан тушгандай Саид пайдо бўлди-ю, Фахриддиннинг хотинидан:

— Гўрсўхта уйдаими? — деб сўради.

Унинг товушини эшитган Фахриддин ичидан зил кетди. Қўлини мушт қилиб, алам билан бир неча марта полга урди. Сўнг ўрнидан сакраб туриб, ташқарига чиқди.

Саидга кўзи тушиши билан бирдан иржайди. Хотинига юзланиб:

— Сен ишингни қилавер. Ана, мен сенга айтган меҳмон ҳам келди, — деди.

Унинг бу гапи Саидни бироз шаштидан туширди. Йўқса, у ўзи билан бирга олиб келган пичоқни шартта чиқариб, Фахриддиннинг қорнига тиқиб олмоқчи эди.

— Чақирмасанг ҳам келавердим, Пахи! — дея у одати бўйича бурнини тортиб қўйди.

— Ошна, менинг уйим сенга ўз уйингдай бир гап. Хоҳлаган пайтинг бемалол келаверишинг мумкин. Лекин кеча сенга: «Эртага, албатта, уйда ўтирамиз. Янганг битта ош дамлайди», деганман. Нимага ташқарида турибсан? Ичкарига кир, — деди Фахриддин ялтоқланиб.

— Бор-йўғи ошми? Мендай одамга-я! Битта қўй сўйиб юбормайсанми? Ана, уйингга келишимда кўрдим, кўрангда ўнта қўй маъраб ётибди. Биттасини ол, оёғимнинг тагига думалат. Нима, мен шунга арзимайманми, қисталоқ?! — дея кўзларини қисди Саид.

Фахриддин қараса, аҳвол чатоқ. Бу баччағар шунчаки келмаган. Бу шунчаки «Пулим кеча сенда қолиб кетган экан, олгани келувдим» дегувчилар хилиданмас. Бирдан ҳужумга ўтади. Унча-мунча нарсага қарамайди. Шунинг учун ҳозироқ унинг айтганини қилиш зарур.

— Бўлди, жўра, сен нима десанг, шу. Битта қўй экан, керак бўлса, ҳўкиз ҳам сўяман! — деб Фахриддин ўчоқ томонга юзланди-да, бақирди: — Карамат, бор, укангни чақириб кел! Қўрадаги қизғиш кўчқорни сўйсин, менинг шундай жўрам кеп қопти, оёғининг тагига битта қўй сўймасам, нима қилиб юрибман?!

Озгина кесатиш, озгина жаҳл, озгина ялтоқланишдан

иборат бўлган бу гапдан сўнг Саид тиржайди:

— Қўй сўйилиб, пишиб келгунча тишнинг кирини сўриб турамизми? Жиз-бизини товоққа солиб опкесин, ана ундан кейин қўйни сўяверишади, — деди у.

Ичкарига кириб ўтиришгач, Саид бостириб-бостириб икки пиёла ароқ ичди. Орқасидан қизартириб пиширилган гўшт чайнади. Ана ундан кейин бироз тиржайиб:

— Кеча боладиг-а, жўра, — деди.

— Сира айтма. Лекин мен вообше сенинг санъатингга қойил қолдим! Дуч келганини шундай синдиридинг... Менга қара, сен, аслида, цирк-пиркда кўзбойлогич бўлиб ишлашинг керак, — деди унга жавобан «Ишқилиб, қўйнинг пули чиқса-да бу ит берадиган пулдан» дея хаёлидан ўтказиб ўтирган Фахриддин.

— Аммо бугун битта ишни охирига етказишимиз керак. Кейин оёқни узатиб, беш-олти кун дам олсак ҳам бўлаверади. Умуман олганда, Сочи-почига бориб келишимиз ҳам мумкин. Анавиндақа хипча беллилардан икитасини олволиб...

Фахриддин гарчи кулгиси келмаса ҳам, хохолаб кулди. Кейин:

— Жўра, сенга айтсам, мана шу ароқни шўрвадай ичавериш жонга тегди! — деди жиддий тортиб.

— Нима қип ичмоқчисан? Яламоқчимисан итга ўхшаб? — деб иржайди Саид.

— Ҳе, нималар деяпсан? Мен боғдан келсам, сен тоғдан келасан. Бундай кўчага чиқиб қара. Нормалний одамлар аллақачон қуруғига ўтиб кетган. Бизга ўхшаб симириб ўтирмайди. Қуруғини шундай «Беламор»га ўраб, оёғини тираб тортади.

— Борми шу қуруғидан сенда?

— Есть қиламиз! — дея Фахриддин ўрnidан туриб, ташқарига чиқди.

Чиқди-ю, қонга бўялган пичоқни ушлаб турган қайнисига кўзи тушди. «Сўйибди. Неча йилдан бери асраб-авайлаб келаётган қўчқоримни қандайдир тайини йўқ, газанда учун сўйибди» хаёлидан ўтказди ва қўлларини мушт қилиб тугди.

Шу пайт қайниси у томонга қараб:

— Почча, жигарини қовуртириб берайинми?! — дея

бақирди.

— Жигарини? Кимга? Маразгами?! — пичирлади Фахриддин ва бир муддат қотиб турди-да: — Керак бўлса, ўша маразнинг ўзининг жигарини қовуриб ейман! — деди ва шитоб билан юриб қайнисининг ёнига борди-да, унинг қўлидаги пичоқни олди.

— Терисини ўзингиз шиласизми, почча? — деди ҳайрон бўлган қайниси.

— Ҳа-а, ўзим шиламан, жигарини бўлса сен қовура-сан!

Кутилмаганда миясига келган ўй Фахриддиннинг қонини қайнатиб юборганди. У ҳозир изига қайтиб, уйга киради. Саиднинг устига чиқволиб, ерга босади. Саид худди қўйдаи типирчилайди, кейин тинчийди. Фахриддин жигарини кесиб олади-да, қайнисига беради. «Бор, мана шуни яхшилаб қовуриб кел, унгача терисини шилиб тураман», дейди.

* * *

Ўқтам катта йўлга чиқмасларидан машинани тўхтатди. Кейин ерга сакраб тушди-да, ўтирди. «Оҳ, менинг жонгинам, кўзгинамнинг қорачиққинаси! Сени қанчалик яхши кўриб қолгандим-а. Агар бир оғизгина «Сизга хотин бўлишга розиман», деганингда борми, ҳамма нарсадан воз кечиб юборардим. Лекин сен ундай демадинг, мени шармандайи шармисор қилиб, қочиб кетдинг. Энди, мана, сени ўлдиргани кетяпман. Бу сафар ўлдиришим аниқ. Ўйлаб қарасам, шуниси тўғрига ўхшайди. Чунки меники бўлмаганингда кейин бошқаникиям бўлмайсан-да. Сен ўлсанг, мен хотиржам тортаман».

У шотирларини ҳайрон қолдириб, анча нарига кетди. Ҳув узоқ ўтмишни ўйлади. Жўраларидан биттаси, кўп ўқийдиган, узун бўйли, кўз ойнаклиси, Олим деган лақаблиси ҳамсоясини севиб қолиб, ҳамма нарсасидан воз кечиб юборганди. Ҳа, бутун бошли юридик институтни ташлаб кетганди. Ўшанда Олимнинг бошқа нарсасиям йўқ эди-да. Кейин нима бўлди? Гўр ҳам бўлмади. Ўша қизга уйланди. Потирлатиб туғдириб ташлади. Кейин ўзи гўза суғораверганидан ҳамма жойи шамоллаб, ўлди-кетди. Қирққаям бормади. Ўшанда Ўқтам унинг устидан роса кулганди. Мана, ўн беш йил ўтар-ўтмас, ўзиям шу

кўйга тушиб турибди. Қаердаги ўжар қизни севди-я? Умуман, шу ёшида унга севишга бало борми? Энди у ҳам худди Олимдай кафангадо бўлиб, ўлиб кетадими? Йўқ, ундан кўра ўша соҳибжамолни ўлдиради. Шунда уни бошқа бировнинг қучоғида тасаввур қилмайди, қийналмайди.

У ортига қайтиб келди. Шотирлари кўришдики, Ўктам аслига қайтибди. Кўзидан ўт чақнайди, дуч келганни гажиб ташлагудек важоҳати бор.

Ўктам тўппончасини қўлига олди. Магазинини чиқариб, ичидаги ўқларни санади. Кейин мамнун бўлиб иржайди-да, шотирларига:

— Боя сизларга ўзларинг топиб келасанлар, девдим. Энди бўлса ўзимнинг боргим кеп қолди. Чунки у итларни ўзим, ўз қўлим билан ўлдирганимдагина кўнглим таскин топади. Ўйлаб қарасам, озгина... — дея сўзлашдан тўхтаб қолди.

Керакли сўзни миясидан хўп қидирди, лекин тополмади.

— Хуллас, — деди у гапида давом этиб, — мен паст кетадиганлар хилиданмасман. Иккитанг борасан, ишни битирасан-қайтасан.

«Ўҳ, — деб ўйлади Фулом ичида, — паст кетиб, саросималаниб қолди-ку. Пишибди. Ёруғлик яқинга ўхшайди. Буни бир уришда ерга тиқиш керак. Бошқа бирови пайдо бўлмасдан, ҳаммасига эга чиқиш керак. Керак, керак...»

У охирги «керак» деган сўзни овоз чиқариб айтиб юборди. У билан Мамасоли бирга эди. Айнан икковига кетворган қиз (шотирлар ўзаро гаплашишганда, қизга нисбатан шундай баҳо беришган) билан омадли йигитни гўрга тиқиш топширилган эди. Ҳозир иккови хўжайинни етим форга олиб бориб қўйиб, изига қайтишганди.

— Нима керак? — сўради Мамасоли машинани бошқараркан, Фуломга қараб қўйиб.

Фулом кулди. Шеригининг елкасига қоқди:

— Керак нарса кўп, Кўричак (Мамасолининг лақаби шундай эди. Сабаби, турмада унинг кўричаги ёрилган бўлса-да, омон қолганди). Шу ердалигида осонгина ўлдиришимиз керагиди. Лекин эплаёлмадик. Энди уларни

излаб топиб, кейин йўқ қилишимиз керак. Кўрдингми, «керак»ларнинг кўплигини.

— Қаердан топамиз уларни?

— Ерни тагидан, Кўричак, ерни тагидан!

Фулом хохолаб кулиб юборди. Ахир унинг кайфияти чоғ эди-да. Ҳар нарса уни қувонтира оларди. Кулмасинми? Кулади-да.

— Ҳа-а, ошна, жа оғзинг қулоғингда. Ҳеч нарса қилолмай қайтиб кел-чи, кўраман аҳволингни, — деди Мамасоли гўё Фулом уни калака қилаётгандай.

— Шу сафар қотириб ташлашимизга ишончим комил. Мана, кўрасан, айтганимдай бўлади. Ана ундан кейин Чўпон бирор нима бермай кўрсин-чи! Менга қара, ўзи бу Чўпонни «Ҳечам панд емаган, ҳамиша ошиғи олчи бўлган» дейсизлар. Она сути оғзидан кетмаган гўдаквачча абжағини чиқариб кетди-ку!

— У битта Чўпонни эмас, ҳаммамизни ясаб ташлади. Аммо қўлимга тушса, ит эмганни онасидан туғилганига пушаймон едираман! — дея Мамасоли рулни муштлади.

— Ташвишга ўрин йўқ, лекин ўзингни босиб ол. Бўлма-са, керак пайти қовун тушириб қўясан.

Фулом қўлларини икки ёнга ёзиб, керишган бўлди. Сўнг машина бардачогидан қоғозга ўралган нарсани олдида, шеригига кўз ташлаб:

— Секинроқ ҳайдайсан. Битта ўрамни уриб олмасам, бўлмайди, — деди.

Чекилган наша уни қушдай енгил қилиб, кайфиятини янада кўтариб юборди. Шунинг билан бирга, роса чанқатди. Шу боис у машинани тўхтатиришга мажбур бўлди. Бу пайтда улар дарёга яқинлашиб қолишган эди.

У сувнинг лойқа-тиниқлигига қараб ўтирмади. Лойқаланиб, қарийб балчиқланаёзган сувдан кафтини тўлдириб-тўлдириб ичди. Кейин Кинг Конгдай кўкрагига уриб ўқирди-да, қайтиб машинага чиқди.

Умуман, Толмас Бадриддиновичнинг уйини топиш улар учун муаммо туғдирмади. Чунки у райондаги машҳур одамлардан бири эди. Қарийб йигирма ёшдан катталарнинг ҳаммаси унинг қайси колхоз раиси эканини яхши билишарди. Шу боис биринчи қишлоқдаги илк дуч келган одам йўлни кўрсатиб юборди. Колхозга кириб бор-

ганларидан кейин қишлоғининг номи, уйининг қаердалигини билишди. Шундан сўнг иккала шунқор Толмас Бадриддиновичнинг уйдан қарийб юз қадам берида машинани тўхтатиб, қулай пайт келишини кутиб ўтиришди. Албатта, бекор ўтирганлари йўқ. Қимор ўйнашди. Гулом тулкилик билан Мамасолини нақд юз сўмга туширди. Қишлоқ одамларидан қарийб ўн беши уларни кўрди. Бироқ бирортаси ҳам иккита турқи совуқнинг шум ниятда келганига шубҳаланишмади. Сабаби, улар қиморга шу даражада берилиб кетишгандики, хохлашиб кулишар, бири иккинчисининг елкасига уриб кўярди. Одамлар «Кимнидир кутиб туришган бўлишса керак» деб ўйлашди ва шу тариқа машина ёнидан ичкаридагиларга бир назар ташлаб, ўтиб кетаверишди.

Ниҳоят, қоронғи тушди. Машина жойидан қўзғалди. Толмас Бадриддиновичнинг дарвозаси рўпарасида тўхтади.

* * *

Сумбулхон Толмас Бадриддиновичнинг қўйида адо бўлаёзган эди. Маъруф ўгирилган томонга юзланганидан кейин юрагида тасвирлаб бўлмайдиган даражада кучли алғов-далғов бошланди. Ахир ҳозиргина Маъруфни чақирган сулув қизнинг ёнида яхшигина танийдигани — кундоши ҳам турарди-да. Кўкрагини кериб, бошини бироз орқага ташлаб, аслзодалар каби виқор билан юриб келаётган аёл гўё дунёни ўзгартириб юборганга ўхшарди. Сумбулхон тишларини бир-бирига маҳкам босди. «Эй, Худо, ўзинг сабр бер. Бу юзсиз шаллақининг гапларини эшиттирмай қўй. Мабодо эшитган тақдиримда ҳам парвойимга келмасин» дея хаёлидан ўтказди у.

Насиманинг бирдан тепа сочи тикка бўлди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди-да. Ўзи эрига истаганча хиёнат қилиши, энг исқиртларнинг ҳам кўнглини олиши мумкин. Аммо эри ундан бошқача қайрилиб ҳам қарамасин. Ваҳоланки, бундан бир қанча муддат муқаддам у тавба-тазарру қилган эди. Бироқ қизини отасининг олдига олиб келаётганида келишган одамга кўзи тушиб қолди. У ниҳоятда ораста кийинган, сочларини силлиқ тараган, юзида бор-йўғи бир-иккита ажин бор эди, холос. Юриши худди спортчиларникига ўхшаб кетарди. Бир-

дан унга Насиманинг ишқи тушди. Қайта-қайта беш-олти марта назар ташлади. Кейин ҳам уни хаёлидан кетказа олмади. Ҳаттоки қаерга, нега келаётганини ҳам унутди.

Энди эса эрини рашк қилиб ўтирибди. Агар унинг хаёлидан ўтаётган ўйларни ўқиш имкони бўлганида эди, Паризоднинг ўзи анча наридаёқ онасидан айрилиб кетарди. «Боринг ўшанинг олдига! Менинг, дадамнинг ёнида сизга бало борми? Мен қай аҳволда уйга келдим-у, отам нима аҳволда ётибди-ю, сизнинг бўлса оддий ўткинчига оғзингиздаги сувингиз оқяпти. Нега мени дунёга келтирдингиз? Нега айнан сиз? Бошқа аёл туққанида бўлмасмиди?!»

Ҳа, у худди шундай деб бақирарди. Балки, бақариш билан ҳам қаноатланмай, «Сиз билан отамнинг ёнига боргандан кўра, бормаганим маъқул!» деб ортига бурилди-да, уйига кетиб қоларди. Кейин ўша уйда яшармиди-йўқми — буни ёлғиз Худо билади.

— Сен шарманда бу ерда нима қилиб юрибсан? — деди Насима Сумбулхонга яқинлашиб.

Маъруф билан Паризод ҳайрон бўлиб унга қарашди.

— Бу, — дея гапида давом этди Насима қизига тушунтириш учун, — отангни йўлдан оздириб, уйимиздан хайр-баракани кўтарган кўчанинг хотини. Илгариям бир-икки марта кўрувдим. Келма бу ерга, девдим. Лекин бу фоҳиша яна кепти. Ҳе, бетингдан бузилгур!

Ундан кейин Сумбулхонга «расво» деган тамға босилди ва яна озроқ ўтиб, қиз билан йигит ҳали карахтлигида юзидан ранги қочган, қаердалигини-да унутаёзган аёлни Насима ахлатга менгзади. Қолганига Паризод чидаёлмади. Ҳа, айнан у ўзини тутиб туролмади.

— Нималар деяпсиз, эна? Ҳозир шу гапларни айтадиган пайтми? Дунё остин-устун бўлиб кетсаям, жим туришингиз керакмасмиди?! У ёқда отам ўлим билан олишиб ётган маҳал шунақанги гапларингизни қиласизми?! — деди қизгина ва шитоб билан юриб кетди.

Ҳамма бараварига унинг ортидан қаради. Иккиси «Бечорани хафа қилиб қўйдик» деган хаёлда бўлса, бири «Шу қизнинг сира ўжарлиги қолмади-да. Менга кўшилишни қачон одат қилади бу тантиқ қиз? Эрка. Ҳа-а,

жудаям эркалатиб катта қилдик. Мана, энди қилиғини кўрсатяпти. Менинг гапимни гап деса, мен яхши кўрганни яхши кўриб, ёмон кўрганни ёмон кўрса, нима қиларди? Ойимчанинг гапларига бир қаранг. «Отам ўлим билан олишиб ётган бир пайтда» эмиш. Отангга жин ҳам урмайди. Ўзига жазман орттирволибдими, жин ҳам урмайди. Менга, сени шу дунёга келтирган аёлга куюнсанг-чи, ақлсиз қиз» дея ўйлар эди.

— Хуллас, — деди Насима кўзини қизидан олиб, Сумбулхонга қаратаркан, — охирги марта огоҳлантиряпман. Агар яна бир марта эримнинг атрофида айлансанг... Мен қиладиган ишни кўзинг билан кўргандан кўра, ўзингни ўзинг ўлдириб қўя қолсанг яхши. Шунда осон қутуласан!

Насима қизининг ортидан билтанглаганча югурди.

— Эсиз, Толмас ака, шунча умрингизни мана шу бетаин билан бўлишиб келдингизми? — деди Сумбулхон пичирлаб ва хўрсиниб қўйди.

— Ҳозир кетганингиз яхши, — деди унга тикилиб турган Маъруф.

Сумбулхон чўчиб тушди. Зеро, у ёнидаги йигитни умуман унутган эди. Уялди, юзи қизарди.

— Тўғри айтасан, ука, кетганим маъқулга ўхшаяпти.

Сумбулхон ички изтироб, ожизлик билан сўзладики, Маъруф унга ачиниб кетди.

— Обориб қўяман. Машина бор.

— Керакмас. Машинадан ўзимнинг оёқларим яхшироқ.

У кетди. Шунда ҳам Маъруф бир муддат туриб қолди. У Паризоднинг онаси қилган жанжалдан кейин қарийб Сумбулхоннинг кимлигини билган ва буни ҳазм қилолмаётган эди. У ҳали Қурбон ҳайитида Холмирза аканинг уйида бутун қишлоқ одамлари тўпланганида эшитган эди (кўпгина қишлоқларда бу удум ҳали-ҳануз сақланиб қолган, яъни арафа куни қишлоқ одамлари бир косадан овқатни энг охирги таъзия бўлган уйга олиб келишади). Эмишки, инқилобдан олдин кимки ўзига тўқ бўлса, бемалол иккита ва ҳаттоки уч-тўрттагача хотин олган ва бу оддий ҳол бўлиб, ҳеч кимни ажаблантирмаган. Бироқ бундай ҳолатга камдан-кам дуч келиш мумкин.

«Бу аёл Толмас Бадриддиновичнинг иккинчи хотини

бўлса керак. Агар шунчаки кўнгилхушлик учун юрганида унинг ёнига бемалол кела олмасди. Узоқдан кузатиб турарди, холос. Эҳтимол, умуман иши бўлмас, бошқасини топиб олиб, айшу ишратини давом эттирарди. Яна бу хотин сира бузуқларга ўхшамайди» ўйлади у ва бир-бир қадам ташлаб, касалхона эшиги томонга кетди.

Паризод билан онасини Толмас Бадриддиновичнинг хонасига киритишмади. Паризод: «Мен қизи бўламан, отам мени кўрса, хурсандлигидан соғайиб кетади», деса, дўхтир уришиб берди. «Ўзи отанг нимага шу аҳволда ётганини биласанми? Билмайсан. Шундай экан, уйингга бориб ўтир. Қачонки соғайиб, уйга қайтиб борса, ана ундан кейин кўрасан отангни», деди.

— Сиз бошқаларни киритасиз! Бошқаларга кириш мумкин. Ўша бошқалар қизимдан ҳам устунми?! — деб жариллади бирдан орага тушган Насима.

Дўхтир унга шунақа ўқрайди, шунақа ўқрайдики, Насима сал бўлмаса, ташқарига қочиб чиқиб кетаёзди.

Кейин дўхтир айтди:

— Йўқол! Қорангни ўчир!

Дўхтирниям тушуниш керак. У ҳам одам. Қурбақани боссанг, «вақ» дейди-ю, унинг ҳамма меҳнатини ҳавога совурсанг, индамайдами? Кейин раиснинг ҳар қанча ош-наси бўлмасин, ундан, барибир, тўрт-беш сўм умидвор бўлувди. Ҳа-а, жўрачилик ўз йўлига. Бу ёғи бола-чақа бор. Улар ейман, кияман деб турибди. Тағин биттасини уйлантириш-у, биттасини чиқариш керак. Буларнинг бари ҳайбаракаллага бўлиб қолмайди-ку. Ойлик-чи, дейсизми? Ойлик уч юз ўн етти сўм. Энди, тўғри, бошқа касаллар ҳам бор. Беш-ўн сўм дегандай ташлаб кетишади. Шуларнинг барини йиғса, ойига бирор беш юздан ошади. Шунга қарамай, раис ҳам бериши керак-да. Берганда ҳам кўпроқ бериши керак. Чунки фалончи пистончиевич деган оти бор. Негаки қанчадан бери бутун бошли колхозни еб ётибди. Шунчаки емаяпти. Қўпориб-қўпориб еяпти. Бирор минг-икки мингни отиб юборса, бир жойи камайиб қоладими? Керак бўлса, чивин чаққанчалик бўлмайди. Яна бекордан-бекорга эмас, ўзининг соғлиғи учун. Аммо у бир сўм чиқаришни хаёлигаям келтирмайди. Бунинг ўрнига ётибди, уст-устига қайталаб... Қарин-

дошлар-ку, қандайдир беўхшов. Биттаси келади, хотини-ман деб. Бошқаси келади, кўнглининг маликасиман деб. Яна анави мелисадагилар, агроном, инженер, бало-баттарларнинг ҳам қадами узилмайди. Тўрхалтасида тўртта нарсадан бошқа шашпар ҳам йўқ.

«Бундай менинг хонамга кир, «сиз кўп тер тўқдингиз» де. «Сиз бўлмаганингизда эрсиз, хўжайинсиз қолардик» де. «Меҳнатингиз беқадр бўлмасин» де. «Бола-чақам деб юрибсиз» де. Мажбурлаган киши бўлиб, киссамга мулла жирингдан тиқиб қўй. Олам гулистон.

Буларни манави жанжалкаш хотин қаёқдан билсин? «Бошқаларга мумкин, менинг қизимга мумкинмасми?» деб, томоқ йиртишдан бўлакка ярамайди. Аслида, Толмас тўғри қилган экан. Бунақанги хотиннинг устига қанча кўп олсанг, шунча кам».

Паризод ташқарига чиққандан кейин дўхтирнинг кўполлигини Маъруфга айтди. «Уддалаб бўлмайдиган ишни эпладингиз. Яна ўзингиз бирор нима қилиб юборинг», дегандай йигитга термилди.

— Боя мениям қувиб солганди. Киришимга қаршилиқ билдиришмаганди, лекин сизнинг қайтиб келганингизни айтганимдан кейин раиснинг мазаси бўлмай қолди. Кейин мени қувиб солишди...

— Кирганинга эримнинг ёнида ким бор экан? — деди Насима томдан тараша тушгандай.

— Ҳеч ким йўғиди.

— Ая, нималар деяпсиз-а?

Паризоднинг кўзидан дув-дув ёш оқа бошлади:

— Ҳалигина, — гапини давом эткизди у йиғи аралаш, — дўхтирдан эшитганларингиз камлик қилдими?! Келганимга икки-уч соат бўлмади. Лекин шундай қилдингизки, қочиб кетгим келяпти.

— Мен ҳам нима қилай, қизим? Охирги пайтларда отангнинг атрофида ўралашадиганлар кўпайиб қолди. Бояги хотин...

— Бўлди, ая, бўлди! — бақариб юборди Паризод ва кафти билан юзини бекитган кўйи сал наридаги мажнунтол остидаги ўриндиққа бориб ўтирди.

Азбаройи отасини ҳали кўрмагани боисгина шу ерда ўтирди. Йўқса, кетарди. Уйига эмас, албатта. Боши оққан

ёққа.

Кун ботиш арафасида бироз инсофга келган дўхтир она-болага Толмас Бадриддиновичнинг ёнига киришга рухсат берди. Шу пайтга келиб, раис анча ўзига келган ва бир неча марта қизини сўроқлаган эди.

Ичкарида фақат ота билан қиз гаплашди. Бир-бирларининг юзидан ўпишди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Насима эса шумшайиб тураверди. Улар билан гаплашгиси келди. Бироқ нимадир унинг шаштини қайтарди. Кўкрагидан итарди ва ҳаттоки «Чиқиб кет. Бу ерда сен ортиқчасан» деяётгандай туйилаверди. Четдан қарасангиз, битта аёлга шунча қайғу ортиқчалик қилаётгандай. Ичингиз ачийди ҳатто. Аммо бошқа томондан...

— Қизим, энди мендан сираям хавотир олма. Мана, сени кўрдим. Соппа-соғ экансан. Тузаламан, эртагаёқ. Мана кўрасан. Энди кеч бўп қолди, уйга бор. Мен учун битта ош қил. Сенинг қўлинг ширин, биламан... Шошма, айтганча, қандай кетасан? Автобус аллақачон тўхтаган. Машиналар камайган...

— Сиз ҳам хавотир олманг, ота. Мени қутқарган агрономингизнинг машинаси бор экан, физиллатиб обориб кўяди, — жилмайди Паризод.

— Нима, отаси машина олибдими?

— Йўқ, анави ярамаслар бор-ку, ўшаларнинг машинасини ҳалиям миниб юрибдийкан. Балниса дарвозасининг нарёғида турибди.

— Шундайми, — дея бирдан жиддий тортди Толмас Бадриддинович, — унда сизларни обориб кўйсин-у, машинани бошқа бирор жойга ташлаб келсин. Мелисаларнинг ўзлари топиб, суриштиришади. Хўпми?

— Хўп, ота. Айтганларингизнинг ҳаммасини унга етказаман.

— Бўпти, бор.

Кирганида саломига алик олмаган Толмас Бадриддинович кетар чоғида ҳам Насиманинг гапини эшитмаганга олди. Бундан жаҳли чиққан аёл ҳам эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Машинада йигит билан қиз гаплашишди. Улар худди эски қадронларга ўхшарди. Яна келин-куёвларнинг ҳам худди ўзи эди. Муаммоларини бир-бирига гапиришади.

Маслаҳатлашишади. Раис касалхонадан чиққанидан кейин нима қилишни ҳам келишиб олишди. Улар шундай гаплашардики, гўё машинада ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқдай.

Насима ўксинди. Бир-икки марта бурнини тортиб қўйди. Бироқ на қиз ва на йигит унга эътибор берди.

— Ҳалиги, отинг нимаиди? — деди Насима охири сабри чидамай.

Маъруф кўзгу орқали унга қараб қўйди-да:

— Менми? — деди.

— Ҳа, сен. Қизимнинг отини сўрамайман-ку.

— Маъруф отим.

— Менга қара, Маъруф, шу атрофда машинангни тўхтат.

— Нима қиласиз, ая? — дея онасига ҳайрон бўлиб қаради Паризод.

— Нима қилардим, тушиб қоламан-да...

— Нега?

— Яхши гаплашиб кетяпсизлар. Қарасам, мен халақит бераётганга ўхшайман.

— Бу нима деганингиз, ая?

— Айтяпман-ку, иккаланг яхши гаплашиб кетяпсизлар. Худди эр-хотинлардай. Ҳатто отангни касалхонадан ҳам бирга оп чиқмоқчисизлар. Иложи бўлса, қурбонлик қилиш керак деяпсизлар. Энди бошқа нарсаларниям гаплашгиларинг келяпти, лекин шу мендан тортиняпсизларми, дейман-да. Биттанг оп қочдини баҳона қилиб, йўқ бўп кетдинг. Биттанг ўзингга маълум бўлган жойдан гўёки ўғирлаб кетилганингни девларни ўлдириб, қутқариб келдинг... Ким билади, нималар бўп кетган?

— Тўхтанг! — бақириб юборди Паризод.

— Ҳа, нимага бақиряпсан? Рост гап тешиб кетдими? — кесатди Насима.

— Тўғриси, сиз менинг аямлигингизгаям ишонмаяпман. Ҳатто душман сиз айтган гапларни айтмайди!

— Бўлмаса, сал қоляпти-ку, оғиз-бурун ўпишишингга. Аям бор, кўп бидиллайвермайн демаяпсан-ку!

Паризод пешонасига муштлади. Сўнг Маъруфнинг елкасига урди.

— Илтимос, тўхтатинг, мен бошқа чидолмайман. Чидолмайман! — деди ва овозини баралла қўйиб, йиғлаб

юборди.

У Маъруф машинани тўхтатиши билан тушиб, орқасига пою пиёда қайтмоқчи, отасининг ёнида эртага эрта-лабгача ўтирмоқчи эди. Бироқ онаси қўймади. Қўлидан маҳкам ушлаб олди. «Уйга боргандан кейин сен билан гаплашадиган гапларим бор. Ана ундан кейин хоҳлаган жойингга кетаверасан», деди. Паризод: «Йўқ, умуман сиз билан гаплашмайман», деди. Аммо бўлмади. Онаси кутилмаганда йиғлаб юборди. Ана шундан кейин қиз машинада қолди.

* * *

Ўзларининг иккинчи улови раиснинг дарвозаси ёнида тўхтаганини кўрган Фулом билан Мамасоли сергак тортишди-да, бир-бирларига қарашди.

— «Сабр таги — сариқ олтин», дегандим, — деди Фулом иржайиб.

Мамасоли унинг тиршайган башарасини қоронғида кўрмади.

— Кимдан бошлаймиз? — дея у қаншарини қашлади.

— Анави ўзича гердайдан боладан-да. У бу ерда қолмайди. Кетади. Орқасидан борамиз. Уйини билиб оламиз. Ичагини салла қиламиз! Итни қара, худди отаси обериб қўйгандай, машинани миниб юришини.

* * *

Наргизанинг ўпкаси тўлиб кетганди. Хонасига кириб, тўйгунича йиғламоқчийди, аммо уйига борибоқ энаси билан кучоқлашиб кўришаётган акасига кўзи тушди. Яна улардан сал берироқда сочини орқасига ёйиб олган, жинси шим кийган, пушти ранг кофтали бир қиз турарди.

У бирдан юришдан тўхтади. Қизга термилди. «Бу сатанг қаердан келиб қолди?» ўйлади у ва лабини тишлади. Ўғил она билан кўришиб бўлгач, унинг елкасидан қўлини олмаган қўйи қизни кўрсатди.

— Эна, танишинг, бу қизнинг исми Гуля, — деди.

Қиз бошини озгина эгиб қўйди.

— Гуля, — давом этди ўғил, — бу аёл менинг энам бўлади.

— Танишганимдан хурсандман, — деди қиз қўнғироқ овозда.

Аёл довдиради. Дарров қиздан нигоҳини олиб, ўғлига

қаради:

— Болам, ким бу? — деди аллақандай ҳадик билан.

— Айтдим-ку, исми Гуля деб, — иржайди йигит.

— Мансур, болам, лекин бунинг ҳалиги... Нима десам экан?..

— Ҳеч нима деманг. Ундан кўра, уйга таклиф қилинг, — дея сўзлаётган Мансурнинг кўзи синглисига тушди ва шу заҳоти гап мазмунини ўзгартирди: — Эй-й, ана, Наргиз ҳам кеп қопти. Наргиз, нимага у ёқда қаққайиб турибсан? Келиб, янганг билан кўришмайсанми?

— Янгам?.. — пичирлади Наргиза.

Бу пайтда олифта қиз ортига бурилган ва қайнсинглисига қараб, жилмайган эди. Киприги узун, беармон бўянган оппоқ қизнинг кўкрак қисми ҳаддан зиёд очиқлиги Наргизанинг диққатини тортди. «Бузуқи». Қизнинг хаёлидан ўтган илк нарса шу бўлди ва у бирдан афтини бужмайтирди.

— Нимага турибсан? Кел бу ёққа, — дея Наргизани акаси яна чақирди.

Наргиза бир-икки қадам босди-ю, яна тўхтади. Кейин:

— Шу ерда яхши турибман, — деди ўқрайиб.

— Унда янганг ёнингга борсинми?

— Нималар деяпсан? — деди лаби титрай бошлаган Махфират опа ўглининг қўлини елкасидан олиб ташлаб. — Қанақа янгаси?

— Эна, шу қиз, Худо хоҳласа, сизга келин бўлади.

Махфират опа бўйнини чўзиб, ён-атрофга «Ҳеч ким йўқмикан?» деган хавотирда қаради, сўнг:

— Киришлар уйга. Уйда гаплашамиз ким келин, ким янгалигини, — дея алам билан қўлларини маҳкам тугди.

— Гул, Гуля, сенга айтмовмидим мамашам маладес аёл, деб. Мана, кўрдингми, уйда гаплашамиз, деяпти! — ҳайқирди Мансур.

— Ўчир овозингни! Ўчир! Ҳамсоялар эшитса, нима дейди?! Кир уйга!

Наргизанинг назарида ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетгандай эди. Чунки ҳозиргина у Маҳлиёга Маъруфга турмушга чиқмаслигини, Элёрга кўнажagini айтган эди ва шу билан дугонасининг назарида ўзига нисбатан энгил фикр уйғотганди. Атайлабдан қилди. Алами келгани, Маъ-

руфдан жаҳли чиққанидан шундай қилди. Энди, мана, акаси ҳам ўқишдан томоша кўтариб келибди. «Бу қишлоқдан кўчиб кетишимиз керак. Бўлмаса, бошимизни кўтариб юролмаймиз» дея ўйлади у ва бошқаларнинг орқасидан уйга кирди. Худди ана шу пайт онаси акасининг юзига шапалоқ тортган эди.

— Нима қилдим?! — дея бақириб онасига ўдағайлади Мансур.

— Нима қилганингни билмайсанми, номард бола?! — деди Махфират опа кўзидаги ёшни тиёлмай. — Биз сени шаҳарга ўқишга жўнатгандик-ку. Сатангни етаклаб кел, демагандик-ку!

— Эна, биринчидан, Гуля сатангмас. Обрўли оиланинг боласи. Мендан бир курс пастда ўқийди. Иккинчидан, орамизда муҳаббат бор! — деди онасига кўзини олайтирган Мансур.

— Ака, қайси бет билан шундай деяпсиз? Шу қиз обрўли оиланинг боласими?! Шу қиз-а?! Қайси обрўли оила қизини...

Наргиза гапини давом этказа олмади. Шундоқ ҳам қони қайнаб турган ака тап тортмай унинг юзига уриб юборди.

— Нима қилдинг?! — бақирди Махфират опа. — Қўлгинанг синсин, қўлгинанг! Менинг уйимдан қорангни ўчир!

— Эна, ўзингизни босинг! — деб Мансур иккала кўлини ҳам кўтарди. — Биринчидан, Наргиза — менинг синглим. Иккинчидан...

— Йўқол дедим сенга! Анави манжалақингниям оп кет! Сен ит бизни шарманда қилдинг! Ерга тикдинг!

— Хўп, сиз нима десангиз, шу. Фақат бу қиз билан орамизда ҳалигидақанги нарсалар бўп кетган. Агар ҳозир мен уни изига қайтариб юборсам, тўғри мелисага боради. Кейин сиз отам билан биргаликда мени чиқариб олиш учун мелисахонага зир югурасиз.

Махфират опанинг шу заҳоти ранги докадай оқариб кетди. Секин ювошгина бўлиб, бошини эгиб турган қизга қаради-да:

— Шу гаплар тўғрими? — деб сўради.

— Мен кўнмагандим, лекин Мансур акам кўярда-қўймай... Эндигина икки ойлик бўлди.

— Вой, шўрим, вой шўрим!..

Қолган гапга Махфират опанинг тили айланмай, ўтириб қолди.

— Эна, энажон! — дея бақириб юборди Наргиза ва онасининг ёнига бирдан тиз чўкди.

— Уфф, шу етмай турувди! — деб Мансур ўзи бошлаб келган қизга қаради: — Сен анави бурчакдаги уйга кириб тур. Мен ҳозир бораман.

Қиз айнаи гапни кутиб турган, шекилли, ойнаванд айвоннинг ўртасидан илдам юриб кетди.

Мансур эса онасининг ёнига ўтирди-да:

— Тушунинг, сизларга бошқача қилиб таништиришим ҳам мумкин эди. Лекин ўзларингиз... Уфф, эна, хуллас, шу гап. Келин тайёр, тўйни тезлаштириш керак, — деди.

Махфират опанинг ранги янада оқарган, лаби кўкара бошлаганди. Аммо Мансур бунга эътибор ҳам бериб ўтирмади.

— Эна, энажон! Мени қўрқитманг, эна! Мени қўрқитманг! Ҳаммаси яхши бўп кетади, эна! Мана кўрасиз, эна! Кўзингизни очинг, илтимос, эна, кўзингизни очинг!..

— Нима бўляпти? Шу арзимаган гапга мазаси қочяптими? — дея ижирғанди Мансур.

— Нималар деясиз, ака?! Боринг, югуринг, сув олиб келинг! — чинқирди Наргиза ва шоша-пиша онасининг қўлларини уқалашга тушди.

Мансур оғриниб ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди. Худди атайин қилгандай, Махфират опа шу пайт кўзини очди.

— Қизим... — деди ниҳоятда паст овозда.

— Ҳа, эна. Худога шукур! Мени қўрқитиб юбордингиз! Ҳозир акам сув оп келсин, озгина сув ичволинг, ҳаммаси ўтиб кетади.

Наргизанинг юраги гупиллаб урар, кўнгли қандайдир нохушликни сезгандай эди.

— Қизим, энди мен сенинг тўйингни кўролмайдиганга ўхшайман. Мендан рози бўл, қизим. Кейин... Кейин, майли, аканг шунга уйлансин. Қамалиб кетгандан кўра... Шаҳарга яна қайтиб кетар...

Махфират опанинг овози ниҳоятда ожиз эди.

* * *

«Бўлди, ажрашаман. Тузалиши билан жавобимни бе-ришини сўрайман. Битта бола бўлса, ўзим катта қилиб оламан. Ўлиб қолмасам керак. Камситиш, таҳқирлашлар жонимга тегиб кетди! Мениям жоним тошданмас-ку. Мен ҳам одамман-ку. Ҳеч кимга керак бўлмасам ҳам, боламга керакман» хаёлидан ўтказди Сумбулхон ва дарвозасининг кичик табақасини очиб, ичкарига кирди. Кўзи бирдан ўғлига тушди. У супа бўйидаги атиргул остида ўйнаб ўтирар эди.

— Вой, болам, нима қилиб захда ўтирибсан?! — дея беихтиёр бақириб юборди у ва югурганча бориб ўғлини кўтарди-да, чанг бўлган уст-бошини қоқди ҳамда атроф-га аланглади.

— Саида, Саида! — дея синглисини чақирди.

Ана шу пайт уйдан гупир-гупир овоз эшитилди. Дақиқа ўтар-ўтмас, сочлари тўзғиган синглиси чиқиб келди.

— Нима қилганинг бу, Саида?! Сенга ишониб, жия-нингни ташлаб кетсам, сен нима қилиб ўтирибсан?! — бақирди Сумбулхон.

Саида дув этиб қизариб кетди ва бошини эгганча:

— Ухлаб қопман, — деди.

Ана шу маҳал Саиданинг ортидан куёв бола чиқди. Унинг-да сочлари тўзғиган, кўкрак тугмалари қадалма-ган эди.

«Шунақа қилиб, ухлаётганмидинг, ақлсиз қиз?» кўнгли-дан ўтказди Сумбулхон ва бўшашганча ошхона томонга кетаркан:

— Ўзларингга қараб олинглар, — деди.

* * *

Ҳайбатулло ўғли келишидан ўн беш дақиқача бурун уйдан чиқиб кетганди. Тўғри идорага борди. Ўша ерда Толмас Бадриддиновичнинг қизини анави агрономча бе-гона машинада олиб келганини эшитди.

«Гап бошқа ёқда, шекилли. Бу чўлоқнинг боласи ўйла-ганимдан ҳам чатоқроқми дейман, раиснинг қизини ўғир-лаб кетиб... Лекин қойил. Эй-й, шошма, чўлоқ Толмас билан қуда бўладими? Чўлоқ сувчи-я».

Бу уйдан Ҳайбатуллони ўзи кўрқиб кетди. Ахир қўшнисининг мартабаси ошиб, уни ҳам ҳурмат қилади-ганлар пайдо бўлади-да. У ҳам «Кўриб қўй, Ҳайбатулло,

мен ким билан куда бўлдим» деб гердайиб қолади-да. Ҳаммасига чидаш мумкин, лекин айнан шунисига одамнинг чидаши қийин. «Аслида, каллам озгина ишламаганга ўхшайди. Ана, менда ҳам ўғил бор. Уям шаҳарда институтда ўқияпти. Бошқаларга ўхшаб ётоқхонада турмайди. Ўзининг шахсий квартираси бор. Бир оғиз Толмасга оғиз солсам, олам гулистон эди. Кўз очиб юмгунча қизи келин бўларди. Ана ундан сўнг хоҳлайдими-йўқми, Толмас ўтирган жойини ўғлимга бўшатарди... Агар Толмас чўлоқнинг боласини куёв қиладиган бўлса, бир чўқишда ҳамсоиям кўчиртириб юборамиз-да. Шундан бошқа илож қолмайди...»

Агар эшик тақиллаб қолмаганида у кўп нарсалар ҳақида хаёл сурарди. Толмасни, унинг бўлғуси куёви билан қудасини балчиқдан олиб балчиққа тиқишнинг минг битта режасини тузарди. Аммо олдин сал секинроқ, кейин қаттиқроқ тақиллаган эшик унинг бутун хаёлларини тўзғитиб юборди. Шу билан бирга, жаҳлини ҳам чиқарди.

— Кир! — деди бақириб.

Эшик очилиб, секретарнинг калласи кўринди:

— Хўжайин, нохушроқ хабар етказишди... — деди у киприкларини пирпиратиб.

— Қандай нохуш хабар? Бирортаси теримга чиқмабди-ми ё яна комиссия келяптими? — дея қовоғини уйди Ҳайбатулло.

— Шундай бўлганидаям яхши эди, лекин... Уйингиздан хабар келди. Янгам оғирлашиб қолганмиш.

— Нима?! Оғирлашиб қопти? — ҳайрон бўлди Ҳайбатулло.

— Ҳа, телефон қилишди.

— Нимага оғирлашади? — баттар ажабланди Ҳайбатулло.

Секретарь елка қисди. Ҳайбатулло машинага ўтирганида хотинининг оғирлашганини унутган, унинг хаёлини яна Толмас Бадриддиновичга куда бўлиши мумкин бўлган қўшниси эгаллаганди. Шунда у қизининг гапларини эслади. Тахминан бундан уч-тўрт ой муқаддам қизи Маъруф ўқишни битириб келганини ўзгача бир шодлик билан айтганди. Худди ўзининг акаси диплом олиб келгандай. Ўшанда Ҳайбатуллонинг энсаси қотган, қизига

еб кўйгудек ўқрайган ва «Бу қиз кун келиб шунга тега-ман деб қолмасайди» дея ўйлаганди. Дарвоқе, кейин хотинини уришди. «Кўзингни каттароқ оч! Бирор гап чиқадиган бўлса, терингни шилиб оламан!» деди. Лекин неча марталаб қизининг чўлоқниқига бориб қайтганини кўрди. Хотинини сиқувга олди, аммо аёли: «Хавотир олманг, шунчаки Маҳлиё билан дугона, шунга ора-чора уларниқига боради», деди.

Машинадан тушган Ҳайбатулло қотиб қолди. Чунки Наргиза уввос тортиб йиғлаётганди.

* * *

— Эна, нега рози бўл деяпсиз? Эна, ундай гапларингиз билан мени кўрқитманг. Ҳамма тўйда ўзингиз бошқош бўласиз, эна...

Махфират опа қизининг гапларини эшитмаётганди. Унинг кўзи юмилган, танаси оёғидан бошлаб совиб келаётганди. Ёш қиз, умрида ўлим нима эканлигини кўрмаган. Онасининг жон таслим қилаётганини билмади.

— Уфф! — деди жаҳли чиққан Мансур. — Сал нарсага дарров ўзидан кетиб қолавераркан-да!

Наргиза акасига қаради. Унинг лаби асабий титрарди.

— Боринг, Аваз дўхтирни чақириб келинг, бир нарса бўлса, сизни кечирмайман! — деди кўзидан дув-дув ёш оқизаётган қиз.

Мансур бошини кўтарди. Гуляга қаради (дарвоқе, унинг асл исми Гулнора эди).

— Сен ҳеч нарсадан хавотирланма. Бошдан шундай бўлишини билгандим. Анави, — дея у қуёш ботар томондаги хонани кўрсатди, — уйга кириб тур. У менинг хонам. Энам ўзига келволсин... Шу қизга уйлантиринглар, деганини эшитдинг-ку, ҳаммаси яхши бўлади.

Қиз мийиғида кулиб, бошини қимирлатди-да, хўп ишорасини қилди ва нозланганча қадам ташлаб, кўрсатилган хона томонга кетди.

Наргиза онасининг қўлларини уқалай бошлади. Шунда онасининг бадани совийтгандай туйилди унга. У бир нималар демоқчидай акаси томонга юзланди. Бу пайтда Мансур эринибгина ойнаванд айвондан чиқмоқда эди. Гапирмади. Ўрнидан сакраб турди-да, югурганча уйга кириб, кўрпача олиб чиқди.

— Ҳозир, эна, ҳозир исиб қоласиз. Қўлларингизни бироз уқалайман, исийсиз. Ҳали дўхтир келади, битта укол қилади... Эна, фақат кўзингизни юмиб олманг. Мен кўрқиб кетяпман, энажон! Мени десангиз, кўзингизни очинг! Балки, юзингизни ювиб қўйсам, кўзингизни очарсиз! Ҳозир шундай қиламан, энажон!

Наргиза ташқаридан бир челақ сув олиб келди ва онасининг боши бир томонга қийшайиб қолганини кўрди. Ана шу пайтда жон ҳолатда:

— Эна-ж-о-о-о-н! — дея бор овозда бақириб юборди.

Унинг чинқириғидан бепесандларча уйнинг деворларига қараб турган Гулнора чўчиб тушди ва секин эшикни очиб, бошини чиқарди.

— Мени ташлаб кетманг, эна-ж-о-о-н! — бақирди ана шу маҳал Наргиза.

«Бир нима бўп қолганга ўхшайди. Секин кетворганим маъқул. Мансур акам керак бўлсам, орқамдан боради» хаёлидан ўтказди Гулнора.

* * *

Дўхтир афсус билан бошини чайқади. Сўнг хўрсиниб кўйиб, Мансурга юзланди-да:

— Қариндош-уруғларни, кўни-кўшнилари чақиринглар. Бригадирга ўзим айтаман, қишлоқнинг одамларига хабар қилади. Афсус, ҳали яшаши керак эди... — деди.

Наргизанинг кўз олди қоронғилашиб кетди. У энасига термилган кўйи қотиб қолди.

— Йўғ-э, Аваз ака, ундаймасдир. Яна бир марта текшириб кўринг, — деди қулоқларига ишонмаган Мансур.

— Ўлдираман! Тирик қўймайман! Сендайин мараз ўғилниям, сен оп келган фоҳишаниям! — дея ўрнидан сапчиб турган Наргиза бирдан Мансурга ташланди ва онасининг юзини қайта-қайта тимдалади.

Қиздан бундай хатти-ҳаракатни кутмаган Аваз дўхтир саросималанди, довдиради. Айни чоғда ўзини айбдордай ҳис этиб турган Мансур ҳам карахт эди. Шу боис синглизига қаршилиқ қилгучи бўлмади. Бундан фойдаланган Наргиза акасини юмдалаш билангина чекланмай, бўйнидан фарчиллатиб тишлашга-да улгурди.

Орага Аваз дўхтир аралашди. Ака-сингилни ажратди. Мансурни ташқарига судраб чиқди. Ҳар икки томондаги

ҳамсоялар қий-чувни эшитишлари билан оёқларини қўлларига олиб югуришган эди. Шу боисдан можаро кўпга чўзилмади.

* * *

Ичкарига шоша-пиша кирган Ҳайбатулло уй тўрида хотини тескари ётганини, устига мато ёпиб қўйилганини кўрди-ю, бўшашиб кетди.

— Махфират, энаси, Махфират! Нима бўлди сенга, кампир?!

Ҳайбатуллони овози бўғилиб чиқди. Кейин чаккаси уча бошлади. У оёғини зўрға кўтариб, бир-бир қадам босди-да, майитнинг ёнига келди ва секин тиззалаб ўтираркан, матони кўтарди.

— Махфират, Махфират! Нимага бундай ётибсан?! — деди юзи оппоқ хотинига жавдираганча тикилиб.

— Аёлингиздан айрилиб қолдингиз! — деди шу пайт уй деворига суяниб ўтирган хотинлардан биттаси.

— Им, айрилдим! — деб Ҳайбатулло ўтирганларга юзланди: — Ўлиб қоптими? Ҳим, ўлиб қопти!

Шу заҳоти аёллардан иккитаси унинг қўлларидан ушлади. Ўрнидан туришга кўмаклашишди. Ташқарига олиб чиқишди. Кимдир дарров бир коса сув тутқазди қўлига. У ичди.

Кейин лабини артдида:

— Яхшийди-ку, яқинда уйдан кетувдим, — деди.

Кимдир уни кучоқлади. «Бандалик. Бардам бўлинг, ака», дея дарров қўйиб юборди.

— Энамни акам ўлдирди, акам! — дея нола қилди шу пайт Наргиза.

— Нима? Акам дедими? Қайси акаси? Акаси битта-ку! Мансур келдими?!

Ҳайбатулло телбаларча атрофга аланглади. Етти-саккиз қадам нарида дастрўмолчаси қўлида ўзига тикилиб турган Мансурни кўрди.

— Ана, кепти. Наргиз акам ўлдирди, дедими? Мансур ўлдирибдими? Энасини-я!

* * *

У азбаройи йиғлаб юбормаслик мақсадида боласини ювиниш хонасига олиб кириб, чўмилтирди. «Тупроқда ўйнаб бўлмади — ҳамма жойинг чанг бўлади. Заҳда

ўйнаб бўлмайди — касал бўласан. Рухсатсиз уйдан чиқиб бўлмайди... Катталарсиз ҳеч нима қилиб бўлмайди. Лекин катталарни ҳам худо урган. Ҳаммаси аҳмоқ, юрган йўлида қоқилиб-йиқилишади. Бошларини деворга уриб олишади. Кейин...»

У ўзини юпатиш учун гапираётганди. Аммо, барибир, чидаёлмади. Кўзидан ёш тирқираб оқди.

— Тупурдим ҳаммасига! Ёш ўтиб қолганида, бировни севиб қолишга бало бормиди менга?! Яна бола-чақали одамни! — дея ҳайқириб юборди.

Чўмилаётган бола қўрқиб кетиб, онасининг юзига киприкчаларини пирпиратиб қаради.

— Опа, — деган овоз келди ортидан.

Сумбулхон ўгирилмади. Кўз ёшини кафтининг орқаси билан артди-да, бурнини тортиб қўйди.

— Опа... — такрорлади Саида ва қўрқа-писа келиб, Сумбулхонни қучоқлади.

— Ҳаммасига ўзим айбдорман, ҳаммасига. Нимани умид қилувдим? Хотинининг вақти келиб ўлиб қолишиними ёки ажрашиб, бола-чақаси, ишини ташлаб, менинг ёнимга келишиними? Нимани?

— Қўйинг, опа, мана, фарзандингиз, овунчоғингиз бор. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

Сумбулхон ортига ўгирилди. Худди онасининг бағрига киргандай, сингисининг кучоғига маҳкамроқ суқилди.

— Бўлмайдиганга ўхшайди, Саи, жоним! Аҳмоқ опангни кечир... Шошма, сенга ҳаяжонланиш мумкин эмас, — деб Сумбулхон сингисини қўйиб юборди-да, шошапиша кўз ёшларини артиб, жилмайишга ҳаракат қилди: — Кейин ҳозиргина миямга келиб қолди. Бир иш қилсак, жоним синглим.

— Нима иш, опа? Нима десангиз, ҳаммасига тайёрман.

— Ҳалиги... биласанми?.. Барибир, менинг бир ўзим бола катта қилолмайман. Масалан, менинг ишим бор. Ишга боришим керак. Бир хил пайтлари ишдан асабим бузилиб қайтаман. Кейин жиянингни ноҳақ уришиб қўяман. Бола бечора йиғлайди. Шунга жиянингни сенга берсам, сен катта қилсанг. Куёвимгаям ишонаман, мард йигит, биргалашиб катта қилардинглар. Мана, яқинда

ўзинг ҳам она бўламан деб турибсан. Чақалоғингни туғруқхонадан оп келганингдан кейин ёрдамчинг бўлардида.

Саида Сумбулхонга ҳайрат билан тикилиб қолди. Култ этказиб ютинди.

— Опа, ақл билан айтяпсизми шу гапларни? Сиз, поччам бўла туриб, қандай қилиб мен болангизни олиб кетаман, қандай? Мен олиб кетсам, неча кун чидайсиз? — деди.

— Сен сира хавотир олма. Мен ёлғизликка ўрганиб қолган одамман. Поччанг... Поччанг ярим жон бўлиб қолди. У энди бизни боқиш тугул, бир марта келиб кетишга ярамаса керак.

— Поччам шундай дедими? Ўғлимни Саидага бериб юбор дедими?

— Ундай демади, лекин менинг ўзим вазиятдан келиб чиқиб...

— Ҳеч қанақанги вазият-пазият бўлгани йўқ! Ўзингиз катта қиласиз, тамом-вассалом!

Саида жаҳл билан ортига бурилиб, ҳаммомдан чиқиб кетди.

«Хафа бўлди... Бир пайтлар менинг ўзим сени ювиб-тараб катта қилгандим. Сира оғринмагандим, Саида. Ўша пайтлари ота-онамиз йўқ эди-да... Менинг боламники борми? Бор, аммо йўқдай. Мен ўладиган бўлсам... У ёқда Толмас акам касал. Ўғлидан хабар ололмайди. Хабар олганида ҳам олиб кетолмайди. Мабодо оборса, анави ялмоғиз боламни соғ қўймайди... Агар мен ўлмоқчилигимни сезганингда, эҳтимол, ҳозиргидай аччиқ қилиб кетмасдинг. Лекин, барибир, сени яхши кўраман. Шу яхши кўрганим учун сенинг ҳар қандай аччиқ гапларингни кўтараман» дея хаёлидан ўтказди Сумбулхон ва хўрсиниб қўйди-да, боласининг устига сочиқ ёпиб, уни кўтариб олди.

Сумбулхон Саида билан куёвини айна дарвозадан чиқмоқчи бўлганларида кўриб қолди ва шу заҳоти қони қайнаб кетди:

— Кетяпсизларми? — деди алам билан.

— Бошқа нима қилайлик? — саволига савол билан жавоб берди Саида.

— Хайрлашмасдан-а...

— Мен сенга нима дедим? — дея шу пайт куёви Саидани койиди.

— Майли, кетаверинглар. Фақат мендан ўтган бўлса, узр. Сизларниям ташвишга қўйдим...

Сумбулхон шунчалик оҳиста сўзладики, айтганларини ўзи зўрға эшитди. Куёви билан синглисига эса шунчаки унинг лаби қимирлаб қўйгандай бўлди. Уларни бошқа кўришни истамаган Сумбулхон уйга кириб кетди. Кўрпачага чўзилиб, кўзларини юмди.

Орадан бир қанча вақт ўтди. Ҳовлида уни кимдир чақираётгандай туйилди. У чўчиб кўзини очди ва биринчи навбатда ўғлини ахтарди. Ҳар қалай, болакай ташқарига чиқиб кетмабди, дераза ёнида кунишибгина ухлар эди. Аёл ўзидан хафа бўлиб кетди ва чаққонлик билан ўрнидан туриб, боласини кўтариб олди-да, ўзининг ўрнига ётқизиб, устига кўрпача ташлади. Бу вақт оралиғида яна икки марта уни чақиритди.

Ҳовлида куёви билан синглиси турарди.

— Кетмадингларми? — деди Сумбулхон ажабланиб.

— Опа, аввал ўзингизга қараб олинг, — дея мийиғида кулди Саида.

Сумбулхон аввал бошини ушлади. Сўнг қўйлагига қаради. Худди шуни кутиб турган Саида бирдан хохолаб кулиб юборди. Сумбулхон дарров аразни унутди. Синглиси билан куёвини уйга киритди. Назарида, улар энди меҳмонга келишгандай эди. Шу боис бўлса керак, синглисини ошхонага киритмади.

— Сен ўтир, мен ўзим яхшилаб қўлбола ош қиламан. Шу бугунни байрамдай ўтказамиз, унгача куёвбола магазинга бориб, анави ўлгурдан битта оп келса... — деди.

Улар хушчақчақ эди. Бири қўйиб, иккинчиси сўзлар, тез-тез қадаҳ сўзи айтиларди. Бироқ гаплар орасига Толмас Бадриддиновичнинг исми мутлақо киритилмаётганди. Ҳамма тилига эҳтиёткор, мумкин қадар уни четлаб ўтишга ҳаракат қиларди. Ана шундай бир паллада Сумбулхоннинг хаёлига яна ўша машъум ўй келди.

«Айни вақти. Бугуноқ ўзимни бир бало қилишим керак. Шундагина Саида жиянини ташлаб кетолмайди. Мени тупроққа қўйиши билан уни ўзи билан олиб кета-

ди» хаёлидан ўтказди у.

* * *

Абдухалил ўзига ўхшаб кетадиган, аммо кўзи нисбатан қисикроқ хотинини етаклаб, Шокирнинг уйига келди. Аслида, унча-мунчага хотинини у ёқ-бу ёққа обормасди. Юқорида айтганимиздек, шаҳарда қолдирарди. Яна устидан қулфлаб қўярди. Гўё рашкини шу йўл билан кўрсатаётгандай. Гўёки хунукдан сал бинойироқ хотинини биров олиб қочадигандай ва, аксинча, хотини ким биландир кетиб қоладигандай. Чунки ўзига қайсидир аёл сал юмшоқроқ гапириб қолса, дарров оғзидан суви қочарди-да. Ана, эслайдиган бўлсак, қўшни республикалик радиобошловчини олайлик. Кўзлари шаҳло, юзи думалоқ, сочи жингалаксифат қиз унга нима деди? Деярли ҳеч нима. «Яхши ёзибсиз», деди бир оғиз. Шу билан дарров Абдухалилнинг ҳуши бошидан учди. «Вў-ў, шундай сўзга чечан, эрга тегмаган қиз менинг ёзганимни мақтади-я. Ёзганимни ёқтирибдими, демак, ўзимга ҳам қизиқиши бор. Дарров қармоқ ташлаб кўрайин-чи, илинармикан?»

У қармоқни ошхонада, ишхонасининг шимоли-шарқидаги, текстиль комбинатига қарашли чучварани боппайдиган оддийгина емакхонада ташлади. Айтдики, «Шундай аёлга уйланаман деб сира ўйламагандим. Мен билан унинг орасида осмон билан ерча фарқ бор. Тўғри, битта ўғил билан қиз туғиб берди. Четдан қараганда бу ниҳоятда идеалдай. Лекин битта ўғил, битта қиз туққан озми? Шу билан кишининг бахти ўлчанадими? У одамнинг кўнглига қарашни билмайди. Кейин ош-овқатгаям нўноқ. Бир марта жўраларимни уйга меҳмонга чақириб, роса шарманда бўлганман. Ишонасизми, оппоқ ошига туз солмабди. Яхшиямки, битта жўрамнинг татар хотини бор, дарров айбини яшириб ташлади».

Қиз Абдухалилнинг гапларига қиқирлаб кулди. Кейин бирдан жиддий тортди:

— Ҳурматли Абдухалил ака, инсофсизлик қилманг, индамасам, хотинингизни одам қаторидан чиқариб ташлайдиганга ўхшайсиз, — деди.

— Мен ҳеч нимани кўшиб-чатмайман. Ҳар доим бор гапни айтиб, ўрганиб қолганман. Мана, ҳозирча сиз беғонасиз. Жа яқин тутадиган бўлсам, мухлисимсиз. Лекин

мен бошқаларга ўхшаб, яшириб ёки йўқ нарсани кўкларга кўтармадим. Шарт-шурт айтиб ташладим. Аслини, аслини...

— Шошманг, шошманг, барака топгур, — дея кулгидан зўрға ўзини тийиб, Абдухалилни гапиришдан тўхтатди радиобошловчи қиз. — Бунақанги тез гапирадиган бўлсангиз, ҳеч нимага тушунмай қоламан... Сизни тушуниб турибман. Келинг, ҳаммасини унутамиз: сиз уйланмагансиз. Мен... мен шундоғам турмушга чиқмаганман. Энди айтинг, нима тўғрисида гаплашамиз?

— Йигит билан қиз ёлғиз қолганида уларни кўпроқ нима қизиқтирса, шу нарса тўғрисида-да.

— Ёмонсиз, Абдухалил ака, ёмонсиз. Келинг, ҳозир ўша мавзуни бошламайлик-да, бошқа нарсалардан гаплашайлик.

Абдухалил ўшанда унинг талабини тўла қондиrolмади. Чунки у бу қизни илинтирмоқчийди. Аммо у илинмади. Бошқа мавзуга эса унинг ўзи тайёр эмасди. Шу боис гаплари пойинтар-сойинтар чиқди. Камига тез сўзлаганидан қиз унинг кўп гапларига тушунмай, қайта-қайта сўради. Шу билан учрашув охирлаб қолди. Бироқ ўша қиз унинг қармоғига, барибир, илинади. Лекин бунинг учун уч-тўрт йил вақти кетди Абдухалилнинг. Унгача у ишхонасига янги келган, ёшгина, инглиз тилига анча-мунча тиши ўтадиган, бироқ икки қатор нарсани эплотмайдиган қизнинг юзидан ўпишга муяссар бўлди. Кейин у билан вақтичоғлик қилишга кўп уриниб кўрди, аммо ҳар сафар қиз осонлик билан унинг тузоғидан чиқиб кетаверди...

Абдухалил хотинини етаклаб келишини Шокир мутлақо кутмаган эди. Ҳайрон бўлди. Шу билан бирга, уйига таклиф қилди. Абдухалилга айна шу керак эди. Қаради, Шокир анча-мунча ёғли жойга жойлашди. Яна бош агрономнинг ҳимоясида. Бундан чиқди, у ёқ-бу ёғидан айланса, суйкалса, бирор нима ундиради. Ҳеч бўлмаганда, текстиль фабрикасидан ўмарилган газламаларнинг уч-тўрт тўпини пуллайди.

— Афсуски, — деди Шокир чақирилмаган меҳмонлар уйга кирганларидан кейин, — бизнинг хоним уйда йўқ эди. Энасиникига кетган. Шунинг учун тайёргарлик...

— Асло хавотир олманг, мана, келинингиз бор. Дарров пишир-куйдирни эплаб ташлайди, — деди Абдухалил иржайиб.

— Шундайми, майли унда, юринг, келин, ошхонани кўрсатиб қўй.

Шокир Абдухалилнинг хотинини ошхонага олиб кирди. Бўлиққина жувонга кўнгли сушт кетди. Бироқ бирор-та ҳам ортиқча ҳаракат қилмади. Пишир-куйдирга ишлатиладиган нарсаларнинг жойларини кўрсатди ва изига қайтди.

У ярим соатча тишини тишига қўйиб, Абдухалилнинг тузсиз гапларини эшитди. Хаёли эса доим ошхонада бўлди. «Бунинг учун озгина ичиб, ботир бўлволишим керак. Ана ундан сўнг кўрамиз дўндиқчани» кўнглидан ўтказарди у ва айни ниятини амалга ошириш мақсадида Абдухалилга тўлдириб-тўлдириб ароқ қўйиб бераверди. Бу орада чала пишган гўшт дастурхонга келтирилди.

— Мен ўз акамнинг уйида ўтирибман. Маст бўп қолсам, шартта ташлайман-у, ухлаб қолавераман, — деди ширакайф Абдухалил кўзини сузиб, хотинига қараркан.

— Бу киши кўп кўтаролмайди-да, шунга, Шокир ака, хафа бўлмайсиз, — дея эрини оқламоқчи бўлди жувон.

— Ҳечам хафамасман. Қайтанга хурсандман. Абдухалил мени акам деди. Демак, бу ер ўз уйидай гап. Ўтиринг, келинг, бизга шерик бўлинг.

— Қўйинг, мен ичмайман, — деб нозланди жувон.

— Мажбурлаш йўқ бизда. Лекин битта олмасангиз, бўлмайди, — дея пиёлани ароққа тўлдириб жувонга узатди Шокир.

Жувон ортиқча тихирлик қилмай, унинг қўлидан пиёлани олди. Қолаверса, эри ҳам: «Ичасан, менинг акам билан ичасан», деган эди.

Навбатдаги пиёла Абдухалилни ағдарди. Шундай бўлишини кутган Шокир секин жувоннинг қўлидан ушлади...

* * *

Маъруф анчагина синчков бўлиб қолганди. У она-болани уйларида қолдиргач, машина кўзгусидан орқага кўз ташлади. Худди шу пайт боягина кўрган (тўғри, у пайт унчалик эътибор бермаганди) уловнинг ҳам чироқлари ёнди. Хаёлига ҳеч нима келмади. Умуман, у Паризод ва

унинг онаси ҳақида ўйларди. Ахир улар уйга тушкун кайфиятда кириб кетишди. Паризод машинадан тушмади. Бир муддат бошини эгиб ўтирди. Онасининг: «Туш энди», деганига эътибор ҳам бермади. Қачонки Маъруф: «Ҳаммаси изига тушиб кетади. Дарров тонг отади, бир ухласангиз, бўлди. Кейин ўзим келиб, олиб кетаман Толмас Бадриддиновичнинг ёнига. Нима бўлгандаям, аянгиз... Кулоқ солинг-чи, балки, жуда зарур гапи бордир», деганидан кейингина машинадан тушди. Аммо эшикни ёпмасдан, бир муддат Маъруфга термилиб қолди. Сўнгра ўзини мажбурлаб, уйи томон кетди. Эшик очиқ қолди. Паризод йигитга «Кетиб қолманг, ҳали қайтиб келаман» дегандай, эшикни очиқ қолдирган эди.

«Балки, уйдагиларнинг кўнглини хотиржам қилиб, сўнг келарман. Паризодни бундай қолдириб бўлмайди. Ҳаммасидан ҳам... Йўқ, унақа бўлмайди. Отасини яхши кўради. Агар ўзига бирор нима қиладиган бўлса, отасининг ортиқ чидолмаслигини билади. Шунинг учун ҳаммасига чидайди» кўнглидан ўтказди йигит ва беихтиёр яна кўзгуга қаради. Ортидан келаётган уловнинг чироғи кўзини қамаштирди. «Бу машина қаерга бораётган экан? Икки марта бурилдим. У ҳам қайрилди. Яна чапга юрсам, катта йўлга чиқаман. Кўрайин-чи, балки, тўғрига ўтиб кетар» кўнглидан ўтказди Маъруф ва газни янада қаттиқроқ босди. Машина тезлиги ошди. Хаёлида ортдан келаётганлар ҳам тезлашгандай эди. «Менга шундай туйилляпти, ҳализамон улар қолиб кетишади» ўйлади Маъруф. Аммо орқадагилар қайтанга яқинлашишди.

«Оббо, шуниси етмай турувди! Кимнинг арпасини хом ўрдимки, мени пойлаб юришган бўлса?! Ҳеч вақт Етим тоғдагилар бу ёққа келишмагандир. Келишгандаям шунчалик осон топишадими? Эй-й, шошма, анави падарингга лаънат раиснинг уйини биларди-ку! Ўҳ, ишни охиригача етказиб қўйишим керак экан. Чала қилувдим, мана оқибати» дея Маъруф рулга муштлади. Сўнг газни янада қаттиқроқ босди.

Қайрилмасдан тўғрига ўтиб кетди. Бошқа қишлоқ бошланди. Яна чироқ ўчган, шекилли, бирорта ҳам уйда ёруғлик кўринмас эди.

«Бу қишлоқни яхши биламан. Ҳозир саккизта уйдан

кейин чапда кичкина йўлча келади. Шу ёққа буриламман. Агар ортимдагилар, ҳақиқатан ҳам, мени қидириб келган бўлишса, демак, улар ҳам тўхташади... Одамлар ҳали ух-лашмаган. Мой чироқни ёқиб қўйиб, овқатланаётган бўлишса керак. Бундан чиқди, бақир-чақирни эшитишди» хаёлидан ўтказди Маъруф ва мўлжалга яқинлашиши билан тормозни қаттиқ босди. Чийиллаган овоз бир зумда атрофга ёйилди. Тўнтарилиб кетишига озгина қолган машина кичкина кўчага бурилди. Аммо унинг ортидан келаётганлар бундай бўлишини кутишмаганидан тўхтай олмай, тўғрига ўтиб кетишди.

Маъруф бирор эллик қадам ичкарилаши билан машинани тўхтатиб, чироқларини ўчирди-да, сакраб пастга тушди. Сўнг биринчи уйнинг томорқасига экилган тераклар ортига ўтиб, яширинди. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас унинг изидан келаётганлар уловининг чироғи кўринди. Энди Маъруфда шубҳа қолмаган эди. Бундан бу ёғига нима қилиш керак? Балки, бақирини, одамларни чақирини, улар ёрдамида гўрсўхталарни тутиш, мелисага топшириш керакдир. Йўқ, бўлмайди. Бўлмайди! Ярамаслар қуруқ қўл билан келишмаган бўлса керак. Чунки кўришдики, билакма-билак келганида ҳаммасини ер тишлатган. Шунинг учун отадиган бирор нима олишган бўлса, ажаб эмас.

Таъқиб этувчилар машинаси тўхтаб, ундан икки киши тушиб сўкинганида ҳам Маъруф бир қарорга келолгани йўқ эди.

— Узоққа кетмаган, шу атрофда бўлиши керак! — деди биттаси.

— Ҳамма ёқ зимистон, қаердан излаймиз? — деди иккинчиси.

— Топиб ўлдирмасак, ўзимизнинг калламиз кетади!

— Секинроқ гапир, биров-ярим эшитиб қолмасин.

— Онангни эмгур, қанча вақтимиз кетди?! Жоним чиқиб кетяпти!

Ит хурди. Бор-йўғи икки уй наридаги ит. Шундай хурдики, овози қулоқни қоматга келтирди. Кейин унга бошқа итлар ҳам қўшилишди. Нима қилишларини билмай турганларнинг гаплари бўлинди.

— Кетдик. Қизнинг уйини биламиз-ку, анави итдан

тарқаган хабарини етказмасидан бориб тинчитайлик! — деди Фулом ноиложликдан ва тўппончасини чўнтагига тикди.

Унинг ўйламасдан айтиб юборган гапи Маъруфни музлатиб юборди. «Вой, итлар! Энди бу ёғи нима бўлади? Ҳақиқатан ҳам, боришса-я! Толмас Бадриддиновичнинг уйида эркак зоти йўқ. Бўлгандаям ҳеч нарса қилолмасди. Чунки қуролланган одамлар келиши унинг тушига ҳам кирмайди...»

Маъруф ўйини ўйлаб бўлгунича ўзи миниб келган машинанинг орқасидаги «Виллис» жойидан кўзгалди. «Тўхта-тиб қолишим керак» деган фикр яшиндай хаёлидан ўтди йигитнинг ҳамда у шоша-пиша яширинган жойидан чиқди.

Уни бояги нотанишлар кўриши керак эди. Ахир у чироқ ёруғига чиқди. Кўзини прожектор нури қамаштирди. Таъқибчилар машинани тўхтатишлари, ўлдириш керак бўлса, кўксидан тарс-турс отиб, жуфтакни ростлаб қолишлари керак эди. Аммо бундай бўлмади. Қаттиқроқ газ босилганидан «Виллис» дод-войлади-ю, орқага чопқиллаб бурилди ва бирдан катта тезлик олиб, олдинга сакради. Маъруф югурганча бориб машинага ўтирди-да, уларнинг орқасидан қувишга тушди.

* * *

— Ҳаммаси мен айтганимдай бўлади! — дея ҳайқирди Фулом Маъруф чироқ ёруғида пайдо бўлиши билан. — Оғзидан эна сути кетмаган сен тирранчани шундай ўйна-тайинки, жон бераётганингдаям ҳайрон қолганингдан кўзларинг чиқиб кетсин!

Ўзининг гапи ўзига нашъа қилиб, Фулом газни янада қаттиқроқ босди. Машина янги эди. Ортиқча зўриқмасдан, янада тезлашди. Бундан завқланган чавандоз тагин қамчи босди.

— Бир-иккита жойи ўйдим-чуқур экан. Бир жойга кириб кетмайлик! — деди Мансур хавотирланиб.

— Эшикни оч-да, ташқарига ўзингни от! — дея яна хохолаб кулди Фулом.

Мансур унга ўқрайиб қаради. Шериги кўзига ўта жирканч, паст одамдай кўриниб кетди. Кутилмаган тўғри қарорлари уни қойил қолдираётган эди. Аммо мана бу-

нақанги менсимасдан гапиришлари Мансурнинг суяк-суягигача бориб қадалаётган эди. Ҳа, гарчи ўғри, муттаҳам бўлса-да, у ҳам одам. Унда ҳам иззат-нафс бор. Унинг ҳам кўнгли ўқсийди. У ҳам ҳар балоларни кўтаравермайди. Гоҳ-гоҳида, айниқса, мана шундай ишлар ўнгидан келиб турганида унинг ҳам кўнглига қараш керак. Тўғрироғи, қараш кераклигини унинг ўзи истайди.

— Мен аҳмоқмасман. Фақат сенинг ҳовлиқмалигинг бошимизга бир балони оп келадими деб ўйлаяпман, — деб у чўнтагига қўлини тикди-да, сигарета қутисини олди.

— Менинг ҳовлиқмалигим шу пайтгача иш берган. Чинқиртириб иш берган. Боягина анави итваччани қўлдан чиқариб тургандик, ана энди ўзи орқамиздан суманглаб келяпти.

Мансур секин кўзгудан орқага қаради, сўнг гугурт чақди-да:

— Агар янаям тезроқ ҳайдасанг, у бутунлай қоп кетади, — деди.

— Қизталоқ, нариги мошинаям янги-ку, лекин нимагадир орқада қолиб кетаётганга ўхшайди!

— Энди у сенга ўхшаб ўпка бўлмаса керак-да.

— Барибир, бундай пайтда қувиб етиши керак, — деб Фулом тезликни пасайтирди.

Аммо, барибир, ортдан келаётган машина узоқлашаверди.

Маъруфнинг жони ҳалқумига келган эди. У нима қилиб бўлса-да, эртароқ олдиндагиларга етиб олмоқчи, уларни тўхтатмоқчи, керак бўлса, муштлашмоқчи эди. Агар лозим бўлса (унинг назарида, шуниси ҳақиқатга яқинроқ. Чунки аниқ биладик, газандалар муштлашиб ўтирмайди. Қолаверса, улар бир марта муштлашиш оқибатини кўришган. Шу боисдан ҳам қуролларини ишлатишади), газандалар отган ўқдан ўлмоқчийди. Ана ундан кейин ўғри, каззоб нашафурушларнинг кўнгиллари хотиржам тортиб, изларига қайтиб кетишади ва Паризод омон қолади. У бир қиз учун жонини бериш ниҳоятда лаззатли эканлигини ҳис этди. Ичида қандайдир хурсандчилик пайдо бўлди. Бироқ беш дақиқа ўтар-ўтмас машина бирикки марта силтанди-да, ўчиб қолди. Маъруф бақириб юборди. Қайта-қайта калитни бураб, газни босди, аммо

ёқилғи тугаганди. Энди «юрак» ўт олмасди.

— У тўхтади, — деди Фулом ва тормозни босди.

— Нега тўхтайди? Мумкин эмас. Тўхтайдиган бўлса, биз қизини бориб ўлдирамыз-ку!

— Бир гап бўлганга ўхшайди. Машинага нимадир бўлган.

— Нима қиламыз?

— У бизнинг ёнимизга келмаса, биз унинг ёнига борамиз, — деди Фулом ва машинани орқага бурди.

* * *

Ҳайбатулло бошини кафти орасига олиб қисди. «Менга шундай туйиляпти. Қаттиқ қайғуриб юбордим, шекилли. Қойил, битта хотин учун шу аҳволга тушиб ўтирибман-а. Бунчалик паст кетаман деб сира ўйламагандим. Хотин ким? Биттанинг қизи-да: менга дахли бўлмаган, қони бутунлай бошқа аёл. У туққанлар бошқа. Улар — менинг пуштикамарим. Уларга ичим ачиса, ярашади. Лекин хотинга куюниб, девона бўлиб юриш мендай одамга уят» ҳаёлидан ўтказди у ҳамда томоқ қириб қўйди.

Шу пайт қизи нола қилди:

— Боланг ўлдирди-я, эна! Боланг ўлдиришини билганинга уни дунёга келтирармидинг?!

Ҳайбатулло бир-бир қадам босиб, Наргизанинг ёнига борди. Уни кучмоқчи бўлди, аммо қизи ундан ўзини олиб қочди. Ана шуниси Ҳайбатуллога ёмон таъсир қилди. Ҳамманинг кўз ўнгида худди у ўлдиргандай онасини.

— Қизим, ўзингни бос. Худонинг хоҳиши, — деди кимдир.

Ҳайбатулло атрофга аланглади. Хотин-халаж кўп эди. Ким гапирганини тополмади. Сўнг ўғлини қидирди, бироқ уни-да тополмади. «Энасининг ёнига киргандир. Уям куйяпти-да. Мен ҳам энам ўлганида унинг аҳволига тушгандим-ку. Лекин нимага Наргиза энамни акам ўлдирди, деяпти? Боягина менга шундай туйиляпти деб ўйлагандим. Аммо у яна такрорлади-ку. Аниқ шундай деди. Балки, мен яна нотўғри эшитдимми?»

У ҳаёлидагини тасдиқлаш мақсадида:

— Бу ақлсиз қиз нима деяпти? — дея атрофдагилардан сўради.

Ёнидагилар унга ҳайрон бўлиб қарашди. Бири чидаб

туролмади:

— Қандайдир сатангни Мансурбой бошлаб келаётганини кўрувдим... — деди.

— Сатанг? Мансур қани?! Қандай сатангни бошлаб келади менинг болам?! Шу гап, шу гап...

Ҳайбатуллонинг оғзидан бошқа бирорта ҳам сўз чиқмади. У бўйинини чўзиб, ўғлини қидирди. Аммо бу сафар ўғли ҳеч қаерда кўринмади.

— Сув оп келинлар! — дея кимдир бақирди.

Ҳайбатулло яна овоз эгасини тополмади.

— Ҳаммангга яхши кулги топилди. Ҳаммангга яхши гап топилди. Мендай одам энди бутун колхозга сасийдиган бўлдим, — пичирлади у ва кўлини орқасига қилдида, бошини хиёл эгиб, салобат билан худди раислардай қадам ташлаб кета бошлади.

Қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмасди. Шу ғала-ғовурдан узоқлашса, озгина хаёлига эрк берса, ҳамма нарсани яхшилаб ўйлаб, яхшилаб режалаштириб олса бўлгани. Кейин бу таъзияга келганларни боплайди. Шундай одамнинг устидан кулиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяди. Партийний одам кўрсатиб қўяди.

— Сув ичинг, сал босилади, — деди ортидан кимдир.

Ҳайбатулло тўхтади. Ортига ўгирилди. Қаршисида бешолти уй нарида яшайдиган, сочи тап-тақир қилиб олинган, қоши қалин, кичкина мўйлов қўйган, кўйлагини офтоб урган ашаддий душманларидан бири Мирзағолиб турарди. Ҳайбатуллонинг назарида, у озгина иржайгандай эди. «Менинг устимдан куляпти» деган ўй яшин тезлигида унинг хаёлидан ўтди.

— Сув ичиб олинг, Ҳайбатулло ака, — дея у гапини такрорлади.

— Сув? Сув ичишим керакми? Сен оп келган сувни ичаман, кейин хотинимнинг ёнига кетаман, тўғрими? Бирдан иккита ўлик чиқади бу уйдан. Қандай томоша, қандай зўр? Гап-сўзи бирор ўн йилга бемалол етадиган воқеа, тўғрими?!

Мирзағолибнинг киприклари пирпиради. Қулт этказиб ютинди.

— Сув ичинг, сал босилади, — дея кўлидаги косани янаям Ҳайбатуллога яқинлаштирди.

— Нима босилади? Босиладиган нарсанинг ўзи борми? — кесатди Ҳайбатулло ва Мирзағолибнинг қўлидаги косани бир уриб, ерга ағдарди.

Худди ана шу маҳал ҳовлида қий-чув бошланиб кетди. Кимдир:

— Пичоқни ол! Қўлидан маҳкам ушла! — деб бақирди.

Ҳайбатулло ўша жойга югурди. Аввал қизи Наргизанинг қўлидаги пичоқни, кейин сал нарида Мансурнинг кўзи олайиб ётганини кўрди.

* * *

Ўқтам бўлиб ўтган воқеаларни бир зумда унутгандай кўринишни болади. У аввалига ўзи билан қолганларнинг елкасига қоқиб чиқди. Сўнг айтдики, «Биз жуда зўр ишларни қилиш арафасида турибмиз. Лекин нима ишлигини ҳозирча сизларга айтолмайман. Вақти келгани йўқ. Мудар, сен ҳозир пулларнинг ҳаммасини оп кетасан-да, қолган молларниям оп келасан. Сотволди, район марказига боргин-да, турмага телефон қил. Одамни жўнатсин. Соққаниям. Турди, қаққайиб туравермай, анави қўлидан ҳемирам келмайдиганларни обориб кўмиб ташла. Нарироққа обор. Бўлмаса, чиябўрилар қазиб олиб, нимта-лаб, ҳамма ёқни суякка тўлдириб ташлайди. Наримон, сен чўпонларнинг олдига бор, семиз қўйлардан иккитасини оп кел. Мана шу ерда сўямиз. Лекин кун ботгунча айтганларимнинг бирортасида камчилик бўлса, ҳаммангни онангни учқўрғондан кўрсатаман! Энди жўна баринг!»

Шотирлар шу заҳоти ўта муҳим топшириқ олган аскарлардай тумтарақай тарқашди. Ўқтам уларни узоқлатиб, кўксига муштлади. «Мен шундай енгилмас, ҳамманни эшиб ташлашга қодир одамман!» деди ва ўгирилиб, бир-бир қадам босганча ғорга кирди.

— Қолган-қутган нарсаларингни оп кел! Элликта отмасам, миям бўлиниб кетяпти! — деди Хонбибига.

Ичкилик таъсиридан биров хотиржам тортгандай бўлган Ўқтам қўй терисидан ясалган пўстак устига чўзилиб кўзини юмди. Зумда хаёлига Паризод келди. «Оҳ, шундай нарсани қўлдан чиқариб қўйдим-а! Ҳеч қачон бундай бўлмаган. Ҳар доим нимани хоҳласам, ололганман, нимани хоҳласам, қилолганман. Бу сафар бўлса... Ақлимга қарши бордим. Кўнглимга ён босдим. Мана, падарингга

лаънати, нима кўйга тушиб ўтирибман?! Сал қолса, қўл остимдагилар ҳам ликиллаб қолишарди... Эҳ, яхши кўриш ёмон экан. Ҳар қанча устингдан от ҳайдасаям, тишингни тишингга босиб туравераркансан. Лекин энди бундай бўлмайди. Бунинг учун уни тезда эсимдан чиқаришим керак. «Аччиқни аччиқ кесади» деган гап бор. Шунинг учун дарров биттасини топиб, шакаргуфторлик қилишим керак» хаёлидан ўтказди Ўктам ва бирдан ўрнидан турди. Ундан сал нарида Хонбиби ювилмаганига лофи билан қирқ йил бўлиб кетган, патак сочини бармоқлари билан тараб ўтирарди. Ўктамнинг кўзига у бирам хунук, бирам хунук кўриниб кетдики, уриб-уриб ташлагиси келди-ю, лекин ўзини босди.

— Сен, ялмоғиз кампир, менинг олдимда суманглаб ўтирмасдан, бирор нима пишир. Ана ундан кейин... Эй-й, унисини сен эплаёлмайсан. Сени кўрган одам жирканганидан қайт қилиб юборади. Сен молнинг тагини тозалашдан бошқасига ярамайсан! Бунча исқиртсан, ит?! — деди.

— Хўжайин, ундай деманг. Мен сизга доим вафодор бўлганман, — дея ўзича нозланган бўлди Хонбиби.

— Аммо шу гапни тўғри гапирдинг — вафодорсан. Сендан бошқанинг ҳаммаси мараз! Лекин шу одамга ўхшаб турсанг экан. Бўпти, бор, ташқарида Соли сариқ турувди, шуни чақир. Кейин айтган ишимни қил!

Ўктам ўрнидан турди. Бездовталаниб юрди. Назарида, ташқаридаги шотири бирдан унинг ҳожатини чиқариб қўядигандай эди. Шу боис йигит кириши билан кўзи чақнаб кетди.

— Менга қара, Соли, сен менинг мошинамни умрингда минганмисан? — дея шошиб сўради.

— Йўқ, хўжайин, ҳаддим сиғмайди.

— Сиғади ҳаддинг. Ҳозир битта ишни буюраман. Лекин кўнглимдагидай бажармасанг, пачағингни чиқариб ташлайман! Бопласанг, менинг мошинамни миниб юрасан.

— Ҳар қандай ишингиз бўлса, қойиллатаман, хўжайин.

— Вой, энангни эмгурнинг боласи, қўлингдан келади-ган ишни айтсанг-чи? Ҳар қандай иш эмиш... Кўрдим,

анави тирранча ҳаммангнинг энангни эмдириб кетганини!

Соли бошини эгди.

— Иштонини ҳўл қилиб қўйгандай, менинг олдимда турма, баччағар! Ҳозир мошинани мин-да, қишлоққа борасанми, шаҳарга борасанми — менга фарқи йўқ, биттасини топиб келасан. Шунақанги кетворган нарса бўлсинки, шу билан бир ҳафта қоп кетайин, тушундингми?!

Соли яйраб кетди-да, иржайганча деди:

— Бўлди, хўжайин, дарров есть қиламан! Айни сиз бопини кўз остимга оп қўйганман. Мабодо сўраб қолсангиз...

— Ҳов, ит! — дея Ўктам унинг гапини бўлди. — Сен ҳеч қачон мен учун кўзингнинг остига олиб қўймайсан! Чунки ўзингдан ортмайди. Кўзингнинг остига олмаганингни оп кел. Яна қасқдаги шиппакни кўтариб келма.

— Бўлди, хўжайин, — деб Соли қўлини кўксига қўйди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Аввал Наримон келди. Унинг зиммасидаги юмуш айтарли мураккаб эмасди. Шу боис дарров қайтди. Бироқ унинг юзида норозилик аломати бор эди. Ўктам бир қарашдаёқ буни пайқади.

— Нима? — деди ўткир нигоҳини унга қадаб.

— Битта чўпон қочиб кетибди. Айтишларича, Абдусатторга қариндош экан.

Ўктамнинг кайфияти яхши эди. Чунки Хонбиби тайёрлаган таом билан бирга бир шиша ароқни ичиб қўйган, шунга қарамай, деярли маст эмасди. «Ҳали бақувват эканман. Бундан чиқди, Соли оп келадиганга бемалол кучим етади. Шарманда бўлмайман» деган ўйда ғордан чиқиб, Етим тоғни икки-уч айланганди. Абдусаттор деган исми эшитиши билан эса ана шу кайфиятдан асар ҳам қолмади. У аввал қошларини чимирди. Сўнг чирт этказиб ерга тупурди ва бармоғини қайириб, қарсиллатди. Наримон ундан кўзини узмас, юзига тегиши аниқ бўлган муштга озгина бўлса-да, чап бериш ва шу билан оғриқни озгина камроқ ҳис этиш пайида эди.

Мушт ўйлаганидай қаттиқ тегмади. Аммо у ерга гурсиллаб йиқилди. Шундай қилиши керак эди. Мабодо оёқда қолганида борми, Ўктам қутуриб кетарди. Ҳозир

эса битта мушт билан қаноатланди.

— Сен ит эмганларнинг бирортанггаям ишонч қолмади! Ҳаммангни бурдалаб ташлайман! — ўқирди у ва чўнтагидан сигарета олиб, лабига қистирди.

— Хўжайин, сизга шундай гап кўтариб келганим учун мени кечиринг! — деди Наримон жағини силаб.

— Бўпти, қўйни сўй! Жигарини қовур, кейин қолганини сихга тизиб, яхшилаб шашлик тайёрла! — деб Ўктам нари кетди.

Унинг ҳамма йигитлари қуёш ботмасдан етиб келишди. Ҳаммаси зиммасидаги ишни болаган, оғзи қулоғида эди. Шу боис Ўктам уларнинг маишат қилишларига қўйиб берди. Ўзи эса Соли топиб келган санам билан горга кирди.

* * *

Ҳайбатулло ҳақ эди. Гийбат бўлди. Бўлганда ҳам унча-мунча эмас. Таъзияхонадаги воқеани қишлоқда етти ёшдан етмиш ёшгача гапирди. Яна қўшиб-чатиб, кўпиртириб гапиришди: «Анави ўлгур Наргиза псих бўп қопти. Бечора акасига пичоқ билан ташланиб, беш-олти жойини яралабди. Мансур ўқишдан битта яланғочни етаклаб кепти. Кейин энасини бўғиб ўлдирибди. Устига Наргиза кеп қопти, униям бўғмоқчийкан, лекин қиз қочишга улгурибди. Мансур наркоман экан. Кўзиганда кўзига ҳеч нима кўринмай қоларкан. У билан бирга келган қиз ҳомиладор эмиш. Асли бузуқ экан-у, Мансурни илинтириб олибди... Ҳаммадан ҳам Ҳайбатулло агрономга қийин бўлди. Шўрлик хотинига ёмон куйди, ёмон куйди...»

Ҳали майит чиқарилмасидан шундай гаплар тарқаганди. Чиқарилганидан кейин эса бундан баттар бўлди. Ҳар бир «бўпти, бўпти»га ўнтадан миш-миш қўшилди ҳамда қўшни қишлоқларга қанот қоқди.

Ҳайбатулло чарчади. Мозордан аранг қайтиб келди. Амри маъруф қилинаётганида эса кўзи юмилиб кетаверди. Одамлар буни бошқача тушунишди. Шу боис тезда икки киши қўлтигидан олиб уйга киритиб, кўрпачага ётқизишди ва у дарров ухлаб қолди. Дарвоқе, ухлашидан олдин «Мен партиячиман, мендайларга бунақанги эски-туски нарсаларга аралашиб юриш уят» дея хаёлидан ўтказганди у.

Наргиза ўзида эмасди. У йиғламас, сочини юлиб, додвой солмас, бир нуқтага термилганча миқ этмасдан ўтирар эди. Қўшни аёллар, қариндош-уруғ неча марталаб унинг ёнига келишди. «Ҳамманинг пешонасида бор: ҳеч ким ўлимдан қочиб қутулолмайди. Биров сал эртароқ, бошқа биров сал кечроқ ўлади. Ўзингни қўлга ол», дейишди. Аммо буларнинг бирортасини эшитмади. Ўтираверди, ўтираверди. Ҳаттоки қўлига тутқазилган косадаги сувдан бир ҳўплаб қўймади. Кейин кечга яқин секин ёнбошига йиқилиб тушди. «Бечора чарчаб ухлаб қолди» дейишди хотин-халаж. Аммо у ҳушидан кетган эди.

* * *

Маъруф сўкинди. Ўзи бунақанги қўпол сўзларни унчамунчага тилига олмасди. Ҳозир алам қилиб кетди. Шу боис бир неча марта рулни муштлади. «Онанинг эмгурлар, барибир, қўлларингдан ҳеч нарса келмайди! Югуриб бўлсаям орқаларингдан етиб бораман, икковингниям бир ёқли қиламан!» дея бақирди ва машинадан сакраб тушди. Ногаҳон олдиндаги улов ортига бурилганини кўриб қолди. Манави эркакча иш бўлди, дея ўзига ўзи гапирди у ва югуриб «Виллис»нинг орқа томонига ўтди. У ёқдан машинанинг тагига кириб олди-да, душманларининг етиб келишини кутди.

— Қочиб кетмасин, атрофни яхшилаб изла! — бақирди Фулом машинадан тушиши билан шеригига.

— Қаергаям кетарди? Мард бўлса, чиқади. Чикмайди-ган бўлса, излаб ўтирмаймиз. Борамиз-у, қизининг калласини оламыз! — жавоб берди Мансур бақириб.

Улар секин Маъруфникига айланган уловнинг ёнига келишди. Эҳтиёткорлик билан эшикни очиб, ичкарига мўралашди. Табиийки, Маъруф йўқ. Буни уларнинг ўзлари ҳам яхши билишади. Лекин эҳтиёт шарт қараб қўйиш керак-да. Бироқ ана шу эҳтиёт шарт уларга қимматга тушди. Маъруф Фуломнинг оёғидан шунақанги қаттиқ тортдики, шўрлик орқа мияси билан асфальтга қарсиллаб тушди ва шу заҳоти тинчиб қолди. Мансур эса қўлга тушмади. Дарров машинадан узоқлашиб, тахминан ўқ узди. Ўша ўқ ҳам, сал қолса, Маъруфга тегаёзди. Душманнинг довдирашидан фойдаланиб қолишнинг айнаи вақти эди. Буни Маъруф дарров англади ва машинанинг

тагидан тезда чиқди-да, икки думалаб йўлнинг четига етиб олди. Ундан у ёғи тут қатор, яширинадиган жой кўп. Кетма-кет яна икки марта ўқ овози эшитилди. У чигирткаларнинг унини бутунлай ўчириб, беш юз қадамча наридаги қишлоқ итларининг жағини очди. Мансур саросималанди ва шоша-пиша ҳаёт билан видолашган шеригини кўтариб, машинага ортди-да, жуфтакни ростлади.

Вақт алламаҳалдан ошганида уйига етиб келган Маъруфнинг тинкаси қуриган эди. Одатда, бу маҳал қишлоқда чироқ бўлмасди. Аммо бу сафар негадир ҳамманинг айвони ёруғ эди. Йигитнинг гарчи мадори қуриган бўлса ҳам, шунга эътибор берди. Ҳатто тўхтаб, атрофга бир қур назар ташлади. Кейин ҳовлига кириб борди.

— Келдингми, санғи?

Маъруф чўчиб тушди ва секин отаси ётадиган уй томонга ўгирилиб қаради. Ҳеч ким кўринмади. Бунинг ўрнига энасининг овози эшитилди:

— Индаманг, кириб ётсин, нима гапингиз бўлса, эртага гаплашасиз.

Маъруф энасини бир яхши кўриб кетди, бир яхши кўриб кетди. Югуриб бориб қучоқлаб олгиси, юзидан ўпгиси келди. Аммо отасининг ёнида бундай иш қилолмайди. Камида битта тарсаки еб қолиши мумкин.

У қўшнисиникида бўлган воқеани эртасига эшитди. Маъруфни уришиш, тартибга чақариш ўрнига отаси Ҳайбатуллонинг уйида нима бўлганини гапирди.

— Кун кўрмай кетди. Ҳеч яйраб яшаганини билмайман шўрликнинг, — деди Махфират опа ҳақида сўзлаётиб.

Маъруф Наргизани ўйлади. Уни қучганди. Юзидан бўса ҳам олганди. Ўшанда қиз шўрлик қандай ҳаяжонланганини бутун вужуди билан ҳис этганди. Ҳозир ҳам ана шу лаҳза кўз ўнгидан ўтиши билан ўшандай бир ҳолатга тушганди.

Маъруф пиёлага қўл узатаётиб, синглиси кўз ости билан қараб турганини сзди ва томоғини қириб қўйди.

— Маъруфжон, болам, энди бундай юришингни йиғиштир. Кап-катта бола бўп қолдинг, ҳализамон уйлана-сан...

Намуна опанинг гапи оғзида қолди. Эри бобиллаб берди:

— Уйланмайди бу. Кўчада юради. Балки, анави Мансур ифлосга ўхшаб биронтасини етаклаб келади!

Ҳамма бирдан жимиб қолди. Бошлари эгилди.

Норқул ака бошқа гапирмади. Омин қилди-да, ўрнидан турди ва эшик ёнига борганида ўгирилиб:

— Уйда тухум босиб ўтиравермай, ҳамсояникига чиқ. У-бу ишларига қараш, — деди.

Намуна опа эрини ёмон кўриб кетди. Мана, неча кундирки, ўглининг дараги бўлмади. Энди келганида, дийдорига тўяман деб турганида, чўлоқ ўлгур (ҳа, аёл ўзининг ожизалигига бориб, эрини хаёлида шундай атаб юборди) бир умр келишмай келган кўшнисиникига жўнатяпти. Бундай ўглидан нима қилгани, қаерларда юрганини суриштирмайдими?

— Хўп... — деди Маъруф бошини қимирлатиб.

— Ҳозирдан жуда пишириб қўйгани йўқ, — деди Намуна опа эри уйдан чиқиб кетиши билан паст овозда, — сенга уларнинг кўзлариям учиб тургани йўқ. Керакли одамлари бор. Ундан кўра қаерларда тентираб юрувдинг, шуни айт.

Маъруф аввал энасига, сўнгра синглисига қаради. Уларнинг ҳар иккиси «қани, энди гапир» дегандек, термилиб ўтиришарди.

— Бир-иккита ишларим чиқиб қолувди. Шулар билан овора бўп қолдим. Зарур ишиди, шунинг учун хабарини беролмадим... — дея йигит кўзини олиб қочди.

— Шу мандан, отангдан, синглингдан ҳам зарурмиди? — деб қовоғини осилтирди онаси.

— Эна, ҳозирмас, ана, отамни кўрдингиз, «Эртароқ бор», деди. Келинг, ҳозирча асабини бузмай турай, ҳали ҳаммасини ётиғи билан тушунтираман. Кейин, лекин айтиб қўяйин, хурсанд бўласиз.

Намуна опанинг бироз чиройи очилди. Унинг хаёлига келган биринчи нарса нима бўлди, биласизми? Ҳа-а, ўлманг, худди шу нарса. Яъни Маъруф келинпошшанинг ёнига кетган, шаҳарга. Ҳойнаҳой, келин деганлари ҳалиям ўқийди. Шунинг ёнига борган, кўришган, гаплашган. Кеч қолган...

Намуна опанинг юзи кутилмаганда бирдан ўзгариб кетди. Аввалгидан ҳам қовоғи осилди. Кўзлари қисилди.

— Менга қара, ҳов бола! — деди таҳдидли оҳангда. — Яна менинг бошимга бир балоларни кўтариб келсанг!..

— Эна, — дея кулди Маъруф, — хавотир олманг. Мен сизнинг юзингизни ерга қаратадиган иш қилармидим? Бўпти, мен кетдим, бўлмаса, отамдан гап эшитиб қоламан.

Маъруф уйдан чиқиб, кетишга улгурмасидан синглисининг овози янграб қолди:

— Анави Наргизани ҳеч қачон келин қилмаймиз!

Маъруф юраётган жойида бирдан тўхтади, Намуна опа эса шу заҳоти қизига қаради. Бундан қиз довдиради, зумда шолғомдай қизариб кетди.

— Ким сенга уни келин қиламан деб айтди? — савол қотди Намуна опа.

— Ҳеч ким айтмади, лекин ўзим шундай деяпман-да.

Маъруфнинг кўз ўнгида онасидан айрилган, абгор қиз пайдо бўлди. Яна у Наргизанинг нафас олишини жуда яқиндан эшитгандай бўлди. Наргиза акаси билан чиқишмасди. Отасини-ку умуман тилига олмасди. Шундай экан, отасидан ё қўрқар, ёки бўлмасам, ёмон кўрарди. Демак, биргина онаси бор эди унинг учун. Мана, онаси ҳам ўлибди. Бундан бу ёғига у бечора қандай яшайди? Дардларини кимга айтади? Кимдан нажот кутади?

Маъруф хўрсиниб қўйди-да, ташқарига чиқиб кетди. Ҳайбатуллонинг ҳовлисида қишлоқнинг одамларидан ташқари райкомдан келганлар ҳам бор экан. Маъруфнинг кўзи бир-икки ўрисга ҳам тушди. Ҳайбатулло айнан уларнинг ёнида эди. Бир нарсалар гапирар, иржаярди. Йигит бутунлай бошқача манзарани кутганди. Қовоғи осилган, қайғуга ботган эркак ҳамдардлик билдирувчиларга зўрға раҳмат айтар, бошини қимирлатиб қўярди. Унинг ёнида эса қариндош-уруғи, идорадан битта-иккита... Бироқ бу ўйлаганларининг бутунлай тескариси бўлиб чиқди. Ҳайбатуллонинг хонадонида таъзия эмас, тўй бўлганга ўхшарди.

Супанинг пастидаги помидорлар таг-туғи билан юлиб ташланган ва ўша жойга иккита ўчоқ қўйилган эди. Уларнинг устидаги қозонлардан эса буғ чиқиб турарди. Уч-

тўрт одам қозон атрофида ўралашган, яна икки хотин қўлида коса, овқат солиб беришларидан умид қилиб туришарди.

Ҳайбатулло Маъруфнинг ёнгинасидан ўтиб кетди. Бир марта қараб қўймади. Гўё Маъруф йўқдай, гўёки унинг ўрнида бирорта ит тургандай. Йигитга алам қилди. Шартта ортига бурилиб, кетмоқчи бўлди-ю, шайтонга ҳай берди. Шу пайт кўзи Баҳром акага тушди. У отаси билан ниманидир гаплашиб турарди. Маъруф тўғри уларнинг ёнига борди. Салом берди. Баҳром ака унга бошдан-оёқ қараб чиқди. Сўнг:

— Бу ердан чиқ-да, тўғри ишга бор. Ишлар қалашиб ётибди. Сени бўлса излаб топиб бўлмайди, — деди-да, кетди.

У меҳмонларни кузатиб қайтаётган Ҳайбатуллонинг ёнидан ўтди. На униси гапирди ва на буниси.

— Бориб коса-поса таши, турма қаққайиб, — деди Норқул ака ва ўзи қозон бошига кетди.

Маъруфга иш қолмаганди. Қишлоқнинг тўрт-беш боласи унга отаси тайинлаган юмушни аллақачон эгаллаб олган, ҳар битта таъзия билдиргани келган одам уйга кириши билан бир коса шўрва олиб бориб берар эди. Йигит нигоҳи билан Наргизани қидирди. Бироқ у ташқарида йўқ эди. Демак, ичкарида хотин-халаж билан ўтирибди. Жуда зарурат бўлмаса, ташқарига чиқмайди. Чиқишни, бошқаларнинг кўзига кўринишни истамайди. Умуман олганда, унинг ўзи бошқаларни кўришни истамайди. Ҳаммадан нафратланади. Ҳаттоки шу кунгача севиб, у билан чиройли ҳаёт кечиришни орзу қилган Маъруфни ҳам. Шу боис ҳам қаёқдаги гаплар билан ҳали-ҳануз уни юпатишга уриниб ўтирган кампирларнинг гапларини тишини тишига босиб, эшитиб ўтирибди.

Маъруф уйига кетди. Бу ерда юришга тоқати етмади. Яна юраги сиқди унинг. Бундан ташқари, унга қишлоқдошлари шунақанги саволлар беришардики, бундан энсаси қотарди. Йўлда энасига дуч келди.

— Идорада зарур иш бор экан, Баҳром ака айтди... — дея баҳона қилди.

Уйда эса Маҳлиё у ишонмайдиган гапларни айтди. Шунга қарамасдан, Маъруф эътироз билдирмади. Шун-

чаки кулиб қўйди-да, қўлини силтади. Сўнг бирдан жиддий тортди.

— Бунақанги гапларнинг ўрнимас Наргизанинг бошига ташвиш тушиб турган пайтда. Агар у шундай деган бўлсаям, гиринг этмаслигинг керак эди, — деди.

Унинг идорага боргиси йўқ эди. Бугун уйдан чиқмай ётгиси келаётганди. Аммо Паризод билан учрашиш иштиёқи хотиржам уйда ўтиришига қўймади. Маъруф бирровга машина-трактор паркига кириб чиқди. Кейин тўғри раиснинг уйига борди. Дарвозани тақиллатди. Бироқ ҳеч ким очмади. Яна ва яна тақиллатди. Орадан бир пиёла чой ичгулик вақт ўтганидан кейингина Паризоднинг кичкина укаси келиб, дарвоза эшигининг зулфинини тушириб очди-да, бошини чиқарди.

- Уйларингда ким бор? — сўради ундан Маъруф.
- Аям, опам, — жавоб берди болакай.
- Опанг нима қиляпти? — деди Маъруф беихтиёр.
- Йиғлаб ўтирибди.
- Нега?
- Аям билан уришиб қолди.
- Нимага уришади?
- Билмадим...
- Менинг келганимни опангга айтасанми?
- Йўқ!
- Нега?

Болакай кўзини қисиб, жаҳл билан Маъруфга қаради. Йигит довлдиради. Бироқ шу заҳоти яна ўзини қўлга олиб:

- Мен дадангнинг ёнига бормоқчийдим. Опанг менга бир-иккита нарса бериб юбориши керагиди... — деди.
- Дадамними? Ҳозир айтаман.

Маъруфни ҳаяжон босди. У бир қўлини мушт қилиб, кафтига урганча у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Хаёлида Паризод кўзида ёш билан югуриб чиқадигандай, унинг бўйнига осилиб оладигандай туйилди. Бироқ хаёлидаги бўлмади.

- Ким дединг?!

Шанғиллаш Маъруфнинг қулоғини қоматга келтираёзди. Шу шанғиллашдан бир дақиқа ўтар-ўтмас, Насима ташқарига чиқди. Аввал ён-атрофга қаради, сўнг Маъруфга тикилиб:

— Ҳимм, нимага келдинг?! — деди дағдаға билан.

Маъруф нима деярини билмай, доводи раб қолди.

— Сен ялангоёқнинг шунақанги қилиқларинг ҳам бор-миди?! Бу ёққа кир-чи?! — деб Насима унинг қўлидан ушлаб, ичкарига тортқилади.

Маъруф Паризодни сўри остида кўрди. У ерга ўтирганча тиззаси орасига юзини бекитиб олганди.

— Сен, таги паст, менинг қизимни нима қилдинг?! — ўкирди Насима.

— Мен... мен нима қипман? — ҳайрон бўлиб сўради Маъруф.

— Гўр қилибсан, очик лаҳад қилибсан! Сенинг умрингни турмада чиритмасам, юрган эканман! Ҳозир мелиса келади. Ана ундан кейин ҳаммасига жавоб берасан!

* * *

Зарифа (Абдухалилнинг хотини) бирдан қўлини тортиб олди-да, эри томонга кўзи билан ишора қилди. Шокир ҳеч нимани билмайди дегандек қўлини ҳавода силкитди ва Зарифанинг бармоқларидан тутди. Кейин томоғини қириб олиб:

— Мен сизга бир нима кўрсатмоқчиман, юринг, — деб ўрнидан турди.

Жувон дарров жойидан кўзгалди. Улар бошлашиб ошхонага (топган жойларини қаранг) киришлари билан Шокир худди оч бўридай Зарифага ташланди. Жувон қиқирлаб кулди. «Кўйинг, кўйинг», дея номигагина эътироз билдирган бўлди...

Ҳар балою бир бало бўлиб кетарди, агар Шокирнинг укаси келиб:

— Ака, ака! — дея айвонда туриб чақирмаганида.

— Вой! — деди Зарифа ва Шокирнинг кўксидан итариб, кучоғидан чиқди.

— Оббо, валакисаланг, шу пайтда бало бормиди?! — дея кўзини олайтирган Шокир эшик томонга йўналди.

Шокирга укаси айтдики: «Тез Ҳайбатулло аканикига бораркансиз, хотини қазо қип қопти».

Шокирнинг кайфи бошидан учди. Ранги оқарди.

— Нега қазо қиларкан? Касалмасди-ку ё касалмиди?

Укаси елка қисди. «Тезроқ бораркансиз», деди-ю, ортига бурилиб кетди. Шокир ошхонага қайтиб кирди. Энди

унинг ҳеч нимага хоҳиши қолмаганди.

— Тинчликми? — сўради ундан Зарифа.

— Йўқ, Ҳайбатулло аканинг хотини ўлиб қопти. Тез боришим керак экан.

— Ёшмиди?

— Унчаликмас... — деб Шокир Зарифанинг қўлидан ушлаб, секин тортди.

Жувон ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмади. Шокир унинг юзидан ўпди.

— Эсиз, лекин, албатта, яна кўришамиз, хўпми, аса-лим? — деди.

Жувон бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

Абдухалилнинг уйғониши қийин бўлди. Хотини кўп турткилади. «Туринг, туринг!» деб бир неча марталаб айтди. Шунда ҳам у уйғонмади. Бошқа томонига ағдарилиб, уйқусини келган жойидан давом этказаверди.

— Турсангиз-чи тўнкага ўхшаб ётавермай! — деди тоқати тоқ бўлган Зарифа.

Абдухалил кўзини очди. У ёқ-бу ёққа қаради.

— Шокир ака қани? — дея сўради.

— У киши кетди. Кимнидир... Ҳа, айтганча, анави акангизнинг хотини ўлиб қопти.

Абдухалил бошини маҳкам сиқди, сўнг:

— Қайси акам? — деб сўради.

— Ҳайбатулло акангиз, шу кишининг хотини ўлиб қопти.

«Ўрнига сен ўлиб қолсанг бўлмасмиди? Рад этолмадинг-а, жанжал қилмадинг-а! Демак, мени бир тийинга олмас экансан. Буни олдиндан сезардим. Шунинг учун ҳар доим устингдан қулфлаб кетардим. Сен мени ўчиб ухлаб қолди, ҳеч нимани эшитмайди, сезмайди деб ўйлаганмидинг? Адашасан, мен Шокирдан ҳам тетикроқ эдим. Атайин ўзимни шу аҳволга солдим. Синадим сени. Ит, Шокир билан қаерга бориб келдинг?» хаёлидан ўтказди Абдухалил ва чойнакка қўлини узатаркан:

— Ажали етган бўлса, ўлади-да, — деди.

— Акам, акамлардингиз, бормайсизми? — ажабланди Зарифа.

— Бу аҳволда бормайман. Шокир ака кетдими?

— Кетди. Эшитиши билан югуриб кетди. Укам уйғон-

са, борсин, деди. Бечора сизни уйғотгиси келмади. Чарчабди, деди сизни. Кўп ишлайди-да. Лекин шу акангиз оқибатли, яхши одам экан.

Абдухалил чойни хўриллатиб ичди-да, хотинига ола қараш қилди. Кейин ароққа қўлини узатди.

— Бўлди, ичманг. Ўзи тоза бўп қолдингиз. Яна ичсангиз, шу ерда қолиб кетасиз. Яна уйнинг бирортаям эгаси йўқ экан. Менга: «Хотини уйида бўлади, баҳонада танишиб оласан», дегандингиз, — деди Зарифа аразлаган бўлиб.

— Ҳе, — дея ўшшайди Абдухалил, — сенга нима фарқи бор? Хотини билан бўлмаса, эри билан танишдинг. Кейин, ҳақиқатан ҳам, бу киши яхши одам. Адабиётга қизиқиши бор. Кейин уруғ-аймоғиниям айтувдим сенга. Яна битта укасининг хотини трактор ҳайдайди, герой. Фақат улар бу ерда туришмайди. Чўлга кўчиб кетишган. Ҳимм, Ҳимм...

Зарифа қанчалик қаршилиқ қилмасин, Абдухалил, барибир, бир пиёла ичди. Лаб-лунжини қўлининг орқаси билан артди. Мўйловини силади. «Мен асли сухой вино ичаман, биласан, лекин мана бундай одамлар билан бирга ўтирганда оз-моз ичиш керак. Чунки фойдаси бор. Билсанг, тўрт-беш метр газламани айнан шуларга ўтказаман. Яна улар ҳақида ярим қоғоз ёзиб, пулини оламан. Агар бирга ичмасам, озгинча хушомад қилмасам, булар ҳам берарини қисиб қўяди-да», деди.

Шу заҳоти Зарифанинг ичидан бир нима чирт этиб узилгандай бўлди. Худди эри балонинг калтагидай гапирётганди. Чунки эри маст эмасди. Демакки, Шокир қилган қилиқни озми-кўпми сезган. Яхшиямки, Шокир шу ернинг ўзидаёқ ташланиб қолмади. Ташланганида борми? Тоза шарманда бўларкан. Худо бир асрабди. Шокирнинг ошхонадаги ишиям ўхшамай қолди...

Зарифа эрига тикилди. «Рашк қилмади-я. Ҳеч қурса қовоғини уймади. Бундан чиқди, бундан чиқди, ўлдим-куйдимларининг бари бекор экан-да. Номига экан-да» ўйлади у ва секин ўрнидан туриб:

— Бўлди, туринг, кетамиз! Эгаси йўқ уйда ялпайиб ўтиришимиз яхшимас! — деди жаҳли чиқиб.

— Эгаси бўлмаса, бўлмабди-да... — деб Абдухалил бир-

ма-бир хонанинг деворларига, тўрдаги устига кўрпа йиғиб қўйилган сандиққа қаради ва мийиғида кулди.

— Ҳализамон Шокир аканинг хотини кеп қолади.

— Келса келаверсин, у мени танийди.

— Танисаям, барибир, ноқулай.

— Шошма, бир иш қиламиз.

— Нима иш?

— Анави сандиқни, — деб тўрни кўрсатди Абдухалил,
— очиб кўрамиз.

— Нималар деяпсиз? — деди бирдан ранги оқарган Зарифа.

— Шокирни акам деб юрганам билан у ғирт ўғри. Колхознинг молини ўғирлаб юрибди. Биз бўлсак унинг сандиғини кўздан кечириб қўямиз-да, шунда «Ўғрини қароқчи урди», деган зўр гап бўлади. Бугуннинг ўзида шаҳарга кетамиз. Шокир билган тақдирдаям ғинг деёлмайди. Чунки нечта молни сотиб юборганини яхши биламан, — деб Абдухалил ўрнидан турди.

* * *

Ўқтам Мансурнинг қоқ пешонасидан отди. У бир туки қилт этмай, Мансур гапини тугатар-тугатмас, шартта чўнтагидан тўппончасини чиқарди-да, милини Мансурнинг пешонасига тўғрилаб, тепкини босди. Тўппончани кўрганиданоқ Мансурнинг тили танглайига ёпишиб қолган, кўзи олайиб кетганди. Шу туришида орқасига қулади. Қулади-ю, қимир этмай қолди. Бунақанги одамларнинг жони бирдан чиқиб кетмайди, танани обдан азоблаб, кейин чиқади, деган гаплар бор эди. Аммо Мансурники бирдан чиқди. Шу боис унинг ҳеч бир аъзоси қимирламади.

— Балки, сени ўлдирмасдим. Агар Соли топиб келган матоҳ Паризоддан зўрроқ бўлганида, уни эсимдан чиқариб, кайфиятимни кўтарганида. Лекин у буларнинг бирортасини ҳам қилолмади-да. Аслида, Солининг пешонасидан дарча очишим керак эди. Қисталоқнинг бахти бор экан, сен келдинг. Унинг ўрнига ўзингни қурбон қилдинг, — деди Ўқтам Мансурнинг жасадига тикилиб.

Кейин қўлида тўппонча билан атрофидагиларга бирма-бир назар солиб чиқди. Ҳамманинг юраги товонига тушиб кетганди бу маҳал.

— Менга латталарнинг умуман кераги йўқ! Мараз! Нимага жўнатувдим, нима қилиб келишди? Бу бошқаларга ҳам ўрнак бўлсин!

Шундай деб, у инига кириб кетди ва шу бўйи Мудар келгунича чиқмади. Гўшт еб қорнини тўйғазди. Ухлади. Мудар келганида эса уйғониб, юзини юваётган эди. Мудар оғзи қулоғида кириб келди.

— Хўжайин, бу ёғи зўр бўлди. Бугуннинг ўзида дунёнинг энг бой одамига айланасиз. «Ўйинчоқ»лар, «ун» — ҳаммаси тайёр. Уни фақат сотиш керак.

Ўктам илжайди. Сўнг бирдан башараси тунд қиёфага кирди. Ич-ичидан келтирилган янгиликдан роса қувонаётганди. Бундан ҳам зўри, Мудар уни энди «хўжайин» деб атаётганди. Буларнинг бари, албатта, унга шодлик бағишлаганди. Аммо у бирдан тўрсайиб олди.

— Сотишга бало борми, ит эмган?! Нега ҳаммасини бирийўла эплаб келмадинг? Молни сотиб, пулини сариқ тангага алмаштириб келмайсанми, киссангни шарақшуруқ қилиб?! — деди.

Мудар бўлиб ўтган воқеалар ва эшитган гапларидан сўнг Ўктамни кўрса, азроилга дуч келгандай дағ-дағ қалтирайдиган бўлиб қолди. Аслида, у илгари ҳам Ўктамдан кўрқарди. Аммо ҳозиргидек эмас.

— Бўлди, есть қиламиз. Сизга маълумот сифатида айтётган эдим.

Ўктам қовоғини осилтирди.

— Маълумотингни пишириб е! — деди ва яна инига кириб кетди.

Тагин талай муддат чиқмади. Чунки ҳеч кимни кўргиси келмаётганди. Чунки Паризод хаёлидан кетмаётганди. Эзилди. Кейин ўзини ўзи сўкди. Бироқ бу ҳам наф бермади. Қаёқдан наф берсин, ахир у қўнгли олдида ниҳоятда ожиз эди-да. Шунчалик ожизки, худди янги чиққан, барра майсадай. Бундан чиқди, уни хоҳлаганча топташ, таҳқирлаш, керак бўлса, юлиб отиш мумкин... Илк маротаба унинг кўзига пуллар, олтинлар хунук кўриниб кетди. Ҳаттоки ҳали ҳам унинг хобгоҳидан чиқиб кетмаган Соли топиб келган капалак ҳам исқиртдан исқирт эди, унинг назарида... «Пуллар, олтинларнинг барини дарёга оқизиш керак, манави ялмоғизни... Шошма, бу

минг йиллик Бибихондан ҳам баттар экан-ку. Падарингга лаънати, ялоқхўр Соли, ҳали шуни раво кўрдингми менга? Менга-я?! Бу худди гўштини еб, суягини итга ташлашдай гап. Бундан чиқди, мени ит қаторига қўшиб қўйибсан. Ҳозир онангни учқўрғондан кўрсатаман! Туғилганингга пушаймон ейсан!.. Шошма, бундан аввал бу балчиқни чўлга бадарға қилишим керак. Бошқалар оборади. Пуллар ва олтинларни дарёга ўзим сочаман, лекин буни бошқалар оборишади. Билган ишларини қилишларига рухсат бераман. Биргина менинг баданим балчиққа беланадими? Уларникиям белансин-да...»

Ўқтамнинг хаёли чалкашиб кетди. Яна бутун фикризикрини Паризод эгаллади. Гўё у ҳозир ғорга кириб келадигандай, аччиқ-аччиқ гапирадигандай туйилиб кетди.

«Эҳ, — дея у муштини бир-бирига урди, — яхшиямки, анави ит эмган уни ўлдириб қўймаган экан. Ўлдириб қўйишганида, мени тириклайин гўрга тикқан бўлишарди. Шундаям омадим келибди».

У чўзилиб ётиб олди. Беихтиёр ўн етти ёшга кирган даврини эслади. Албатта, бекорга эмас, ўшанда ҳам Ўқтам севиб қолганди. Ўзи билан бирга ўқийдиган синфдош қизни. Лекин тақдир ўша қизни унга раво кўрмади. Бўлмаса, Ўқтам у пайтлари кўп тоза бола эди. Ҳали бирорта одамни уриб, бошини ёрмаган ёки битта-ярим-танинг уйига ўғирликка кирмаганди. Ахир бундан ортиқ тоза одам бўлиши мумкинми? Мумкинмас. Бундан ортадиган бўлса, авлиё бўлиб қолади. Аммо ўша ярамас қиз уни сариқ чақага олмади. Ҳамманинг кўз ўнгида устидан кулди. «Сен олдин бурнингни артиб ол, кейин бировга ошиқ бўласан», деди. Атрофдаги болалар, қизлар бирдан хохолаб кулиб юборишди. Мазах қилишди. Ўқтам шу ондаёқ сувга тушган мушукдай шумшайиб қолди. Елкалари қандайдир кичрайди. Чайир қўллари титради. Бўлди, у шундан ортиғига ярамади ва ўша чиройли қизга нисбатан кўнглида бир олам нафрат билан кетди. Йиллар ўтиб, у илк севгилисини шаҳарда учратди. Билса, қиз тушмагур институтда ўқиётган экан. Бу пайтда Ўқтам обрў деган нарсадан анча-мунча йиғиб олганди. Шаҳарнинг менман деган ўғрилари уни танир, каззоблар у билан ҳисоблашишарди. У истаган пайти исталган ресторанига

кириб, хоҳлаганча еб-ичиб, пулини тўламасдан чиқиб кетарди. Ана шундай кунларнинг бирида Нодирани (дарвоқе, ҳозиргина унинг исмини эслади) учратиб қолди. Қиз автобус бекатида бир ўзи турарди. Якшанба куни эди. Кун қариган. Бекатда ундан бошқа ҳеч ким йўқ. Ўктам эса машинада. Ўзи ҳайдаб кетяпти. Машинаси яп-янги «ноль олти»нинг шоколад рангида. У пайтларда худди шу рангдаги «Жигули» энди-энди модага чиқаётган эди. Ўктам машинани чийиллатиб, қизнинг ёнгинасига тўхтади. Секин дераза ойнасини туширди.

— Яхши қиз, обориб қўяман, — деди иржайиб.

Нодиранинг юзи оппоқ эди. Ахир у кўрқиб кетгандида.

— Йўқ, — деди у бошини қимирлатиб, киприкларини пирпиратаркан.

— Бугун автобус бўлмаскан. Тайёр мошина, истаган жойингизга физ этказиб обориб қўяман. Бунинг устига, йўл ҳақи арзон, — деб Ўктам қора кўзойнагини олди.

Нодира уни дарров таниганидан жилмайди. Бошини сарак-сарак қилди.

— Вой, ўлмасам, Ўктам, ўзингмисан? — деди.

— Ўлмасанг ҳам, ўзимман. Ўтир.

Нодира ихчамгина, чаққонгина қиз эди. Лип этиб машинага ўтирди. Синфдоши билан қўл бериб кўришди.

— Шаҳардалигингни билмаган эканман. Йўқ, тўғрироғи, билардим, лекин учратаман деб сира ўйламагандим, — дея ўта майин овозда сўзлади.

— Ана шундай, ўйламаганингда пайдо бўламан-да, — дея ҳиринглаб кулди Ўктам.

— Ўҳҳў, жуда зўр бўп кетибсан, тагингда мошина...

— Энди ёнимда кетворган қиз, — дея Нодиранинг гапини илиб кетди Ўктам.

Қиз қиқирлаб кулди. Сўнг йигитга юзланиб деди:

— Очиғини айтсам, бирон жойда кўриб қолганимда танимасдим, роса ўзгариб кетибсан.

— Сен ўзинг ҳам. Лекин танийман мен. Яна орадан эллик йил ўтгандаям танирдим. Мактабда иккига ўқиган бўлсам ҳам, хотирам кучли менинг.

— Билмаган эканман. Хўш, нима иш қиляпсан?

— Кейин, ҳаммасини кейин айтиб бераман. Ҳозир

сенинг учраб қолганинг зўр бўлди. Бугун, биласанми, қандай кун?

— Йўқ.

— Ана шунақа-да, эсингда бўлмайди-да. Мактабнинг энг аълочи ўқувчиси, студент... Лекин тўрт кун олдин кўрган одамани эслолмайди, эшитганларини эсидан чиқариб юборди.

— Қоп-қора кўзойнақда, ҳақиқатан ҳам, бошқача бўл кетаркансан-да. Менинг ўрнимга бошқа бўлганидаям эслолмаган бўларди. Аммо эшитганларим... Бунисида адашмадинг, чунки ўқишларим шунақанги кўпки, миямни ҳар хил дарсликлар эгаллаб олганидан кўп нарсалар хотирамдан чиқиб кетган.

— Бўпти, қийнамайман. Бугун менинг туғилган куним.

— А-а, йўғ-э, менимча... Ҳа, тўғри, мен синфдагиларнинг ҳаммасининг туғилган кунларини ёзиб қўйгандим. Сеники кузда эди. Буни қара, эсимдан чиққан экан. Табриклайман! Мингга кир! Роса чиройли қизга уйлашиб, куйиб юр.

— Нега куярганман?

— Чиройли бўлганидан кейин ҳаммадан қизғанасанда, — дея қиқирлаб кулди қиз.

Ўктам бирдан машинани тўхтатди ва қизга тикилди.

— Ҳа-а, нима бўлди? — ҳайрон бўлиб сўради Нодира.

Ўктам унга тикилди. Қошига, кўзига, силлиқ таралган қоп-қора сочига, ярашиб турган пушти ранг кўйлагига. Кейин чуқур хўрсиниб қўйди-да:

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам, куйиб ўтарканман. Менимча, ҳаммадан қизғанаверганимдан ўлиб кетсам ҳам, ажабмас, — деди.

— Нега унақа деяпсан? — баттар ҳайрон бўлди Нодира.

— Айтдинг-ку, «Чиройли қизга уйлан, кейин бир умр куйиб юр», деб.

Нодира қиқирлаб кулиб юборди ва худди шу пайт юзига ним қизиллик югуриб, чиройини икки ҳисса оширди.

— Мен нима деб ўйлабман? Тавба, одамни қўрқитиб юборасан-а? Мени бошингга урасанми? Мен сен билан

тенгман. Ўттизга кирар-кирмас қариб қоламан. Кейин сенинг кўнглинг бошқани тусаб қолади. Ёшроғини, чиройлироғини...

— Қўйсанг-чи бу гапларни, — деб Ўктам машинани юрғазди.

Шу куни у аламини олди. «Бурнини арттирди» Нодиранинг ўзига. Шундай арттирдик, қизнинг кўзидан тирқираб ёш оқиб кетди. «Тавба қилдим, билмай гапириб қўйган эканман. Кечир мени», деб ялиниб-ёлворди. Аммо Ўктам унинг ёлворишларига эътибор ҳам бермади. Ҳамма расвогарчиликларни қилиб бўлганидан кейин Нодирани обдан калтаклади. Шўрлик қизнинг моматалоқ бўлмаган жойи қолмади. Шу боис эртасига у кўчага чиқолмади. Индинига ҳам. Бутун ҳафта ўтгачгина у Ўктамнинг уйини тарк этди. Шўхликлари, орзу-умидларидан айрилиб тарк этди. Бўлмаса, Ўктамга кўп ялинди. «Ҳаммаси тамом бўлди. Энди менга уйланмасанг бўлмайди. Мен энди бошқа бировга теголмайман», деди. Бироқ қаҳр отига минган Ўктам унинг юзига шапалоқ тортиб юборди-да: «Йўқол! Қайтиб кўзимга кўринма! — деди. — Сен шаҳарда юриб, анча-мунча нарсани ўрганишга улгурибсан. Мен сендан фақат ўч олмоқчийдим. Ниятимга етдим. Шукр қил, ҳамманинг олдида шармандангни чиқармаганимга», деди.

Қиз кўз ёши юзини ювганча чиқиб кетди.

Кейинчалик у Нодиранинг қинғир-қийшиқ кўчаларга кириб кетганини эшитди. Яна эшитдики, «Ҳаётимни барбод қилган одамдан, албатта, ўч оламан!» деган эмиш.

Ўктам мийиғида кулди. «Эҳ, нотавон, сен қаердасан-у, мен қаердаман? Сен менга насиб этмадинг... Хоҳлаганимда сен мендан бошқа ҳеч кимники бўлмасдинг. Лекин мен хоҳламадим. Илгари қўлим етмайдиган узоқликда эдинг. Кейин билсам, аслида, мен сендан узоқда, юқорида эканман... Ҳе, мендан ўч олармиш» хаёлидан ўтказди у.

Мудар ҳовлиқиб кириб келди. Ранги бироз оқарган, оёғида қалтираш бор эди.

— Нима гап? — деди Ўктам ётган жойида.

— Мижозлар норози бўлишибди. Ташқарида иккитаси турибди. Минғир-минғир қилади, лекин гапларининг тай-

ини йўқ.

— Бу ёққа опкир.

Ўктам ҳужрага кириб, ўрадан иккита тўппончани олиб, шимининг орқа киссасига қистириб қўйди.

Иккита йигит. Икковиям кал бош. Бунинг устига, ҳўкиздай-ҳўкиздай. Мабодо кўчада уларга дуч келиб қолсангиз, мумкин қадар афтига қарамасликка ҳаракат қилиб, сал нарироқдан ўтиб кетишга уринасиз. Аммо Ўктам бунақалардан кўрқмайди. Шу ёшигача нечтасини кўрди? Нечтасини асфаласофилинга жўнатди.

— Кимсанлар? Сизларни биринчи кўриб туришим! — деди Ўктам ўкрайиб.

Чақирилмаганлар иржайишди.

— Бозорнинг эгаларимиз, — деди улардан бири Ўктамга жавобан.

— Қанақа бозор?

— Сен савдо қилиб юрган бозор.

— Ҳе, мен шунақанги таргашга ўхшайманми?

— Пешонага ёзиб қўйилган.

— Пешонамга... Билмаган эканман. Хоҳишингни айт.

— Таг пулини тўлаб қўй.

* * *

Саиднинг онаси ўлди. Ўша чорпояда. Ўша юмушини бажараётиб, жуда осонлик билан: бир қўлида игна, иккинчисида ип, шундай ёнига йиқилди. Тамом... Четдан қараган одам уни ўлган деб ўйламайди. Шунчаки ёнбош ётиб ухляпти, дейди. Уни биринчи кўрган одам ҳам шундай хаёлга борди-да.

— Ойсулув опа, ҳов Ойсулув опа...

Ҳамсоя хотин. Исми Назира. Ойсулув опадан икки ёш кичик. Асли қўшни қишлоқдан қирқ йил олдин келин бўлиб тушган. Ўтган йили чолини тупроққа қўйган. Шундан кейин ўзи ҳам касалманд бўлиб қолган. Икки кун соғ юрса, икки кун тўшақда ётиб қолади. Соғ кунлари, албатта, кун пешиндан оққанда Саидларникига келади. Ойсулув кампир билан қуёш ботгунча гаплашиб ўтиради. Кейин истар-истамай уйига кетади. Доим ўзининг ёшлигидан, гўзаллигидан гапиради. У куни кеча касал эди. Бугун оёққа турди ва келиш вақти етиши билан эски, орқаси йиртиқ ковушини оёғига илди-да, ҳамсоясиники-

га, Ойсулув опасининг ёнига йўл олди.

Чақирувга жавоб бўлмади.

«Кампир ўлгур, тош қотиб ухляптими, нима бало?» ўйлади у ва янаям баландроқ овозда бақирди:

— Ойсулув опа! Вой қурмагур, ҳеч бундай пайти ухламасдингиз-ку!

У мийиғида кулди ва бир-бир босиб чорпоя ёнига келди.

— Ойсулув опа.

Кампир қимирлаб ҳам қўймади. Назира кампирнинг бирдан капалаги учди.

— Ҳай, сизга нима бўлди? Нима қип бундай ётибсиз?

Жимжитлик. Жавоб йўқ.

Қўрқиб кетган Назира кампир неча йиллик қадрдони-ни турткилади. Аммо бу ҳам наф бермади. Шундан кейингина у уйига югурди. Ўғлига, келинига айтди. Уларни қўшниларникига югуртирди.

Айтиб-айтиб йиғлаган, сочини юлиб йиғлаган ҳам Назира кампир бўлди. Бошқа ҳеч ким овоз бермади. Ҳамма қайғуда эди. Лекин додламасди, йиғламасди. Саиддан эса дарак йўқ эди. У Фахриддин билан шаҳарга кетганди. Аввал улар обдан чекишди. Кейин обдан гўштхўрлик қилишди. Сўнг шаҳарга боргилари келиб қолди. Бундан олдинроқ эса Фахриддин Саидни ўлдирмоқчи эди. Аммо иродаси бўшлиқ қилди. Бунинг ўрнига қайниси топиб келган баргни майдалаб, қоғозга ўради. Кейин тутатди. Чекканидан кейин одамнинг қорни ёмон очиб кетаркан. Саид иккаласи қарийб уч килога яқин гўштни еб қўйишди. Шунда ҳам қоринлари тўймади.

— Шаҳарга борамиз. Мен миямни дам олдиришим керак. Роса чарчаганман. Зўр жойни биламан. Шу ерда маишат қиламиз-да, кейин ишга киришамиз, — деди Саид.

Фахриддин дарров рози бўлди. Бироқ машинани ўзи ҳайдамади. Қайнисига ҳайдатди ва уни олдиндан огоҳ-лантирди.

— Биз билан бирга юрсанг, кўзинг кўр, қулоғинг кар бўлиши керак. Кейин сенга сал ботадиган иш бўп қолиши мумкин, шундаям гинг демайсан. Буларнинг бари опанг ва жиянларингнинг фойдасига, — деди.

Қайниси ҳеч нарсани тушунмади. Шундай эса-да, бо-
шини қимирлатиб, «Хўп», деди.

Аммо поччасининг саёқлик қилаётганини кўрганидан
кейин бирдан портлаб кетди.

— Ҳали сен, ит эмган, опамни оёқости қилиб бегона-
нинг қўйинини тўлдираяпсанми?! — деди ва поччасининг
устига ўзини отди.

Ўлдирарди. Қиймалаб ташларди. Агар Саид Фахрид-
диннинг жонига оро кирмаганида. Агар у Фахриддин-
нинг қайнисининг биқинига пичоқ урмаганида.

— Нима қип қўйдинг?! — деди Фахриддин кўрқиб
кетиб.

— Нима қилардим? Сени қутқариб қолдим, — жавоб
берди Саид бамайлихотир.

— Эсинг жойидами? Ўлдириб қўйдинг-ку!

— Нима қипти? Ўлиши керагиди, ўлди. Аслида, сен,
маразнинг боласи ўлишинг керак эди. Мен сенга бунинг
кераги йўқ, дедим. Лекин гапимга кирмадинг. Ори бор
экан ярамаснинг. Бошқа бўлганида сенга қўшилиб, ҳамма
ҳаромиликни қиларди.

— Нима қиламиз энди?!

Саид тезда жавоб бермади. Кўз-қошлари-ю, юзини об-
дан бўяган икки жувонга қаради. Улар кўрқиб кетишган-
ди. Шунинг учун ҳам тиллари танглайларига ёпишиб
қолганди. Ҳайкалдай қотиб туришарди.

— Шу ёшимгача бирортаям оғзига маҳкам аёлни уч-
ратмаганман. Улар кўрганларини минг тайинласанг ҳам,
бир минутда дунёга ёяди! — деди у.

— Вой... Вой, мен... Биз ундайларданмасмиз. Оғзи-
мизга роса пишиқмиз, — деди жувонлардан бири тилга
кириб.

— Шундайми? Унда исботлайсизлар. Манави пичоқни
икковинг ҳам бир мартадан ишлатасан. Бу йигитнинг
обрўйи бориди. Обрўли одам битта пичоқ еганидан ўлиб
қолса, уят бўлади. Шунинг учун унинг танасидан икко-
винг бир мартадан дарча очасан.

Унинг амри бажарилди. Саёқларнинг ўзга иложи ҳам
йўқ эди. Акс ҳолда, кўзи қонга тўлиб турган Саид уларни
бир ёқли қилиши ҳеч гап эмасди. Чунки у чекиб олган.
Қилган иши нималарга олиб келишини ўйлайдиган аҳвол-

да эмас. Кўзига ҳамма ёмон кўриниб кетяпти. Яна у ўзини ҳаммадан зўр, ҳаммадан кучли ҳис қилиб турарди. Аммо ўзига келгач... Бунга ҳали анча бор. Бунгача у қоп-қора балчиққа бутунлай ботиб кетади. Кейин ўзининг бошига ҳам Фахриддиннинг қайнисининг куни тушади. Балки, ундан баттари бўлар. Бироқ бунга ҳали вақт бор...

— Мошинага ўтир! — амр қилди у Фахриддинга.

— Буни нима қиламиз? — сўради Фахриддин қайнисининг жасадини кўрсатиб.

— Буни нима қилишни манави иккови билади. Пичоқни икковиям ушлади. Икковиям қўлини қонга ботирди. Бизнинг ҳеч нимадан хабаримиз йўқ. Уқдингми?!

— Йўқ, ундай қилманг. Ўзингиз бирон жойга обориб, бир ёқли қилинг! — ёлворди жувонлардан биттаси.

— Нимага энди? Қилғиликни сизлар қилдинглар. Бу ёғиниям ўларинг бажарасизлар. Сизлар менга раҳмат айтишларинг керак. Чунки оғзидан гулламайдиган одамман. Кейин бугуннинг ўзида бошқа шаҳарга йўқолинглар. «Бу ерликмасмиз», дегандиларинг. Осон экан. Кетсаларинг, ҳаммасидан қутулиб қоласизлар!.. Эй-й, онангни эмгурлар, нимага мен сизлар билан ади-бади айтишиб ўтиришим керак?! Менинг қиладиган ишим бор! Пахи, кетдик!

Саиднинг хаёлига Толмас Бадриддинович келганди. «Бораман-у, уния тинчитаман» деган қарорга келганди у. Чунки ҳозирги қилмиши уни руҳлантириб юборган эди.

* * *

Паризод ортиқ чидолмади. Онасига тикилди. Қиз онасига сира бундай қарамаганди. Ҳар доим унинг нигоҳида тобелик аломатлари бўларди. Бироқ бу сафар Насима қизининг қарашидан кўрқиб, озгина ортига тисарилди.

— Бўлди-да, ая. Бунчалик паст кетасиз? Ерга тиқиб юбордингиз-ку. Яна нима хоҳлайсиз?!

— Мен... ҳалиги, қизим, қандайдир... Яхши бўлсин деяпман-да. Ҳамма ёқ...

— Шу яхши бўлсин, деганингизми? Агар ёмонлик тилаганингизда дунёни остин-устун қилиб юбораркансизда. Бечора отам шунча вақт сизга чидагани учун кўксига қаҳрамонлик орденини тақиб қўйсаям арзиркан.

Насима қизидан бунақа гапларни умуман кутмаган эди. Шунинг учун ҳам сўлиб қолди. Боши эгилиб, уйга кириб кетди ва ётиб олди. Бошқа нима ҳам қилсин? Ахир у худди бошқа оналар каби қизини уришиб қўймоқчи, шу йўл билан тартибга чақирмоқчи эди. Аммо сира ўхшамади. Шу ётганча ўйлади. Бошқалар қандай қиларкан? Бошқалар олдида болалари гинг этолмайди-ку. Лекин Паризод унинг юзига сапчийди. Ана, жинқарча укаси ҳам ундан ўрнак оляпти. «Қовун қовундан ранг олар», деб бекорга айтишмас экан-да. Бу аҳволда унинг кейинги ҳаёти қандай кечади? Биров унга яхшилик қилишни истамайди. Қилмаса, қилмасин. Оёғи бор, қўли бор, кўзи кўради. Нимаики юмуш бўлса, ҳаммасини ўзи эплайди. Бировга куни қолибдими? Лекин... Лекин Худо кўрсатмасин, бирор дардга чалиниб қолса, унинг ҳолидан ким хабар олади? Анави бевафо эрми, юзига оёқ қўйишдан ҳам тоймайдиган манави қизми ёки кундан-кунга отаси билан опасидан ўрнак олаётган жинқарчасими?.. Йўқ, уларнинг бирортасидан ҳам яхшилик чиқмайди. «Болаларни гўдаклигидан, ҳали дунёга келмасларидан ўлдириб юборишим, эрнинг овқатига бирор нима қўшиб, йўқ қилишим керак экан. Эсиз, эсиз... Аммо ўйлаб қарасам, кўп иш қилган эканман. Эрнинг кўнглини олдим. Болаларимни тўққиз ой қорнимда кўтариб юрдим. Кейин кўкрак сути бериб оёққа турғаздим. Энди... Энди...»

— Ҳеч кимга керакмас бўп қолдимми?! — дея беихтиёр ётган жойида бақариб юборди.

Шу заҳоти кўзидан тирқираб ёш оқди. Ўрнидан сапчиб турди. Аммо бир қадам ҳам босолмади. Кўрқди. Ҳозир ташқарига чиқса, қизидан бир-икки оғиз аччиқ гап эшитса... Ана унда нима бўлади? Бутунлай хонумони куйиб кетмайдими?

«Эй-й, куйишни ўйладимми? Куйиш даҳшат-ку! Уй куяди. Аввал гуриллаб ёнади, кейин кул бўлади. Ҳамма мени кўради. Дод-вой солишимни, сочимни юлиб шайтонлашимни кўради. Ҳамманинг эътиборида бўламан. Шунда қўлимни бигиз қилиб анави бесадоқ қизни кўрсатаман-да, «Энди кўнглинг жойига тушдими?» дейман. Ҳа-а, оёғимнинг остига ўзини ташлайди. Ялиниб-ёлвориб кечирим сўрайди». Насима ўйлагани сайин завққа

тўлди. Ҳаттоки анави Фахриддин унинг кўнглини равшан қилаётганида ҳам бунчалик қувонмаганди. Дарвоқе, ўшанда у жуда бошқача бўлиб кетганди. Чунки бундай кўнгилхушлик қилмаганига жуда кўп бўлган эди-да. Бўшашди. Енгиллашди... Сўнгроқ, эрталаб оғирлашди. Саид ярамас оғирлаштириб қўйди... Насима ундан у ёғини ўйлагиси келмади. Бошдан-оёқ кулфат, қайғу. Ўйлаб, яна азобини тортсинми? Яхшиси, кўнглига келган ишни қилсин — уйни ёқиб юборсин.

Ташқарига чиқди. Гаражга кирди. Бир челақ бензин олиб чиқиб, аввал ўзи билан эрининг хонасига сепди. Ундан кейин қизиникига, сўнгра меҳмонхонага...

«Ҳаммаси бирпасда, кўз очиб юмгунча ёниб кул бўлади, — хаёлидан ўтказди ва ошхонадан гугуртни олди-ю, ўйланиб қолди. — Сандиқда қарийб эллик мингдан зиёд пул бор. Ундан кейин, ертўлада бир ҳовуч тилло... Агар уй ёнадиган бўлса, ҳаммаси ёниб кетади. Яхшиси, аввал уларни опчиқиб, бошқа бир жойга яшириб қўйиш керак. Ана ундан сўнг гугурт чақсам бўлаверади».

* * *

— Қаерга борамиз? — сўради Маъруф кўчага чиққанларидан кейин.

— Отамнинг ёнига. Жудаям кўргим келиб кетди. Аямнинг гапларидан кейин сизнинг олдингизда ўзимни жуда ожиз сезяпман, балки...

— Қўйинг, бундай деманг. Мен ҳамма нарсани тушунадиган одамман.

— Одам? — қошини чимирди Паризод.

У бир неча дақиқа олдин қайғурган қизга сира ўхшамасди. Худдики йигити билан учрашувга чиқиб, кўнгли шўхлик тусаётганга ўхшарди.

— Ҳа, одам... Нима, мен одамга ўхшамайманми? — ҳайрон бўлди Маъруф.

— Сираям.

— Нега?

— Сиз йигитга ўхшайсиз, — дея мийиғида кулди Паризод.

Маъруф ажабланди. Қизнинг кулиб турган юзига бир муддат термилди.

— Бир нарса айтсам майлими? — сўради сўнг қиздан.

— Иккитасини айтинг.

Маъруф нима деярини билмай қолди. Чунки у «Мен сизни севаман» демоқчи эди. Бироқ бир неча сония олдинги бу қарор ҳозир уни сўзлатиш ўрнига музлатиб қўйди.

— Ҳа-а, нима бўлди? Нега қоққан қозикдай туриб қолдингиз?.. Билдим, айтмоқчи бўлганингиз ёлгон экан, шунинг учун эсингиздан чиққан, — деди Паризод шўхлик билан.

— Рост. Лекин... Майли, кейинроқ айтаман.

— Менинг ичим куйиб кетсин дейсиз-да.

— Йўқ. Кейинроқ...

— Иштиёрингиз. Лекин сизни огоҳлантириб қўяйин. Иккаламизни ҳозир бирга кўрган борки, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хаёлга боради. Шунинг учун сиз олдинроқ, мен кейинроқ кетайлик.

— Келишдик.

Йигит-қиз ажралди. Бири тўғри йўлдан бекат томонга кетди. Иккинчиси — Маъруф, сўл тарафдан, мактабнинг ёни билан бекат томон йўл олди ва улар яна ўша бир кунда беш марта автобус тўхтайдиган бекатда учрашишди. Ёнма-ён турмадилар. Бири бекатнинг нариги қанотида, иккинчиси бериги қанотида. Аммо шу ҳолнинг ўзиёқ улар тўғрисида исталганча афсона тўқишга сабаб бўлиши мумкин эди. Ҳаттоки бекатда бошқа йўловчилар турганида ҳам бу иккисини икки ёқдан олиб келиб, бирлаштириб, истаганча гийбат қилишлари мумкин эди. Ҳолбуки, ҳозир иккисидан бўлак ҳеч ким йўқ...

Маъруф дарров буни идрок этди ва қўлини орқасига боғлаб, худди автобус кутмаётгандай, бирор ёққа кетаётгандай қадамини санаб бекатдан узоқлаша бошлади. Унга қараб қўйган Паризод кулди. «Чолнинг ўзгинаси бўп қопти», дея шивирлаб қўйди ва яна бир марта лабини тишлади. Чунки у уйидан чиққанидан бери неча марта кулган, шўх сўзлаган бўлса, шунча марта лабини тишлаганди. Сабаби... Сабаби, уйдаги ўша хангома.

Нақ бир ярим соатдан сўнг эски, узун «Лаз» бекатга келиб «уф» деганча тўхтади. Паризод чаққонлик билан чиқиб олди. Йигит ҳам югуриб келди. Худди ана шу маҳал Паризоднинг юраги сиқилиб, уйи томонга қараб

кўйди.

* * *

Ўктам илжайди.

— Қизингнинг зорини кўрайин. Ҳали шунақанги қар-
ларим ҳам бор эканки, билмай юрган эканман-да-а! Май-
ли, гап бўлиши мумкин эмас! Мен унақа қарзни тўла-
майдиган хотинчалишлардан эмасман. Тўлаб ташлайман.
Тўлайман! — деди ва хохолаб кулиб юборди.

Ҳақ йиғувчилар қизариб, ўғринча бир-бирларига кўз
ташлаб қўйишди. Уларнинг бу ҳаракати Ўктамнинг эъти-
боридан четда қолмади. «Ўлаксахўрлар, икковингниям
юрагинг ўйнаб турибди-ку. Ҳа, десам, орқа-олдингга қара-
май қочишга тайёр турибсанлар. Аҳволинг шу экан, бало
борми менинг олдимга келиб кеккайишга?» хаёлидан
ўтказди у ва иккала қўлини ҳам ҳавога кўтариб:

— Бир дақиқа кутиб қоласизлар энди, мен ер ҳақини
шундай кўммамдан олволайин, — деди ва ортига бури-
либ, ҳужрачаси томон юрди.

Тўппончаларни олди. Ўқларини текшириб, латтага
ўради-да, ортига қайтди. Матоҳини дарров ишга солма-
ди. Сўради:

— Лекин, барибир, хўжайиннинг исмини айтмасанг-
лар бўлмайди. Бугун сизлар келдинглар. Топганимни олиб
кетяпсизлар. Эртага яна иккитаси қийшайиб келиб, таг
пулини сўраб қолса, нима қиламан? Шундай экан, «Фа-
лончи бозорком акам билан ҳисоб-китоб қип қўйган-
ман», дейишим учун унинг кимлигини билиб қўйишим
керак-да.

Калбошлар бараварига иржайишди:

— Тўсин аканинг номини айтсангиз, тамом...

Ўктамнинг кўзи каттарди.

— Эй-й, — дея у пастки лабини тишлаб, Мударга
қараб қўйди. — Ҳали Қора қуртнинг одамимиз, денглар!

Чақирилмаганлар хўжайинларининг лақабини эшитиш-
лари билан сергак тортишди. Ўзи бошқа юртларда ти-
рикчилик қилиб, ора-чора туғилган маконининг атрофи-
ни ҳам назоратдан ўтказиб қўювчи Тўсин бу ёққа юбо-
ришидан олдин уларга: «Кимки мени таниса, ўшандан
эҳтиёт бўлинглар», деган эди.

— Унда, — гапида давом этди Ўктам, — акахонга қуюқ

саломимни етказиб қўйинглар. Биз у ёқнинг шогирди бўламиз. Бу ёқда у ёқ ҳақида бир-биридан қизиқ гаплар эшитиб, бизнинг ҳавасимиз келиб юрибди. Қани энди, акахон қилган ишларининг мингдан бирини эплаёлсак. Берганимизни ўзларига етказиш билан бирга саломимизниям айтиб қўясизлар. Адашдим, адашдим. Ўзлари келиб қўлларингиздан арзимаган атамамизни олаётганларида, етказасиз саломимизни.

— Ни-ма?..

Калбошларнинг фақат биттасининг оғзидан шу сўз чиқди. Қолганини айтишга улгурмасидан қарсиллаган овоз ғор деворларига урилиб, акс садо берди ва калбошлардан бири гурсиллаб йиқилди. Шу заҳоти иккинчи калбош тўппончасини олиш тараддудига тушди. Бироқ у ҳам мақсадига етолмай, орқасига қулади.

— Итдан тарқаганлар, сенлар мени ким деб ўйлаяпсанлар?! Мен ҳали кучукдай изғийдиган қашқирга оёқос-ти бўп қолдимми?!

У тўппончалардаги қолган ўқнинг ҳаммасини иккита жасадга жойлади ва шундан кейингина Мударга юзланди. Ҳўкизнинг ранги докадай оқариб кетганди.

— Сен бошлаб келдингми?! — ўқирди унга.

— Мен ҳалиги, хўжайин...

— Мени «хўжайин» дема, ит! Сенинг хўжайининг бошқа. Агар яна бир марта «хўжайин» дейдиган бўлсанг!..

— Бир қошиқ қонимдан кечинг! — дея бирдан тиз чўкди Мудар.

— Буларни бошлаб келган сенсан! Энди эгасигаям ўзинг обориб топширасан!

— Мени... Агар буларни шу аҳволда оборсам, мени ўлдиради.

— Бундан чиқди, шу аҳволда оборма. Яхшилаб чўмилириб қўй, атир-упалардан сеп. Ана ундан кейин қимматбаҳо матога ўраб обор.

Ҳозир энг мақбул иш — Ўктамнинг кўзидан эртароқ йўқолиш. Бунини дарров илғаган Мудар бошқа сўз айтмади. Қўлини кўксига қўйиб қуллуқ қилди, сўнг ғордан чиқиб кетди.

Ўктам унинг ортидан ҳам бир-иккита ўқ отмоқчи эди. Аммо тўппончасида ўқ йўқлиги туфайли чиқиллашдан

нарига ўтмади. У «ўйинчоқ»ларини ерга улоқтирди-да, ҳовузча бўйига ўтирди. «Ярамас Қора қурт бекордан-бекорга иккита лайчасини менинг ёнимга жўнатмаган. Мақсади бошқа унинг. Мақсади бошқа. Бир марта қитиқпатимга тегдими, демак, қандайдир ўйинни бошлаган. Лекин қандай ўйин? Балки, яқин атрофнинг олди-сотдиси тўлалигича қўлимга ўтиб кетгани ёқмагандир? Ҳа, менимча, шундай. Манави иккита...» У беихтиёр чўзилиб ётган жасадларга қаради ва шу ондаёқ тепа сочи тикка бўлди.

— Соли! — ўкирди томоғи йиртилгудек бўлиб.

Чақиригига дарров жавоб бўлмади. У яна бир марта томоқ йиртди. Шундан кейингина оёқ-қўли қалтираб, кўзлари ўйнаб, югурдаги кириб келди.

— Манавиларни, — дея Ўктам жасадларни кўрсатди, — ҳайвоннинг ўзи оп чиқиб ташлайди деб, таппи териб юрибсанми?!

— Ҳозир, хўжайин, — дея Соли дарров ишга киришди.

Кун адоғида Ўктам шотирлари билан шаҳарга йўл олди. Чунки у бундан бу ёғига на чўпонлар ёнида ва на инида тинчгина ўтира оларди. Ахир ҳамма ёқ муаммога тўлиб кетди. Эртароқ олдини олмайдиган бўлса, Қора қуртга ўхшаган биттаси келиб, оёқости қилиб ташлаши ҳеч гап эмас.

У манзилга етгунча кўзини юмиб кетди. Атиги бир марта ҳам очмади. Хаёл сурди. Режа тузди. Орада бир муддат мизғиб ҳам олди. Фақатгина машина тўхтагач, ҳорғин нафас чиқариб, кўзини очди-да, чўнтагидан сигарета олиб лабига қистиргач, деразадан ташқарига қаради.

— Қоронғи тушибди, — деди худди ўзига ўзи гапиргандай, — ўғрининг иши кеч кирганда бошланади. Бизникиям. Қаердамиз?

— Иккинчи Лолазор кўчасида, — жавоб берди ҳайдовчи.

— Яхши. Энди кўчанинг охиридаги чойхонага ҳайда.

Оралиқ масофа унча узоқ эмасди. Бор-йўғи бир чақиримча келади. Бироқ шу оралиқ мобайнида Ўктам икки дона сигаретани чекиб тугатди. Шунинг ўзиёқ унинг ҳаяжонланаётганидан далолат берарди.

Ҳеч кимга хабар бермасдан, билдирмасдан чойхонага кириб бориши, сал қолса, уни жойсиз қолдираёзди. Кўздан пана, хавфсиз, бемалол ошиқ тепадиган, қимор ўйнайдиган хоналарни уч-тўртта гуруҳ эгаллабди. Чойхоначи унинг кимлигини яхши биларди. Шу боисдан бундайроқ бўлса ҳам, битта ҳужрага киритди. Сувоқлари кўчган, эшик-ромларининг ранги қолмаган, чорпоя тахталари синган хонага кириши билан Ўктамнинг афти бужмайди ва ортига ўгирилиб, шотирларидан:

— Қалай, ошиқ тепишга бўладиган жойми? — деб сўради.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Сен мараз қони оқадиган калтафаҳмларнинг иши бу!

— Хўжайин, бир минут вақт беринг, — деди зўрға унинг кўзига қараган Соли.

— Кўплик қилмайдими? Яхшиси, битта сигаретани чекиб бўлгунимча вақт бераман, — дея мийиғида кулди Ўктам.

Соли отилиб ташқарига чиқиб кетди.

Шу куни Ўктам шаҳарда яна бир-иккита гуруҳчалар пайдо бўлганидан хабар топди. Уларнинг катталари Ўктамнинг номини эшитишлари билан унинг ёнига югуриб келишди. Кўлини кўксига қўйиб, қуллуқ қилишди. Ҳужраларига таклиф этишди.

— Йўқ, — деди Ўктам бошини чайқаб, — ҳеч қайси биринг ўтирган жойга бормаيمان. Ўзларинг келасанлар, манави абжағи чиқиб ётган хонага.

Чойхоначи ялинди, гуруҳ бошлиқлари ялинишди. «Бошқа бўлмайди, ҳар доим сиз учун битта хона тайёрлаб қўямиз. Хато биздан ўтибди», дейишди. Шундан сўнггина Ўктам бироз илигандай бўлди.

Орадан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас, семиз қўй сўйилди. Бунгача шу иккита гуруҳнинг йигитларидан бошқа ҳаммаси ҳайдаб юборилди. Бу ҳол Ўктамнинг кайфиятини кўтарди. Бироқ у қовоғини осилтирганча ўтираверди. Одатини шу эди. Ичидагини сиртига бошқача тусда чиқарарди. Бундан беҳабар гуруҳчаларнинг раҳбарчалари оёғи куйган товукдай бўлиб қолди. Бир-бирига шу пайтгача ўғри кўз билан қараб келганлар дарров маслаҳатлашишга ту-

шишди. «Нима қилсак, қандай кўнглини олсак бўлади? Қўй сўйдик, ароқни тўкиб ташладик, лекин у сира очилмади. Бундан чиқди, анавинақалардан беш-олтисини опкелиш керак. Ўйнаб беришса, кўнгли ёзилиб қолар». Шундай ҳам қилишди. Ўктамнинг бироз чиройи очилгандек бўлди. Лекин, барибир, бошлиқчаларнинг ҳадди сиғиб, унинг ёнида ўтиришолмади. Қўрқишди.

— Бу ёққа кел иккаланг ҳам, — деди охири Ўктамнинг ўзи нозик билакли жононанинг қўлидан пиёлани олarkan, — эчкидай у ёқдан-бу ёққа югуравермасдан, ўтир.

Раҳбарчалар пойгакдан жой олишди.

— Ароқдан қуйинглар. Мен ревизормасманки, сизларни текширгани келган бўлсам. Шунчаки кўнглим чойхона тусаб қолди. Нима, ҳақим йўқми?

— Тўғриси, бизнинг ҳали унчалик малакамиз йўқ, устоз, шунинг учун озгина довдирадик, — деди раҳбарчалардан қошининг устида тиртиғи бори. — Шунинг учун бир қошиқ қонимиздан кечасиз. Аслида, сизнинг ҳақингиз бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ.

— Ана, калланг ишларкан. Битта-битта олайлик, кейин одамчаларинг ошиқларини кўтариб келади. Битта тепайлик. Шу десанглар, тепмаганимга кўп замонлар бўп кетди. Ёмон чанқаганман.

Битта имо билан унинг хоҳиши ижобат бўлди. Бунгача битта-биттадан эмас, иккитадан олинди.

— Хонимчалар чет давлатларда бунақанги пайтда суйкалиб ўтиришади. Биз эркакмиз. Эркаклигимизни қиламиз. Тўғрими?

— Шундай, шундай, — деди раҳбарчалар.

Ўйин қизигандан-қизиди. Ўктам бошида бир-икки қўл ютқазди. Албатта, атайлаб. Қаршисидагилар тетиклашиб олишлари учун. Шунинг билан бирга, уларни мақтади.

— Биз озгина қаридикми, дейман. Замонимиз ўтганга ўхшайди. Аммо сизлар чатоқ экансизлар. Икковинг ҳам, — деди.

Тўдачаларнинг бошлиқлари иржайишди. Ғўдайиб қўйишди.

Ана ундан кейин уларнинг икковининг ҳам шўрига шўрва тўкилди. Ўктам ошиқни шунақанги тепдики, раҳбарчаларнинг кўзлари олайиб кетди. Кейинчалик эса улар

бор-будларидан айрилиб, бошлари эгилганча қолди.

— Йўқ, мен адашган эканман. Ҳали анча хомга ўхшайсанлар, — деди рақибларининг уйларини ҳам ютиб олган Ўктам.

Тўдачаларнинг бошлиқлари миқ этишмади. Худди иштонларини ҳўл қилиб қўйгандай ўтираверишди.

— Ҳали шу ҳолларингда атрофларингга одам йиғдингларми?

Савол жавобсиз қолди.

— Мен сен итлардан сўраяпман?!

— Ёшлиқ қилиб, билмасдан... — деди қоши тиртиқ йигит.

— Ёшлиқ қилиб, бизнинг томорқага ораладингизми?

— қесатди Ўктам.

Йигитлар шумшайишдан нарига ўтишмади. Ўктам эса тўппончасини олиб, стол устига ташлади ва эшик ёнида турган йигитларига кўзини қисиб қўйди. Улар ҳам белларидаги қуролларини чиқаришди ҳамда раҳбарларнинг чаккасига тирашди.

— Ҳар қандай буйруғингизни адо этамиз, илтимос, бизни ўлдирманг! — дейишди шу пайтгача тўдачаларга бош бўлиб келганлар.

— Қанча иш бўлса, ўзимдан ортмайди. Менга хизматингнинг кераги йўқ. Мен сенларни йўқ қилиб ташлайман. Шунда бошим камроқ оғрийди.

— Хўжайин! — дея қоши тиртиқ йигит ўзини Ўктамнинг оёқлари остига ташлади. — Қулингиз бўламан!

— Беш-олти болани орқасидан эргаштирган, ойимчаларни хоҳлаганча топиб келган хумпар икки минутда бунчалик паст тушади деб сира ўйламагандим. Сен ит ҳеч қачон бош бўлолмайсан. Сен ит фақат хизматкор бўлишга лойиқсан. Лекин ҳақдингдан ошиб, нималар қилиб юрибсан?..

— Сизни топмоқчийдим. Хизматингизга кирмоқчийдим...

Ўктам унинг гапларини охиригача эшитмади. Чўнтагидан сигарета олиб, лабига қистирди-да:

— Соли, икковиниям обороиб, яхшилаб ҳақини бер, ана ундан кейин олиб келасан, — деди.

У анча вақтдан бери бунчалик роҳатланмаганди. Чун-

ки ниманики бошласа, битта ишкали чиқаётганди. Айниқса, Маъруфнинг бир ўзи унинг суробини тўғрилаб қўйганини эсласа, хонумони кўйиб кетарди. Ҳозир эса маза қилди. Шу боисдан босиб-босиб икки пиёла ароқ ичди. Бироқ ичганининг кайфини олишга улгурмасидан хабар келди. Қора қурт хитланибди. Унинг шу ердалигини билибди. Мударнинг калласини олиб, энди бу ёққа келаётган эмиш. Йигитлари кўп экан. Бирор элликдан ошар эмиш.

— Ҳақиқий уруш энди бўлади. Ютган — ҳокими мутлақ, ютқазган... Ютқазган... Мен ютқазмайман. Мен Қора қуртни ковакка тиқиб ташлайман! — дея Ўктам ўрнидан турди.

* * *

Туман марказига етганларида Саид сигарет олиш учун машинадан тушди. Худди шу пайт қишлоқдошларидан бири унга рўбарў бўлди.

— Қанақанги одамсан?! — деди у жаҳл билан.

Саиднинг бирдан қони қайнаб, кўзи олайди. Қўлини мушт қилди.

— Нима дединг?! — дея ўдағайлади.

— Кўриниб турибди маишатда юрганинг. Лекин энангнинг ўлганини биласанми?!

— Нима, энам?! Ўлдими?! Нега ўлади?! Ўлмаслиги керак эди-ку ҳали! Мен энамга кимлигимни кўрсатиб қўймоқчийдим!

У бўшашди, нигоҳи ерга қадалди.

— Кўрсатдинг кимлигингни, ифлос! Мен сен билан битта қишлоқданлигимга пушаймонман. Шунча йил қамоқда ўтирдинг. Энанг кўзи тўрт бўлиб кутди. «Болам у ёқдан одам бўп келади», деди. Лекин сен баттар бўп қайтдинг. Мана, бечора ўлди. Балки, энди қутулгандир ҳам.

Қишлоқдош ортига бурилди. Кетди. Саид бир муддат жойида қоққан қозикдай турди. Кейин магазинга кирди. Бир қути сигарет олди. Ортига қайтиб, машинага ўтирди.

— Ифлос, Толмаснинг бахти бор экан! Бугун ҳам тирик қоладиган бўлди. Энам бўлмай қопти, — деди Фахриддинга.

Унинг онаси ўлгандай эмас, балки кимдир бошини қандайдир нарсага уриб олган-у, бошида шиш пайдо бўлган; қандайдир қуш дарахт шохидан йиқилиб тушган-у, тил тортмай ўлган; қаттиқроқ шамол туриб, симёғочнинг симини узиб юборган; ёки бўлмаса, эгасининг бепарволиги боис қандайдир одамнинг моли пахта даласини пайҳон қилган — Саид худди шундай оҳангда гапирди ва унинг гаплари мутлақо таъсир қилмаган Фахриддин машинани юрғизди. «Тирик қолгани яхши бўлди. Шаҳардаги ишимиз бугунга етиб ортарди» хаёлидан ўтказди у ва бир қанча муддат юрганларидан кейингина:

— Кимни ўлибди дединг? — дея сўради шеригидан.

— Энам ўлиб қопти! Ҳозиргина ҳамқишлоғим Гоппор ака айтди, — жавоб берди яна Саид бепарво оҳангда.

— Энанг... Энанг ўлибдими? Йўғ-э! — деди кўзлари олайиб кетган Фахриддин.

— Ҳа-а, бўлмаса, мен сени орқага қайтарармидим?

Фахриддин шеригининг бепарволиги, ҳафсаласизлиги, меҳрсизлигидан даҳшатга тушди. «Бу эшак ҳали энасининг ўлганини шундай қабул қилса, ошнасининг бошига оғир кун тушса, байрам қиларкан-да. Боя одам ўлдирганида бир туки қилт этмаганди. Унга бегона, менга қайин эди у... Аблаҳ, эртароқ баҳридан ўтишим керак, эртароқ... Бу тирик бўлса, мен қутулмайман. Ўзи билан бирга бирор гўрга олиб кетади. Ҳали хотиним укасини сўраб қолса, нима деб жавоб қайтараман? Тамом бўлганга ўхшайман. Бу ҳаромхўр билан бирга юришда давом этсам, боламни ўлдирсаям, индамай қараб турадиган аҳволга тушаман...»

— Секинроқ ҳайда!

Фахриддиннинг хаёли бузилди. Нафрат билан аввал Саидга, кейин тезлик кўрсаткичига қаради. Дарҳақиқат, машина бир юз қирқ тезлик билан кетаётган эди. «Бунақанги тезликни ҳамма «Жигули» ҳам кўтаролмайди. Лекин уники кўтаряпти. Бундан чиқди, зўр мошина экан-да».

Унинг хаёлини машинаси ўзгартиролди. Шунинг ўзиёқ иродаси, қарорининг нақадар нон емаслигидан далолат берар эди. Тезлик кўрсаткичи юз элликка чиқди.

— Нима бало қиляпсан?! — дея бақирди ҳуши боши-

дан учган Саид.

— Кўряпман, нечагача чиқаркан?.. — жавоб берди Фахриддин.

— Эсинг жойидами, бу кетишда энамнинг тупроғи совимай, ёнига бориб қоламан-ку! Ол газдан оёғингни!

«Жигули» секинлади. Шу билан Фахриддин яна аввалги ҳолига қайтди.

Раҳматли Ойсулув опани тупроққа қўйиб қайтган қишлоқдошлар секин-аста тарқалишди. Таъзияли уйда Назира опа, яна беш-олти хотин ва икки-уч эркак қолди. Улар бироз мархуманинг яхши хислатларидан гапиришди. Кейин мавзу кундалик ҳаётга кўчди. Ана шу маҳалда Саид кириб келди. Қўллари мушт, кўзлари олайган. Шаштидан бирор жойни кўпориб, ағдариб-тўнтариб, йўлида учрагани мажақлаб, кунпаякун қилиб ташлайдигандай. Ахир унинг онаси ўлган. Бунинг учун шу уйдагилар, шу қишлоқда яшовчилар айбдор. Айнан улар сабаб унинг бечора, беозоргина онаси ўлиб қолган.

— Нега?! — қичқирди у ҳовли ўртасига етганида.

Ҳамма бараварига унга тикилди. Ҳеч ким гапирмади. Ўтирган-турган жойида тураверди, қўни-қўшнилар ҳам.

— Нега деяпман?! — ўқирди Саид аввалгисидан-да баланд овозда.

— Негалигини биздан сўраяпсанми? — деди аъзойи баданини титроқ босган Назира опа.

Саид олайган, бўзарган кўзини унга қадади.

— Ҳимм, нимага жимсан? Энанг шўрликнинг ўлганини ҳамсоя халқдан сўраяпсанми сен саёқ?!

— Кетаётганимда тиригиди, чорпояда ўтирувди, мен билан яхши гаплашувди... Шундай экан, нимага бирдан ўлиб қолади?! Нимага?!

— Шундай дегин. Яхшигина ўтирганди, яхшигина гаплашганди, шундайми?! Сен эшак, сен ҳайвон, ақалли бечора энангни мозоргачаям обормадинг! Лекин гўрга тикқан сен бўласан, сен!..

— Мен?.. Ўзимнинг энамни-я?! Ундан кўра бутун қишлоқнинг энасини эмдириб ташлайман! Битта энамнинг босган изига лойиқмассанлар!

— Қачондан бери, Саидбой? — дея ўрнидан турди Музаффар ака.

У мактабда жисмоний тарбиядан дарс берарди. Бўйи узун, елкалари кенг. Мўйлов қўйган. Элликни қоралаган эса-да, анча ёш кўринадиган, бир пайтлар кураш бўйича вилоят чемпиони бўлган одам эди.

Саиднинг дами ичига тушди, култ этиб ютинди.

— Сен, паразит, қаровсиз қолдирган, хор-зор қилган, бир умр азоб берган аёлни иззат-икром билан дафн этиб келган одамларнинг энасини эмдириб ташлайсанми?! Шу одамларни-я! Ўзинг кимсан?! Умринг бино бўлиб, каззоблик, ўғрилик, зўравонлик, нашавандлик, маишатпарастликдан бошқа нима қилдинг?! Гапир, хумпар!

— Сиз кўрдингизми? Мен керак бўлса, керак бўлса, энамни зебу зарга кўмиб ташламоқчийдим. Москвага олиб, ўйнатиб келмоқчийдим... Керак бўлса...

У қолган гапларини айтишга улгурмади. Унинг ёнига келган Музаффар ака ёқасидан олиб, бўғди.

— Яна нима қилмоқчийдинг, керак бўлса?! — деди Музаффар ака унинг оёғини ердан узаркан.

— Пахи, Пахи, нима қип турибсан?! Пахи!

Фахриддин шеригининг хириллаган овозини эшитди. Бироқ у ёрдам беришга ожиз эди. Ёрдам беролмасди. Шу боис аста-секин ортига тисарила бошлади. Ҳарна гурбатдан бери оқда бўлгани яхши.

— Ҳозироқ қишлоқдан йўқоласан! Қайтиб қорангни кўрсатмайсан! Бу қишлоқда сени ушлаб турадиган одам қолмади. Тушундингми, мол?! — деди Музаффар ака Саидни уриб юбормаслик учун зўрға ўзини тутиб.

— Хўп-хўп. Нима десангиз, шу. Ҳозироқ кетаман!

Айни дамда Саид ниҳоятда бечора, сал пуфласа, нобуд бўладиган ночор кимса-ю, гўёки Музаффар ака ҳам уни авайлаган кўйи ерга қўйди. Саид ёқасини тўғрилаган киши бўлди. Сўнг ортига бурилиб кетди. Ҳув нарига етганида тўхтади. Ортига ўгирилиб қаради.

— Ҳов Музаффар ўпка! Сен билан ҳали ҳисоб-китоб қиламиз! Индамай кетди деб хомтама бўлма! — дея бақирди.

Музаффар ака мийиғида кулди. «Садқаи одам кет» дея хаёлидан ўтказди у.

* * *

Шаҳардагилар қўлга тушишганди. Уқувсиз эди улар.

Қаёқдан ҳам укув бўлсин? Тан сотишнинг минг хил усулини қийиб ташлаганлари билан жонсиз танни умрларида кўришмаганди-да. Яна манавиндай қип-қизил қонга бўялганини. Шундай эса-да, амал-тақал қилиб, уни матога ўраб ташлашди, устидан — гиламга. Сўнгра такси тутиб келишди-да, юкхонасига ортишди. Ҳайдовчи ҳам анойи эмас экан, тўғри мелисахонага олиб борди ва бирпасда ҳамма ёқнинг тўполони чиқиб кетди. Ўзи шундоқ ҳам жонлари ҳалқумларига келиб қолган қадимий касб маликалари бирпасда нима бўлган, қандай бўлганини шоша-пиша гапириб беришди. Шундай қилишмаса ҳам, бўлмасди-да. Ахир ким ҳам юмшоқ, оппоққина танининг моматалоғи чиқиб кетишини истайди?

Тезкор гуруҳ кўз очиб юмгунча машина Фахриддинга тегишли эканини, унинг қаерда яшашини топди. Саиднинг юраги товонига тушиб кетди. Ахир икки юз қадамча нарида иккита милиционер ошнаси, ҳамтововғининг қўлини орқасига қайириб, башарасини капотга ёпиштириб қўйишганига кўзи тушди-да. У аста-секин ортга тисарилди ва икки қадам ташлар-ташламас қочди. Аввал омон-эсон ўзларининг эски, деворлари нураб қолган, чакки ўтаверганидан томининг саккиз-тўққиз жойи тешилган оғили ортига ўтиб яширинди. У ердан сарғайган, роса пишган маккажўхори орасига кирди ҳамда итдайин маккаларни шатир-шутур этказиб, анча наридан катта магистрал йўлга чиқиб олди.

Саидни ахтариб келганлар, бахтга қарши, уни кўрмай қолишганди. Шу боис аввал уйига югуриб боришди. Вазиятни билишди. Воқеадан қишлоқ одамларини хабардор этишди ҳамда улар билан бирга қидиришга тушишди. Бу пайтда Саид йўлни кесиб ўтган ва қалин тутзорнинг нарёғига ўтиб, ерга ўзини ташлаган эди. У бу ерда узоқ қололмаслигини яхши биларди. Аммо шунчалик чарчаган эдики, нафаси бўғзига тиқилиб, бутун вужуди дағдағ титрарди.

— Осонликча қўлга тушадиганларданмасман. Осонликча ушлаёлмайсанлар, — деди у пичирлаб ва секин бошини кўтариб, тут барглари орасидан кўча томонга қаради.

Ҳеч кимни кўрмади, аммо одамларнинг бақир-чақирларини эшитди ҳамда қўлларига таяниб, амаллаб ўрни-

дан турди-да, пахтазор орасига кирди ва ярим энкайган кўйи тез-тез юриб кета бошлади. Анча нарига бориб, нафас ростлаш учун тўхтади ва бошини секин кўтариб, тутзор томонга қаради. Ҳартугул, ҳали ҳеч ким бу томонга ўтмабди. «Бўлди, шу ерда ётаман. Ҳализамон қуёш ботади. Кейин қоронғилик тушади. Шундан кейин секин жуфтакни ростлайман» хаёлидан ўтказди Саид.

* * *

Паризод Маъруфга қаради. Киприклари пирпиради.

— Нега рангингиз оқариб кетибди? Мазангиз бўлма-яптими? — сўради йигит.

— Яхшиман, яхшиман... Маъруф ака, тушайлик, кўнглим бўлмайпти, — дея Паризод тез-тез юриб, ҳайдовчининг ёнига борди: — Тўхтатинг, илтимос, тўхтатинг! — деди.

— Тинчликми, нима бўлди? — сўради улар автобусдан тушганларидан сўнг ҳайрон бўлган Маъруф.

— Билмайман, нимагадир кўнглим безовта. Уйга бо-райлик, Маъруф ака. Хаёлимда аям бирор нимани бошлайдиганга ўхшайди.

— Тушунарли. Кетдик унда.

— Сиз югуринг. Дарвозанинг ёнига бориб турунг.

Қизнинг гапига сўзсиз итоат этган Маъруф кўз очиб юмгунча анча узоқлаб кетди. Югургани сайин уни-да ҳаяжон босди. У ҳам нимадандир хавотир ола бошлади. Агар эртароқ етиб бормаса, бирор жой портлаб кетадигандай эди, унинг назарида. Бекорга эмас экан, бекорга эмас...

* * *

Насима ҳамма бойликларни йиғиштириб, кичкина рўмолчага тугди. Сўнг дарвозадан кираверишдаги, чап томондаги кичкина томчанинг поли тагига яшириб қўйди. Ана ундан кейин уйни айланиб, бир сидра ҳозир ёниб, култепага айланадиган уйини хотирасида сақланиб қолсин учун кўздан кечириб чиқди. Насима ўзида йўқ хурсанд эди. Ахир уни унутиб юборишганди-да. Мана энди ҳамманинг эътиборида бўлади. Одамларнинг унга ичи ачийди. Сочларини битталаб юлаётганида қўлидан ушлаб қолишади. «Қўй, куюнма, битта уй экан-ку! Жонинг омон қолибди, шунисиға шукур қил! Раис бова тўрт кунда

бошқа янги уй қуриб беради», дейишади. Шунда ҳам у ўзини тутиб туролмайди. «Уйим!» деб бақирганча аланга ичига ўзини отмоқчи бўлади. Аммо қўни-қўшни, хотин-халаж ушлаб қолишади. Шунда у ҳушидан кетади. Дарров дўхтир чақиришади. Касалхонага олиб боришади. Укол қилишади, дори беришади. Анави бемаза, саёқ қизи атрофида гирдикапалак бўлади. Шу билан обрўси анча ошади. Яна ҳамма нарсада у билан маслаҳатлашишга мажбур бўлишади. Чунки унинг саломатлиги издан чиққан, бечора бир аҳволга тушган бўлади-да. Бунақанги пайтда одамнинг кўнглига қарашади. Нима деса, хўп дейишади.

— Мана, ҳаммаси бўлди. Энди бемалол гугурт чақсам ҳам бўлаверади, — деди у эшик ёнига борганидан кейин. — Сенинг тилинг йўқ, шунинг учун мен ёқиб юборганимни бировга гуллаб қўёлмайсан.

Ёнаётган гугурт чўпи пастга тушиши билан бирдан гуп этган товуш чиқди. Аждаҳодай оғзидан олов пуркаган аланга вошиллаб ичкарига кириб кетди. Насима бир дақиқа кутди. Сўнгра бошидаги рўмолини ечиб, алангага улоқтирди-да:

— Войд-о-о-д! Одамлар! Уйим ёниб кетди-и-и! — дея бақирди ҳамда сочларини тўзгитиб ташлади.

Худди шу маҳал эса ичкаридан ўглининг овози эшитилгандай бўлди...

* * *

Йўлда тебранганча кетиб бораётган Абдухалил ўзича бир нималарни гўдинг-гўдинг қиларди. Зарифа эрининг бирорта ҳам гапига эътибор бермади. Унинг хаёлини бутунлай Шокир эгаллаб олганди. Ўшанда ошхонада у ўзгача бир нима туйганди. Ўша лаҳза яна қайтадан бўлиши ва охиригача етиб боришини жуда-жуда истаётганди. Аммо қайтарилмайди-да. Қайтаришнинг иложи ҳам йўқ. Лекин Шокир, албатта, уни қидириб шаҳарга бориши мумкин. Чунки мақсадига етолмади-ку. Аммо иштиёқининг ёмон кучлилиги бўриникидай чақнаган кўзидан шундоққина кўриниб турарди.

«Бунақа маҳаллари романтика энг авж нуқтасига чиқади. Бунақанги пайтда суякларинггача ёғлангандай бўлади. Бунақанги пайтда бутун дунёни унутасан. Мана, манави дудуқи уруғлантирилган одам уйда ухлаб ётганига

қарамасдан, ўзимда журъат тополдим-ку. Ҳатто бутун ҳаётим остин-устун бўлиб кетиши мумкинлигиниям ўйламадим... Аслида, бу мўйлови синиққа бекор эрга теккан эканман. Ҳеч нимани қойиллатмади. Мен аҳмоқ шунақа бўлади деб ўйлаб юрган эканман-да. Эсиз, лекин Шокир ака бошқача экан. Қўллариям қанақангидир чайир. Нозик тан шунақасини хоҳлар экан... Оҳ!..»

Зарифанинг хаёли бузилди. Негаки Абдухалил битта сигарет чеккан ва бутунлай кайфи ошиб, юролмай қолганди. У йўлнинг ўртасига оёғини узатиб, ўтириб олди.

— Нима қилганингиз бу? Кўрганлар нима дейди? Туринг ўрнингиздан! — деди жон-пони чиқиб кетган Зарифа.

— Сен... сен... Мени... Ҳиқ, мени ташлаб кетмайсан-а?..

У гапини тугатар-тугатмас қайт қилиб юборди. Шундоққина бошини салгина бурди-ю, қайт қилди. Қайти елкасига тушиб, кўйлагини бежади. Зарифанинг афти бужмайди. Унинг аҳволини кўриб, сал қолса ўзининг ҳам кўнгли айниб кетаёзди.

— Расво! Шу етмай турувди... Хурмачанга сиғса ич-да! — деди у ва эрининг, мен фалондай, деб, доим кўкрак керадиган ёзувчининг юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Сен... Сен...

— Тур ўрнингдан! — дея эрининг ёқасидан ушлаган Зарифа тортқилади.

Аммо Абдухалил жойидан қимирламади. Ўлик кўз билан хотинига тикилиб тураверди. Зарифа бир хаёл уни шу аҳволда ташлаб кетмоқчи бўлди. Аммо қаёқ-қаёқларни ўйлади ва амаллаб судраганча йўл четига олиб чиқди. Шу ерда, кичкина ариқчада сув оқарди. Қанчалик ижирганмасин, қанчалик ёмон кўрмасин, барибир, эрининг афт-ангори, кўйлагини ювди.

— Садқаи ёзувчилик кетсин сен ифлосга! Одам бўлмай ўл! Шарманда қилдинг! — дея йиғлаб юборди у.

Бахтига, Шокир машинада келиб қолди. Машинасини тўхтатиб, дарров тушди-да:

— Нима бўлди? — деб сўради.

Аслида, ошхонада бояги воқеа бўлмаганида эди, «келин» дерди. Лекин айни ўша лаҳза сабаб бундай деёлма-

ди.

— Мана, қаранг! — жавоб қайтарди Зарифа кўзидан дув-дув ёш оқизиб. — Мени роса уятга қўйиб ўтирибди! Хурмачасига сиққунча ичса ўладими?!

— Майли, эркакчиликда бўп туради. Лекин унчалик кўп ичмаганди. Кўтаролмаскан-да. Ҳозир мошинага ортиб, уйига обориб ташлайман, — деб Шокир Абдухалилнинг қўлидан ушлади.

— Эй-й, Шокир ака, Шокир ака, ўзингизми?

Кутилмаганда Абдухалил тез ва равон гапириб юборди. Аммо шу гапидан сўнг яна гўдиллашга ўтиб олди. Шокир уни орқа ўриндиққа ётқизиб қўйди. Зарифани эса ёнига ўтқазди ва машинани жойидан қўзғатар-қўзғатмас жувоннинг қўлидан ушлади. Эътироз бўлмади. Ахир Зарифа шундай бўлишини жудаям истаган эди-да.

— Аслида, бугун қолишларинг керак эди. Лекин кутилмаганда хўжайиннинг хотини оламдан ўтиб қолиб, ҳаммасининг белига тепди. Бир яхши ўтиргандик. Абдухалил ҳам бир яхши ухлаётганди... — деб Шокир жувоннинг қўлини қаттиқроқ сиқди.

Жавоб бўлди — силаш. Гўёки «Ёмонсиз, Шокир ака» дегандай. Шокир мамнунлик ҳиссини туйди. Эҳ, деб ҳамма ишларини ташлаб, у билан кетгиси келиб кетди ана шу пайтда. Жувон унинг хаёлидагини уқиб олгандай:

— Шаҳаргача, уйимизгача обориб қўйсангиз, яхши бўларди... — деди.

— Бораман, лекин ҳозир эмас. Бориб, албатта, бир-икки кун меҳмон бўламан. Сиз уйда ўтирсангиз керак. Баҳонада унча-мунча жойларни кўриб оласиз... — дея Шокир кўзгу орқали орқа ўриндиқда чўзилиб ётган Абдухалилга кўз ташлаб қўйди.

— Ҳечам қайнотамникида қолгим йўқ! Бу кишимнинг шу ҳолига гўдайган акасиям бор. Худди бунга ўхшаб кунда алкаш. Анави куни саҳарлабдан келибди. «Пул бер! Сени шаҳарга қўйиб қўйганлардан биттаси менман. Отамга қарамаёпсан, сенинг ўрнингга мен қараяпман. Пул бермасанг, шармандангни чиқараман!» дейди.

— Сиқилманг, ҳаммасини ўзим жой-жойига қўяман. Бундан бу ёғига қийинчилик нималигини билмайсиз.

Шокирнинг бўш қўли бошқа ишни бажаришга ўтиб

кетди. Эътироз бўлмади. Бунинг ўрнига қандайдир хай-рихоҳлик сезилди.

— Сизга ишонсам бўладими?

— Ишонганда қандоқ! Абдухалилгаям тўрт-беш сўмни ўзим бериб тураман. У ер-бу ердан ундириб.

— Биладман, айтувди...

— Вой, қисталоқ, бировга ғинг демайман, деганди-ку!

— Бунинг оғзида гап турмайди.

— Яхши хабардор қилдингиз. Бу шервачча энди бирор икки сутка кўзини очмайди. Кечқурун ёлғиз қолиб, зерикмайсизми?

— Билмадим...

— Мен ишларимни битириб, бир хабар оламан...

— Қўйинг, бўлмайди. Шаҳар бошқа.

Худди шу пайт ўзини ухлаганга солиб ётган Абдухалил ўрнидан туриб кетаёзди, аммо турмади, туролмади. Иродаси бўшлиқ қилди. «Ўзимнинг гулим бор. Шу гулим билан бундан бу ёғига кунларимни хушчақчақ ўтказаман. Лекин аввал сени бир ёқли қиламан. Сен менинг кимлигимни билмабсан. Ўзингча бир-икки йил яшаб, сизлаб чақирганимга «Бурнидан ип ўтказволдим» деб ўйлаб юрибсанми? Чучварани хом санабсан. Кунингни кўрса-таман сенинг! Йўқ, ҳайдаб юбормайман. Унда сен осон қутуласан. Аста-секин, моральний эзаман. Олдин устингга хотин оламан. Ўша хотиним борлигини ора-чора салсал билдириб қўяман. Кейин тўғри уйга опкеламан. «Тўрт томонинг қибла, йўқол!» дейман. Ана унда кўраман қандай аҳволга тушасан? Сен манави қасамхўрга ишонма. Бунинг умри оз қолди. Мен бунинг устидан ёзиб, қама-тиб юбораман. Чунки жон жойини биладман-да» дея хаёлидан ўтказди.

— Билсангиз, бунақаларнинг ҳамма нарсаси оғзида бўларкан. Ҳай-ҳай демасангиз, бутун дунёда ундан-да зўр одам йўқ. Лекин киссасига қарасангиз, қуп-қуруқ. Кейин қўлидан бир иш келмайди. Манави уйдаги...

— Айтдим-ку, хоним, ҳаммасини еъти қиламан деб.

Шокирнинг қўли баттар югуриклик қила бошлади. Энди бу ёғи Зарифани ўнғайсиз аҳволга солиб қўйди. Эри машинада бўлмаганида ҳам майлийди. Бир-бир истарали жавоб қайтарарди.

— Шокир ака, келишдик-ку. Шунга, ҳалиги... Билсангиз, мен ҳам унча-мунча ёзиб тураман. Шунга анави пиёнистага айтмай, бирорта газет, журналдами чиқариб, кейин китоб қилсам, деб юривдим. Лекин сал қўлим калталик қип турибди-да...

— Бўлди, сиз бирортасига боринг-да, гаплашинг... Тўғрироғи, танишиб олинг. Кейин шу одамнинг отини айтинг менга, келаман-у, ҳал қилиб кетаман.

— Боягина ерга киргудек бўп кетгандим. Лекин сиз келиб, сизнинг шарофатингиз билан яна кўнглим тоғдай кўтарилди.

— Бугун...

— Қўйинг...

— Нега?

— Айтдим-ку...

— Уфф!

— Сиқилманг.

— Сиқилмай бўладими?

— Эртагаёқ кетаман. У ёғи ўзингизга ҳавола.

— Шундай деб жонни оласиз-да.

— Нима қилай?

— Майли... — деб Шокир газни қаттиқроқ босди.

Орадан икки дақиқа ҳам ўтмади. Айни шу пайтда улар Абдухалилнинг қишлоғига кириб келишаётганди. Йўлнинг ўртасида бир одам кўринди. У Зарифанинг қайноғаси, Абдухалилнинг акаси эди. У қулочини ёзиб турарди...

* * *

Толмас Бадриддинович шифтга термилганча ўйлашиб қолди. «Нималар бўляпти ўзи? Нега бирдан ҳамма ёқ остин-устун бўлиб кетди? Ишларим, юриш-туришим рисоладагидек эди-ку. Бирдан...» У бироз бошини кўтариб, эшик томон қараб қўйди. Нимадандир чўчиди. «Ўйимдан биров хабар топмасин тагин. Буларнинг бари биров билгулик эмас-да» деб ўйлади. Қанча-қанча ишларни қилмади. Қўшимча ҳақ ёздириб олишлар... Албатта, колхозчиларга. Иккита ведомость бўларди. Биттасини колхозчилар кўради, иккинчисини эса кассир, бухгалтер ва раис... Ҳа, эсдан чиқай деб қолибди: текширувчилар ҳам шунга кўришади. Албатта, бу унинг бошқа жойдан оладиган даромади олдида ҳеч нарса эмас. Мана, масалан,

нефть базага унинг колхози номига келган ёқилғининг қанчаси бошқа-бошқа манзилга кетди. Шунинг орқасидан ҳам Толмас Бадриддиновичнинг киссаси қаппайди. Ундан кейин колхоздаги ёғли-ёғли ўринларга жойлашмоқчи бўлганлардан тангалар, қурилиш омборидаги иқтисод... Саноқ кўпайиб кетди.

«Одаммас эканман. Фирт ўғри, порахўр... Бандаси жазоламади, лекин худо бор...» Дарвоқе, у худонинг борлигига ишонади. Аммо ҳеч қачон, ҳеч қаерда, айниқса, райкомдагилар қошида оғзидан гулламайди. Ўзини худосиз қилиб кўрсатиб юраверади. Албатта, тинчлиги учун. «Дўзахнинг энг тўри, энг олови гуриллаган жойи меники экан. Қизимни ўғирлаб кетишгани, юракнинг мазаси қочгани ҳеч нима. Ҳали шундай азобларни тортаманки... Кўй, ҳеч инсоф бўлмаган-да, шу пайтда. Чунки ҳали покланиб олишим учун ҳам вақт керак. Ахир бу ердан чиққач, қолган умримни покланишга сарфламоқчиманку! Бу ёқда кичкина ўғилчам бор, мени тушунадиган, ҳеч қачон дардини дoston қилмайдиган, ҳамиша кўнглимга қарайдиган Сумбул бор. Улар учун ҳам тўрт-беш кун яшамасам, бўлмайди...»

Унинг пешонаси терлаб кетди. Қизғиш рангли касалхона халатининг енги билан пешонасини артиб, қуруқшаган лабини ҳўлаб қўйиш учун тумба устида турган пиёлага қўлини узатиши билан садоқатли бош бухгалтери Нозим Пардаев кириб келди. Ахир бухгалтернинг Ҳайбатулло билан тил бириктиргани, унинг устидан ёзганлигидан Толмас Бадриддиновичнинг хабари йўқ эди-да. Шунингдек, не-не яширин ишларни биргаликда амалга оширган. Шундай экан, у садоқатли, ишончли ҳисобланади-да. Аммо негадир ўша садоқат намояндасининг ранги бироз оқаринқираган, кўзида алақандай безовталиқ бор эди. «Ишқилиб, бирор фалокатни кўтариб келмаган бўлсин-да» кўнглидан ўтказди Толмас Бадриддинович ва бироз гавдасини кўтарди-да:

— Ҳисоб-китоб пешвосини ҳозир кўраман деб сира ўйламагандим, — деди.

Нозим Пардаев гарчи бир-икки ёш катта бўлса-да, аввал салом берди. Кейин раиснинг қўлини ушлади. Кўрсатилган стулга ўтирди. Ана ундан кейин ҳол сўради.

— Нозим Пардаев, бу ерга келганимдан бери кўрмаган одамим қолмади. Шу десангиз, колхознинг қайсики каттаси бўлса, ҳаммаси бир-икки мартадан келишди. Одамни бундай одамга ўхшаб дам олишга, даволанишгаям қўймайди. Сиздан миннатдор бўлиб ётгандим. Ақлли одам, шароитни дарров тушунади, деб ўйладим.

Бош бухгалтерга унинг гаплари кесатикдай туйилди. Шу боис ранги бироз қизарди.

— Хўжайин, минг бор узр! Вақтида хабар ололмадим. Бу ёғи, хабарингиз бор, сезон бошланиб кетди. Ярим кечадаям уйга боролмаяпмиз, — дея ўзини оқлаган бўлди у.

— Сиз мени нотўғри тушундингиз. Келмаганингизга сираям хафа эмасман. Қайтанга колхознинг ишларини эплаб, йўқлигимни билдирмай ўтирганингиздан хурсандман. Ҳамма менинг ёнимга чопаверса, ишни ким қилади, тўғрими? Майли, бу гапларни қўйинг, идорада нима гап? Терим қандай кетяпти? Ишқилиб, план чиқмай қолиб, бошимиз эгилиб қолмайдими?

— Алдагандан фойда йўқ, хўжайин, шу, ҳосилнинг чўғи камроқ. Беш-ўн тонна сотволмасак, бўлмайди.

— Сотволиш, сотволиш... — дея бошини қашлади Толмас Бадриддинович, сўнгра ўрнидан туриб ўтирди-да: — Шу ишни ҳозир қилинг. Биринчидан, унча-мунчаси эътибор бермайдиган палла, иккинчидан, сорти яхши бўлади... — деди.

— Мен ҳам сизга шуни айтаман деб турувдим. Кейин битта яхши хабар бор.

— Йўғ-э! Қанчадан бери тузукроқ бир нима эшитмай, хунобим ошиб ётувди. Гапиринг тезроқ!

— Анави звеночи бор-ку, Сайфиев...

— Алдарқўса!

— Ҳа, шу. Ишонсангиз, бир ҳафтада планни бажариб ташлади.

— Вой, қисталоқ! Қандай бажарди?

— Ўтган йилгининг охириги теримини тўла оғилига тиққан экан. Терим бошланиши билан участкасига одам тушмай туриб, ҳаммасини пунктга обориб топширибди. Яна биринчи сортга. Ўтган йили топширганида пландан ошиб кетарди. Лекин учинчи ё тўртинчи сорт бўп қолар-

ди.

— Мешқориннинг калласи ёмон ишлайди. Аммо ўзидан бошқа бировгаям фойдаси тегмайди.

— Хўжайин, айтмасдим-у, лекин айтмасам бўлмайди. Бир куни: «Нега хабардор қилмадинг?» деб уришишингиз мумкин. Шу Сайфиевнинг қўли қийшиқлиги бошимизга бало бўлмаса, гўргайди деб қўрқаман...

— Нима қипти у?

— Бутун бошли иккита янги тракторни бўлиб-бўлиб, уйига тиқиб олган. Бундан ташқари, қанча культиватор, бошқа темир-терсак, ўғит — хулас, колхозда нимаики бўлса, ҳаммасидан бор уйда. Камига милтиқ ҳам сақларкан. Қўшотаридан. Ўтган йили Ҳамидулла деган сувчини отиб қўйишига сал қопти. Биласиз, Сайфиевнинг тутиб қоладиган касали бор. Бир тутса, отасиниям танимай қолади. Бўлмаса, олти ой бурун укасини ўлгудай савалармиди? Қизамиққа чалиниб ўлгурнинг иккита ўғли бор! Икковиниям майиб қип ташлаган, ўғиллари қандайдир анқов. Эшитишимга қараганда, уйдан нарса ўғирлаб чиқармиш... Шундай экан, звеночи Сайфиев бойлигининг кимга кераги бор? Агар хўп десангиз, ерни тортиб олишга қоғозларни тайёрлаб кўярдим.

— Нозим ака, сизни бухгалтер деб юрсам, ғирт терговчи экансиз-ку. Қаранг, кўз очиб юмгунча битта одамни ғирт жинойтчига чиқариб ташладингиз. Агар сизнинг гапингиз билан уни суд қилса борми, Сайфиев йўқ деганда ўн беш йилни опкетеди.

— Хўжайин... — дея бошини қашлади Нозим Пардаев. — Мен борини айтдим. Бир палакатнинг олдини олайлик дедим.

— Бу ердан чиқай, кейин бир ўйлашиб кўрамиз.

— Кейин...

— Яна бир бало борми? — дея кулди Толмас Бадриддинович.

Нозим Пардаев «Айтсамми-айтмасамми?» деб бироз каловланиб турди. Сўнг «Нима бўлса бўлди» дегандай қўлини силтади. Раис унинг ҳаракатидан сездикки, бухгалтер қандайдир нохушликни кўтариб келган. Нохушликки, Сайфиевнинг каромати унинг олдида ҳеч нима эмас. «Ҳамма нарсага тайёр туришинг керак. Нима бўлган

тақдирда ҳам, ўзингни асрашинг зарур. Ўлмасанг, бемалол бардошинг етади. Ҳал қиласан» кўнглидан ўтказди Толмас Бадриддинович.

— Нимадан чиқди, билмаймиз, ишқилиб, ёмон иш бўлди... — деди Нозим Пардаев паст овозда.

— Одамга ўхшаб гапиринг! Нима бўлди? Қанақа ёмон иш бўлди? — деди ундан кўзини узмай ўтирган раис.

— Олов опкетди-да! Ёниб кетди-да уйингиз!

Бош бухгалтер айб иш қилиб қўйган одамдай, ердан кўзини узмасдан гапирди.

— Ёниб кетди?.. Менинг уйим? Э, бор-йўғи шуми?

Бош бухгалтер бошини кўтарди. Ҳайрат тўла кўзини Толмас Бадриддиновичга қадади.

— Мен колхозни ревизия босдим, деб ўйлабман. Ёнса, ёнибди. Бир-икки сўм сарфлаб, ҳашар қилсак, яна барпо бўлади-да... — деди Толмас Бадриддинович Нозим Пардаевни янада ажаблантириб.

— Уйингиз куйди, хотинингиз...

— Ўлдимми?..

* * *

Насима бақирришдан тўхтади. Қулоғини динг қилди. Чатир-чутур ёнаётган уй ичкарасидан яна овоз келди.

— Вой ўлмасам, вой ўлмасам, Баҳодиржон! Баҳодир, болам!.. Бол-а-а-м!

У жон ҳолатда ўзини ичкарига урди. Юзига гуп этиб аланга урилди. Кейин... Кейин рўмоли, кўйлаги, сочи ёнди. Бадани куйди. Кўзи оташдан ўзга нарсани кўрмай қолди. «Болам, болам!» дея бақирди. Сўнг йиқилди...

* * *

Маъруф гуриллаб ёнаётган уйнинг ёнига етганида Насима ичкарига кириб кетганди. Маъруф уни элас-элас кўриб қолди. Даҳшатга тушди. «Нима қияпсиз?! Кирманг, кирманг! Ёниб кетасиз!» дея қичқирди ортидан.

Аёл унинг бақирганини эшитмади. Боламлади, аммо шундай деганини ўзи ҳам билмайди. Маъруфгина эшитди. Жон-пони чиқиб кетди. Ақлдан озган бу аёл. Ҳовлида икки эн келадиган брезент ётарди. Маъруф ўшани олиб ёпинди. Сўнг ақлдан озган аёлнинг ортидан жаҳаннамга айланган уйга кириб борди. Ҳамма ёқ тутун, аланга, бирор нимани кўриш ниҳоятда қийин эди. Аланга-

нинг чатирлаши, вошиллаши билан бирга кимнингдир чинқиргани эшитилди. Шундагина Маъруфнинг кўзи бир одим нарида ўзини тинимсиз деворга ураётган бир қулоч оловга тушди. У алангани қучди-да, ташқарига югурди. Икки қўшни, Паризод етиб келибди. Ҳаммаси саросимада, ҳайратда, қўрқувда. Яна Паризод чинқириб йиғла-япти. Маъруф қучоғидаги алангани ерга ташлади. У кутилмаганда ўрнидан сапчиб турди-ю, югуришга тушди. Ҳартугул, қўшнилари чаққон экан, дарров ушлашди, ерга ағдаришди. Маъруфнинг иши ҳали тугамаган эди. У Насимани кўтариб чиқаётганида ичкаридан яна овоз эшитилди. Навбат уники эди. Шошилмаса, эртароқ ҳаракат қилмаса, ичкаридаги одам куйиб кетиши ҳеч гап эмасди. Шу боисдан бутунлай аланга забтига олган уйга кириб кетди. Энг охириги хонадан Баҳодирни топди. Уни ҳали олов чангалига олмаган экан. Бироқ қуюқ тутун туфайли бола ҳушидан кетган эди. Яна ортга қайтиш, эшикдан чиқишга уриниш ўлимга хоҳиш билдириш билан баробар эди. Шу боис Маъруф деразани тепиб синдирди ва Баҳодирни қучоқлаганча ўзини ташқарига отди...

Унинг-да кўп жойи куйган, у ҳам телбага ўхшаб қолган эди. Назарида, яна ичкарида кимдир бордай, кирмаса, олиб чиқмаса, куйиб, жизганак бўладигандай эди. Бироқ кўпайиб қолган қўшнилари, челақлаб уйга сув ураётган одамлар бошқа киритишмади. Қайтанга шалаббо қилиб ташлашди...

«Тез ёрдам» машинаси етиб келганида Маъруф билан Баҳодир кўзини очган, аммо қуюқ азобидан иккаласи ҳам инграрди.

* * *

Ўктам анави икки тўдачанинг бошлиқчаларини калтаклашни бекор қилди. Чунки ҳозир улардан фойдаланиб қолишнинг айна мавриди эди. Бахтига, шотирлари ҳали ишни бошламаган экан. Аммо енг шимариб, иржайган, ички тамшаниш, иштаҳа билан бечора ҳолга тушиб қолган бечораларнинг обдан жағларини эзмокчи бўлганларида, ичкаридан буйруқ келди.

— Хўжайин: «Урмасдан менинг олдимга опкелинглар», деди, — дея изоҳ берди Соли.

Ўктам хохолаб кулди ва чўнтагидаги ҳамма пулларни

олиб, хонтахта устига ташлади.

— Мен сенлар билан ошиқ тепишмоқчи эмасдим. Маишат қилгани келгандим. Лекин сенлар тушунмадинглар... — деди.

— Устоз... — деди қошида тиртиғи бор бошлиқча.

— Шошма, мен сенлар билан бирга қанча вақт ошиқ тепдим? Аммо икковинг ҳам ўзларингни таништирмадинглар. Биринчи хатоларинг шу эди, — деб Ўктам чўнтагидан сигарета олиб, лабига қистирди.

У шунчалик бемалол эдики, худди душмани эшик ортига келиб қолмаганда, зерикканидан манави иккаласини эрмак қилиб ўтиргандай эди.

— Менинг отим Нодир. Лекин отимни айтса, биров танимайди. Чаён дейишади, — деди тиртиқ қош.

— Мен Валиман. Шўртумшуқ деган лақабим бор.

Ўктам ўпкасини тўлдириб тутун ютди. Сўнг тутунни бурнидан паровоздай чиқаргач деди:

— Аввал шундан бошлаш керак эди. Майли, ўтган ишга саловат. Раз, мени устоз деб қабул қилдингларми, мен ҳам сенларни шогирдларим қаторига қўшаман. Аммо мен фирромликни сира ёқтирмайман. Нимаики иш қилсам, тоза қиламан. Кейин латталарни ҳам жиним суймайди. Бирорта ишни айтсам-у, қўлимдаги одам бажаролмаса, калласини оламан! Сизларни яна бир марта синовдан ўтказмоқчиман. Биринчисида ўтириб қўйдинглар, агар иккинчисидаям шундай бўлса, нафақат ўзларингни, балки бутун уруғ-аймоғингни қуритиб юбораман! Топшириқ бундай: ҳализамон ҳароми Қорақурт келади. У чойхонага тирик кирмаслиги керак. Тушундингларми?

Аввал Вали, сўнг Нодир қўлини кўксига қўйди. Зеро, ҳар иккиси ҳам Қорақурт номини эшитиши билан қўрқиб кетганди. Тўғри, умрларида уни кўришмаганди. Бироқ у ҳақда шунақанги кўп ваҳимали гап эшитишгандики, мабодо «шаҳарга кепти» деган гап қулоқларига чалингудек бўлса, олди-орқаларига қарамасдан қочишга ёки оёғининг тагига ўзларини ташлаб, бир умр содиқ қул бўлишга онт ичишга тайёр эди. Ҳозир эса Чўпон уни ўлдиришни буюриб турибди.

— Нима қиламиз? — сўради Вали Ўктамнинг қабулидан чиққанларидан кейин Нодирдан.

— Нима қилардик, болаларни ишга соламиз. Қорақуртни ўлдирмасак, ўзимиз ўламиз. Ўлдирсак... Балки, ундаям онамизни кўрсак, ажабмас... — жавоб берди Нодир.

— Қизиқчингни ишга сол. Озгина чалғитсин. Пичоқлашни менга қўйиб берасан. У билан тикка олишолмаймиз.

Аммо режа иш бермади. Чойхона ёнида бирин-кетин тўртта машина тўхтаб, эшиклари баравар очилди. Тўсиннинг йигитлари баравар машинадан тушишди. Ҳаммаси бир хил кийимда, ҳаммаси бир хил — оппоқ шляпа кийиб олган. Яна ҳеч ким ҳеч кимга тавозе қилмади. Фақат биттаси телевизорниқидан кичикроқ, радиониқидан каттароқ қути кўтариб олганди. Шу боис уларнинг ораларида қайси бири Ўктам айтган Қорақурт эканлигини на Вали ва на Нодир била олди. Шу туфайли бирор-бир ҳаракатни амалга ошира олишмади.

Албатта, Ўктам ҳозиргина танишган, малакасиз, қўлидан тузукроқ иш келмайдиган тўдачаларнинг бошлиқларига ишонмаганди. Ана шу сабаб йигитларини чойхона эшигининг атрофига жойлаштирган, иккитаси билан ҳеч нимадан хабари йўқ одамдай ароқхўрлик қилаётганди.

Айни қути кўтарган Тўсин эди. Одатда, бунақанги қора ишларни энг паст лавозимдаги шотирлар бажаришади. Аммо эҳтиёткорлик ҳеч қачон панд бермайди. Шу боис қутини ўзи кўтарди ва йигитлари қуршовида чойхонага кириб борди. Уни елкасига оқ сочиқ ташлаган чойхоначи кутиб олди. Нафақат уни, балки йигирмага яқин одамни.

— Ассалому алайкум, хуш келибсизлар! — деди ўхшаш киёфаларга бирма-бир қараб чиқаркан.

— Чўпон қаерда? — сўради Тўсин.

Унинг овози ингичка эди. Худди қизларниқига ўхшаб кетарди.

— Тўрдаги хонада икки йигит билан маишат қилиб ўтирибди.

Тўсин йигитларига қараб илжайди ва кўзи билан ишора қилди. Ҳамма баравар юрди. Баравар Ўктам ўтирган хужрага кирди.

— Нима гап? — сўради гўёки ҳеч нимадан хабари йўқдай Ўктам.

— Меҳмонни шундай қабул қиладими? — деди Тўсиннинг йигитларидан бири.

— Меҳмон? — ҳайрон бўлди Ўктам.

— Ҳа, меҳмон. Наҳотки мени танимаётган бўлсанг?

— Танимадим...

— Тўсинман.

Ўктам мийиғида кулди. Шошилмасдан пиёласидаги ароқни ичди. Шошилмасдан газак қилди. Сўнг лаб-лунжани артиб:

— Сен Тўсин бўлсанг, мен боксчи Алиман! — деди.

— Тушунмадим...

— Тушунолмайсан! Сендақа пандавақи Тўсиннинг номини тилга олишга ҳақи йўқ! Сен лайчасан! Тушундингми энди, лайчасан! — деди Ўктам кўзини олайтириб.

Ана шундан кейин ҳақиқий Тўсин қўлидаги қутини ёнидаги йигитга бериб:

— Сен ҳали кимни ҳақорат қиляпсан?! Окани танимай қолдингми?! Каллангни сапчадай узиб ташлайман, мараз! — дея хезланди.

— Нима қиласан майнавозчилик қилиб? Бошқачароқ, ўзингга, обрўйингга яраша иш қилмайсанми, Тўсин?! — жавоб берди Ўктам пинагини ҳам бузмасдан.

— Ана энди қойилман! Умрингда кўрмаган бўлсанг ҳам, шунча одамнинг орасидан ажратиб ололдинг-а, сен ярамас! — дея кучоғини очганча олдинга ўтди Тўсин.

Ўктам ҳам ўрнидан турди. Ашаддий душмани билан қучоқлашиб кўришди. Ҳатто аёлларга ўхшаб ўпишиб ҳам қўйди. Сўнгра ўтиришга жой кўрсатди-да, Тўсиннинг йигитларига:

— Агар малол келмаса, эшикнинг олдини очиб қўйсанглар. Менинг йигитларим чойхоначининг ёнига бориб, у-бу нарса опкелишса... — деди.

Тўсиннинг биргина ишораси билан шотирлари дарров ташқарига чиқиб кетишди.

— Сендан хафаман, — деди Ўктам Тўсиннинг рўпарасидаги кўрпачага ўтираркан.

— Нимага энди? — мийиғида кулди Тўсин.

— Хабардор қип қўйсанг, амалингдан тушиб қолмадинг. Одамга ўхшаб меҳмон қилардим.

Тўсин унга жавоб бермади. Дастурхон ўртасидаги ароқ-

ни кўлига олди-да:

— Савол-жавобдан олдин юз-юз олайлик, — деди.

Улар биттадан қадаҳ кўтаришди.

— Очигини айтсам, — дея лаб-лунжини артди Тўсин,
— сени бунақанги жойда учратаман деб сира ўйламаган-
дим.

— Ўзинг ҳам келибсан-ку!

— Сенинг шу ердалигингни эшитиб келдим.

— Қулоқларинг яхши ишлайди.

— Энди, хизматчилик. Ўзингдан гапир.

— Менда деярли гап йўқ. Мана, кўриб турибсан,
кўнглим шу ерни тусаб қолганди. Қолаверса, ёшликни
бир эслайн деб келдим. Болалар билан маишат қилиб
ўтирибман.

Тўсин унинг гапларига қулоқ ҳам солмай, яна пиёла-
ларни тўлдирди. Тўқиштирмасдан бир кўтаришда ўзини-
кини ичиб юборди. Газак қилди.

— Маза аввалгидай. Ҳечам ўзгармаган. Ўн йилдан ошиб
кетди бу ерда ўтирмаганимга. Лекин шу охиригида роса
қимор ўйнаб, бир қоп пул ютганман. Омадим келган.
Шундан бери бу ерни энг омадли жой деб биламан.
Ҳозир ҳам, билсанг, шу нарса мени бу ёққа бошлаб
келди.

— Наҳотки?

— Бўлмасам-чи! Мен билан маишат қилгани келди
деб ўйлаяпсанми?

— Ўйлаганим йўқ. Сен текинга бир қарич ҳам юрмай-
сан.

— Менга қара, ростини айт, сен билан ҳеч қачон дуч
бўлмаганмиз, лекин қандай танидинг?

— Пешонангга ёзиб қўйибди. Ер юзидаги итларни бир
жойга тўплагандаям сен уларнинг орасидан ажралиб ту-
рардинг.

— Ҳаддингдан ошмаяпсанми, Чўпон?! — деди қовоғи-
ни уйган Тўсин.

— Мен ҳадимни яхши биламан, Қорақурт! — деб
Ўктам дастурхондаги ликопчадан бир бурда гўштни олиб,
оғзига солди.

— Сенга совғам бор.

— Анави қутими?

— Ҳа...

— Ўзингга сийлов! Ҳўкизни шўрва қилиб ичасан!

— Мен сенинг олдингга сассиқ арофингни ичиб, ўзингга ўхшаган ифлос гапларингни эшитгани келганим йўқ!

— Лайчаларинг нима истаётганингни айтишганди. Лекин бу ер ковакмас сен кирадиган!

Тўсин ортиқ чидолмади — томоқ қирди. Шу заҳоти хужра эшиги очилди...

* * *

Насима роса жон талашди. Ҳар қалай, унинг муштлари сира очилавермаганини кўрганлар шундай дейишди. Одам дунёга тўймаса, яна яшагиси келса, ажал билан шундай олишар экан. Аммо, барибир, ажалнинг қўли баланд келаркан. Олиниши керак бўлган жонни тана қанчалик қаршилиқ қилмасин, барибир, олиб кетаркан.

Бошқалар кўриб, кўнгли бузилмасин деган мақсадда унинг юзини оппоқ мато билан ёпиб қўйишибди. Ҳаттоки онасининг тепасида кўз ёш тўкиб ўтирган Паризод ҳам бирор марта матони кўтариб, мархуманинг юзига қарамади. Бўлмаса, онаси, жондан азиз инсони. Албатта, мархума кимлигидан қатъи назар, уни дунёга келтирган-ку, шунинг ҳурмати бўлиши керак-ку! Лекин Паризод матони кўтаролмади-да, онасининг юзига термилиб: «Аяжон! Аяжони-им!» деёлмади-да. Кўрқди-да. Онасининг куйиб кетган, кўрқинчли тусга кирган юзини кўриб, кейин бир умр эсидан чиқаролмай, қийналиб, эҳтимолки, жинни бўлиб юришдан кўрқди. Агар... Агар... Бошқача бўлиши мумкин эмас, бошқача бўлганида, Насима жон таслим қилмасди. Ҳамма аъзоси соғ эди унинг. Фақат, фақат асаби чатоқ эди, яна битта чатоқ томони, калта, тутуруқсиз ўйларди у... Оллоҳ кечирсин... Оллоҳ кечирувчи, қудратли зот!

Ранги оқариб кетган, кўзлари қизарган Паризод Маъруфни ҳовлига чиққанида кўрди. Йигитнинг қўли, кўкраги куйган эди. Ўша куюклар усти дока билан боғланганди. Паризод йиғлади. Йигит уни овутди. Индамай бошини эгиб туриб овутди. Гўёки бўлиб ўтган воқеанинг бош сабабчиси ўзидай. Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам, шундайдир. Агар Маъруф Толмас Бадриддиновичнинг уйига бормаганида, жанжални авж олдирмаганида, Паризод билан

бирга чиқиб кетмаганида, ёнғин содир этилмас, қизнинг онаси жаҳаннам азобини шу замоннинг ўзиданоқ бошламаган бўлармиди? Аммо Паризод уни мутлақо айбламаётганди. Асоси ҳам йўқ эди. Кўрган-билганлари асос ўрнига ўтмасди. Хўп, у шундай ҳисоблаганида ҳам Маъруфни айблармиди? «Уйимиз ёниб кетишига, аямнинг куйиб ўлишига мана шу шўртумшуқ айбдор» деб, айюҳаннос солармиди? Ҳеч қачон ундай қилмайди, қилолмайди ҳам. Қайтанга у Маъруфни энг яқин кишиси сифатида қабул қилиб турибди.

— Маъруф ака, — деди қиз кўз ёшини кафти билан артаркан, — дадамга қандай айтаман?!

— Хавотир олманг, ўзим айтаман.

Аммо бошқа одам аллақачон суюнчи олиб бўлган эди. Бундан ўқувчининг хабари бор, албатта.

Маъруф касалхонага борганида унга Толмас Бадриддинович уйига кетганини айтишди. Унинг қўнгли бироз хотиржам тортди. Чунки мудҳиш хабарни етказишдан соқит бўлган эди-да. Кейин яна нималардир содир этилса, у айбдор бўлмайди. Лекин Толмас Бадриддиновичнинг уйига кетгани ғалати. Аввал хотинини келиб кўрмайдими? Менимча, ўзидан хавотир олган. Чунки юраги ожизланиб қолган-да. Озгина қаттиқроқ ҳаяжонланса, хотинининг ортидан кетиб қолади-да. Эҳтимол, унинг кетгани дурустдир. Ҳар қалай, қўни-қўшни, таниш-билишни кўради. Бироз бўлса ҳам, ҳовуридан тушади. Ана ундан кейин бемалол хотинини кўради.

Маъруф минг хил ўй-хаёлларда изига қайтиб келиб кўрсаки, Толмас Бадриддинович қизининг ёнида ўтирибди. Бир қўли билан Паризодни кучоқлаб олган. Маъруф ўзини ноқулай ҳис этди. Бир хаёл «Кетсамми?» деб ҳам ўйлади. Аммо раис уни кўриб қолган эди. Шу боис ота-боланинг ёнига боришга мажбур бўлди. Салом берди.

Толмас Бадриддинович охирги икки-уч кунда ғалати нарсани ўзлаштирганди. Албатта, ўз жисмини, юрагини ортиқча қийнамаслик мақсадида шундай қарорга келганди: «Бунинг саломида нима бор? Ялтоқланишми, ҳурматми ёки яна бирор нима яширинми? Салом берганида, кўзини олиб қочди. Ерга қаради. Нега юзимга тики-

либ туриб салом бермади? Аниқлаш керак, аниқлаш. Ҳозир одамлар ўзгариб кетишган. Бундан ўн беш-ўн олти йил аввал бошқача эди. Ҳар бир одамнинг бир оғиз саломидан унинг кимлигини, нима мақсадда келганини билиб олардим. Ҳозир бўлса салом берганида ичидаги сири маълум бўлиб қолмаслиги учун кўзларини олиб қочадиган бўлиб қолишган. Шундай қилса, одам қийналадида. Лекин тажрибам катта, минг мақсадини латта-путтага ўрамасин, барибир, билиб оламан».

— Дада, — деди Паризод ва отасининг хаёлини бўлиб юборди, — Маъруф акам укамни қутқариб қолди. Ўзиям куйди.

«Ҳа-а, гап бу ёқда экан-да. Ўзининг геройлигини билдириб қўйиш учун атайин кўзини олиб қочиб салом берган экан-да» кўнглидан ўтказди Толмас Бадриддинович.

— Ҳа-а, шу боланинг борлигигаю шукур. Бир куни яхшилигини қайтарармиз.

Маъруфнинг ичидан зил кетди. У раисдан бунақанги оҳанг, мазмундаги гапни мутлақо кутмаганди. «Бирор нима умидвор бўлиб қилдимми?» хаёлидан ўтказди Маъруф ва энди ортига бурилиб кетмоқчи бўлганида, касалхона эшигидан врач чиқиб, Толмас Бадриддиновични чақириб қолди. Ўриндиқда биргина Паризод қолди. У Маъруфга термилиб ўтирарди. Қарашида ҳеч қандай маъно йўқ эди.

Албатта, таъзияга кўп одам келди. Бу ёғи кўшни колхознинг катталаридан тортиб райкомгача.

— Сизларга бир нарса бўлди, — деди райком Толмас Бадриддиновични четроққа тортиб. — Ҳали агрономнинг хотини ўлади, ҳали сизники... Очиғи, бир-икки кундан кейин инженер, бухгалтер, яна бошқаларнинг хотинлари ўлиб қолсаям ажабланмайман. Нима, ҳаммаларинг терим авжини кутиб турганмидинглар?!

У охирги гапни баралла айтди. Ён-атрофдагиларнинг ҳаммаси эшитди. Раиснинг обдан пўстагини қоқяпти, деб ўйлашди. Бундан фойдаланган райком эса паст овозда бошқа нарсани айтди. «Бирорта ҳўкизнинг баҳридан ўтиб, қурбонлик қилиб юборинг. Баъзида ирим-сирим-ням фойдаси тегади... Билишимча, уйни кимдир ёқиб юборибди. «Бензин сепилган» дейишди мутахассислар.

Текшир-текшир қилдирмадим. Бунақанги мараз ишни қилган одамни бир куни ўзингиз топиб оласиз. Бу ёғи соғлиқни асранг. Ҳали бизга кўп керак бўласиз», деди.

Толмас Бадриддинович унинг гапларини жон қулоғи билан эшитаркан, зўр бериб мулоҳаза юритди. Гапларнинг остидан гап қидирди. Шу боис райкомни паришон ҳолда қузатиб қўйди.

Толмас Бадриддиновичнинг қайғуси Ҳайбатулло учун байрам бўлди. «Бу яримта жон энди тамом. Саидга бекор пул берибман. Шундоғам пишиб турган экан. Шошибман, шошибман. Лекин, майли, шу пулнинг кетгиси келибди, кетибди. Бундан бу ёғига харажатнинг ўрнини қоплаб қўйишим керак» деган ўйга борди ва Толмас Бадриддиновичнинг ҳардамхаёллигидан фойдаланиб, райкомга, у билан бирга келганларга обдан хушомад қилди. Қўли кўксида минг эгилиб, таъзим қилиб кузатаркан, райкомнинг: «Толмас Бадриддинович бутунлай оёққа туриб кетгунича, колхозга бош-қош бўлиб тулинг», деган гапига: «Хўп бўлади, хўп бўлади», деди. Кейин таъзияхонага қайтиб келиб, кўкрак кериб юрди. Тимирскиланиб юрганларга: «Уни у ёққа ўтказинглар, буни бу ёққа ўтказинглар!» дея буйруқ берган киши бўлди. Бу ҳам бироз жонига теккач, ёнига Шокирни чақирди.

— Молхонага бор-да, катта ҳўкизлардан биттасини сўйиб, гўштини бу ёққа опкел. Одамларга: «Раисниқига оборяпман. Раис буюрди», деб айт, — деди Ҳайбатулло.

— Хўжайин, катталарининг ҳаммаси рўйхатда туради. Сўйиб қўйсам, бошимга...

— Эй-й, хумкалла! Қачон сен одам бўласан?! Рўйхатда турса, турибди-да. Айни шуларни сўйгин-да!

— Ҳимм, тушундим. Калла-почасини нима қилайин?

— Уфф! Агар тоғаларинг менга яхши ошна бўлишмаганида, орқангга иккита тепиб, думингни тугардим. Калла-почасиниям шу ерга опкел. Бирдан қозонга бос. Майитни тупроққа қўйганимизга икки соатдан ошиб кетди. Лекин бирортаям қозон қайнатмадинглар. Югур!

Ҳайбатулло кутилмаганда миясига келган фикрдан боши осмонда эди. Ахир шу йўл билан у раисга яна битта зарба берганди-да. Албатта, маккорликни касб этганлигига иймони комил эса-да, ичидагини сақлаб ту-

ролмади. Бош бухгалтер Нозим Пардаевнинг ёнига борди.

— Ҳисоб-китоб устасининг оёғи толиб қолмадими? — деди мийиғида қулиб.

— Асти сўраманг. Эрталабдан бери орқам ер искагани йўқ. Биров «Юр, ўтирамиз», демайдиам.

— Мана, биз айтамиз-да. Лекин рўйхатингизга тираб қўйиладиган яна бир нима чиқиб қолди.

— Нимаикан?

— Рўйхатда турадиган ҳўкизлардан биттасини сўйишга буюрибди.

— Йўғ-э, унинг жавобгарлиги катта-ку.

— Шуни айтаман-да. Битта хат қилиб, олдингисига тиркаб юборсак, битта қолипдан чиққандай бўларди-да.

— Лекин сал эрталик қилмасмикан? Ҳар қалай, уйи ёнди, хотини ўлди. Ўғли сал қолса куйиб кетаёзди. Шундай пайтда...

— Нозим ака, темирни қизиғида босиш керак!

— Биладан. Кўнгил бўлмапти-да...

Ҳайбатуллонинг қовоғи уйилди. Чўнтагига қўлини тиқди. Беихтиёр сигарета олиб, лабига қистирди. Кейин бурнини тортди.

— Сиз, — деди унинг афт-ангоридаги ўзгаришни кўрган Нозим Пардаев, — бироз шошмай тулинг. Ҳеч бўлмаса, бир-икки кун ўтсин, ана ундан кейин...

— Мени ҳовлиқмаликда айбламанг. Мен бугуноқ ёзиб, бугуноқ обориб беринг, деганим йўқ. Шу бир-икки кун ўтсин, деб турибман.

— Мен сизни тушундим. Аммо шу бир-икки кун ҳам оз-да. Кейин бошқачароқ йўл тутилгани маъқулмиди, деб ўйлайман.

Ҳайбатулло бошини сарак-сарак қилди-да, нари кетди. «Маъқул, тўғри гапирдингиз» дегиси келмади. Ваҳоланки, Нозим Пардаевнинг фикри уни қониқтирганди. Ҳақиқатан ҳам, бошқача йўл тутиш керак. Чунки райкомдагилар ҳам бир одамнинг устидан, бир хилдаги иғво ёзилган қоғозларни ёқтираверишмайди. Тўғридан-тўғри бориб, Толмас шундай-шундай иш қилди, дейиш Ҳайбатуллонинг обрўсини тушириб юборади. Бундан чиқди, яхшилаб ўйлаб, бошқача йўл тутиш керак. Аммо нега

энди шу бошқача йўл тутиш кераклиги Нозим Пардаевнинг калласидан чиқди. Нега у айтмади? Мана шуниси уни кўпроқ қийнаётган эди.

Агар унинг хаёлига Абдухалил келиб қолмаганида, Ҳайбатулло анчагача ўзини босиб ололмасди. «Ана калит, ана ечим», деди у ўзига ўзи ва идорага кетди. Борибоқ Абдухалилга кўнғироқ қилди. Гўшакни Зарифа кўтарди. Ёшгина қизча овозида бироз нозланиш билан:

— Алло, — деди.

— Мен Ҳайбатулло бўламан, келин, Абдухалил уйда-ми? — сўради Ҳайбатулло.

— Эй-й, Ҳайбатулло ака, сизмидингиз? Овозингиздан танимабман. Укангиз ишга кетувди...

— Келганидан кейин менга битта телефон қилиб юборсин. Маслаҳатли иш чиқувди.

— Хўп, Ҳайбатулло ака, келиши билан айтаман.

Икки томонда ҳам гўшаклар қўйилди. Зарифа ортига ўтирилди. Қовоғини осилтириб, эрига қаради.

— Эшитдингизми? — деди.

— Эшитдим, ҳаммасинимас.

— Телефон қиларкансиз.

— Нега?

— Мен қаердан билайин?

— Балки, боришим керакдир. У бекордан-бекорга телефон қилсин, демайди. Ишқилиб, қиладиган ишимга тўрт-беш сўм берармикан? Бу ёғи киссаниям чатоғи чиқиб қолди.

— Киссангизнинг қачон чатоғи чиқмаган? Ҳар доим мирзақуруқ бўп юрасиз-ку!

— Бориди, лекин акам...

— Яна шуни эсимга солдингизми? Ўлсин ўша акангиз! Қишлоққа бормайдиган қилиб юборди! Шарманда қилди! Яна акамлайсиз! Бечора Шокир акада нима гуноҳ? Яхшиям, шу келиб, сизни мошинасига ортиб, уйингизга опкетаётувди. Ит! Одам ҳам шунақанги паст бўладими?! Ўзи уруғингизда тузукроғи борми?! Мен аҳмоқ келиб-келиб!..

У гапини давом этказолмади — йиғлаб юборди-да, югурганча ётоқхонага кириб кетди. Дарвоқе, ўша куни...

Ёнгинасида тўхтаган машина капоти устига Абдуха-

лилнинг акаси Пиён номи билан бутун қишлоқда машҳур Бердиқул ўзини отди. Шокирнинг бирдан жони чиқиб кетди. Сакраб машинадан тушди. Бердиқул пиённи роса сўқмоқчи эди, аммо улгурмади. Пиён бирдан унинг ёқасидан олди.

— Сен мараз, укамнинг хотинини қаерга опкетяпсан?! — дея ўкирди ва қулочкашлаб, жағига мушт тушириб юборди.

У шунчаки машинани тўхтатиб, бир-икки сўм ундирмоқчи, кейин шу пулга вино сотиб олмоқчи эди. Қараса, Шокирнинг ёнида келини ўтирибди. Бирдан жони чиқиб кетди. Шокир уни уради деб ўйламаган эди. Шу боис йиқилиб тушди. Бундан Бердиқул руҳланиб, уни тепишга тушиб кетди. Ана шу пайтда келин орага қўшилди.

— Нима қиялпсиз?! — дея қайнакасининг қўйлагидан ушлаб тортиди.

— Манжалақи! Сен бу билан нима иш қилиб келяпсан?! — ўкирди Бердиқул ва жувоннинг ҳам юзига тарсаки тортиб юборди.

У ёғи ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди. Шокир ўрнидан турди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган Пиённинг оч қорнига шунақанги мушт урдик, Бердиқул икки букилди. Шокир кейин сочидан чангаллаб, уни судраганча машинанинг орқа эшиги ёнига оборди. Эшикни очди. Дунё беҳабар ухлаётган Абдухалилни кўрсатди.

— Мол! Укангни кўряпсанми?!

Бердиқул гўлдуради. Бир нарсалар деди, лекин айтган гапини на ўзи ва на бошқа биров тушунди.

— Ака-ука пиёнисталар!

Шокир шундай дея Бердиқулга яна бир мушт тушириди-да, итариб юборди. Сўнг машинадан Абдухалилни суғуриб олди-да, ерга ётқизиб ташлади. Бу пайтда бақирчақирни эшитган беш-олти қишлоқнинг одами етиб келган, бўлаётган воқеага аралашмасдан томоша қилиб туришарди. Шокир сўкина-сўкина машинасига ўтириб, жўнаб кетди. Кейин Зарифа кетди. Юзини кафти билан бекитиб, йиғлаб, қарганиб югуриб кетди.

Шу кунийёқ у шаҳарга жўнади. Абдухалил эса эртасига унинг ортидан борди. Зарифа тўлиб турган экан, қарийб

икки соатдан кўпроқ эрининг кўзини очирмади. Айтмаган гапи, қилмаган ҳақорати қолмади. Ҳаттоки: «Мен сен билан яшамайман! Сен билан битта уйда тургандан, битта жойдан нафас олгандан кўра, итга хотин бўлганим минг маротаба афзал!» деди. Абдухалил унга гинг деёлмади. Деёлмасди ҳам. Ҳаттоки: «Сен Шокир билан мошинада нимани мўлжалловдинг?» деб уни сиқувга олмақчи эди. Шуниям қилолмади. «Балки, менга шундай туйилгандир. Балки, ўзимнинг ўйимни уларнинг гапи дегандирман. Ҳар қалай, Зарифа куйиб-пишяпти-ку...»

Мана, кечадан бери Зарифа эрига илк маротаба гапирганди. Аммо унинг ўзи акам, деди-ю, қовун тушириб қўйди.

— Менга қаранг! — деди тобора жаҳл отига минаётган Зарифа. — Қачонгача бировларнинг қўлига қараб яшайсиз?! Уялмайсизми бир-икки сўм берармикан дейишга?! Яна шарманда бўп келган қишлоғингизга қайси юз билан борасиз?!

— Биринчидан, мен хизматимга пул оламан. Иккинчидан, қишлоққа бормайман. Тўғри идорага ёки Ҳайбатуллонинг уйига бораман. Ишни битираман-да, дарров орқамга қайтаман.

Зарифа аччиқ кулиб:

— Сизга гап йўқ! Гап йўқ! — деди.

Абдухалил у ёққа ўтди, бу ёққа ўтди, охири яна қадрдон колхозига кетишга қарор қилди. Зарифага ҳам шу маъқулдай эди. Шунинг учун монелик қилмади. Эри чиқиб кетганидан кейин эса (дарвоқе, у илгаригидай эшикни қулфламади) телефоннинг ёнига бориб ўтирди. «Шокир ака, мени кечиринг. Сизни ёмон уятга қўйдим. Агар шунча узоқда туриб, хаёлимни ўқий олсангиз, бугун келасиз. Мен... Мен сизнинг кўнглингизни оламан» дея ўйлади.

* * *

Саидга яна омад кулиб боқди. У ўтирган жойга биров уни қидириб келолмади. Шундай эса-да, ярим кечагача жойидан қимирламай ўтирди. Совқотди, қорни очқади, лекин ҳеч қаерга кетмади. Ўтираверди-ўтираверди. Осмонни чарақлаган юлдузлар эгаллаб олганидан кейингина секин ўрнидан турди. Тўғри қишлоқнинг ўртасидаги

дўконга борди. Бир амаллаб дўкон деразасига ўрнатилган панжарани олиб ташлади-да, ичкарига кирди. Кассани ўмарди. Бир қанча егулик, ичгуликлар, сигарета олди. Кейин секин чиқди. Сўнг пою пиёда район марказига жўнади. Эндигина тонг отиб, қуёш кўтарила бошлаганда, шоҳ бекатга етди. Шаҳарга кетадиган биринчи автобусни ўтказиб юбориб, иккинчисига минди. Чунки биринчисидан одам кам эди. У ер-бу ерда автобусни тўхтатиб қолишса, уни ушлаб олишади. Кўпчилик билан кетганинда, кўздан қочиришлари мумкин. Шунга қарамай, у шаҳарга етгунича юрак ҳовучлаб кетди. Ҳатто ойнадан ташқарига қарашга кўрқди. Кўзини чирт юмди-да, пешонасини олдинга ўриндиққа тираб олди. Кўрганлар уни ухляпти деб ўйласин, деди. Аммо, ростдан ҳам, ўлгудай уйқуси келаётганди. Бироқ ички ҳадик ухлагани қўймади.

Шаҳарга борганидан кейин эса биринчи дуч келган ошхонага кириб, қорнини тўйғазди. Назарида, хавф ортда қолгандай эди. Шунга қарамасдан, у атрофга олазарак қарар эди. Ҳамма кўзига шубҳали кўришиб кетаверди. Илгари қаердан паноҳ топишни биларди. Бироқ энди у жойга ҳам сиғмайди. Нафақат сиғмайди, кўриб қолишса, уриб ўлдиришади. Чунки ўша рестораннинг хўжайини-ю хизматчиларини чув тушириб кетганди-да.

Борадиган жойи бўлмаганидан кейин у боши оққан томонга кетаверди. Бир неча марта мелисаларга дуч келди. Аммо Саидни уларнинг бирортаси ҳам тўхтатмади, саволга тутмади. Шундан кейин бироз эркинлашган Саид чўнтагига қўлини тиқиб, гўдайиб кетаверди ва истироҳат боғига бориб қолди. Ним қуёш нури тушиб турган ўриндиқни топиб ўтирди. Ана шу пайт чарчоқ уни енга бошлади. Бирпасда кўзи уйқуга кетиб қолибди. Бир маҳал қизларнинг қиқирлашиб кулгани эшитилди. «Узоқда бўлса керак... Шуларга маза-да, ташвишлари йўқ, маза қилиб юришади» ўйлади у ва эринчоқлик билан кўзини очиб қараса, қўшни ўриндиқда уч қиз музқаймоқ ейишяпти, ора-чора бир-бирларига бир нималарни айтиб, кулишяпти.

Саид сигарета тутатди ва оғриб қолган бўйнини силаркан, миясига келган ўйдан кўзи чақнаб кетди. «Секин шу қизларнинг орқаларидан пойлаб бораман. Мабодо

бирортаси ажралса, ўша менинг ўлжам бўлади» дея ўйлаган эди у.

Орадан ярим соатга яқин вақт ўтганидан кейин шўхшодон қизлар ўринларидан қўзғалишди. Саид ҳам қўзғалди. Ортларидан тушди. Бахтига, қизлар бир бекат ҳам юрмасларидан ажралишди. Иккиси тўғрига, биттаси чап томонга кетди. Ана шу чап томонга қайрилгани, бошқаларига нисбатан новчароғи, сочларини орқасига ёйиб олгани, боя дугоналарига қараганда кўпроқ гапириб, кулгани яна бир-икки марта Саидга қараб қўйгани унинг ўлжаси эди...

* * *

Маъруф уйига борганидан кейин қотиб ухлаб қолди. Чунки шунча кунлик азоб унинг тинкасини қуритган эди. Туш кўрди. Тун эмиш, у учаётган эмиш. Қандайдир шаҳар тепасида. Чироқлар, қорайиб турган кўп қаватли уйлар кўриниб турармиш. У учиш баландлигига қаноат қилмабди. Яна, яна баландга учибди ва кутилмаганда электр симига дуч келибди. Улар жуда кўп эмиш, ҳар томонга тортиб ташланган. Маъруф тегиб кетмаслик учун бироз пастлабди ва сим тортилмаган жойни топиб, айнан шу ердан тепага учиб ўтибди... Сўнг, сўнг... уй ичида пайдо бўлибди у. Ташқарида уни милиция қидириб келганмиш. Осмонда учгани учун қамаб қўйишармиш. Учишга тегишли жойдан рухсат олмагани учун қонун олдида жавоб бериши шарт экан. У эшик тепасига учиб чиқиб олди. Тўрт нафар милиция ходими олдинма-кейин кириб келишди.

— Алдашибди. Шу ерда ўтирибди, дейишганди, — деди улардан бири.

— Кимдир хабар берган-у, қочишга улгурган, — деди иккинчиси.

— Ота-онасини қўлга оламиз, шунда ўз оёғи билан келади, — деди учинчиси.

— Оёғи билан келмайди, учиб келади. Кўрамыз, камерада қандай учаркан? — деди тўртинчиси.

Кейин тўрталаси бараварига ҳиринглаб кулишди. Кулгилари бирам ёқимсиз, бирам ёқимсиз. Худди ялмоғиз кампирникига ўхшайди.

Маъруф бирдан уйғониб кетди-да, бошини кўтариб,

ҳадиксираганча ён-атрофига қаради. Хайрият, туш экан. У кўзини юмди. «Қани энди, ўнгимдаям учсам... Бошқача учардим. Умуман, ерга қайтмасдим. Учиб юрардим осмону фалакда. Мабодо қайтсам ҳам, океанга қайтардим. У ерда одамлар йўқ. Фақат балиқлар яшайди. Йиртқичлариям, мулойимлариям бор. Лекин одамлар йўқ. Қайси балиқлар йиртқичлигини яхши биласан, улардан ўзингни олиб қочиб юрасан. Зўр. Лекин одамларнинг яхши-ёмонини ажратиш шунақанги мушкулки, қандай ўлжага айланганингни сезмай қоласан».

Ташқаридаги гудинг-гудинг гап унинг хаёлини бўлиб, ўрнидан туришга мажбур этди.

Ҳаво анча совиб қолгани боис нонушта уйга кўчган эди. Ота-онасининг уйига. Ана шу сабаб оиланинг Маъруфдан бошқа аъзолари ичкарида эдилар. Ана шу сабаб Маъруф ташқарида кимлар гаплашганини билолмади. Биттасининг овози отасиникига ўхшаб кетарди-ю, лекин Норқул ака ҳеч вақт тушуниксиз сўзламаган. Ювиниб, «гудинг-гудинг» эгаларини қидирганча атрофга олазarak боққан Маъруф излаганини тополмай, уйга кирди. Уни кўриши билан синглиси дик этиб ўрнидан турди. Сўнг аканинг ёнидан ўтиб, ташқарига йўналди. Маъруф кўрпачага ўтириб, отасининг бир-иккита кесатиқ гапларини эшитганидан кейин синглиси ширчой олиб келиб, дастурхонга — акасининг олдига қўйди.

Ота гапирмади, сингил гапирмади. Маъруф ҳам жим. Фақатгина она шўрлик ора-чора бир нималар дейди. Ота ва болалар орасидаги совуқликка ўзининг ширин сўзлари билан илиқлик киритмоқчи бўлади. Аммо ҳеч нима ўзгармайди. Ота ичида кек сақлаган, ўғил совуқроқ бир нима эшитиб қолишдан чўчийди. Аксига олиб, манави қиз ўлгур ҳам миқ этмайди. Жилла курса, куйиб-пишаётган энасининг гапини давом эттирмайди. Шу боис Намуна опанинг гаплари узилиб қолаверади.

— Одамлар маккасини ўриб, сўтасини қайириб, уйига тиқиб олди. Бизники турган жойида чирийди. Ё мен ўзим чўлоқ ҳолимда ўришим керак. Бу уйда мендан бошқа эркак йўқ-да, — деди Норқул ака овқатини еб бўлгач, тилининг остига бир чимдим нос ташлаш учун чўнтагидан носқовоғини оларкан.

— Бугун ўраман... — минғирлади Маъруф.

— Йўқ, ўрма. Сен раисникага боришинг керак. Уйи ёниб, бургалари кўчада қопти. Шуларга бошпана қилиб бермасанг, Толмас Бадриддинович хафа бўлади.

У нос отди. Сўнг жаҳл билан фотиҳа ўқиди-да, ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди.

— Сен хафа бўлма, — дея ўғлининг кўнглини кўтармоқчи бўлди Намуна опа. — Отангнинг феълини биласан, мана шундай ҳар-ҳар замонда айниб туради.

— Йўқ, эна, отам тўғри айтяпти. Ўқишни битириб, уйга келганимдан бери кўлимни совуқ сувгаям урганим йўқ. Ўроқ қаерда?

— Оғилда, — дея онасининг ўрнига жавоб берди Маҳлиё.

Намуна опа қизига ўқрайиб қаради. Аммо лом-мим демади.

Ҳаш-паш дегунча Маъруф ишга берилиб кетди. Қўли ишда, хаёли дунёнинг ҳар бурчида эди. У кўрган тушини бир неча марта ёдга олди. «Ниманинг аломати экан?» дея ўйлади. Кейин, албатта, район марказидан «Туш таъбири» китобини олиб, ўқиб кўришни кўнглига тугиб қўйди.

Орадан бир ош дамлагулик вақт ўтди. Шунгача йигит бир марта ҳам қаддини ростламабди. Бирпасда томорқасининг хийла жойи ялангликка айланди. Охири унинг бели қотиб қолди ва дам олиш учун ўтирди-да, сўталардан биттасини қайириб олиб, эрмакка донини ситаётганида, шитирлаган товуш эшитилди. Аввалига у бирорта ҳайвон маккапоя орасида юрибдими, деган хаёлга борди. Кейин ит шатир-шутур қиляпти, деб ўйлади. Аммо ҳеч кутилмаганда Маъруфни ҳайрон қолдириб, Наргиза чиқиб келди. Йигит беихтиёр ўрнидан турди-да, унга тикилди.

— Маъруф ака, — деди қиз йигитнинг ёнига етгач, лаби титраб.

Унинг овози фавкулудда бўғилиб қолганди.

— Тинчликми, Наргиз, маккапоя орасида нима қилиб юрибсан?

Қиз гапиролмади. Унинг қизарган кўзи гирдидаги кип-

риклари пирпирарди. Кейин боши ҳам қимирлаб-қимирлаб кетаётганди. Бу ҳол нимадандир далолат. Қандайдир касаллик бошланыпти унда. Дарров дўхтирга кўрсатмаса, иш чатоқ. Бу қиз бир балони бошлайди.

— Ҳозир мен Маҳлиёни чақираман, уйга кириб...

— Йўқ, — дея унинг гапини бўлди Наргиза, — мен... Менга акамдан қасд олишимга ёрдам беринг!

— Нега? — ҳайрати ошди Маъруфнинг.

— У энамнинг қотили! Энамни ўлдирди! Энди ўлдирмасам, бўлмайди! Фақат тезроқ! У бирор ёққа қочиб кетмасин! Сиз шаҳарни яхши биласиз-ку! Шаҳарда ўқигансиз-ку! Уни дарров тополасиз, тўғрими?!

— Ҳа, тўғри, лекин ҳозир сен уйга кетишинг керак. Бир-икки кун ўтсин, ана ундан кейин биргалашиб шаҳарга борамиз, мен сенга уни топиб бераман. Хоҳлаганча қасд оласан.

— Маъруф ака, сизни севганим ҳақи-ҳурмати, вақтни ўтказманг.

Маъруф ортига бир қалқиб кетди. Қизга нисбатан қайғуси ошди. Аммо айни чоғда у Паризодни ҳам эслади. Бир хил ҳолат, бир хил муҳаббат. Танла. Аммо шуни нутмаки, барибир, фожиа юз беради.

* * *

Эшикдан Тўсиннинг эмас, Ўктамнинг йигитлари кириб келишди. Чўпон пиқирлаб кулди. Қорақурт бақрайиб қолди. Ахир у умрида бирор марта бунақанги аҳволга тушмаганди-да. Тўғри, қалтис вазиятлар бўлган, аммо ўшанда ҳам унинг қўли баландлиги сезилиб турган. Ҳозир эса... Ҳозир у мутлақо чорасиз аҳволда қолди. «Оёғим тортмаганди. Аммо ўзимни мажбурладим. «Бораман-у, яксонини чиқариб келаман», дедим. Бироқ... қанчадан бери мен бу ерда бўлмагандим. Тош-тарози, шароитга эътибор бермабман» хаёлидан ўтказди у жилмайиб.

— Шуларни чапак чалиб чақирганмидинг? — деди ҳамон иржайиб ўтирган Ўктам йигитларни кўрсатиб. — Марҳамат, қандай буйруғинг бор, бемалол беравер. Жон-жон деб бажаришади.

Тўсин дастурхон устидаги шишага қўлини узатди. Пиёлали тўлдириб шайтон сувидан сипқорди. Ана ундан

кейин лаб-лунжини артиб:

— Мени туширдим, ўтдай туширдим, дедингми? Шунинг учун иржайиб-тиржайяпсанми? — деди.

— Сенда ақл борлигига гумон қилгандим. Ақлинг бўлганида, бошқа жойларда ҳали унинг, ҳали бунинг орқасидан кесак олиб юрмасдан шу ернинг ўзида обрў деган нарсадан бир ҳовуч топган бўлардинг.

— Гапни кўпайтирма! Ҳар ким ўзига аталган жойда кўкаради! Ўлдирмоқчимисан, ўлдир! Манави лайчаларингнинг олдида бодилик қилиб, ўзингни осмон чоғлама!

— Мен сени ўлдирмайман. Ҳозирча ўлдиришимга лойиқмассан. Итваччаларинг бир ёқли бўлди. Қара, шуларнинг ҳам обрўлари бор экан... Хизматимни қиласан!

Ўктам кўлларини мушт қилиб, кўзини олайтирди. Худди ана шу маҳал эшик ёнидаги шотирлари ўзаро кўз уриштириб олишди. «Шефни танлашда адашмаган эканмиз. Бир чўқишда ҳар қандайини қочиради» деган маъно бор эди бу қарашларда.

— Даҳшат! Шунчаки даҳшат! Бундай дейсан деб сира ўйламаган эдим. Лекин сен жуда қаттиқ адашдинг. Агар ҳозир имкониятинг борида пешонамдан дарча очмасанг, кейин афсусланасан. Чунки сени соғ қўймайман! Билсанг, менинг кўлимга тушган одамлар жаҳаннам азобини тартади.

— Шунинг учун сени ўлдирмайман-да. Қани, битта-битта олайлик, ана ундан кейин ресторанга борамиз. Мен бир жойга буюртма бериб қўйибман. Майшат қиламиз. Аслида, сени меҳмон қилмоқчийдим. Қарасам, авзойинг бошқача, ўз хоҳишинг билан келмайсан. Шунинг учун гарчи хафа бўлсанг ҳам, шундай йўл тутишга мажбур бўлдим.

Тўсин ичида ижирғанди. Биладики, бу ярамас Чўпондан яхшилик чиқмайди. Аммо у нимани режалаштиряпти? «Ресторанда бало борми? Балки, ресторан деб бутунлай бошқа ёққа олиб борар... Балки, у аввал менинг бойликларимга эга чиқиб, ана ундан кейин гумдон қилар... Аммо мен ҳам кўл қовуштириб ўтирмайман. Биринчи имконият бўлганидаёқ жуфтакни ростлайман, ана ундан сўнг бу Чўпоннинг суробини тўғрилайман.

— Нега жимиб қолдинг? Ё ишрат ҳақини тўлатади деб

ўйлаяпсанми? — сўради тусини ўзгартирмаган Ўктам.

— Башарти шундай бўлса-чи? Биттагина товуқ оёғининг нархи бир-икки отар қўйники билан тенг бўлса-чи?

— Агар шунақа бўлса, иложинг қанча, тўлайсан, аввал манавини ол, — деб Ўктам унинг қўлига пиёлани тутқазди.

Ўктам ёлгон гапирмаган экан, уни, ҳақиқатан ҳам, ресторанга олиб борди. Фақат бу ресторан шаҳар ташқарисидаги тепаликка қурилган эди. Яна унинг ёнида йўловчи ташувчи самолётнинг макети ҳам бор. Тўсин уни илгари бир неча марта кўрганди. Бироқ сира ёнига келмаган экан. Бу ердаги ресторани эса... эслаёлмади. Демак, бирор марта ҳам бу ресторанда овқатланмаган. Бундан чиқди, арзанда емакхона яқинда очилган.

Майин мусиқа янграётган экан. Икки нафар сариқ сочли, елкаси очиқ, калта қўйлакли қиз шунга монанд хиргойи қиляпти. Аммо бирорта ҳам хўранда йўқ. Бешолтита столлар устида ювуқсиз идиш, шиша турибди. Шунинг ўзиёқ буюртма олдиндан режалаштирилмаганидан далолат беради. Тўсин қачон, қандай қилиб Ўктам шу ерга келишни ихтиёр этгани билан қизиқиб ҳам ўтирмади. Унинг бутун ўй-хаёлини «Ярамас Чўпон нима қилмоқчи?» деган ўй эгаллаб олган эди.

Ўктам энг тўрдаги столга бошлади. Улар ўтириши билан шўх мусиқа янграй бошлади. Бу Ўктамга ёқмади. У қўлини юқорига кўтариб, чолғучиларни тўхтатди. Кейин «йўқолинлар» дегандай ишора қилди ва хизматчига энг аввал ароқ олиб келишни буюрди. Унинг буюртмаси кўз очиб юмгунча адо этилди.

— Гаплашиб олайлик, — деди ундан кўзини узмай ўтирган Тўсин, — ҳаммаси кейин бўлади.

— Гаплашадиган гапнинг ўзи йўқ. Мен сени меҳмон қилмоқчиман, тамом-вассалом.

— Меҳмон қилдинг, етарли.

— Йўқ, униси ўтмайди. Бу ерларнинг эгаси мен бўлман. Тушундингми, мен. Шундай экан, кимки келса, дастурхон ёзиб, меҳмон қиламан.

— «Хўжайинман! Сен меҳмонсан. Бошқача бўлиши мумкин эмас», демоқчисан. Қолган нарсаларниям тушун-

дим.

— Тушунган бўлсангиз, ҳурматли узоқдан келган меҳмон, босиб ўтиринг, — деди Ўктам иржайиб ва бошини кўтарди-да, қўшиб қўйди: — Нимага қараб турибсанлар? Бошланглар, анчадан бери маишат нималигини билмасдим. Бугун Тўсин баҳона би-ир кайф-сафо қилайлик.

Дарров мусиқа янгради, хизматчилар югуриб қолишди. Кўз очиб юмгунча столнинг усти нафсни қондирувчи егулик ва ичкиликлар билан тўлиб-тошди. Тўсин ҳеч нимани ўйламай қўйди: «Беришяпти экан, ейман, уришса, унгаям елкамни тутиб бераман. У ёғига нима бўлиши ёлғиз Худога аён».

Кўп ўтмай, ресторанга тунги капалаклар учиб келишди. Аввалига ўртада роса рақс тушишди. Кейин айшу ишрат қилгувчилар ёнида пайдо бўлиб, ҳали унисига, ҳали бунисига суйкала бошлашди. Бир қарашда, ҳақиқатан ҳам, Ўктам Тўсинни чин кўнгилдан, астойдил меҳмон қилаётганга ўхшарди. Аслида, у ўзи Қорақурт деб атайдиган одамга кимлигини кўрсатиб қўймоқчи, ана ундан кейин гапига кириб хизматига ўтишга рози бўлса, фойдаланмоқчи, йўқса, ўлдириб юбормоқчи эди.

— Пулинг борми?! — деди капалаклардан кўзини узмай завқланиб ўтирган Ўктам. — Бўлса, мана мундай қилиб қўй.

Капалакларнинг ҳар бирининг сийнабандига Ўктам элик сўмдан тиқиб қўйди.

Тўсин сира ўзи билан пул олиб юрмасди. Бари шотирларида бўларди. Энди шотирлар йўқ. Демак, пуллар ҳам.

Ўктам хохолаб кулди.

— Эй, мирза қуруқ! — деди ҳайқириб ва яна биттадан элликталикини олдингиларининг ёнига териб қўйди.

Тўсин мулзам тортди. Зеро, одамни ерга уриш, устидан кулишнинг айна дақиқада бундан зўр усули йўқ эди.

— Майнавозчилик қилма, сен атайлабдан ерга уряпсан! Ундан кўра ўлдир мени! — қичқирди у.

— Улгурасан. Улгурасан. Ҳали бор. Ҳали маишат қил! Бу ердан чиқиб, саунага борамиз! Яхшилаб терласанг, ҳаммаси чиқиб кетади! Хо-хо-хо!

Тўсин бошини эгди. Қўлини мушт қилди. Бир хаёл стол устидаги санчқини олиб, аввал манави ярамас Чўпон-

нинг кекирдагига, сўнг ўзиникига тиқишни ўйлади. Кейин бу фикрдан қайтди. Чунки энди ўладиган бўлса, армонда кетади. Гўридаям тинч ётолмайди. Қасдини олади, ана ундан сўнг у ёғи нима бўлса бўлади.

У қутилмаганда ўрнидан сапчиб турди ва капалаклардан бирининг белидан кучди-да, рақсга туша бошлади. Буни кўрган Ўктам қарсак чалиб юборди.

— Ўзингга келяпсан, Қорақурт! — дея ўкирди.

«Сен ҳам ҳализамон ўзингга келиб қоласан, ит! Мен ҳам шундай масхара қилайинки, туғилганингга пушаймон е! Мана шу кучоқлаб турганим сассиқ сувини оғзингга қуяди», хаёлидан ўтказди у ва ҳайқирди:

— Тур, ўйна, майшат қил! Саунагача тетиклашиб ол! Бўлмаса, бир қоп гўшт бўлиб қоласан!

— Мендан хавотир олма! — деди унга жавобан Ўктам ва шотирларидан бирини ёнига чақирди-да, қулоғига шивирлади.

«Бу ит яна ниманидир бошлайдиганга ўхшайди. Ўлдириш ҳам бир ҳисобдан қасд олишга киради. Агар ҳозир кўнглимдаги ишни қилмасам, кейин бунақанги имкониёт бўлмаслиги мумкин» хаёлидан ўтказди Тўсин ва капалакни қаттиқроқ кучганди, қиз инграб юборди.

* * *

«Ўзим ўтираман, сизлар хавотир олмасдан кетаверинглар. Бир феълим айниди, айниди. Шунга шунчами, кетаверинглар. Уйдагиларинг ҳам хавотир олишаётган бўлса керак», дейишига қарамасдан Саида кетмади. Куёвиг айтдики, «Биттагина опам бор, агар шу опамга бир нима бўладиган бўлса, яшашимга ҳожат йўқ. Илтимос, рухсат беринг, мен қолайин, сиз бораверинг, аяжоним тушунган аёл-ку», деди. Куёвнинг-да кетгиси йўқ эди. Саидага шунчалик қаттиқ боғланган эдики, бирпасга бўлса-да уни ёлғиз ташлаб кетолмасди. Шундай эса-да, кетмаса бўлмасди. Ахир қайси куёв хотинининг опасиникида шунча кун туради? Она минг тушунадиган бўлса-да, алами келади. Жаҳли чиқади. Билиб-билмай бир нарсалар деб қўяди. Шуларнинг ҳисобига зўрға қадам ташлаб, уйига кетди.

— Кўзинг ёмон, кулгичинг ёмон, нозланишинг ёмон сен қизнинг, — деди Сумбулхон куёви дарвозадан чиққанидан сўнг. — Қара, бечорани нима аҳволга солиб

қўйибсан? Жуда бунчалик қилиш ҳам керакмас. Кўз тегиб қолади.

Саида жилмайганча бошини қимирлатди-да:

— Мен нима қилибман, ўзи-да ёпишиб олган, — деди ишва билан. — Бундай олиб қараса, сиз ҳам мендан қолишмайсиз. Поччамнинг сизга еб қўйгудек термилганини неча марталаб кўрганман.

— Бўлди, бу гапларни қўй энди, поччангнинг йўриғи бошқа экан. Аслида, бошида сенинг гапингга қулоқ солишим керак экан. Соғ пайтида яхши эди. Мени қийнамасди. Лекин касал бўлиб қолса... Шундай пайтда билинаркан, иккинчилигинг. Уфф... Саи, асалим, битта ош қилайлик. Опа-сингил маза қилиб еймиз, хўпми?

— Келишдик.

Сумбулхоннинг бошидаги оғриқ, барибир, тарқамади. У гаплашсам, бирор нарсага уннасам, ҳаммаси ўтиб кетади, деб ўйлаганди. Йўқ, адашибди. Мана, неча марталаб хаёлга берилганча сингисининг гапларини эшитмай қолди. Дакки эшитди.

— Барибир, — деди охири Саида, — ўзингизга келолмаяпсиз. Менимча, узоқроққа, бирорта санаторийга дам олишга кетишингиз керак. Ҳаво алмаштирасиз, бутунлай бегона одамлар билан танишасиз. Шу билан умуман бошқача одам бўлиб қайтасиз.

— Тўғри. Жиянингни сенга қолдириб кетсам, яна яхши...

— Ҳеч қачон! — унинг гапини бўлди Саида. — Ўзингиз билан бирга олиб кетасиз. Ёлғиз ўзингиз кетиб, менинг бошимга яна битта почча бошлаб келмоқчимисиз?

Опа-сингил бирдан қиқирлаб кулиб юборишди.

— Балосан, Саида, ҳар нарсага ақлинг етади. Билмайман, мен нимага сенга ўхшаёлмаганман?

— Сиз менга ўхшаёлмагансиз, — дея пешонасини тириштирди Саида, — аслида, тескарисиз-ку, опа. Кейин...

У сўзлашдан тўхтади. Зеро, кейинги гап опасига оғир ботиши мумкин эди. Шу боис озгина тўхталишдан сўнг ўзани бошқа ёққа бурди:

— Сизга ўхшаб ош қилолмайман.

Саида қўлида пичоқ, ярми тўғралган сабзига тикилганча ўйланиб қолди. «Сезди, барибир, сездириб қўйдим.

Бошқа гапни айтсам бўларкан. Эсизгина, опажоним-а, мени деб умрини ўтказиб юборди. Кейин, мана, иккинчи хотинлик... Сира рўшнолик кўрмади. Билганлар «Сумбулхон маза қилиб яшайди. Эри қоплаб топиб келиб, уйига ташлаб кетади. Бу хоҳлаганча ишлатиб, оёғини кўтариб ётади. Қайнонанинг хизматини қилиш, эрнинг уруғини ҳурматлаш, хушомад қилиш деган нарсалар йўқ бунда. Бало экан бу Сумбул», дейишади. Аслида-чи, аслида, ҳеч кимнинг бошига опамнинг куни тушмасин» хаёлидан ўтказди Саида ва Сумбулхоннинг ортидан келиб кучоқлади.

— Қорнинг анча катта бўп қолибди, эсон-омон кўзинг ёриси, жиянимнинг отини ўзим қўяман, — деди Сумбулхон.

— Хўп. Унда ҳозирдан тайёргарлигингизни кўраверинг, биласиз-ку менинг инжиқлигимни, дарров рози бўлавермайман, — дея қулди сингил.

— Саида, кўнглим сира хотиржам бўлмапти. Ошни еганимиздан кейин мен бориб поччангнинг ҳолидан хабар олиб келаман, кейин айтадиган гапларим ҳам бор. Балки, орани очиқ қиларман. Ўйлаб қарасам, поччангниям, ўзимниям қийнаб юбордим. Битта ўғлим бўлса, боқиб катта қилиш қўлимдан келади. Менга кўпроқ поччангнинг саломатлиги керак. Агар унга бирор нима бўлиб қолса, мен ўзимни кечирмайман.

— Майли, опа, боринг. Лекин орани очиқ қиламан, деманг. Ҳали соғайиб, касалхонадан чиқсин, ана ундан сўнг уйингизда бафуржа ўтириб гаплашиб оласиз.

Сумбулхон кўз ёшини синглисига билдирмай артиб олди-да, ишга уннади.

Ош тайёр бўлиб, опа-сингил егунларича қуёш бир те-рак бўйи баландликка келиб қолди. Шунда ҳам Сумбулхон фикридан қайтмади. Уйга кириб, роса ўзига оро берди. Аммо, барибир, шу куни эрининг ёнига бориш унга насиб этмади. Чунки Саиданинг мазаси қочди. Сув келди. Опа-сингил кўрқиб кетишди. Дарров «Тез ёрдам» чақирди. Дўхтир: «Сақланишга ётмаса бўлмайди, боладан айрилиб қолади», деди. Шу билан унинг қўшни районга бориши тўхтатилди.

Эртасига эрини қидириб борган Сумбулхон нохуш ха-

бар эшитди. Толмас Бадриддиновичнинг уйи ёниб кетган, хотини куйиб ўлган, ўғли касалхонада, раиснинг ўзи эса ҳали тўла соғаймасидан ёнган уйига кетган экан.

У бозорга тушди. Рўмол сотиб олди ва тўғри Толмас акасининг қишлоғига равона бўлди. Йўл-йўлакай таъзи-яга шошиб кетаётган аёлларга қўшилиб олди.

Майитни чиқариш палласида Сумбулхон эрини кўрди. У бошини эгиб турарди. Кўриниб турибди, бир қатра бўлсин, кўз ёш тўккани йўқ. «Мен ўлсам ҳам, у шундай турармикан?» ўйлади аёл. Бироздан кейин эса ичида қувониб қўйди. Ана шу маҳал унинг хаёлига бир латифа келди. Бир куни Гитлер оламдан ўтибди. Уни тупроққа қўйганларидан кейин ҳисоб-китоб фаришталари келиб, ундан: «Сен ўзингни қандай оқлайсан?» деб сўрашибди. Шунда Гитлер мағрур туриб: «Мен бутун инсониятга бахт бердим», дебди. «Қандай қилиб бахт беришинг мумкин?» дея ажабланибди ҳисоб-китоб фаришталари. «Мана, ўлдим-ку...» жавоб берибди Гитлер.

Айни лаҳзада ушбу латифа хаёлига келиши уни кулдириб юбораёзди. У рўмолининг учини тишлаб, «Аҳмоқ, нималарни ўйлаяпсан? Бир бечора азоб тортиб ўлди. Энди унинг ўлганига хурсанд бўляпсанми? Йиғиштир бунақанги бемазагарчиликни» деб ўзини ўзи яниб қўйди.

Бирин-кетин ҳамма тарқай бошлади. Сумбулхоннинг кетгиси йўқ эди. Эрини кўргиси келаётганди... Бунгача у ҳурлиқо Паризодни кўрди. Тавба, эркакки — эркак, аёллар ҳам уни яхши кўриб қолади. Тавба, йиғи ҳам ярашаркан унга. Аввал онаси билан бирга учратганида, кучли ҳаяжон сабабми, чиройига унчалик эътибор бермаган экан. У, ҳақиқатан ҳам, гўзал. Лекин жуда куйиб-пишмаётганди. Бошқа қизлар каби сочини юлиб, бошини деворга уриб, ерда думалаб айюҳаннос солмади. Ёки бўлмасам, ўзидан кетиб қолмади. Худди бегоналардек йиғлаб тураверди. Фақат онасини тобутда кўтариб олиб кетишаётганларида: «Мендан рози бўлинг, аяжон», деди. Шунда ҳам бақриб айтмади. Сумбулхон унга яқин турганди, шу боисдан эшитди. Ичида бир нима чирт этиб узилгандай бўлди. «Ҳеч кимнинг онаси бунчалик эрта ўлмасин» хаёлидан ўтказди у ва илк бор Насимага ачинди. Тўғрироғи, унинг қизига. Шу ачинишда ҳам қанча-

лик хоҳламасин, ён бергиси келмади.

Сумбулхон уйига қайтиб, синглисига эшитган-қўрган-ларининг ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб берди. Киприк қоқмай опасининг сўзларини эшитган Саида:

— Опа, поччам сизни олиб кетармикан энди? — дея сўради.

* * *

Паризод Сумбулхонни кўрди. Бирпасда хаёлига ўша касалхона йўлагидаги учрашув келди. У онасини айблаганди. Бекордан-бекорга бир бечорага тухмат қияпти, деб ўйлаганди. Ваҳоланки, бошқачага ўхшайди. Бўлмаса, бу хотин бу ёққа келмаган бўларди. Рақибаси ит азобида ўлганини эшитган заҳоти оёғини кўлига олган, ҳеч бўлмаса, мурдасининг устидан кулай деган. Мана, кулди ҳам, роҳатланди ҳам... «Дадам мен ўйлаганчалик оппоқ эмас экан-да, бундан чиқди... Шошма, Паризод, илгариям аям шунақа инжиқмиди? Ҳа, бориди инжиқликлари, лекин бу даражада эмасди, чамамда... Уйни аям ёққани аниқ. Лекин нимага кейин уйга қайтиб кирган? Ҳа, бўлди, укам ичкарида қолганини билмасдан ёқиб юборган-да, кейин... Ҳа, аям ўз-ўзидан шунчаликка бормаган. Бир нимани билганки, ич-ичидан қуйганки... Ҳозир бу хотиннинг ёқасидан оламан. Бутун бошли оилани йўқ қилиб юборишни кўрсатиб қўяман. Шармандаси чиқсин... Йўқ, Паризод, ўзингни бос, шундоғам одамлар кўз ўнгида ер билан битта бўлиб турибсан. Камига сен ҳам бир балони бошлама... Эҳ, ота, отажон! Мен сизга қанчалик ишонардим-а...»

У қўзидаги ёшни арта-арта ҳамсояси билан ажратиб турувчи девор остига қўйилган ўриндиққа бориб ўтирди. Ён-атрофда фақат хотин-халаж қолган, эркакларнинг бари мозорга кетишган эди. Рўмолининг учи билан кўз ёшини артди.

Отаси келди, қори тиловат қилди. Кириб ўтиришга уй йўқ, Паризод аёллар орасида гоҳ тиловат қилаётган одамни, гоҳ отасини кузатиб турди. Отасининг юзидан қайғу излади. Аммо ўша қайғу йўқ эди. Аслида, бор эди — сезилмади. Сезилмаганининг боиси «Бундан баттари ҳам бўлиши мумкин эди-ку. Қайғурганимда қаерга борардим?» дея Толмас Бадриддинович ўзини ўзи юпатаётган

эди. Уни ташвишга солган нарса эса сал кейинроқ содир бўлди. Гўшт келиб қолди. Эшмирза исмли тракторчи тележкасига ортиб келди. Камида уч юз килоча гўшт. Яна раисдан ҳам сўрамасдан, шу ерда хизмат қилиб юрган болаларга:

— Ҳов, бу ёққа келинглар! Гўштни туширишга ёрдам беринглар! — деб бақиряпти.

Аслида, шу бақиряпти бўлмаганида, Толмас Бадриддинович унинг гўшт олиб келганини умуман билмаган, қўрасидаги қўйларнинг бирортасини сўйдириш учун қассобга одам жўнатган бўларди.

— Қанақанги гўшт? — сўради у ҳайрон бўлиб, ёнида турган ҳамсоясидан.

Ҳамсоя елка қисди. Сўнг:

— Бирортага буюрган бўлсангиз керак-да... — дея қўшиб қўйди.

— Мен бировга гўшт опкел, демаганман, — деб Толмас Бадриддинович кўчага чиқди.

Кўрсаки, бутун колхознинг одамани бемалол тўйдиришга етадиган гўшт тележкада турибди.

— Қаердан опкелдинг буни? — сўради Толмас Бадриддинович тракторчидан.

Эшмирза иржайди, оқиб кетишга тайёр турган бурнини тортиб қўйди. Сўнг катта ишни бошлаб қўйгандай, бунинг ортидан нақ раиснинг шахсан ўзидан катта миннатдорчилик эшитадигандай гўдайиб:

— Молхонадан, — деди.

— Ким сенга опкел, деди?

— Шокиржон: «Раис буюрди. Ҳўкизлардан яхшисидан сўйинглар», деди. Ўзи бориб, қизил эстонни кўрсатди.

— Рўйхатда турадиган, наслчиликка олиб келинганими?

— Шундай, раис бола.

Толмас Бадриддиновичнинг эти жимирлаб кетди. Аммо дарров ўзини босди. «Менинг ишим эмас, мен айбдор эмасман, айбдор қамалади» дея кўнглидан ўтказди.

— Бўлмаса, бу ерга туширма, ҳозир мен сенга айтаман қаерга туширишни.

Толмас Бадриддиновичнинг атрофида анча одам тўпланиб қолган эди. Уларни бирма-бир кўздан ўтказаркан,

энг яқин қўшнисида тўхтади. У етмишни уриб қўйган пенсиядаги муаллим эди. Ҳалигача соқол қўймаган, ҳалигача костюм-шимни ташламасдан бўйинбоғ тақиб, оёқ кийимини ялтиллашиб мойлаб юрадиган одам эди. Ҳа, уни айнан одам деб атайди ҳамма. Яхши одам, иймонли одам, тоза, меҳнатқаш, ишончли ва ҳоказо таърифларга эга одам.

— Қобил ака, сиздан илтимос, Нозим Пардаев билан идорага борсангиз-да, ҳамма бригадирларни йиғсангиз. Кейин уларга манави — менинг номимга келган, гўёки мен Шокиржонга сўйишни буюрган ҳукумат ҳисобида турадиган ҳўкизнинг гўштини тенг тақсимлаб берсангиз. Яна ўзингиз бош бўлиб, комиссия тузинг. Комиссия аъзолигига тоза одамларни киритинг. Аъзо идорада ишлаши шарт эмас. Қоровул, сувчи, уста, мулла бўладими — фарқи йўқ. Беш-олти киши бўлса, етади. Хуллас, ҳўкизни мен сўйдирмаганим, Шокир ўзбошимчалик билан менга яхши кўриниш учун сўйганини протокол қилинг. Икки нусхада бўлсин. Биттасини участкавойга берамиз, иккинчиси ўзингизда қолади.

Раиснинг гапларидан ҳамма бирдай қотиб қолди. Толмас Бадриддинович шу пайтгача ҳали бирорта ҳам колхознинг одамига бунақанги ҳамла қилмаган эди. Одатда, ҳимоя қиларди. Ўғрисини ҳам, жанжалкашини ҳам.

— Сиз, — дея гапида давом этди раис Нозим Пардаевга юзланиб, — Қобил акага ёрдам берасиз. Ҳеч ким ортиқча гап қилмасин. Кимки Қобил аканинг ишига аралашса, демак, у ҳам Шокирга шерик.

Нозим Пардаевнинг ичидан зил кетди. «Энди катта жанжал бошланади. Мениям идорадаги умрим тугайди. Эҳ, нима етмасди менга? Келиб-келиб Ҳайбатулло аҳмоқнинг гапига кирибман-а!» кўнглидан ўтказди у.

* * *

Саид мумкин қадар унга яқинлашиш мақсадида қаддини тезлатди. Аммо етиб олмади. Тўрт қадамча берида кетаверди.

Кўп ўтмай маҳалла бошланди. Сидирғасига бир хил баландликдаги уйлар, яна кўпчилиги оққа бўялган. «Қиз кўринишидан райондан келганга ўхшайди. Лекин бу ёқдаги уйлар ижарага қўядиганларга ўхшамайди. Бундан

чиқди, у қайсидир қариндошиникида туради. Шуниси чатоқ бўлди-да, омадим яна кулиб боқди, деб ўйлагандим... Лекин охиригача борайин-чи, бир гап бўлар» ўйлади у.

Қиз тўртинчи кўчадан чапга бурилди ва яна йўлида давом этди. Саид шаҳарнинг бу қисмига сира ўтмаган экан. Аслида, шаҳарни яхши билмасди ҳам. Шу марказдаги истироҳат боғи, бир-иккита ресторан ва ишратхоналарга борган, у ерда шарт-шароитни ўрганган, лекин эски шаҳар томонга иши тушмаган эди. Шу боис яқинда қурилган иморатлар тугаб, тор йўлли пастқам уйлар бошланганида ҳайрон бўлди. Қиз ана шундай уйлардан бирининг рўпарасида тўхтади. Ўзининг калити билан эшикни очаркан, Саид томонга кўз ташлаб қўйди-да, ичкарига кириб кетди.

«Мана бунини омад деса бўлади. Қиз бир ўзи турадиганга ўхшайди. Амаллаб ичкарига кириб олсам, тамом, марра меники» дея ўйлади Саид. Аммо тезда эшик ёнига бормади. Бироз у ёқдан-бу ёққа юрди. Гўёки ким биландир ваъдалашиб қўйган-у, кутаётгани ана-мана келиб қоладигандай. Тагин жонивор гарчи соати бўлмаса ҳам, билагига қараб қўяди.

Ниҳоят, орадан ўн беш дақиқадан мўлроқ вақт ўтди ва у қиз кириб кетган уйнинг эшиги ёнига келиб, секин тақиллатди.

— Ким у? — ичкаридан майин овоз келди.

— Мен. Ҳамзани излаб келувдим.

— Кимни?

— Ҳамзани.

— Тушунмадим...

Эшик қулфи шириқ-шириқ этди. Боягина шу ҳовлига кирган қиз уй кийимида кўриниш берди. Унинг кўзлари чарақлаган, юзи оппоқ, қоши ингичка эди. Кўча кийимидан кўра унга уй кийими ярашаркан.

— Менинг исмим Ҳалима, кимни излаб келдим дедингиз?..

— Очиғи, — деди Саид юзига бечора тусини бериб, — роса чанқаб кетгандим. Шунга бир косагина...

Қиз мийиғида кулди.

— Чўлу биёбонда юрибсизми? — дея айёрона боқди.

— Чўлу биёбон? Ҳа, ҳалиги, биласизми... Нима десам экан, ўзимгаям жуда ноқулай бўлди. Шу десангиз, суви шариллаб оқиб турган кранларнинг қанчасининг ёнидан ўтдим. Лекин ичмабман-да. Кейин бирдан...

— Шу ерга етганингизда чанқаб қолдингиз?

— Энди шундай бўп қолди-да...

Қиз шўхгина эди. Шунинг билан бирга, шумгина. У бир қарашдаёқ рўпарасидаги йигитнинг кўзи ўйнаб тургани, ранги совуқлигини билган ва бу одамдан яхшилик чиқмаслигини сезганди.

— Сув... Демак, сув ичгингиз келган. Жудаям яхши, мен сизга сув бераман, — деб қиз бирдан эшикни ёпди-да, қулфлади.

Саид турган жойида ҳангу манг бўлиб қолди. Бундай бўлиши унинг тушига ҳам кирмаганди. Содда, ёшгина қизча Саид ташлаган қармоққа унинг ўзини илинтирди-я. Бўлмаса, у не-не одамларнинг илк кўришдаёқ ковушини тўғрилаб кетарди. Оғир ботди ва аламига чидолмай, девор пастлигидан фойдаланиб, бир сакрашда унинг устига чиқди. Сўнг у ердан ҳовлига тушди. Бу пайтда қиз чойнакни сувга тўлдириб, дарвоза томон келаётган эди. Бирдан юришдан тўхтади. Бошқа ожизалар каби бақириб-чақирмади. Қовоғини осилтирди. Бундан Саид яна довдиради.

— Хўш, мана, девордан худди ўғри мушуклардай ошиб ўтдингиз. Энди нима қилмоқчисиз? — сўради қиз.

— Нима қилмоқчиман?

Саиднинг хаёлига бошқа гап келмади. Дарвоқе, у нима десин? Ўзи нима қилмоқчи эди? Тўғри, шу қизнинг ортидан тушди. Унинг уйига киришни ният қилди. Аммо кейин нима қилишини ўйламаганди. Бунинг устига, бу қиз бошқача чиқиб қолди.

— Нега жимсиз? Рухсатсиз девордан ошиб ўтдингиз...

— Ҳа, ошиб ўтдим. Биласанми, нимага? Билмайсан, шунинг учун сув обораётгандинг менга. Шунинг учун...

— Етарли. Қолганини мелисахонага борганингизда гапириб берасиз, — деб қиз кўлидаги идишни ерга ташлаб юборди.

«Мелисахона» деган сўзни эшитиши билан Саиднинг эти жимирлаб кетди. Идишнинг ерга тушиши эса нақ

юрагини ёраёзди.

— Мен сени тушунмадим... — деди у ҳансираб нафас оларкан.

— Нимаси тушунарлимас? Сув олишдан олдин мелисахонага телефон қилдим. «Бизнинг кўчада шубҳали бир одам юрибди», дедим. «Мендан сув сўраяпти», дедим. Улар менга: «Бир нарсалар деб алдаб туринг, ҳозир етиб борамиз», дейишди. Шундай экан, кимсиз, нимасиз — ҳаммасини мелисахонага борганда айтиб берасиз. Айт-масангиз, ўзлари айттиришади.

Саиднинг кўзи олайиб кетди. Энди қутулдим деганида, мана бундай аҳволга тушиб турса... «Йўқ, қочиш, бошқа бирор жойдан бошпана топиш керак» деб ўйлади у ва энди ортига бурилган эди ҳамки, кўчадан машина овози эшитилди.

Тамом. Саиднинг бутун аъзойи бадани бўшашди, қалтиради. «Ётиб қолгунча отиб қол» деган ўй кечди Саиднинг хаёлидан ва қиз томон қайрилди-да, икки ҳатлашда унинг ёнида пайдо бўлди ҳамда бир қўли билан оғзини бекитди. Иккинчиси билан томоғидан бўғди.

— Агар типирчиласанг, бўғиб ўлдираман! Тез ичкарига юр!

Саид уни уйга олиб кирди. Қўйиб юборди. Қиз ўша-ўша. Қовоғи осилган, кўзида бир олам нафрат.

— Менга қара, — деди ҳали-ҳамон титроғи босилмаган Саид, — сен қиз ўзингдан кетиб қопсан. Агар мени шу ердан мелисалар ушлаб олиб кетса, сенинг ўлигинг эшикнинг тагида ётган бўлади!

— Бошқа гапингиз йўқми? — деди зиғирча ҳам ўзгармаган қиз.

— Бошқа гапим? Бошқа гапим бор. Мен ашаддий жиноятчиман! Беҳисоб ўғирлик қилганман, одамларни қўрқитиб, пулларини олганман. Одам ўлдирганман. Сенга ўхшаганлардан беш-олтитасининг шўрини қуритганман. Эшитяпсанми, сенга ўхшаган ёшгина қизчалардан беш-олтитасини-и-и!

Саид чидолмади — бақириб юборди. Аммо унинг томоғига зўр бергани ҳам қизга таъсир қилмади.

— Одаммас экансиз! Бемалол ўзингизни оссангиз ҳам бўлавераркан!

- Нима? Шундай одам уйингга кирса, кўрқмайсанми?
- Йўқ.
- Нимага кўрқмайсан?
- Акам прокурор.
- Прокурор аканг... Прокурор аканг ҳеч нарса қилолмай қолади. Тушуняпсанми? Балки, мен сени аввал топтаб, кейин ўлдирарман.
- Барибир, кўрқмайман.
- Нимага кўрқмайсан?! — бақриб юборди Саид.
- Чунки таэквондо бўйича республика чемпиониман.
- Нима?! Таэквондо?! Тушунмадим?!

Қиз довдираб турган Саиднинг жағига чунонам тепдики, йигит шўрликнинг кўз олди қоронғилашиб, гурсиллаганча полга қулади. Бирор дақиқа ўзига келолмади. Қўлини олдинга чўзиб, ўзича бир нималар қилган бўлди. Кейин кўзини очди.

- Айтдим-ку, — деди айёрона жилмайиб турган қиз, — ишонмадингиз...
- Сен... Сен...

— Ҳа, мен. Энди, ҳурматсиз жаноб, анави беш-олти қизнинг хунини оламан. Топтадим, дедингизми? Жуда яхши, демак, мен ҳам топтайман. Ялинасиз, лекин тошбағирман, ялинишингиздан роҳатланаман. Ўзи анчадан бери шунақанги ярамас жиноятчи дуч келишини орзу қилиб юргандим. Мана, ўз оёғингиз билан келдингиз, — деди қиз ва чаққонлик билан Саиднинг битта оёғини ушлаб кўтарди-да, қайира бошлади.

Саид умри бино бўлиб қиз боладан бунақа шармандаларча жазоланаман деб сира ўйламаган эди. Чинқириб юборди.

* * *

Шокир уйига келди-ю, костюмини ечиб отди. Хотин ҳайрон, болалар ҳайрон.

— Нимага менга безрайиб қараб турибсизлар? Мен қувонганимдан шундай қиялпман. Бугун менинг ҳақиқий омадим келди! Бугун мўлжални аниқ олдим! — деди Шокир бақриб.

— Дадаси, доим омадингиз келиб юраверсин-у, нега устингиздагини улоқтирдингиз. Сизни кўрган одам...

Аёлнинг гапи оғзида қолди.

— Бу иш учун шундан бошқаси бўлмайди, хотин, — деб у икки ўғил, бир қизига қаради.

Уларнинг учови ҳам мактабда ўқийди. Ҳар учови ҳам Абдухалил хотинини етаклаб келганида дарсда эди. Отанинг қилиқларини кўришмаганди. Кўрганларида борми?..

— Сенлар бориб мол-қолга қараб туринглар, мен аянг билан гаплашиб олай.

Болалар хўп дейишди. Ташқарига чиқиб кетишди. Ана ундан кейин Шокир хотинининг белидан кучоқлади.

— Қўйинг, нима қиляпсиз, биров кириб қолса...

— Майли, кўришсин, дадаси билан аяси бир-бировини қанчалик яхши кўришини.

— Яхши кўрасиз, сиз-а?! — дея аччиқ кулди жувон. — Абдухалилнинг акаси билан нимага жанжаллашдингиз? Сиз хурсанд бўлганингиздан кийимларингизни отмадингиз. Ҳамма ёғининг дабдаласи чиқиб кетгани учун, тупроққа ағананингиз учун...

Жувоннинг лаби титради. Ортиқ сўзлаёлмади. Шокирнинг эса бирдан ранги гезарди.

— Ҳа! — дея у хотинини қўйиб юборди. — Бердикул пиён билан муштлашдим! Ҳамма ёғим дабдала бўлди! Қолганиниям айтайинми?!

— Нимага мушталашасиз?

— Нимага?! Нимагалигини суюнчи олганлар айтишмадимми?! Мингтаси қараб турганди-ку!

— Дадаси, ўзингизни босинг. Олий маълумотли, шаҳар кўрган одамсиз.

— Босолмай қолдик-да, хоним. Сиз менинг гапларимдан кўра одамларнинг гапларига кўпроқ ишонганингиздан кейин нима қилайлик? Иржайиб-тиржайиб турайликми? Бу ёғи кучукдай ишлаб, топганимни чумолидай уйга ташисам-у, сен манави ерда туриб, мени сўроққа тутсанг. Эй, тўғри, аслида, шундай бўлиши керак. Мен бор-йўғи қулваччаман-ку! Қулваччалар эшакдай ишлайди-да, яна калтакланади, тўғрими?!

Аёл жилмайди. Секин эрининг белидан қучиб, бошини унинг кўксига қўйди.

— Шокир ака, мен сизга ишонаман. Мени кечиринг, хўпми? Шу ишга ўтганингиздан бери, ҳақиқатан ҳам, тиним билмаяпсиз. Балки, яна шу ўқитувчилигингизга

қайтсангиз бўлармиди? Ҳар қалай, ҳамма...

— Йўқ, орқага йўл йўқ. Энди-энди катталар қаторига қўшиляпман. Агар ҳозир ҳамма нарсани ташласам, ўша одамларинг устимдан кулишади, — деди негадир бирдан жаҳлидан тушган Шокир. — Дарров бошқа кийимларимни тайёрла. Шаҳарга кетаман.

Жувон эрини қўйиб юборди. Киприкларини пирпира-тиб, эндигина турмушга чиққан келинчақдай:

— Нега? — деди.

— Поездга улгуришим керак. Пойтахтга чақаришган. Семинарга. Областан уч кишини чақаришган. Шулардан биттаси менман. Бу обрў. Бу Ҳайбатулло аканинг веси.

Жувон ҳеч нарсага тушунмади. Бироқ хурсанд бўлди. Яна мактабга бориб, мақтанишга гап топилди. «Бутун бошли областдан фақат менинг эримни республикага семинарга чақаришибди», дейди. Ҳамманинг ҳаваси келади. Ҳамма ҳасад қилади. Уларнинг куйиб-пишиши унга мойдай ёқади.

Кун кеч бўлиб қолгани учун Шокир машинада йўлга чиқди. Машинани шаҳарда бирорта меҳмонхона ёнида қолдириб, у ёғига поездда кетмоқчи эди. Аммо шаҳарга етмасидан айниди. «Машинам яп-янги, дунёнинг нариги бошигача бемалол чопиб бора олади. Поездда эзилиб кетгандан кўра, ўзимнинг тойчоғим яхши» дея ўйлади ва газни янада қаттиқроқ босаркан, Зарифанинг жилмайиши, нозланишини кўз ўнгидан ўтказди.

* * *

Ҳайбатулло бундай бўлишини мутлақо кутмаганди. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандай осон кечади деб ўйлаганди. Аммо чучварани хом санаган экан. Шокирни уйига жўнатиб юбориши билан идорага Нозим Пардаев ва Қобил муаллим келди. «Раисдан буйруқ бор, — деди бош бухгалтер, — бригадирларнинг ҳаммасини идорага йи-гарканмиз».

Ҳайбатуллони энсаси қотди. Бошини қашлади.

— Ҳали одамга ўхшаб тuzалмаган, бунинг устига, бугун хотинини чиқарган бўлса, бригадирларни йиғиб нима қиларкан? Усиз ҳам эплаб турувдик. Шунчалик ишини соғиниб қолибдими? — деди.

У агар Қобил муаллим бўлмаганида яна бир дунё гапларни гапириб ташлаган бўларди. Шунинг билан бирга, Нозим Пардаевни ўйиб-ўйиб оларди. «Сенга эртароқ ҳаракат қилайлик, дедим. Пайсалга солдинг, мана, оқибати!» дерди.

— Раис: «Шокир молхонада сўйдириб, уникага опкелган гўштни бригадаларга бўлинглар», деди. «Кейин комиссия тузиб, протокол қилинглар», деди. «Қобил муаллимга комиссия раҳбарлигини топширинглар», деди...

— Эҳҳе! — деб юборди Ҳайбатулло Нозим Пардаевнинг гапини бўлиб. — Мен нимамиш дебман. Нима, шу пайтгача фермада мол сўйилмаганмикан? Толмас Бадриддиновичнинг ўзи қанча-қанчасини сўйдириб юборган. Уларнинг ҳаммаси энди рўйхат қилинган.

— У ёғи раиснинг ўзига ҳавола, — деди Қобил муаллим. — Бизга буйруқ шундай бўлди.

— Қачондан бери муаллим колхознинг ишларига аралашадиган бўп қолди? Тем более, пенсиядаги муаллим! — деди ростмана жаҳли чиққан Ҳайбатулло.

Бош бухгалтер бу ердан ҳам оппоқ чиқишни ўйлади ва иккала қўлини ёнига ёйиб қўйди.

— Нозим ака, — деди Қобил муаллим, — бригадирларга одам жўнатиш керак.

— Одам йўқ, — жавоб берди унинг ўрнига Ҳайбатулло, — шопирлар, тракторчилар пахтада, ҳозир сезон пайти. Бригадир керак бўлса, кечқурунни кутасиз, ҳурматли бош комиссия!

Кесатиқ Қобил муаллимнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Шунда ҳам у ўзини босди. Ахир бунгача ҳам озмунча бунақанги гапларни эшитганми? Ҳар сафар босиқлик билан ҳаммасини енгиб ўтган. Ҳозир ҳам худди шундай йўл тутди.

— Раис ҳалиям раис. Уни биров ўзгартиргани йўқ. Шунинг учун сизга вақтинчалик шофёрлик қилаётган болани жўнатасиз-да. Ҳа, шундай бўлгани маъқул. Толмас Бадриддиновичнинг бошига қўша-қўша кулфатлар тушяпти. Лекин Худога ёққан бир феъли борки, ақл-ҳуши жойида.

— Ҳайбатулло ака, ҳозир биз шу ишни қилмасак, участка нозирни қилади. Ана ундан кейин кўп нарса ўзгариб

кетиши мумкин. Шунинг учун ярани газак олдирмасдан, ўзимиз тузатиб қўйганимиз маъқул.

Ҳайбатуллонинг кўнишдан ўзга иложи йўқ эди, шу боис секретарга Элёрни чақириб келишни буюрди. Ҳайдовчига олдин Шокирни агар у ер остига кириб кетган бўлса ҳам топишни, ундан кейин бригадирларга зудлик билан идорага етиб келишни тайинлашни буюрди. Сўнгра Нозим Пардаев билан Қобил муаллимга ғўдайиб қаради. Қаранглар, менсиз ҳеч нима қилолмайсизлар, демоқчи бўлди. Бироқ айтмади, бунинг ўрнига Қобил муаллимга ўта юмшоқлик билан:

— Аъзоларни йиғинг. Рўйхат қилинг. Унгача биз Нозим Пардаев билан керакли, фойдали ишларни қилиб турамыз, — деди.

Бу очиқдан-очиқ ҳайдаш эди. Яримта гапдан одамнинг нима демоқчилигини англашнинг ҳадисини олган Қобил муаллим дарров ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди.

— Нималар бўляпти? — сўради Ҳайбатулло нафрат билан муаллимнинг ортидан кузатиб қоларкан. — Ҳеч нарсага тушунмай қолдим.

— Толмас ўз-ўзидан раис бўп қолмагани, етарлича ақли борлигини кўрсатиб қўйди. Ўзи шу ишга бошдан норози эдим. Яна эшак ҳаммага кўз-кўз қилиб, тележкага ортиб борибди! — деди жаҳли чиққан Нозим Пардаев.

Ҳайбатулло унга ўқрайди. Сўнг шовилмасдан сигарета олиб, лабига қистирди. Тутатди. Ўпкасини тўлдириб тутун ютди. Унинг қилиғини кузатиб ўтирган бош бухгалтер «Сабримни синаяпти. Ҳозир шундай портлайманки, хонумонини кўйдириб юбораман» дея ўйлади.

— Бу дейман, Нозим Пардаев, уйингиздаги гапларимиз эсингиздан чиққан кўринади. Лекин мен райкомга топшириб келган қоғоздаги гажак қўлингизни эсдан чиқариб бўлмайди. Ҳали сиз Толмаснинг биргина пўписасидан қочишга жой қидириб қолган бўлсангиз, ҳақиқий жанг бошланганида ҳаммани сотаркансиз-да. Бунчаликка борасиз деб сира ўйламагандим, — деб Ҳайбатулло сигаретаси кукунини кулдонга тўкди.

— Мен у нарса тўғрисида бир нима деяётганим йўқ. Нимага қандай қўл қўйган бўлсам, бемалол жавоб бера-

ман. Лекин таъзия бўп турган пайтда қилинган иш ҳеч нимага тўғри келмайди. Мен буни сизга айтгандим.

— Нима бўлса, бўлди. Уни энди орқага қайтариб бўлмайди. Шокирни жиноятчига айлантириб ташлаган билан жабрини Толмас эмас, сиз билан мен тортамыз. Ундан кейин сиз қаердан биласиз, балки, Толмас рўйхатда турадиган ҳўкизни сўйишни буюрган-у, кейин гапидан тониб тургандир. Одамлар кўриб қолгани учун. Қолаверса, унинг уйи ёниб кетди. Ким билсин, балки, ҳамма пулидан ҳам айрилгандир. Яъни айтмоқчи бўлганим, Шокирнинг ферма мудури бўлиши учун олган икки минг олдинги поралари билан бирга куйгандир. Шунга чидолмаётган Толмас жазавага тушиб қолгандир. Ахир ҳар ойда озмунча одамнинг номига кўшимча ҳақ ёзилганми? Ҳар қалай, кассир айтди, деган гапларингиз ёлғонмасдир. Энди шуларнинг ҳаммаси бирдан куйиб, кулга айланган бўлса, қандай чидаш мумкин?

— Лекин мол қандай сўйилганини бошқалар билмасам, сиз билан мен...

— Нозим ака! — дея бирдан унинг гапини бўлди Ҳайбатулло. — Кемага тушганнинг жони бир! Ўша протокол падар лаънатига биринчи бўлиб Толмаснинг оти тиркалиши керак! Менимча, «Раис Шокирга буйруқ берганини ўз қулогим билан эшитувдим», десангиз, бир жойингиз камайиб қолмас. Қолаверса, мен ҳам гапингизни тасдиқлайман. «Пардаев, раис шундай-шундай деди, нима қиламиз энди, деб сўради», дейман. Шу билан олам гулистон бўлади.

Нозим Пардаевнинг дами ичига тушиб кетди. Зеро, у яна ўйинга ўралашиб қолишдан чўчиётган эди.

Ҳайбатулло ўрнидан турди ва ишим битди, дегандай стол устидаги қоғозларни тартибга келтириб, эшик томон юрди. Нозим Пардаевнинг-да кўзғалишдан ўзга иложи қолмаган эди.

Кунни кеча таъзия бўлган хонадон. Одам оёғи бунча тез узилмаслиги керак эди. Беш-олти кун таниш-билиш, қариндош-уруғ куймаланиши лозим эди. Бироқ ҳозир ҳеч ким йўқ. Чумчуқлар, майналар учиб юрибди ҳовлида. Энг оқибатли, қишлоқ одамлари мулла деб чақирадиган Тоғай ака ҳам бир соатча бурун кетган. У кетмасди.

Уйига меҳмон келибди. Шунга чақиришди. Ундан сал кейинроқ Наргиза кўшниникига ўтиб кетди.

Ҳайбатулло қўлидаги папкасини чорпоя устига отиб юборди ва хотинини чақирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бирдан тилини тишлади. Ахир хотини ўлган-ку. Ўғли Мансур эса қочиб кетди. «Қисталоқ, безори, энангни, ҳақиқатан ҳам, ўлдирган экансан-да!» ўйлади у ҳамда эринчоқлик билан чорпояга чиқиб ўтирди. Кутди. Худди илгаригидай уйга келиши билан чой олиб келишларини кутди. Ахир папкасини тапиллатиб ташлади-ку, хотини уйда бўлмаса ҳам, қизи бор-ку. У папка тапиллашини эшитган бўлиши керак. Албатта, илгаригидай очилиб-сочилиб... Илгари Наргиза отасини кўрганида очилиб-сочилармиди ўзи? Йўқ, ундай бўлмаган, кўрқиб-писиб чиққан уйдан, ўғринча қараган. Ҳадиксираб турган. Аммо Ҳайбатулло қизини жуда оз уришган. Шунинг ҳам охири мартаси ёдида йўқ. Шунга қарамасдан, қизи доим кўрқиб юрарди. Мансур... Мансур ёшлигида кўрқарди. Кейин қандайдир ўзгариб кетди. Ҳайиққандай кўринарди. Лекин шу кўриниши жуда кам бўларди. Ҳайбатулло уни қанча сўроқламасин, уйда бўлмасди. Кейинчалик уни ўқишга жойлаб қўйди. Танишига яхшигина пул берди. Нақд ўн икки минг... Ҳайбатулло тоқатсизланди. Ўғлини хаёлидан чиқариб ташлаб, томоғини қирди. Аммо бунга ҳам жавоб бўлмади. Шундан сўнг овоз берди. Аммо, барибир, уйдан биров чиқмади.

— Буларнинг ҳаммаси мазордами дейман. Ҳаммаси ўлган. Ҳеч қайсига мен керакмасман! Лекин мол-давлатим керак! Бутларини кўтариб ётишса бўлди! Энанг ўлган бўлса, дунё остин-устун бўп кетдими?!

У бақариб гапирди. Аммо, барибир, уйдан ҳеч ким чиқмади. Ана шундан кейингина Ҳайбатуллонинг кўнглига шубҳа оралади. У гавдасига ярашмайдиган чаққонлик билан чорпоядан тушиб, тез-тез юрганча уйга кирди. Ҳамма хонага бирма-бир кириб чиқди. Аммо зоғ топмади. Шунда ҳовлига чиқиб, балки, бирор жойга чиққандир, деган ўйда бир муддат кутиб турди. Йўқ, фойдаси бўлмади. «Ҳамманг кўшмозор бўл! Ҳамманг қирилиб кет! Ҳеч қайсингнинг керагинг йўқ!» дея сўкинганча томорқа томонга ўтди. Ҳамсоясининг маккасининг анча қисми

ўрилганини кўрди. Ундан ҳам баттари эса худди ўша жойда қизи билан Маъруф гаплашиб турарди. Қони қайнаб кетди. Кўз олайтириб, қўлини мушт қилди.

* * *

— Қаттиқ сиқиб юбордингиз, — деди қиз майин овозда эркаланиб.

— Буниси ҳолва, ҳали шунақа сиқаманки, бир умр эсингдан чиқмай юрасан, — жавоб берди унга Тўсин.

Қиз гарчи тани оғриётган эса-да, қиқирлаб кулди ва шу билан эркак озроқ бўшатишини кутди. Аммо Қоракўрт унинг кутганини қилмади.

— Нима десам, шуни қиласан. Мен жудаям ёмон одамман. Қонни яхши кўраман. Одам қонини... — деди шивирлаб.

— Хўп, хўп бўлади! Лекин ҳақиқий эркаклигингиз сезиляпти. Агар хоҳласангиз, сиз билан бирга бир қадаҳдан шампань виноси ичсак... — дея киприкларини пирпиратди ранги докадай оқариб кетган қиз.

— Мен хотинларга ўхшайманми?

— Йўқ, ҳақиқий эркаксиз, дедим-ку.

— Унда нега шампань ичишни таклиф қиляпсан?

— Майли, сиз ароқ ичасиз, энг ўткиридан.

— Тулкигина қиз экансан, — дея Тўсин Ўктамга кўз қирини ташлади.

Чўпон қайсидир йигитининг қулоғига нимадир деб шивирлаётганди. «Айни муддао» кўнглидан ўтказди Тўсин ва қизнинг қулоғига лабини теккизиб:

— Эслаб қол, — дея кўзини юмиб очди-да, бирма-бир рақам айтди: — Хўш, хотирангда қолдимиз?

— Ҳа, — жавоб берди қиз.

— Ҳозир қўйиб юбораман. Кейин сен борасан-да, шу телефонга кўнғироқ қилиб: «Одамларни жўнатинглар, Тўсин акам оғир аҳволда. Чўпон ҳаддидан ошибди», дейсан. Сўнг рестораннынг адресини айтасан.

— Хўп, — жавоб берди қиз.

Тўсин уни эркалади ва кучоғидан бўшатиб, тўғри Ўктамнинг ёнига борди.

— Мени кўмасанми ёки шунчаки итларга ем қиласанми? — дея сўради.

— Ўлганингдан кейин нима фарқи бор? Итга ем бўла-

санми ё бўрилар ғажийдими? — дея ҳиринглаб кулди Ўктам.

Тўсин қовоғини осилтирди. Секин оромкурсига ўтирди. Қадаҳдаги ароқни стаканга қуйди. Унга шишадаги шайтон сувидан қўшди. Кейин бир кўтаришда ҳаммасини сипқориб юборди-да, лаб-лунжини кафтининг орқаси билан артаркан:

— Инсоф қилмаяпсан, Чўпон. Менинг ҳам обрўйим бор эди, — деди.

— Инсоф ўғри-баттолда нима қилсин? Мендан бошқа нарса сўра, фақат инсофни эмас... Тирик қолишинг мумкин. Айтганимни қиласан.

— Қўлимдан кўп иш келишини балодай биласан. Шунинг учун ўлдирмаяпсан. Мен сенга айтсам, — дея Тўсин қўлларини олдинга чўзиб силкитди, — мана шу иккита матоҳдан илгари бир нима келади деса, биров ишонмасди. Айниқса, отам. «Гўр ҳам бўлмадинг, бўлмайсан ҳам!» деган у менга.

Қорақуртнинг кўзи сузилди. Боши бир томонга оғиб кетаверди. Ўктам йигитларини ёнига чорлади. «Оборинглар, ўзига келтиринглар. Ҳали бу билан гаплашадиган гапимиз кўп», деди. Йигитлар Тўсиннинг икки қўлтиғидан кўтаришди ва оёғини ерга теккизмасдан олиб кетишди.

Чўпоннинг кайфияти яхши эди. Ови юришганидан кейин, албатта, яхши бўлади-да. Бироқ шунга қарамасдан, кўнглининг бир четида қандайдир ғашлик бордай эди. Ана шу ҳол уни қийнаётганди. Ана шу нарса унинг хаёлини чалғитаётганди. У раққосаларни яна чорлади. Боя улардан бирини қучган Тўсин асирасини қўйиб юборгач, ҳаммаси бир бўлиб, рестораннинг бошқа хонасига учиб ўтиб кетишганди.

Ўктам ястаниб ўтирганча рақс томоша қилди. Бироқ, барибир, кўнгил хижили ёзилмади. Бот-бот хаёлига Паризод келаверди. «Бу падарингга лаънатиларнинг бирортаси унга тенг келолмайди. Уни мана шунақанги жойга опкелиб ўйната олармидим? Ҳеч қачон, ўлса ўладики, номига бўлсаям, қўлини кўтариб қўймайди ҳатто! Буларга бўлса билган ишингни қилдиришинг мумкин. Уфф, топишим керак уни!.. Агар шу аҳволимни бўйни йўғон-

лар тугул, ўзимнинг югурдакларим билса борми, устимдан қотиб кулишади. Лекин ўзимникилар озми-кўпми билишади. Ана, опкелишга жўнатганларим... Маразлар эплашолмади-я!»

Ўктамнинг юраги сиқилди. У қийналиб кетганидан чўнтагидан рўмолчасини олиб, пешонасидаги терни артди. Сўнг раққосаларга жавоб бериб юборди-да, шотирларига қарта олиб келишларини буюрди. Ҳарна ўйинга чалғисам, бироз овунарман, деб ўйлади. Бироқ кўп ўтмай, ўйин ҳам жонига тегди. Чунки югурдаклари нукул унга ютқазишарди. Бу ёғи вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Ҳализамон тонг ҳам отиб қолса, ажабмас. Аммо Ўктамнинг уйкуси келмаяпти. Тез-тез кўзига Паризод кўриниб кетяпти. «Агар у бўлганида, хотиржам тортардим. У бўлганида манави чурвақалар билан вақиллашиб қаёқдаги бўлмағур ўйинни ўйнаб ўтирмасдим» кўнглидан ўтказди Чўпон ва бир муддат ўйланиб қолди. Ахир миясида унинг учун ажойиб фикр туғилганди-да. Ахир у... Унга уйланиш мумкин эмас. Уйландими, тамом, ожизлигини кўрсатиб қўяди. Лекин бу дегани бола орттириш мумкин эмас, дегани эмас-да. Паризод ҳақиқий фарзандни дунёга келтиради. Кесадиган, эплайдиган, боплайдиган болани. Чунки илиги тоза...

Ўктамнинг бирдан юзи ёришиб кетди. Ўрнидан сапчиб турди. Ҳангу манг бўлган шотирларидан иккитасининг бошига енгилгина шапалоқ туширди. Шотирлар ўзларида йўқ шодланишди. Чунки кутилмаганда хўжайиннинг кайфияти кўтарилиб кетди. Шундай пайтда у яхши кўрганларини, эркалаганларинигина мана шунақа уради.

— Форга қайтамиз. Шаҳарнинг ҳавосидан шунча олганимиз етар. Яна озроқ олсак, ҳаммамиз заҳарланиб ўламиз. Бизга чўлу биёбон яхши, тоғу тош яхши, — деди Ўктам қулочини кенг ёзиб.

Унинг кутилмаган қарори ҳаммани ажаблантириши аниқ эди ва шундай бўлди ҳам. Йигитлар бир-бирларига ўғринча қараб олишди. Ҳар нимани ўз вақтида кераклича сезадиган Чўпон шотирларидаги ўзгаришни пайқаган эса-да, эътибор бериб ўтирмади.

— Кетдик! — деди у ҳайқириб.

Бироқ у икки қадам ташлар-ташламас, шотирларидан бири ичкарига ҳовлиқиб кирди-да, унинг ёнига югуриб келиб, қулоғига шивирлаганидан кейин юришдан тўхтади.

— Қани?! — дея наъра тортди.

— Уйига кетган экан, йигитлар изидан кетишди, — жавоб берди хабарчи.

— Онасини учқўргондан кўрсатаман! Сен ифлослар-ниям! Кўзларинг қайси гўрда эди?!

Ўктам бутунлай қутуриб кетди. Дуч келган йигитни тепди, жағига мушт туширди. Ҳалигина сийланиб, кўнгиллари тоғдай кўтарилганлар ҳам яхшилаб дўппосланди. Кейин Чўпон бояги жойига бориб ўтирди. Тўсинни келтиришларини буюрди. Қорақурт оёқда туролмайдиган, кўзини очолмайдиган даражада маст эди. Уни боя Ўктамнинг ёнидан олиб кетганларидан кейин ҳам оғзига ароқ қуйишганди. Тўсин орқали ниманидир аниқлашнинг мутлақо имкони йўқ эди.

Ўктам аввалига унинг биқинига икки марта тепди. Кейин шотирларига устидан муздай сув қуйишни буюрди. Бироқ бу амалларнинг бирортаси ҳам фойда бермади. Тўсин гўлдираб қўйди, холос. Кейин яна пишиллабгина нафас олганча ётаверди.

— Ит эмган, атайлабдан қияпти! — ўқирди Ўктам ва стол устидаги пичоқни олиб, шартта Тўсиннинг чап қулоғини кесиб ташлади.

Тўсин бир типирчилади, кейин нималардир деб сўқинди. Аммо ўрnidан туриб кетмади, дод-вой солмади. Қонига беланганча ётаверди.

Шундан сўнггина Ўктам унинг мутлақо маст эканлигига ишонди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у иржайиб, — кайфинг тарқганидан кейин кўраман аҳволингни!

Тўсиннинг узилган қулоғи ўрнини Ўктамнинг йигитлари яхшилаб боғлаб қўйишди. Кейин қандай судраб олиб келишган бўлса, худди шундай олиб чиқиб кетишди.

— Телефон рақамини бер, — деди яримлаб қолган шишадан ўзига ароқ қуя бошлаган Чўпон хабарчига.

Йигит дарров унга бир парча қоғоз узатди. Ўктам шо-

шилмасдан ичимлигини ичди. Сўнг эринибгина стулга ўтирди-да, қоғоздаги рақамларга термилди.

— Бошқа шаҳар, нотаниш номер... Балки, жазманига қўнғироқ қилгандир, балки... Шошма, сен унинг қўнғироқ қилганини қаердан билдинг?

— У мен директорнинг хонасига киришим билан гўшакни қўйди. Янги чиққан телефон экан, номер ёзиб қоларкан. Темир-терсакка қизиққанам учун у ёқ-бу ёғини титкилаганимда шу номер чиқди.

— Директор қайси гўрда?! Эҳа-а, уни Москвага кетган дегандинлар... Қисталоқнинг ўринбосари йўқмикан? Сен итлар мен сўрамасам, айтмайсан ҳам!

— Икки ой аввал бўшатишган. Фақат катталардан бош ошпаз бор экан. У ошхонада эди. Сизни бирор нима буюриб қоладими, деб турганди.

— Ҳамма оппоқ. Ҳеч ким ҳеч нима билмайди. Лекин кимлардир қаерларгадир қўнғироқ қилади. Шошма, Тўсин билан рақсга тушган қиз дедингми?!

— Ҳа.

— Бўлди, кетдик.

У кечиккан эди. Айнан ўрнидан турганида, ташқарида олдинма-кейин бешта машина тўхтаганди. Ҳар бирида бештадан яхшигина қуролланган барзангилар ўтиришарди.

Улардан иккитасигина машинадан тушди. Ана шу иккитаси бемалол Ўктамнинг ташқарида қолган йигитларини тинчитди. Кейин яна қайтиб келиб, машинага ўтиришди.

Ўқланган қуроллар ресторан эшигига қаратилди...

* * *

Элёр Ҳайбатуллони олиб юрганидан бери анча каттасиниб қолганди. Унча-мунчани менсимас, баъзан бирга ўқиганларга дуч келиб қолса, ўзини кўрмаганга олиб, ўтиб кетарди. Шунинг ортидан «Керилма» деган лақаб ҳам орттириб олган эди.

У қовоғини осилтириб, идорага келди.

— Ҳа-а, Элёрбой, — деди уни кўрган Нозим Пардаев, — биров арпангни хом ўриб қўйгандай, башарангни буриштириб келяпсан?

Элёр жавоб бермади. Нозим Пардаев атрофига бир-

иккита одам тўплаганди. Энг кичигининг ёши қирқдан ошганди. Элёр салом бермади. Индамай бориб, идоранинг бурчагидаги улкан чинор остига қўйилган чорпоёга чиқиб ўтирди. Кўзини тўпланганларга қадади. Қобил муаллим кўзига илгаригидан баттар ёмон кўриниб кетди. Тўққизинчи, ўнинчи синфда дарс ўтганди. Уни бор-йўғи бир мартагина доскага чиқарган. Элёр бирорта ҳам саволга жавоб бермаган. Умуман миқ этмаган. Тураверган бўзрайиб. Бошқа ўқитувчилар бунақа пайтда ҳеч бўлмаганда аччиқ-тизиқ гаплар билан тузларди. Қобил муаллим бўлса ҳеч нима деб уришмаган. Бориб жойингга ўтир, деган. Кейин шундай деган:

Ит билан хўтикни
қанча қилма тарбия,
Ит бўлур, эшак бўлур,
асло бўлмас одамий.

Синфда бирдан кулги кўтарилган. Элёр уларнинг нега кулаётганини тушунмаган. Шунингдек, Қобил муаллим ҳам биринчи марта уни доскага чиқарганиданоқ нега бунақа деганини ўзи ҳам билмай қолди. Қандайдир ички бир ниманинг турткиси сабаб оғзидан мана шундай гап чиқди. Ўшанда Элёр Қобил муаллимни ёмон кўриб кетган. Шу-шу, иккиси Элёр то мактабни битиргунича бир оғиз ҳам гаплашишмади.

Ташаббус Қобил муаллимнинг қўлида эди. У гапирар, бошқалар уни эшитишар ва бошларини қимирлатиб, тасдиқлашарди. Гап оҳангидан, қайта-қайта Шокирнинг номи тилга олинаётганидан Элёр билдики, ферма мудирининг устидан нимадир тайёрланыпти. «Мана шунақанги иғвочилар ҳамма ёқни бузишади» кўнглидан ўтказди у ва ёстиқни қўлтиғига қистириб олди.

Орадан бир муддат ўтиб, кичкинагина томоша бўлди. Партком ўзи миниб юрадиган кабинаси сариқ, кичкина юк машинаси билан қаердандир келди. Аввал у тележкадаги гўштни кўриб, ҳайрон бўлди. Тракторчидан гўштни қаерга олиб кетаётганини сўради. Тракторчи ичидагини бировга айтолмай, тўлиб турган, шекилли, кўрган-билганларини оний лаҳзада парткомга тўкиб-сочиб ташлади.

— Бригадада ишлаётганларнинг шохи борми? Биз ҳам шу колхоз учун тер тўкиб юрибмиз, — деди партком ва

имиллаб тележкага чиқди-да, ёнидан пичоқ чиқарди ҳамда дока билан ўралган гўштнинг бир чеккасини очиб, кесишга тушиб кетди.

Тракторчи миқ этолмади. Этолмасди ҳам. Чунки у кичкина одам-да. Кичкиналар вақт-бевақт бир нарсалар деявермайди-да, айниқса, мана бунақанги ишининг тайини бўлмаган, лекин мен коммунистман, деб кўкрак кериб юрадиганларга.

— Аммамнинг бузоғига ўхшаб туравермасдан, туширишга ёрдам бер! — дўқ урди партком бирор ўн килоча гўшт кесиб олганидан кейин.

Тракторчи — кичкина одам, бўйсунди. Тележкага чиқди.

— Ўласанми тележкани ювиб юрсанг, расво бўлмаган жойи қолмабди! Эҳтиёт бўл, гўштнинг расвосини чиқарма, — дея уқтирди партком ишга кириша бошлаган кичкина одамга.

Шу пайт муаллимнинг овози келди. Партком қаддини ростлади. Идора томонга қаради.

— Муаллимми? — сўради тракторчидан.

— Ҳа, — жавоб берди энсаси қотган тракторчи.

— Нима деди?

— Эшитмай қолдим.

— Бўпти, кўтар.

Улар ажратилган гўштни кўтаришга улгурмасларидан яна овоз келди. Бу сафар Қобил муаллим қаттиқроқ бақирганди, шу боисдан аниқ-тиниқ эшитилди.

— Нима қиляпсизлар?!

— Шаматалоқ қиляпмиз. Энангни эмгур! Сенинг нима ишинг бор? Ўзи зўрға чорифингни судраб юрган бўлсанг, катталарнинг орасида бало борми? — деди партком ва ишини давом эткизди.

Муаллим қараса, аҳвол чатоқ: қаердаки, нимаики кўрса, ҳақини ажратиб оладиган партком куппа-кундуз куни шунча одамнинг кўз ўнгида, безбетларча бригадаларга ажратилган гўштни тинчитаяпти.

Муаллим ёнидагиларга: «Юринглар, индамасак, у билган ишини қилади», деди. Сўнг улар билан бирга тележка ёнига келди. Шу қисқа вақт оралиғида партком деярли қилғиликни қилиб бўлган эди.

— Миржамол, нима қилганингиз бу? — деди асабийлашганидан титрай бошлаган муаллим.

— Сизга нима? — жавоб берди партком қовоғини осилтириб.

— Гўштни бригадаларга тенг тақсимлашимиз керак эди.

— Нима бўпти шунга?

— Идорадагиларнинг бирортасиям тегинмасин, деганди раис.

— Комиссия-чи? Комиссия келган бўлса, мен уларга харажатни ёнимдан қилайинми? Ўзи юз сўмнинг нариберисида ойлик олсам...

— Яхши, — унинг гапини бўлди муаллим, — мелисага бериладиган хатга парткомниям отини киргизиб қўйинглар.

Парткомнинг ранги бирдан оқариб кетди. Гарчи колхоз катталаридан бири бўлса ҳам, ҳеч гапга аралашмай турган бош бухгалтерга қаради. «Бирор нима дермикан? Ҳар қалай, анча-мунча улфатчилик жойимиз бор, ёнимни олармикан?» деб умид қилди. Аммо Нозим Пардаевдан садо чиқмади.

— Ҳар доим шундай бўлган! — дея овозини баландлатди партком. — Бошқалар аждаҳодай ҳамма нарсани ямламай ютади. Лекин на гап эшитади ва на хатга номи тиркалади. Бизнинг қўлимиз бирор нимага тегиб кетса, ваҳима бошланади. Шундаям ўзим учун олмагандим шу сабил қогурни. Комиссиянинг оғзини мойлашда озгина ёрдам бўладими, девдим... Ўзимга олганимда еб қўяркансизлар. Тушир гўштни!

Тракторчи гўё унинг буйруғини эшитмагандай қотиб тураверди. Партком изза бўлди. Ўзи машинага чиқди. Гўштни ҳам ўзи пастга туширди. Ана ундан кейин тележкага ортмасдан, машинасига ўтирди-да, жўнаб қолди.

— Вой и-и-ит! — деди кутилмаганда тракторчи. — Боягина гўштга гард ҳам юқмасин, девди. Энди ўзи шундай тупроққа ташлаб кетди-я!

Биров бир нима демади. Гўштни тележкага қайта ортишди.

Кечга томон бригадирлар келишди. Қобил муаллим уларга гўштни тенг бўлиб берди-да, қўлини силтаб қўйиб, уйига кетди. Кейинчалик гап бўлди. Ўша куни муаллим

магазинга кириб, тўйгунича ичибди. Бир-иккита уни таниган-билганлар уйига олиб бориб қўйишибди. Бўлмаса, Қобил муаллим охирги йигирма йил ичида ароқ ўлгурдан бир қултум ҳам ютмаган эди. Айтишларича, ўша куни ўлишига бир баҳя қолибди. Яхшики, қўшниси дўхтир экан, ўз вақтида келиб ёрдам берибди.

* * *

Шокир ўзининг устидан хат қилинган куни ярим кечаси кўзлаган манзилига етиб борди. Ўзиям роса тинкамадори қуриди. Уйқусизликдан кўзлари ачишиб кетди. У пойтахтнинг анча жойини биларди. Аммо Сирғали деган жойларга бирор марта ҳам бормаганди. Шу боис шаҳарда бироз изғиб юрди. Охири:

— Мен меҳмонхонада тунамоқчи эдим. Шу менинг борар ерим, борар манзилим эди, — деди ўзига ўзи.

«Тунчиरोқ» меҳмонхонасидаги мусофирларни жойлаштирадиган семиз ўрис хотин: «Жой йўқ», деди. Шу заҳоти Шокир ўнталикни паспортининг тагига қўйиб узатди. Буни қарангки, дарров жой топилди. Яна иккинчи қаватдан. Люкс хона.

— Балки, чарчоқ ёзди қиларсиз, — деди жой бергич хотин.

— Агар иложи бўлса... — чайналди ўзича Шокир.

— Қават мудираси ўтирибди. Айтиб қўяман. Ҳа-а, ҳали ресторан ишлаб турибди, кўнглингиз бирор егулик тусаса, бемалол буюртма беришингиз мумкин.

Шокир ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Ахир боягина қовоғидан қор ёғиб турган хотин бирдан бир юз саксон градусга ўзгарган эди-да.

Қават бекаси ҳам жуда хушмуомала, келишган аёл экан. Шокир кўриниш бериши билан ўрнидан туриб, кутиб олди. Ҳаттоки пастга тушиб, йўл бошлаб келмагани учун узр ҳам сўради. Во-ой, бундан ажойиб бўлиши мумкинми? Илтифот устига илтифот. Ҳатто гарчи пулини тўлаб қўйган бўлсанг ҳам, ноқулай бўлади баъзида.

— Ҳозир киришсинми ё бироздан кейин? — сўради мудира Шокирнинг эшигини очганидан кейин жилмайиб.

— Ким? Эй-й, ҳа-а, — тиржайди Шокир ҳам, — агар мумкин бўлса, олдин ресторанга бориб, қорнимни тўйға-

зиб олсам, кейин...

— Сиз сира овора бўлманг, — унинг гапини бўлди мудира, — ўзлари олиб келиб беришади. Сиз нимани хоҳлашингизни айтсангиз бўлгани.

— Колбаса, помидор, кейин битта ароқ... Ароқ чарчоқ ёздига яхши-да.

— Хўп бўлади, — деб мудира бошини хиёл эгиб қўйди.

Шокир хонасига кириб, қулочини кенг ёзганча керишди.

— Оҳ, қандай гўзал бу олам! Яшаб тўймайсан. Ҳамма хизматингда. Пулини тўлаб қўйсанг, бўлди. Лекин пулни тежаш керак. Ҳали шаҳарда қанча қолиб кетаман, билмайман. Бу ёғи Зарифа билан кўришаман. Энди унинг ёнигаям қуруқ қўл билан борсам бўлмас, ҳар қалай, ферма мудирини деган отим бор.

У ором курсига ўтирди. Чўнтагидан бир қути сигарета чиқариб, стол устига ташлади. «Шунча вақт итда тиним бўлди, менда бўлмади. Энди бир маза қилиб дам олайин... Зарифанинг олдига боришим керак. Агар шу ерда ўзим истагандай роҳат-фароғат қилсам, унинг ёнига бориб ўтирмайман. Нима қиламан оғримаган бошимни оғритиб? Ўзи шунинг эрига, ўзига яқинлашишим билан бошимга бирор фалокат ёғилади. Ана, уйига олиб бориб қўяман деб, нима аҳволга тушдим?..» Эшикнинг секин тақиллаши унинг хаёлини бўлиб юборди. «Келди» ўйлади у бирдан ва ўрнидан туриб:

— Кириг, — дея овоз берди.

Эшик очилди. Қадди-қомати ниҳоятда келишган, қопқора сочини орқасига турмаклаб олган, елкаси очиқ, этаги калта қўйлақда бир нозанин кирди. Қизнинг қўлида патнис бор эди. Патнис устига унинг буюртмасидан ташқари битта шампань виноси ҳам қўйилган.

— Буюртмангизни олиб келдим, — деди қиз қўнғироқдай овозда.

— Яхши, яхши... — дея шошиб қолди Шокир.

Нозанин нозли қадам ташлаганча столнинг ёнига келиб, патнисни қўйди ҳамда ортига бурилиб, энди чиқиб кетмоқчи бўлганида:

— Эй-й, бўлдимини?! — деди Шокир ҳовлиққанча унга еб қўйгудек тикилиб.

Қиз юришдан тўхтади. Нозланганча ўгирилди. Қоши-ни қоқди, кўзини хиёл қисди. Сўнг:

— Яна хизмат борми? — деди юракни ҳаяжонлантириб юборадиган овозда.

— Ҳалиги, — довдиради Шокир, — ҳалиги бор-ку, бояги... Анави-чи...

Қиз қиқирлаб кулди. Шокирни баттар ҳаяжон босди.

— Киришдаги ўрис хотин ҳеч нима демадимми?

— Эллик...

— Эй-й, юз бўлмайдими?

* * *

У қандай тонг отганини сезмай ҳам қолди. Тинкаси қуриган, қимирлашга ҳам ҳоли йўқ эди. Шу боис ёлғиз қолиши билан эшикни қулфлади-да, ўзини тўшакка ташлади. Нақ пешингача ухлади. Уйғонганида эса оғриқдан боши ёрилай дерди. Амаллаб ўрнидан турди-да, оёғини судраб, идишлар-у егуликлар айқаш-уйқаш бўлиб ётган столнинг ёнига борди. Бахтига шишада озгина ароқ қолибди. Уни пиёлага қуйишга сабри етмай, шиша билан кўтарди. Афти бужмайди. Яна судралганча бориб, каравотга ўтирди-да, кўзини юмди. Бироздан кейин бош оғриғи таққа тўхтади. Шундан сўнггина ювиниш хонасига кирди.

Костюмининг ички чўнтагида минг сўмга яқин пул бор эди, кўриб қўяйин, деб олиб қараса, ярмидан кўпи йўқ. Бирдан тепа сочи тикка бўлиб кетди. «Вой қисталоқ, вой ярамас, вой ит эмган, ҳали сен мени шунчаликка тушириб кетдингми?! Кўрсатаман, онангни учқўрғондан кўрсатаман!», деди у ўзига ўзи гапириб.

Йўлакка чиқди. Мудира алмашибди. Кечаги сулуvgина аёлнинг ўрнига турқи совуқ хотин ўтирибди. Унга бирор нима дейишга Шокирнинг тили айланмади. Қўрқди. Шу боис индамай унинг ёнидан ўтиб, биринчи қаватга тушди. Администратор ҳам алмашибди. Кечагидан тузукроғу, лекин бошқа.

— Ҳалиги, кечирасиз, кечаги аёл қаерда? — дея сўради ундан Шокир.

— Эрталаб кетган, смена алмашган, — жавоб берди янги администратор.

— Ҳимм, шундайми?..

— Бирор нима керакмиди?

Шокир нима деярини билмай, бир муддат чайналиб турди, сўнг «Бор-э, нима бўлса бўлсин», деб тунаб кетишганини айтди. Администраторнинг бирдан туси ўзгарди. У ёқ-бу ёққа қараб олди. Сўнг паст товушда:

— Яхшиси, кетганингиз маъқул. Бирорта бундайроқ одам эшитиб қолса, ўзингизга жабр бўлади, — деди.

Шокирнинг бирдан ранги оқарди. Пешонасидан тер чиқиб, қулт этиб ютинди. Сўнг аста орқасига тисарилдида, бошини гижимлаб, ташқарига чиқди. «Ўҳ, мен аҳмоқ, мен аҳмоқ, нималар қилиб қўйдим-а? Бир-икки соатлик кайфу сафо учун шунча пулимдан айрилиб ўтирибман-а. Ҳалиям ярамас инсоф қипти. Ҳамма пулимни олиб кетганида, нима қилардим?» хаёлидан ўтказди ҳамда машинаси турган жойга кетди. Аммо машинаси жойида йўқ эди. Шокирнинг рангида қон қолмади. Ҳайкалдай қотди. Беш, ўн, йигирма дақиқа ўтди. У қимирлай демасди. Айни чоғда ҳеч нимани ўйламаётганди. Кўз ўнгида ўша — яп-янги «Жигули»си.

— Ҳой, ошна. Нимага бундай турибсиз?

Шокир қимирламади. Тураверди. Ҳол сўровчи унинг кўлидан ушлади.

— Мазангиз бўлмааяптими? — деди астойдил.

Бу одам йўлнинг нариги томонидаги меҳмонхона қаршисидаги кўримсизгина китоб дўкони сотувчиси эди. Ёши элликларга яқинлашиб қолган, кўп ўқиб, кўп мулоҳаза қилаверганидан сочи қордай оппоқ эди. Пешонаси ҳам тиришиб кетганди. Кўз... Кўзининг нури анча кетиб қолганди. Кўзойнак тақарди. Бироқ буларнинг барини юзидаги нур босиб кетарди. Танишлар-ку, танишлар, ҳатто кўча-қўйда ёнидан ўтувчи бегона йўловчилар ҳам уни кўришлари билан беихтиёр жилмайишар, унинг бир оғизгина гапини эшитишни хоҳлашарди.

У Шокирни дастлаб кўрганида эътибор бермади. Қараб қўйиб, китобларни расталарга териш билан овора бўлди. Маълум муддат қаққайиб турган одамга яна кўзи тушгач, «Бирорта одамни кутаётгандир» деб ўйлади. Бироқ тагин бироз ўтиб қараса, йўл бўйидаги одам қимир этмаган, бамисоли ҳайкал эди. «Бечоранинг бошига ташвиш тушганга ўхшайди. Одам бекордан-бекорга серрайиб қол-

майди» ўйлади дўкончи.

Яна жавоб бўлмади.

— Оғайни, сув берайми? — деди дўкончи кипригини пирпиратиб.

Шундан кейингина Шокир у томонга ўгирилди. Сўнг кутилмаганда:

— Ўйнаб, ўйнаб, ўйнаб, ўйнаб,

Қиё боқи-и-и-и-б,

Ошиқларин, маъшуқларин

Ўтда ёқиб.

Ўйнаб, ўйнаб,

ўйнаб ўйнаб...

— дея қўшиқ куйлашга тушиб кетди. Дўкончи ҳайратдан донг қотди. Шокир эса баттар авжга чиқа бошлади. Дўкончи безовталанди, ён-атрофига ёрдам истаб аланглади. Аввал битта, кейин яна иккита, орадан бироз вақт ўтиб, беш-олти одам унинг ёнига келди. Ҳаммаси энди қўшиқ айтиш билан бирга рақс ҳам туша бошлаган Шокирга термилишди.

— Бечоранинг эси оғиб қолганга ўхшайди. «Тез ёрдам» чақириб керак, — деди дўкончи.

Томошатаблар бошларини ирғашиб, тасдиқ ишорасини қилишди. Аммо ҳеч ким жойидан жилмади. Қайтанга бирдан, худди келишиб олишгандай, кулиб юборишди. Қарсак чалишди. «Ҳасса! Ҳасса!» дея қийқиришди.

— Уялинглар бир бечора ногироннинг устидан кулишга! — деди дўкончи афсусланиб бош чайқаркан.

— Ногиронмас бу, бу артист! — деди томошатаблардан бири.

— Ҳа-а! — дея қичқириб, унинг гапини маъқуллади Шокир. — Мен артистман, ўйинчиман!

У баттар жазавага тушиб, сақрай бошлади. Дўкончи қараса, аҳвол чатоқ: борган сари томоша кўргиси келганларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Борай, «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилай, дея икки қадам босар-босмас, иккита милиционер пайдо бўлди. Иккиси Шокирнинг икки томонида туриб биқинига туширишганди, мудир эшилиб қолди.

* * *

Толмас Бадриддиновични қандайдир титроқ босди. У йиқилиб қолмаслик мақсадида бир-бир қадам босганча девор тубига қўйилган ўриндиқ ёнига борди. Секин ўтирди. Кейин бошини кафтлари орасига олди. «Ҳаммаси зўр бўлиб кетади-ку, нимага яна довдираяпман? Буқани мендан берухсат сўйишган. Демак, ўзлари жавоб беришади. Менга нима? Мен уйни қуришни ўйлашим керак. Ёниб кетди ҳамма нарса, топган-тутганимнинг бари... Бир ҳисобдан, шунисиям яхши бўлди. Ҳаромники ҳаромга кетди. Энди жа ҳаромга кетди дейишим ўринсиз-у, ёниб кетди, десам ҳам бўлади...» У хаёлдан чалғиб, беихтиёр бошини кўтарди. Кўзи қизига тушди. У дарвоза ёнидаги томчадан чиққанча тўғри унинг ёнига келаётган эди. «Шу қизимнинг, ўғлимнинг бахти учун яшашим керак» кўнглидан ўтказди раис.

Паризод отасининг ёнгинасига келиб ўтирди. Чуқур нафас олди.

— Кўп куюнаверма, қизим, ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади, — деди Толмас Бадриддинович қизига.

— Ҳа-а, аямдан бошқа ҳамма нарса изига тушиб кетади. Аямни қайтариб ололмаймиз, тўғрими, дада? — дея отасига нигоҳини тикди Паризод.

— Худонинг иродаси, қизим. Бизнинг қўлимиздан нима келарди?

— Дада, аямнинг шундай ўлишини хоҳлаганмидингиз?

— Нималар деяпсан, қизим?

— Чунки...

Паризоднинг кўзида ёш пайдо бўлди. У йиғлаб юбормаслик учун сўзлашдан тўхтаб, лабини тишлади.

— Қизим, аянг билан озми-кўпми бирга яшадим. Ўлим тугул, бирорта касалликниям раво кўрмаганман унга. Шунинг учун ҳар хил хаёллар келавермасин миянгга.

— Унда... Майли, керакмас.

— Нима?

— Йўқ, ҳеч нарса, дада. Менга сизнинг соғлигингиз керак. Сиздан бошқа суянадиган одамим қолмади. Энди ҳечам касал бўлмайман, деб ваъда берасиз-а, дада?

Толмас Бадриддинович қизининг кўнглида бутунлай бошқа нарса борлигини сезиб турарди. Яна Паризод уни аяётгани ҳам маълум эди. «Тўғри қиласан, она қизим.

Ҳозир ҳеч ниманинг мавриди эмас» ўйлади у ва қизининг елкасига қўлини қўйди.

Ота-бола бир муддат жим ўтиришди. Охири жимликни Паризод бузди:

— Дада, қоровул: «Томда бир рўмол пул бор экан», деди.

— Бир рўмол?

— Ҳа, менимча, аям қўйган. Лекин куйиб кетаркан, нега қўяди?

— Афсус...

— Нега афсусланасиз?

— Пул ҳам ёниб кетганида розийдим.

— Нимага?

— Кейинроқ ҳаммасини тушунтириб бераман, қизим. Яна бир нимани ўйладим. Балки, пенсияга чиқарман.

— Унда нариги...

Паризод гапиролмади. «Унда нариги оилангизни нима қиласиз? Анави хотин ҳам бекорга келиб юрмагандир. Бирор нимадан умидвор бўлаётгандир», демоқчи эди, айта олмади. Тили айланмади. Отасини ўйлади. Падарига зиён етказиб қўйишдан қўрқди. Аммо айтолмагани алам қилди. Шу боис оғир хўрсинди.

— Қизим, хавотир олма, ҳали уканг билан сени боқишга бемалол кучим етади... Сени узатаман, укангни уйлантираман. Уйлантираман, уйлантираман...

Унинг бир нуқтага тикилиб қолган кўзидан ёш оқарди. Хаёлида эса Сумбулхон, у туғиб берган яна битта ўғил эди.

* * *

Дадасининг кутилмаганда пайдо бўлиши Наргизанинг тушига ҳам кирмаганди. Йўқ, қиз отаси бақирмасидан олдин уни кўриб қолди. Маъруфга алам билан жилмайди:

— Ҳеч нимани ҳеч кимга ҳеч қачон ишониб бўлмаслигига аста-секин амин бўлиб боряпман. Сиз... Аслида, сизниям бошқалардан зиғирча фарқингиз йўқ.

У отасини кўрганидан кейин шунақа деди. Қиз атайин шундай қилди. Токи отаси бу иккиси уришяпти экан-да, деган хаёлга борсин. Аммо Маъруф Ҳайбатуллони кўрмаганлиги учун ажабланди. Чунки ҳозиргина севги изҳор

қилиб турган қиз орадан бир дақиқа ҳам ўтмасдан, йигит хаёлини жамлаб улгурмай, бутунлай бошқа гапни айтиб турганди.

— Тушунмадим, нега бунақа деяпсан? — сўради у Наргизадан.

— Нимага? Чунки эркак зотининг ҳаммаси бир гўрлигини сизга қараб билиб олдим. Афсуски, бизни кўриб турган, гапларимизга қулоқ солаётган дадам ҳам сизнинг тоифангиздан.

Маъруф бирдан ортига ўгирилди. Йигирма қадамча нарида, уй соясида жаҳдан юзлари бўғриқиб, қисик кўзлари шокосадай бўлиб кетган, қўллари мушт бўлиб тугилган Ҳайбатулло турар эди.

— Акам сиз билан учрашганмиди?! — деди Наргиза баланд овозда.

Унинг айнан мана шу гапи Ҳайбатуллонинг дамани пасайтирди.

— Наргиза, у ерда нима қилиб турибсан? Тез уйга ўт! — деди у ва қизини ҳам кутмасдан, ортига бурилиб кета бошлади.

— Ҳали учрашамиз, — пичирлади Наргиза, — сиз менга, барибир, ёрдам берасиз.

Қиз кетгач, ўроқни ерга ташлаган Маъруф ўрилган поя устига ўтирди-да, тери қотган пешонасини қашлади. «Ҳайбатулло бизни кўрганида нима деб ўйласа ўйлагандир. Дарҳақиқат, унинг жазаваси кўзигани шундоққина кўриниб турарди. Наргиза... Қойил! Менинг хаёлимга унақа гап келмасди. Довдираб қолардим».

У поя устига ётиб олди. Қуёш нуридан кўзи қамашди. Бироздан сўнг юзи қизий бошлади. Шунда ҳам ўрнидан турмади. Чарчаганини сизди. Туриб яна маккажўхори ўришга ўзида куч тополмади. Шу боис кўзини юмиб олди.

— Ака! Ака! — чақирди Маҳлиё.

— Ҳа! — жавоб берди Маъруф ётган жойида.

— Отам чақиряпти. Баҳром ака сизни сўраб келибди.

Маъруф оғриниб ўрнидан турди-да, эринчоқлик билан ўроқни кўлига олиб, судралганча кетди.

Баҳром ака Норкул ака билан ниманидир баҳслашар эди. Улар Маъруфни кўришлари билан жим бўлиб қолиш-

ди. Маъруф салом берди. Баҳром ака тезда алиқ олмади. Йигитга бошдан-оёқ қараб чиқди. Хўрсинди, кейин алиқ олди.

— Уйга кирайлик, қолганини уйдаям гаплашаверамиз, — деди унга Норқул ака.

— Агар кўнсанг, кираман, кўнмасанг, шу ердан қайтиб кетаман. Ана ундан кейин иккаламизнинг ошначилигимиз тугаган деб ҳисоблайверасан.

— Менга қара, ҳов ғалча, боядан бери сенга нима деяпман? Буям ўмаришга тушсинми?..

— Шошма, — дея Норқул аканинг гапини бўлди Баҳром ака, — ўзинг кўйингни, молингни пахтага боққанинг ёлғонми?

— Эл қатори, — жавоб берди Норқул ака.

— Ҳа, ўлма! Мана энди ўзингга келдинг. Бундай олиб қарасанг, шуям ўғрилиқка, ўмаришга киради. Худди сенга ўхшаб бошқалар ҳам эл қатори ишлашяпти. Бирови каттароқ нарса ўмарса, бошқаси сенга ўхшаб молини боқиб келяпти. Лекин... ҳаммани бирдай ҳаромхўрга чиқариб ташлайверма. Фақат ойлиқка яшаётганлар ҳам йўқ эмас.

Маъруф уларнинг гапларидан нега тортишаётганларини англагандай бўлди. Бироқ айнан бундай тортишув, бир-бирларини айблашаётганлари сабабини билолмади.

— Бўпти, ўзинг биласан. Лекин увол-савоби ўзингга, — деди, ниҳоят, Норқул ака.

— Яша, ошна! — деб Баҳром ака жўрасининг елкасига қўлини ташлади. — Ана энди уйингга кираверсак ҳам бўлади.

Ҳали тузукроқ ишламасдан бирдан участка агрономи бўлиш Маъруфнинг тушига ҳам кирмаган эди. Яна отасининг ошнаси, озми-кўпми устозлик қилган Баҳром аканинг ўрнига.

— Мен чарчадим. Пенсия вақти келди. Энди бундан бу ёғига отанга ўхшаб тинчгина тўртга кўйни боқиб юрмоқчиман, — дея жавоб берди Баҳром ака Маъруфнинг саволомуз қарашига.

Маъруф ўша куни алғов-далғов тушлар кўриб чиқди. Шулардан эсида қолгани — худди аввалгидай осмонда учгани бўлди. Уйғонгач, шу ҳақда кўп ўйлади. Бироқ яна

тайинли жавоб тополмади. «Туш таъбирлари ҳақидаги китобни олиб ўқийман дегандим, қунт қилмадим. Бу сафар, албатта, олиб ўқийман», деган қарорга келди охири.

Йўқ жойдан пайдо бўлган таътиллер-у қутилмаган ташвишлар бошидан ариганига умид қилган Маъруф трактор паркига бориб, Баҳром ака билан учрашди. Узун бўйли тракторчи билан бузуқ тракторнинг тагида куймаланаётган Баҳром ака Маъруфнинг овозини эшитиши билан ётган жойидан чиқди. Қўлининг мойини наридан бери артди-да: «Кетдик, раисниқига борамиз», деди. Маъруф «У кийимларини алмаштириб олади» деб ўйлаганди. Аммо устози бундай қилмади. Шу аҳволда йўлга тушди.

* * *

Қизининг ёнида бегона аёлни ўйлаб ўтириш Толмас Бадриддиновичга ноқулайлик туғдирди. Сумбулхон ҳақида бошқа ҳаёл суролмади.

— Қизим, боргин-да, пулларни ишончлироқ жойга яшириб қўй, энди бор бойлигимиз шу. Ишлатиш ниятим йўқ эди-ю, лекин бошқа иложим йўқ, уй қуриш керак, — деди ва Паризоддан аввалроқ ўрнидан туриб, кўча томонга кетди.

У дарвоза ёнида турганлар, ўтган-кетганлар билан гаплашиб, кунни кеч қилди. Қоронғи тушса ҳам жойидан жилмади. Албатта, колхознинг каттасини ёлғиз ташлаб кетишни истамаганлар топилди. Улар раиснинг ўзи рухсат бермагунча у ёқ-бу ёқдан гап сотиб ўтиришди.

Кузда ҳаво анча совиб қолганига қарамай, Толмас Бадриддинович ташқарида ётди. Бир пайтлар оғилхонага қўйган сим каравотни олиб чиқиб, устига қўшниларикидан келтирилган кўрпани тўшади-да, уйқуга кетди. Уч марта ухлаб, уч марта уйғонди. Ҳар сафар тушига Насима кирди. «Мақсадингга етдингми? Энди ойимчанг билан роҳат-фароғатда яшамоқчимисан? Бекор айтибсан! Ҳадемай сен ҳам қора ерга кирасан. Билсанг, бу ёқда шунақанги азоблар сени кутиб турибдики!» — дерди ҳар сафар хотини... Йўқ, у ортиқ ухлаёлмади. Тонг отмасдан ўрнидан турди. Кундузи қайси бир қўшнисидан олган сигарет қутисидан бир дона сигарет чиқариб, лабига қистирди. Тутатди. Ўпкасини тўлдириб тутун ютаркан: «Ўлсанг ҳам қутулмасканман», дея пичирлади бошини

чайқаб. Сўнг тўкилиб тушгудай тизилиб турган юлдузларга қаради. «Бездим. Шу ёқларга кетгим келяпти. Бу дунё мен учун жудаям зерикарли бўлиб кетди. Ана шу юлдузлар атрофида юрсам, бирон нима топармидим? Эрмак қилиб юрармидим? У ёқда ҳаво йўқ дейишади. Демак, у ерларда юриш учун нафас олмаслик керак. Насима, тўғри айтганга ўхшайсан. Мен ҳам эрта-индин ёнингга... Йўқ, нима бўлган тақдирда ҳам, сенинг ёнингга бормайман. Ана шу кимсасиз юлдузлар атрофида у ёқданбу ёққа учиб юраман... Лекин шу ўғлим билан қизимни уйли-жойли қилиб олганимда эди... Уфф!» Бармоқларини сигарет чўғи куйдира бошлаганидан хаёли чалғиб кетди. Беихтиёр сигаретни ерга ташлаб, товони билан эзди. Дарвозахона ёнидаги томча — уйча эшиги ёнида биров тургандай туйилди унга.

— Паризод, — деди у.

Жавоб бўлмади. Бунинг ўрнига Толмас Бадриддинович кўрган шарпа унга яқинлашиб кела бошлади.

— Дада!

— Паризод, нега ухламадинг? Ҳали тонг отгани йўқку, — дея чуқур уф тортди Толмас Бадриддинович.

— Ўзингиз нега ухламаяпсиз? Сизга бунақа ўтириш мумкин эмас. Аввал сиз ётинг, кейин мен ухлайман.

— Кўй, қизим, ҳализамон тонг отади. Ётганим билан миямга бўлмағур ўйлар келиб, юрагимни сиқиб юборади. Ундан кўра, у ёқ-бу ёққа бориб, айланиб келаман. Тонги ҳаво бошқа пайтдагига нисбатан анча тоза бўлади, — дея Толмас Бадриддинович ўрнидан турди.

У оғир юриб, қизининг ёнига борди. Қўлини елкасига қўйиб, бағрига босди. Кейин шивирлади:

— Қизим, бориб ухла. Тонг ёришар-ёришмас уйга одам келиши мумкин. Шу бўйи кечгача сенда тиним бўлмайди.

Паризод хўрсинди. Унинг кўзи ёшга тўлган, лаблари титрарди. Отасининг унга гапи бор, Паризоднинг ҳам падарига айтмоқчи бўлган дардлари кўп. Лекин ҳар иккиси ҳам гапира олмайди. Гапирса, осмон узилиб, ерга тушиб кетадигандай.

Толмас Бадриддинович офтоб юз кўрсатгунча кўчада юрди. Ўйлаганидек анчагина энгил тортди. Кейин уйига

қайтди.

Хувиллаб ётган ҳовлиси мазористонга ўхшайди. Қорайиб кетган, томи ўпирилиб тушган уйи қабрнинг ўзгинаси. Толмас Бадриддиновичнинг юраги сиқилди. «Булар ҳеч нима, мен ўлмаганман, тирикман. Бундан чиқди, бу ерда бемалол данғиллама иморат қураман. Ана, қизим бир рўмол пул олиб чиқди. Унга бир эмас, иккита, керак бўлса, учта иморат қуриш мумкин. Эҳҳе, Толмасбек, сен ҳали-бери толадиган йигитмассан. Йигит дедимми? Ҳа, нима бўпти, қирчиллама йигитман ҳали! Белим тўла бола! Сумбулхон ҳали олдинма-кейин потирлатиб бола туғиб ташлайди. Эрталабдан менинг уйимда қийқириқ бўлади. Болаларнинг қийқириғи. Эҳҳе, уларга набираларнинг бақир-чақирларини кўшсам, нақ бозорнинг ўзгинаси бўлади». У уйига тикилиб, хаёл сураркан, мийиғида кулиб кўйди.

Шу пайт дарвоза томондан кимнингдир овози келди. Ўгирилиб қараса, ҳамсояси — Маъсуда келин. Уни кўриб, Толмас Бадриддиновичнинг юзи ёришди. Бирам ақли, бирам фаросатли-да бу Маъсуда келин деганлари. Толмас Бадриддинович у келин бўлиб тушганида, чаққонлиги, муомаласи қулоғига чалиниб: «Одамлар қандай қилиб шунақа қизларни топишаркан?» дея кўнглидан ўтказган эди... Мана, ҳозир ҳам у идиш кўтариб чиқибди. Демак, қандайдир егулик олиб келган.

— Ассалому алайкум, раис бова, мен сизларга озгина гўшт билан картошка қовуриб чиққандим, — деди у бироз ийманиб.

— Ҳа, ҳозир мен Паризодни чақирай, — дея уйча томонга юрди Толмас Бадриддинович.

— Сиз овора бўлманг, ўзим ичкарига олиб кириб бераман.

Худди шу пайт Паризоднинг ўзи ташқарига чиқиб қолди. У қўшни аёл билан кучоқлашиб, йиғлаб кўришди. Кейин улар биргалашиб томчага кириб кетишди. Бироздан сўнг Толмас Бадриддиновични ҳам чақаришди. «Нонушта қилиб олинг», дейишди. Бироқ у кирмади. Иштаҳаси йўқ эди. Бунинг устига, мулла келиб қолганди.

Кўй сўйилди. Дарвоқе, кеча сўйилмаганди. Бўлмаса, қассоб ҳам, одамлар ҳам бор эди. Ҳаш-паш дегунча сўйи-

либ, қозон ҳам осилиши мумкин эди. Аммо Толмас Бадриддиновичнинг кўнгли бўлмади. Анави Шокир ярамаснинг қилган ишидан кейин кўнглида қандайдир бир нима пайдо бўлди. Аввал: «Сўйинглар», деди. Кейин: «Йўқ, эртага», деди. Мана энди шу ишларнинг ҳаммаси қилиниб, қозон осилди. Мактабдан, колхоз клубидан стол-стул ҳам олиб келинди.

Чошгоҳда Баҳром агроном билан бирга келган Маъруфни кўрган раис ич-ичидан хурсанд бўлди. Неғалигини ўзиям билмайди. Фақат «Шу боланинг бир нимаси бор-да» дея кўнглидан ўтказиб қўйди.

Бир косадан шўрва ичилгач, Баҳром ака юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. Келиб-кетувчиларни кутиб олиб, кузатиб қўяётган Толмас Бадриддиновичнинг ёнига борди.

— Кўринишингиз яхши, раис бова. Иродали одамлингиз билиниб турибди. Худо хоҳласа, кўрмагандай бўлиб кетасиз, — деди.

Толмас Бадриддинович мийиғида кулди. Кейин хўрсинди-да:

— Ошна, манави ерда ҳаммаси, — дея кўксига кўрсаткич бармоғини урди, — агар очиб кўрсатсам, қочиб кетасиз. Бу ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ.

— Қайғу маҳали одамга шундай туйилади. Ўтиб кетади, раис бова.

— Лекин жа чўзилди-да.

— Ўтади... Мен сиздан бир нима сўрамоқчийдим. Шундай пайтда кўнглингизга сиғмас дейман. Лекин вақтни бекорга ўтказиб юбормайин деб айтмоқчиман.

— Нима бўлди, тинчликми?

— Тинчлик. Шу десангиз, Маъруф менинг ўрнимда ишлаб турса, нима дейсиз?

— Нега? Ўзингиз-чи?

— Қаридим, раис бова. Аслида, бир-икки йил олдин бошқа бировга берсам дегандим. Лекин одам тополмагандим. Мана, кадр келди. Яхши ўқиган экан, ҳар балога ақли етади.

Толмас Бадриддинович кулди ва чўнтагидан сигарет олиб лабига қистирди. Шошилмасдан тутатди, сўнг сўради:

— Бу Маъруфингиз неча кун ишлади ўзи? Ишга олганимиздан бери ишлаганидан ишга келмагани кўпроқ бўлмадими?

— Шундай. Аммо... энди шундай бўп қолди-да, раис бова. Бир сафар у нарса, кейин бу нарса сабаб келмади ишга. Лекин бир бошлаб олса, зўр тортиб кетади.

Толмас Бадриддинович яна кулди.

— Уч-тўрт кун ишлаб, зона агрономи бўляпти. Яна беш-олти кундан кейин бош агроном, келаси йил ёзга етиб-етмай раис бўп турибди-да, — дея бошини чайқаб Баҳром акага қаради у.

Буни қарангки, раис шундай деяётган маҳал Ҳайбатулло уларга яқинлашиб келаётганди. У раиснинг ҳамма гапини эшитди. Ичидан зил кетди. Қисиқ кўзлари катталашди. Яна бирон нима эшитиб қолармиканман деб, қадамини секинлатди. Аммо Толмас Бадриддинович бошқа мавзуга ўтиб кетди.

Ҳайбатулло уларнинг ёнида бир муддат турди. Ичи қизиди. Ким бош агроном, кейин раис бўлишини билгиси келди. Айни пайтда алам бутун вужудини ёндирди. Аммо у ҳеч вақони билолмай, бориб столга ўтиришга, бир коса шўрва ичиб, кейин идорага кетишга мажбур бўлди. Ана шундай куйиб-ёниб ўтирганида, уни райкомга чақириб қолишди.

— Толмас Бадриддиновичнинг шашти анча паст, колхозни бошқариб туринг, — деди шахсан райкомнинг ўзи.

Ҳайбатулло ўтирган жойидан сакраб туриб кетай деди. Идорага етиб келгунича режа тузди.

Унга кўра энг аввал Маъруф ишдан ҳайдалади. Чунки у ёш, яқинда ишга келганига қарамай, айни терим қизгин пайти бесабаб ишга чиқмаган. Яна ичиб олиб жанжаллашган. Бундайлар агроном бўлишга нолайиқ. Иккинчиси — Баҳром ака. У аллақачон пенсияда бўлиши керак эди. Бироқ ҳалигача ишлаб юрибди. Иш юритиши, қарашлари эскича. Ҳозирги замонавий технологияни билмайди. Учинчиси — Толмас Бадриддинович... Унинг охириги ўғрилиги очиқча бўлган. Бунинг устига, ўғрилиқни бошқа бировнинг, яъни Шокир ферманинг бўйнига юклаган.

* * *

Албатта, Ўқтамнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. «Бораман, ғоримга кираман. Тўшакка ўзимни ташлайман-у ухлайман», деб ўйлаганди у. Бироқ ресторан эшигидан чиқар-чиқмас тасир-тусур бўлиб кетди. У йигитлари тутдек тўкилаётганини кўрган заҳоти ўзини орқага ташлади. Кейин эмаклади. Амаллади. Бешикаст эшик ортига ўтиб яширинди-да, тўппончасини чиқарди. «Шундай бўлишини кўнглим сезганди. Аллақачон одамларимни янгилашим керак эди. Ҳаммаси текинхўрликдан бошқага ярамайдиган бўп қолганди», дея хаёлидан ўтказди-да, ўқ ёмғири тинишини кутди. Аммо отишма тугамай туриб, милиция машинасининг овози эшитилди. Ана шундан кейингина отишманинг овози ўчди. Ўқтам ўрнидан сакраб турди. Ресторан ичкарасига югурди. Ундан ошхонага ўтди. Ошпазлар, хизматчилар кўзлари қинидан чиққудек титраб-қақшаб туришган экан.

— Орқа эшикни кўрсат! — бақирди у.

Бир йигит югуриб унинг олдига тушди. Бориб, ташқарига чиқадиغان эшикни очди.

Ўқтам шотирларини сўка-сўка йўл бўйигача югуриб борди. Машина жуда қам эди. Бориям тўхтамай ўтиб кетаверди. Шундагина Ўқтам қараса, қўлида тўппонча.

— Туф-у! Шунгаям ақлим етмабди! — бақирди у.

Сўнг қуролини чўнтагига тиқиб, яқинлашиб келаётган машинага қўлини кўтарди.

Бунисиям тўхтамади. Ўқтамнинг жони чиқди. Йўл бўйлаб югуриб кетаверди. Ортидан машина моторининг гувиллаши эшитилди.

«Энди тўхтайсан, тўхтамасанг, нақ онангни кўрсатаман!» деган хаёлда у йўлнинг ўртасига ўтди-да, қулочини кенг ёзиб туриб олди. Келаётган улов юк машинаси экан. Ҳайдовчи аввалига машинасини секинлатмади. Кейин бирдан тормозни босган эди, ғилдираклар сирпаниб, чийиллади-да, Ўқтамга етишига бор-йўғи икки қадам қолганида тўхтади. Кабина эшиги қарсиллаб очилди.

— Онангни шоматалоғига йўлнинг ўртасида турибсанми, ит эмган!

Бундай ҳақорат ҳозир Ўқтамга чивин чаққандай таъсир этмади. Чўнтагидан тўппончасини олди-да, навбатдаги сўкишга оғзини жуфтлаётган ҳайдовчининг ёнига

бориб, пешонасига тўғрилади.

— Ҳозир ит тугул, чўчқаниям эмасан. Туш пастга! — ўқирди у.

Ҳайдовчининг боши хумдай, қорни қозондай, овози бузуқ тракторникадай, қоши қалин, кўзининг ҳар биттаси пиёладай-пиёладай эди. Аммо буларнинг бирортаси ҳам уни кўрқувдан сақлаб қололмади.

— Эй-й, эй-й, ошна, нима қиялпсан? — деди бирдан мулойим тортиб қолган ҳайдовчи.

— Ошнангни энангникида кўрасан! Пастга туш!

Ўктам ҳайдовчини ерга ётқизди. Орқа миясига тўппонча билан уриб, ҳушидан кеткизди, кейин судраб йўл четига чиқариб ташлади-да, машинага ўтирди.

Бундай мағлубият Ўктамнинг тушига ҳам кирмаган эди. У газни шунақанги қаттиқ босдики, машина сапчиб турган жойидан қимирлади.

* * *

Саид йиғлади. Қиз хандон отиб кулди. Бунга чидолмаган Саид баттар ўқирди.

— Ҳе, — деди охири бирдан жиддий тортган қиз, — нега хотинларга ўхшаб увиллаяпсан?

— Осонми сенга оғриққа чидаш? Оёғимни синдириб юборай дединг-ку! — дея ҳиқиллади Саид.

— Эркак эмаскансан. Сенинг ўрнингда бўлганимда, миқ этмай ётардим, — деб қиз унинг оёғини қўйиб юборди-да, стулга ўтирди.

— Мен сенинг қийнаганингдан йиғлаётганим йўқ. Сенга кучим етмаганидан йиғлаяпман. Қиз бола шу аҳволга солса, қайси эркак чидайди? Шу қилганингни яхшиям ҳеч ким кўрмади. Кўрганида шарманда бўлардим.

Қиз мийиғида кулди-да:

— Нега орқамдан келдингиз? — деб сўради бирдан Саидни сизлаб.

— Тўғрисини айтайми?

— Бўлмасам-чи!

— Тўғриси, ёқтириб қолгандим.

— Сийқаси чиққан чўпчак! Ўқишга энди кирганимда, бир-иккитаси менга шунақа деб хушомад қилганди. Кейин ёқтириб қолган одам қиз боланинг уйига бостириб кирмайди.

— Шундай бўп қолди-да...

Саид ўрнидан турди. Ҳалигача қақшаётган оёқларини силади.

— Ўғриман деганмидингиз? — деди қиз гўё ҳеч нарса содир бўлмагандай иягини кафтига тираб, Саидга термиларкан.

— Йўқ. Эй, шошманг, мелисага телефон қимаганмидингиз? Ҳазиллашдим деб айтинг, илтимос, — деди Саид аланглаб.

— Мелисасиз ҳам ўзим ҳал қилиб қўявераман. Нима қиларкан деб, сизни синагандим.

— Шундай демайсизми? Ўтакам ёрилиб кетай деди.

— Сиз яхши одам эмассиз. Буни манави совуқдан-совуқ турқингиз айтиб турибди. Аммо буни қарангки, худди сиздақани ахтариб юргандим.

— Йўғ-э, ростданми? Нима, сиз ҳам мени ёқтириб қолганмидингиз?

Қиз кулди-да, бошини чайқади.

— Наҳотки сиз қиз бола ёқтирадиган даражада кўркамман деб ўйласангиз?

— Энди, ҳар қалай... Билмадим... Айтиб бўладими?

Қиз бирдан ўрнидан турди. Кўзи ёнди. Вужуди титради.

— Бир пайтлар ҳали соддагина қизлигимда худди сенга ўхшаган нусха номусимни поймол қилган. Азоб бериб поймол қилган. Шунинг учун мен қаратэга қатнадим. Ўч олмоқчийдим. Мақсадимга етдим. Ўша нусхани ер билан битта қилдим. Шарманда бўлди. Лекин, барибир, кўнглим тўлмади. Номусим қайтиб келмади. Мана энди кимки унга ўхшаса, уриб ўлдиргим келади. Омадинг йўқ экан. Ҳозир сени итдай азоблайман-да, бозорнинг қоқ ўртасида қип-яланғоч юрғизаман.

Саиднинг юраги товонига тушиб кетди. У атрофига олазарақ боқиб, қизга ҳамла қилиш учун бирон нима қидирди. Кўрди. Стол устида ошпичоқ турарди. «Агар шу пичоқни ололсам, мана шу айтган гапларинг, қилган ишларинг учун ўзингни ана шу бозорнинг ўртасига ҳайдаб чиқаман. Керак бўлса, ўқийдиган жойингнинг ётоқ-хонаси ёнидаям яланғоч юрғизаман», хаёлидан ўтказди у.

* * *

Ҳар ненингки умри бир кун тугайди. Бирови ёқишдан ўзгага ярамайдиган ўтин, бошқаси пахса девор учун лой бўлади. Ўктам шаҳардан чиқиб, ўнқир-чўнқир йўлда кабинанинг томига бошини уриб-уриб, чайқалиб-чайқалиб кетаётганида шу ҳақда ўйлади. «Омадим келди. Шунинг учун омон қолдим. Бўлмаса, ҳозир осмону фалакдан ердагиларни томоша қилиб юрган бўлардим. Бир ойга бормасдан, эгим тупроққа қоришиб кетарди. Сўйилаётган қўйнинг терисини арчимасдан туриб, оёғининг бир чеккасини тилиб, ўша жойдан пуфлаганингда қандай шишса, менинг танам ҳам худди шундай шишарди. Кейин пақиллаб ёрилиб кетарди-да, лаҳад деворларини шилта қилиб ташларди. Кўз олдинга келтирсанг, даҳшат... Қулогим остидан визиллаб ўтган ўқни аниқ сездим. Ундайроқ ёки бундайроқ ётганимда, миямнинг қатигини чиқариб ташлаши мумкин эди...»

Ўктам хўрсиниб қўйди. Кейин аста-секин бўй кўрсатаётган қуёшга қараб жилмайди. «Умримда биринчи марта сени кўрганимдан қувоняпман. Илгари чиқишинг, ботишинга умуман эътибор бермаган эканман» дея хаёлидан ўтказди ва машина тезлигини сусайтирди. Бироздан кейин эса тормозни босди. Пастга тушди. Қулочини кенг ёзиб, керишди. Уни четдан кузатган одам туни билан қанчадан-қанча нарсанинг ағдар-тўнтарини чиқариб, неча биттанинг ёстиғини қуритганига ишонгиси келмасди. Чунки у роҳатланиб керишган эди-да.

Ўктам қуёшга қаради: кўзи қамашди. Кейин чўл, янтоқларга боқди. Эрталаб бу ерлар кўзга бошқача кўринади. Аммо туш пайти худди жаҳаннамга тушиб қолгандай бўласан. Янтоқларни қўйлар бирам хуш кўришадики, китирлатиб ейишади. Бир жойга ғарам қилиб босиб қўйсангда, атрофини кўра қилсанг, қўйларинг очлик нималигини билмай, қишдан чиқишади. «Чўпонлар ёнига борман. Форга бормайман. Битта қўйни тандир қилдираманда, маза қилиб еб ётаман. Чўпонларниям одам соғиниб кетаркан. Содда, чайир одамлар» хаёлидан ўтказди Ўктам ва яна қайтиб машинага ўтирди.

Ўша кулба. Ўша сир-синоатли кулба. Бир қарашда тўрттагина девордан иборат: оғилхонадан ўзга ҳеч нимага ярамайдиган оддийгина кулба. Аммо бу ерда нима иш-

лар бўлиб ўтмади? Бу кулба қанча-қанча маккорлик, лўттибозлик, зўравонликларнинг гувоҳига айланмади? Яна бу кулба ўз бағрида заҳри қотилнинг қанчасини сақламади дейсиз! Лекин буларнинг бирортасини ҳам Ўктам эсламайди. Эслайдиган битта нарса бор: Паризодни илк бор учратгани. Учратмади. Қизни мажбурлаб олиб келиб кўрсатишди. Ўктамнинг юраги бирдан жиз этди. Кейин дунёда ишқ азоби борлигини ҳам билди. Бировга айтолмайди, маслаҳат ололмайди. Кимсан — фалончи чўпон, кимсан — дашт қироли нозиккина қизчани деб, шу аҳволга тушиб қолди-я...

Кўйларни чўпонлар боққани олиб кетишибди. Кулбада биттагина чўпон қолибди. Мамасоли — дудуқ чўпон. Бировлар билан гаплашишдан кўра, «кур-эй-кур-эй» дея кўйларга бақришни хуш кўрадиган чўпон. Буни қарангки, у шамоллабди. Иситмалабди. Кўрпа-тўшак қилиб ётибди. Машина овозини эшитмаган. Эшитганида, қай аҳволдалигидан қатъи назар, турар, ташқарига чиқарди. Чунки хўжайиндан бошқа одам бу ерга машинада келмайди. Яна у хўжайиннинг ниҳоятда жаҳлдорлигини ҳам биледи: аямайди. Сал кўзига ёмон кўринган одамни сўрамай-нетмай бир ёқли қилиб ташлайди...

Ўктам кулбага кирди. Бошқа пайт бўлганида бирдан қони қайнаб, чўнтагидан қуролини чиқарарди-да, ярамас чўпонни тарс-турс отиб ташларди. Ҳозир бир туки қилт этмади. Чунки у Паризодни ўйлаб, манави кулба, у ердаги одамларни яхши кўриб келганди-да. Шундай маҳал қандай қилиб бировни уриб-сўксин, қонига беласин?

— Ўҳҳў, хўжам жа бошқача ётибди-ку, путни кўтариб, а? — дея иржайди Ўктам.

Мамасоли чўпон шошиб қолди. Устидаги кўрпани олиб ташлаб, ўрнидан турди.

— Ҳимм, нима бўлди? Ҳамма кетган, сен ётибсан? — сўради бирдан жиддий тортган Ўктам.

— Ме-е-н, бо-о-ш...

— Ҳа, бошинг оғрияптими? Касал бўлдингми? — деди дудуқнинг гапларини охиригача эшитишни истамаган Ўктам.

Мамасоли бошини ирғаб, тасдиқ ишорасини берди.

— Дори-пори ичдингми?

Мамасоли бу сафар «йўқ» дегандек бошини чайқади.

— Тушунарли, қаердан ҳам ичасан? Бўлса ичасан-да. Иш тутма, ҳозир ўзим даволаб ташлайман. Менинг ароқларим турибдими, ишқилиб?

— Ҳе-е-ч ким те-е-е-г-инмайди... — жавоб берди Мамасоли амаллаб.

Ўктамнинг юзига яна табассум югурди.

— Бўпти, сен ётавер, ўзим ҳамма нарсани еъ қилиб ташлайман. Фақат тўшагингни дераза томонга ол, тўрга ўтиб қайтишим кўп бўлади. Шошма, бу ёққа кел-чи, — деб Ўктам чўпонни ёнига чорлади.

Мамасолининг киприклари пирпиради. Қулт этиб ютинди. «Хўжайиннинг феъли айниди. Боя қилмаган ишини энди қилади» дея кўнглидан ўтказди-да, бир-бир босиб Ўктамнинг ёнига келди. Ўктам унинг пешонасига кафтини қўйди. Кейин:

— Эҳҳе, бу аҳволда қандай ўлмасдан ётибсан? Тез ёт, бўл тез! Майли, жойингни алмаштирма, — дея шоша-пиша уй тўрига борди-да, гиламни кўтарди.

Сўнг кичкина ертўланинг оғзини очиб, пастга тушди. Иккита ароқ билан бир парча яхна гўшт олди. Кейин юқорига кўтарилди. Мамасоли ётмаган, ҳалиям худди маст одамдай тебраниб-тебраниб турарди.

— Сен эшакка нима дедим?! — дея бирдан бақириб юборди Ўктам.

Мамасоли чўчиб тушди-да, шоша-пиша жойига ётди.

— Сенларга яхши гап ҳам ёқмайди. Албатта, битта сўкиш эшитишинг керак. Ана ундан кейин қимирлайсан, — дея Ўктам токчадан дастурхонни олиб, кулбанинг ўртасига ёзди. Дастурхондаги тўнтарилиб қолган нон бўлакларини тўғрилади. Иккита ароқ билан гўштни ноннинг ёнига қўйди. Кейин ташқарига чиқди. Ўчоққа олов ёқиб, кумғонни қўйди. Сув қайнагач, кулбага олиб кирди. Битта пиёлага яримлатиб ароқ қўйди, сўнг унинг устига қайнаган сув солди.

— Манавини битта ичиб юбор-чи, — деди Мамасолига.

Чўпоннинг киприклари пирпиради. Кимсан — фалончи хўжайинни кўрган борки, оёғигача дағ-дағ қалтирайди. Энди шу одам унга хизмат қилиб турибди. Буни

қандай тушуниш мумкин? Бор-йўғи дудуқ, чўлоққа-я!..

— Яна битта сўкайнми, ифлос?! Тур ўрнингдан! — бақирди яна Ўктам.

Мамасоли тагин шошди. Шу шошишда, сал бўлмаса, хўжайиннинг қўлидан олган пиёладаги ароқни тўкиб юбораёзди. Тиши пиёла гирдига так-так тегиб ичди. Ўктам уни яна ётқизиб, очилган шишадаги ароқнинг ҳаммасини Мамасолининг баданига суриб чиқди. Сўнг устидан учта кўрпача ташлаб, иржайди-да:

— Мана кўрасан, ярим соатдан кейин отдай бўп кетасан, — деб дастурхон ёнидаги эски, юпқа гилам устига чордана куриб ўтирди ва пиёлани тўлдириб ўзига ароқ куйди.

Бир кўтаришда ҳаммасини ичиб юбориб, лаб-лунжини кафтининг орқаси билан артаркан:

— Жонинг кириб қолдими? — деб сўради Мамасолидан.

Чўпон бош ирғаб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Яхши...

Ўктам яна ароқ куйиб ичди, сўнг пешонасини қашлади-да, чўнтагидан сигарета олиб тутатди.

— Бир хил пайтлари сенга ҳавасим келади, Мамасоли, — деди ўпкасини тўлдириб тутун ютганидан кейин Чўпон. — Ташвишинг йўқ... Ташвишинг — тўртта кўйни обориб айлантириб келиш. Бошқа ҳеч нимага бошингни қотирмайсан.

— Хўжайин...

Ўктам ялт этиб унга қаради. Зеро, чўпон шу битта сўзни ҳеч дудуқланмасдан айта олганди. Сабаби, озгина қайноқ сув кўшилган ароқ унинг бошини қиздирган, тилидаги тугунни ечиб юборган эди.

Ўктам ажабланганини билдирмади. Бурнини тортиб кўйди-да, ич-ичидан хурсанд бўлиб, тутун ютди.

— Хўжайин, сиз яхшисиз...

— Қаёқда! Асли кимлигимни билмайсан. Билганингда борми, балки, бу ёқларга умуман келмаган бўлардинг.

— Не-не-га?.. — сўради бу сафар Мамасоли дудуқла-ниб.

Ўктам кулди. «Одамга ўхшаб гапиришинг учун яна икки юз грамм ютқазсам бўларкан» дея кўнглидан ўтказ-

ди. Аммо бошқа нарсани гапирди.

— Билсанг, менинг юриш-туришим яхши эмас. Бу гапларни нега сенга айтяпман, биласанми? Билмайсан. Балки, биларсан. Майли, буниси муҳим эмас.

Мамасоли хўжайинига киприк қоқмай қараб ётар, пешонасидан реза-реза тер оқарди. Ўктам гапиришдан олдин яна пиёлани ароққа тўлдирди. Фақат бу сафар ичишдан олдин бармоқлари орасида тутаб тугаётган сигаретани лабига қистирди. Худди нашавандлардай томоқ томири бўртиб, кучанганча тутун ютди. Ана ундан кейин тамаки қолдиғини бошқа пиёла ичига босиб, эзиб ўчирдида, шайтон суви солинган идишни қўлига олди. Нафас олмай, ҳаммасини ичди. Яхна гўштдан газак қилди. Шундан жони роҳат топдими, кўзларини юмиб, «Оҳ!» деди. Уни кузатиб ётган Мамасолининг ҳам ичгиси келиб кетди. У пешонасидаги терни артди-да, ўрнидан туриб ўтирди.

— Тузалиб қолдингми? — деди Ўктам мутлақо жиддий оҳангда.

Мамасоли гапирмади — гапиришга қўрқди. Шу боис бошини қимирлатиб қўя қолди.

— Яхши. Мана қара, кечаси билан бир минутга бўлсин, кўзимни юмганим йўқ. Бундай олиб қараса, итдай чарчаганман. Лекин сира уйқум келмаяпти. Ичасанми?

— Ҳа...

Яна бир пиёладан ичилгач, Ўктамнинг гап халтаси очилиб кетди. У аввал пешонасини қашлади. Яна битта сигарета чекди. Ана ундан кейин сўзлай бошлади.

— Сенга нима учун ҳавасим келади, биласанми? — сўради у Мамасолидан.

— Би-би-би-л-м...

— Тушундим, билмайсан. Шунинг учун ўзим айтаман. Сен, аслида, энг бахтли одамсан. Тўла бахтли бўлишинга хотин етишмайди. Хотин олсанг, ўз-ўзидан бахтсиз бўп қоласан. Чунки чирқиллаган болаларингни боқишинг керак, хотинингнинг эзмалик ва эркаликларини кўтаришинг керак. Шундай бўлганидан кейин бахт деган нарса умуман сенга бегона бўлиб қолади. Мен бўлсам... Ўлиб тириламан! Ваҳоланки, хотин деган нарсанинг ўзи йўқ менда. Нимага ўлиб тирилишимни ҳозир ўйлаб қарасам,

Ўзим ҳам билмасканман. Анави қиз эсингдами? Уни шу ерга опкелишувди. Агар ўша қиз хотиним бўлганида эди, мен ҳам одамлар қаторига қўшилган бўлардим. Лекин, билсанг, у қизга менинг кучим етмади. Ҳар қандай одамни мажақлаб ташлайман бемалол, лекин шу қизча менинг абжағимни чиқариб ташлади. Яна унинг йигити бор экан. Пачаққина... Уфф, ичим куйиб кетяпти, Мамасоли, ичим-ичим!.. Лекин сен буни тушунмайсан. Сен қўй боқиб келиш, кейин эвазига мендан тўрт-беш сўм ундиришни биласан. Мен ҳам ана шу нозикойимни учратмагунимча молдан тезагим бошқа эди. Худди сенга ўхшаб. Тушуняпсанми, худди сенга ўхшаб! Уфф!

У қўли қалтираб, пиёлани ароққа тўлдирди. Ичди, сўнг пиёлани деворга уриб, чил-чил синдирди. Мамасоли қўрқиб кетмади. Чўпон хўжайинининг гапларига маҳлиё бўлиб қолганди. Зеро, у ҳеч ким билан ҳеч қачон бунақа гаплашмаганди. Ҳамма уни камситган, паст назар билан қараган. Мана, ҳозир минглаб қўйларнинг (онг шу даражада бўлгач, ҳамма нарсани қўй билан ўлчайди-да) эгаси уни ўзига яқин олиб турибди.

— Тўғриси, бўйнимга олиб айтаман: шу қизда зиғирча бўлсин, инсоф, одамгарчилик бўлганида, мени ёмон йўлдан қайтарарди. Қийинмасди унга! Мени яхши кўриб қолса, бўлдий-ди-и... Кечардим баридан. Номард, бундай қилмади! Ожизлигимдан фойдаланиб, йигитчаси билан бирга мени ер билан битта қилди-ю, кетди... Мен энди кимман? Яна ўша-ўша муштумзўр, қонхўрман! Одамларни нашага ўргатиб, пул топаётган бойваччаман! Наша, наша, наша... Чекдим, лекин бирор марта бўлсин, томиримга урмадим. Урганимда, энамни кўрардим!

Мамасоли тошдай қотди. У колхознинг қўйини боқяпман, деб ўйлаб юрарди. Колхоз шунчалик бойки, магазинчининг даромадидан ҳам кўп пул беради, деб ўйлаб юрарди. Ваҳоланки...

— Шуларнинг барини ташлаган бўлардим, Мамасоли, — деди Ўктам ҳазин овозда ва шишани кўтариб ичмоқчи эди, лекин оғзига бир култум ҳам шайтон суви тушмади. — Падар лаънати, тугаб қопти-ку! Одам бўп қолган бўлсанг, олиб чиқ!

Мамасоли дик этиб ўрнидан турди. Оқсоқланиб икки

қадам босди-да, ертўланинг устини ёпиб турган гиламни кўтарди.

— Ҳайронман, — дея ўзига ўзи гапирди Ўктам, — кечаси билан ичдим. Мана, яна эрталабдан бери иккита бутилка кетди. Йўқ, битта. Ҳа, инсоф билан айтишим керак. Мен эркакман. Эркаклар ҳамиша эркак бўлиши керак.

У худди бўридай тиши билан яхна гўштдан бир бўлагини ажратди-да, оғзини тўлдириб чайнади ва Мамасолига иржайиб қараб қўйганча деди:

— Қуй, қисталоқ! Бугундан бошлаб мен билан улфатчилик қиласан! Нимага, биласанми?

Мамасоли иржайиб «йўқ» дегандек бошини чайқади.

— Чунки сен ичингдагини ҳеч қачон ташқарига чиқармайсан. Қумсан, қум! Ҳе-хе-хе! Ол, ичамиз!

Навбатдаги бир пиёла ароқ Ўктамнинг кўзини сузиб қўйди. Бирпасда лоҳас аҳволга тушиб, бошини эгиб қолди-да, минғирлади:

— Мен сенга айтсам, билсанг, аслида, жинойтчилар бошқалар...

— Қ-қ-қ-қайси?.. — сўради тили аввалгидан-да баттарроқ қулфлана бошлаган Мамасоли.

— Наша... — дея бошини кўтариб, хунук иржайди Ўктам, — менинг, менинг, аслида, сендан фарқим йўқ. Каллам дўм-дўм, ошқовоқдан бошқа нарса эмас... Бошим айланиб, кўзим тиниб кетяпти. Ҳозир шундай ўзимни ташлайман-у, ухлаб қоламан.

Мамасолининг ичи қизиди: у хўжайинининг кейинги гапларини ҳам эшитишга муштоқ эди. Аммо Ўктам ёнига ағдарилди. Бир-икки марта хуррак отди. Кейин негадир яна бирдан бошини кўтарди-да, ўзининг юзига ўзи шапалоқ урди. Бошини чайқади-да, кўзини очди.

— Кўрдингми, мен шунақаман. Шунинг учун ҳам сендан зўрман. Менинг ўрнимда сен бўлганигда, хуррак отиб, ухлаб қолган бўлардинг. Нима деяётгандим? Ҳа, мен жабрдийда, гўл, аҳмоқман! Аҳмоқман, аҳмоқман, аҳмоқман!..

Ўктамнинг яна кўзи кетиб қолди. Мамасоли унинг нега аҳмоқлигини билиш учун томоқ қирди:

— Ҳа-а, героин ердан ўсиб чиқмайди. Уни олимлар

тайёрлашади. Бир бало-бир бало қилишиб, катта олимлар...

Унинг гапиришга ортиқ мадори етмади ва яна ёнига ағанади-ю, тошдай қотиб ухлаб қолди. Мамасоли кейинги гапларни ҳам зўр қизиқиш билан эшитмоқчи эди, бироқ насиб этмади. Насиб этгани бир чимдим эркинлик, бир зум ўзини одамдай ҳис этиш бўлди. Шундан руҳланиб, ўрнидан турди, ташқарига чиқди. Бақиргиси келди — бақиролмади. Дудуқланиб қолишдан қўрқди. Кўзи эса калхатдай учиб келаётган вертолётга тушди.

* * *

Букчайиб қолган Шокирни машинага босиб олиб кетишди. Аввал бошқармага олиб бориб, алоҳида хонага қамаб қўйишди.

— Ҳов, менинг кимлигимни биласанларми?! Мен бутун колхозни сўраб турадиган катта одамман! Мен артистман! Қўшиқ айтаман, ҳаммангни ўйнатаман! — дея бақирди Шокир панжарага ёпишиб.

Биров унга қарамади. Фақат навбатчи милиционер ҳамкасбларига:

— Нега бу ёққа опкелдинлар? Жиннихонага обориш керак эди... — дея норози бўлиб тўнғилади.

— Кимлигини билайлик, кейин обориб ташлаймиз, — жавоб беришди унга.

Бу пайтда Шокир қўшиқ қуйлай бошлаганди:

— Кеча отда

юрганди-и-и-м!

Отим ўлди,

ёр-ёр!

Отгинамни

ўлдирган

Ул қалам қош,

ёр-ёр!

Вой бола!

Жон бола!..

Навбатчи милиционернинг асаби ўйнади. Ўрнидан туриб, бошлиқнинг хонасига кириб кетди ва дарров чиқиб, гўшакни қўлига олди-да, рақам терди.

Орадан ярим соатча вақт ўтиб, иккита оқ халатли йигит келди. Улар, асосан, бошқармадаги нозик ишлар би-

лан шуғулланувчи гавдали милиционер билан бирга Шокирнинг қафасига кириб, уни ерга босиб, бўкиртириб, чинқиртириб битта укол қилишди. Шокир аввал ювош тортиб қолди. Сўнг иржайиб-тиржайди ва оқ халатлилар нимаики дейдиган бўлишса, сўзсиз бўйсунди.

Шокир қолган беш юз сўмидан ҳам айрилди. Унга касалхона кийимини кийгизишганди. Ўшанда чўнтак кавлашни одат қилган, оқ халати ювилаверганидан оҳорини йўқотган фаррош ёрдамчиси олиб қўйди. Оҳ, унинг хурсанд бўлганини бир кўрсангиз эди... Ахир йўқ жойдан шунча пул ўз оёғи билан келиб қолса, хурсанд бўлмай-дими? Керак бўлса, бош врач ҳам бир кунда шунча пул тополмайди.

* * *

Қиз йиғилган сочларини ёйиб юбораётганидан фойдаланиб, Саид пичоқни қўлига олди-да, иржайди:

— Ҳе, қалайсан энди? Шу пайтгача бир-иккитасининг ёстиғини қуритганман. Ҳеч нарса бўлмаган. Энди сенинг ичак-чавоғингни ағдариб ташлаганимда, бирор нима ўзгариб қолармиди?

— Шу пичоқ ёрдам бермаса, бундан баттар шармандангни чиқаришимдан қўрқмайсанми? — жилмайди қиз.

— Қўлимдаги қурол мени шерга айлантириб юборади. Лекин битта афсусланадиган томони бор: чиройлисан. Одамнинг ҳушини оласан. Шундай чиройдан бенасиб қолишимдан афсусланаман.

— Мен эса сенинг суякларингни синдираётганимда қарсиллаган товушдан роҳатланиб кетаман. Афсусланишнинг яқинигаям бормаيمان. Тасқаранинг нимасига афсусланаман?

— Вой, итвачча, ҳали устимдан куладиган бўлдингми?! — дея Саид ҳамлага ўтди.

Аммо пичоғи ҳавонигина кесарди.

— Бунча имиллайсан?! — қиқирлаб кулди қиз. — Бўлмайсанми тез-тез?! Жонинг борми ўзи?!

— Ҳозир кўрасан! — дея Саид бор кучини тўплаб, ўзини қизнинг устига отди.

Бироқ кутилмаганда қиз қаергадир ғойиб бўлди-ю, гурсиллаб полга қулади. Аввалдан йиқилишга тайёр эмасди. Шу боис қўлини полга тираб қолишга улгурмай, бошини

урди.

— Им-м-м! — деди инграб ва пичоқни ташлаб юбориб, пешонасини ушлади.

— Ҳеч балога ярамаскансан-ку, хотинчалиш! Бундан кўра иштон кийиб юрсанг бўлмасмиди?! — дея уни ҳақорат қилди қиз.

— Ўлдираман! Мана кўрасан, ўлдираман! Қонингни ичаман! — дея Саид ўрнидан сакраб турди.

Лекин шу заҳоти жағига қизнинг товони тегди-ю, гурсиллаб қайтадан йиқилди. Ана шу пайт кўча эшиги очилди. Қизларнинг қийқиришиб кулгани эшитилди. Сўнг:

— Нилу, Нилу! — деб бақирди.

— Тезроқ ичкарига киришлар, томоша кўрсатаман! — деди уларга жавобан ҳозиргина Саидни тепиб ағдарган қиз.

Қизнинг дугоналари шоша-пиша уйга киришди. Нилуфар сочлари ёйилган, кўзлари чақнаган, лабида табасум билан турибди. Полда эса юзтубан бўлиб бир йигит ётибди.

— Вой, ким бу?! — деди биринчи дугонаси.

— Нима қилипсан? — сўради иккинчиси.

— Буни, — дея Саидни кўрсатди Нилуфар, — боғда сизлар билан бирга кўргандик. Уйгача ортимдан мени кузатиб келди. Зўрлик билан ичкарига кирди. Бир-икки марта калтак еганди, мени ёқтириб қолганини айтди. Бунгача ўғриман, каллакесарман, деб сайраганди.

— Сенинг кимлигингни билмаган бўлса керак-да, шўринг қурғур!

— Лекин бу тасқара менга керак эди. Сизларнинг кўз ўнгингизда шармандасини чиқараман! Тур ўрнингдан! — дея бақирди Нилуфар.

— Қасдингни олгансан-ку, Нилу, нима қиласан қийнаб?

— Менинг ўрнимда сен ёки бошқа қиз бўлганида нима қиларди? Яна битта қиз бир умр азобда қоларди! — деди ғазаб отига минган Нилуфар ва Саиднинг биқинига тепди-да:

— Тур ўрнингдан, пичоғингни ол! — дея юзини тўсган сочларини бармоқлари билан тўғрилаб қўйди.

«Яна битта имконият, дугоналарининг келгани яхши

бўлди. Ўзига кучим етмади, лекин дугоналарининг бирортасини бўғизлайман» кўнглидан ўтказди Саид ва полда ётган пичоқни оларкан, секин ўрнидан турди.

* * *

Орадан бир ҳафта ўтиб, Толмас Бадриддинович ишга чиқди. Ҳали хонасига кирмаган эди. Идора ҳовлисига эндигина етганди. Котиба ичкаридан югуриб чиқди-да:

— Раис бова, сизни райкомга чақаришяпти, тез бораркансиз... — деди.

Толмас Бадриддинович мийиғида кулди.

— Буларнинг кўзи борми, нима бало? Идорага етмасимдан чақаришибди-я! — деди ва бирдан ортига қайтди.

У Элёрни бундан бир кун аввал ишдан бўшатган эди. «Сен дамингни олиб тур, кейинроқ ўзим чақираман. Ҳозирча Холмат ака мошинани ҳайдаб туради», деганди. Элёрнинг бирдан лаби осилиб кетди. Бошини осилтирганча кетди. Холмат ака деганлари раисдан уч ёш катта эди. Кўп йиллардан бери колхозда юк машинаси ҳайдаб юрарди. Бироз қорин қўйган, сочи тўкилган, икки юзи доим қизариб юрадиган одам эди. Яна ҳазилни яхши кўрадиган, хушчақчақ эди. Толмас Бадриддинович ўйлаб ўтирмасдан, уни ўзига ҳайдовчи қилиб олди. Кейин «Шу ишни аввалроқ қилсам бўларкан» деб ўйлади.

Райком у билан илиқ кўришди. Кейин яна бир марта сиқилиб юрмасликни, ҳаёт, барибир, давом этаверишини эслатди. Ана ундан сўнг ишга ўтди. «Бугундан қолдирмасдан бош агрономингизни ишдан бўшатиш. У сизга қарши ҳар хил найранглар қилиб юрибди. Ўзича ўрингизга раис бўлмоқчи. Бунақанги одамларнинг эртароқ баҳридан ўтмасангиз, бошингизга кўп ташвиш келтиради», деди. Кейин пахта режаси ҳақида гапирди. «Нима қилсангиз, қилинг, бажаринг», деди. Толмас Бадриддинович кетар чоғида эса қўлига бир варақ қоғоз тутқазди.

— Нима бу? — сўради раис ҳайрон бўлиб.

— Идорангизга борганингизда ўқийсиз, Толмас Бадриддинович, хулоса қилиш ўзингиздан. Яна битта нарсани эсингиздан чиқарманг: сизга асабийлашиш мутлақо мумкин эмас, — деди райком ва унинг елкасига қоқиб қўйди.

Идорагача раиснинг сабри чидамади. Машинага ўтириши билан кўйнидан қоғозни олди-да, ўқишга тутинди. Бирдан тепа сочи тикка бўлди. Сўнг шу заҳоти нигоҳини хатдан олиб, кўзини юмди-да, «Толмас, ҳаммасини ҳал қилиб ташлайсан. Каттанинг ўзи сен томонда, демак, қўрқмай дадил-дадил йўлингга тўғаноқ бўлганининг думини тугиб юборавер. Буни эплайсан, шу пайтгача эплаб келгансан, бундан кейин ҳам эплайсан» дея хаёлидан ўтказди.

Шу куннинг ўзидаёқ у мажлис чақирди. Салгина амалга миниб, «Мен каттаман» деганлардан тортиб бригадиру табелчиларгача — ҳаммани йиғди.

— Кун тартибида иккита масала бор, — деди у минбарга чиқиб. — Фақат мен гапираман! Бошқа ҳеч ким гапирмайди! Биринчи масала — план. Мавсум охирлаб боряпти, биз бўлсак эндигина саксонга чиқдик. Далаларни айландим. Ҳар қалай, пахта жуда қуриб қолмаган, бор. Шунинг учун эртадан бошлаб ҳамма пахтага ёпишди, тамом вассалом. Планни бажарамиз, кейин тинчиймиз. Энди иккинчи ва сизлар учун кутилмаган масала. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ҳайбатулло Турсунқулов...

Бош агроном ўзининг исм-фамилиясини эшитиши билан гавдасини сал кўтариб кўйди. «Ҳозир менинг ўрнимга раис вазифасини бажаради, деб айтади» деган ўйни яшин тезлигида хаёлидан ўтказди.

— Ҳайбатулло Турсунқулов, — такрорлади раис, — ишдан бўшатилади. Албатта, ўз аризасига биноан. Мабодо ариза ёзмайдиган бўлса, бошқача йўл билан бўшатамизки, иккинчи марта бирор жойга ишга ўтолмайди.

Залда бирдан ғала-ғовур бошланиб кетди. Ҳамма биририга қараб, оғзига келганини гапира бошлади. Ҳайбатуллонинг эса ранги оқарди. Кўз олдини туман қоплади.

— Шу билан мажлис тамом! Котиба буйруқ тайёрлаб, хонамга олиб кирсин!

Мажлисга келганлар гуриллаб ўринларидан туришди. Бироқ ҳеч ким чиқиб кетмади — раисни кутишди. Таомил бўйича у биринчи зални тарк этиши керак эди. Агар бошқача мажлис бўлганида, Толмас Бадридинович кескин қарор чиқармаганида, ундан олдин чиқувчилар бўларди. Ҳозир эса барчанинг юраги ўйнаган, ҳамма ўзидан

қўрқаётганди. Айниқса, бош бухгалтер.

Толмас Бадриддинович хонасига кириб, сигарет чекиб ўтирганида Ҳайбатуллонинг мазаси қочиб қолгани ҳақида хабар беришди. «Вазиятдан қутулиб чиқишнинг энг самарали усули. Лекин ўлганинг билан ишим йўқ. Барибир, йўқ қиламан» дея хаёлидан ўтказган раис участка агрономи Баҳром акани чақириб келишни котибага буюрди.

Раис чақиртирилган одам кириб келиши билан ўрнидан туриб, столини айланиб ўтди-да, унинг қўлини ушлади.

— Баҳром ака, менга озгина ёрдамнинг керак. Нафақага чиқмасдан пича бош агроном бўлиб ишлаб турасиз. Ана, ўрнингизга Маъруф бўлди. Сиз бўлсангиз менга ёрдам берасиз. Ўйлаб-ўйлаб сиздан тозароғи, билимдонроғи, тажрибалироғини тополмадим. Ҳеч қандай баҳорангиз ўтмайди, — деди у.

— Лекин...

— Қўйинг шу гапларни! — дея бирдан Баҳром аканинг гапини бўлди Толмас Бадриддинович. — Мана, менга қаранг, ярим жон бўлиб қолганман. Нафақага чиқиш, бундан бу ёғига дам олиш керак бўлса, сиздан олдин кетишим керак. Лекин кетмаяпман-ку!

Баҳром аканинг бу гапга кўнишдан ўзга иложи қолмаган эди. Шу боис рози бўлди. Шу заҳоти Толмас Бадриддинович котибага Баҳром акани бош агроном этиб тайинлаш ҳақида буйруқ чиқартирди. Шундан сўнг райком бериб юборган қоғозни ички чўнтагидан олиб, бир сидра кўз югуртирди-да, ўрнидан туриб, йўлакка чиқди. Уни кўрган котиба бирдан ўрнидан турди.

— Нозим Пардаев кетиб қолдимиз? — сўради раис.

— Ҳозир бухгалтерияга югуриб бориб келаман... — деди котиба.

— Йўқ, ўзим бораман, сен олдинроқ бориб кўр, шу ерда бўлса, кетмай турсин, — деб Толмас Бадриддинович яна хонасига кириб кетди.

Жойига бориб ўтирмади. Қўлини орқасига қилиб, бир муддат айланиб юрди. «Айтсамми-айтмасамми, кўрсатсамми-кўрсатмасамми?.. — деб ўйлади. — Йўқ, билиб қўйиши керак, токи кейинги сафар менинг устимдан

ёзаётганида ўйлаб кўрсин».

У ҳовлига чиқди. Бухгалтерия томон кетди. Нозим Пардаев бесаранжом эди. У котибадан раис шу ерга келишини эшитганидан кейин «Бўлди, менинг ҳам бу ерда умрим тугади. Ўрнимга бошқа бировни қўяди. Қўлимда ишлаганлардан бирортасини. Ўзимни шармандаларча ҳайдайди ёки бирорта жипириқининг қўлига топширади» дея ўйлади... Кейин юраги сиқилганидан ўрнидан туриб кетди. Дераза ёнига бориб, ташқарига қаради. Раис кўринмади. «Одамни бунчалик бетоқат қилади? Келаркан, котибага айтиб нима қиларди? Тўғри бостириб келиб, йўқол, демайдимми?» дея пичирлади. Сўнг ортига қайтиб, сейфни очди. У ерда ҳужжатлар билан бирга бир шиша ароқ ҳам турарди. Шартта шишанинг қопқоғини олиб ташлаб, кўтарди. Қултуллатиб ярмигача ичиб қўйди. Қолганига нафаси етмади.

— Ана энди, — деди ўзига ўзи гапириб, — бемалол гаплашаман. Қачон келаркин, нима деркин, деб юрагимни сиқиб ўтирмайман.

У шишани жойига қўйиб, сейфни қулфлаётганида эшик очилди.

— Мумкинми? — деган овоз келди.

Нозим Пардаев бирдан қаддини ростлади.

— Бемалол, келинг-келинг, Толмас Бадриддинович... — дея иржайди.

Раис шошилмасдан стулга ўтирди. Кейин чўнтагидан бир қути сигарет олиб, столнинг устига ташлади-да:

— Хонангиздан ароқ ҳиди келяптими? — деди.

Нозим Пардаевнинг кайфи ошаётганди, шу боис у ўзини эркин ҳис қила бошлаганди.

— Ҳа, ҳозир ичдим. Қойил, дарров сездингиз.

— Доим шунақа ичиб турармидингиз? Билмасканман мен. Сизни жа бировлар зўрласагина озгина ичади, деб ўйлаб юрарканман.

— Доиммас, лекин ҳозир юрагим сиқилиб кетди. Котибага ҳозир бораман, деб бекор айтибсиз. Тўғри кириб келганингизда бунақа қийналмасдим.

— Нега қийналасиз?

— Бунақанги пайтда кутишнинг ўзи бўптими? Тўқсон тўққиз хил нарса хаёлимга келди. Ёмон қийин бўлар-

кан... Энди-и, нафақага чиқиб, обрў-эътибор билан ишдан кетиш бошқа-ю, ҳайдалиш бошқа-да. Ана, Ҳайбатullo нима қўйга тушди?

— Мениям ҳайдади, деб ўйладингизми?

— Бир мартаям ўзингиз бу ёққа келмагансиз. Доим чақиртиргансиз. Бирдан қутилмаганда бораман деб қолишингиз одамни ўйлантириб қўйди-да...

— Нотўғри ўйлабсиз. Сизнинг шу колхозга озмунча меҳнатингиз сингганми? Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ишдан бўшанг, деёлмайман-ку!

Нозим Пардаевнинг юзи ёришиб, чуқур нафас олди. Шундан кейингина раиснинг рўпарасидаги стулга ўтирди-да:

— Сигаретингиздан бир дона чексам, майлими? — деди.

— Бемалол.

— Ичмай-ичмай бир ичса, одам дарров кайф бўп қоларкан, — дея иржайди Нозим Пардаев бир дона сигаретни лабига қистираркан.

— Бир нарса сўрамоқчиман, Нозим ака, — деди раис унинг юзига тикилиб.

— Бемалол, бемалол... — дея қўли қалтираб гугурт чақди бош бухгалтер.

— Мен сизга нима ёмонлик қилгандим?

Лабига сигарет қистирилган, кўзлари пирпираган, ранги оқариб кетган Нозим Пардаев қотиб қолди ва секин ўрнидан турди-да, сейф ёнига борди, очди. Бояги ароқни олди, худди аввалги сафаргидай шишанинг оғзидан ичмоқчи бўлганида сигарети халақит бериб қолди.

— Кейин, кейин ичасиз шу зормандани! — деди раис уни жеркиб.

Нозим Пардаев шишани жойига қўймади. Столнинг устига олиб келиб қўйди. Энди унинг кўриниши аввалгидан анча тетик эди. Чунки яхшигина кайфи ошиб қолганди.

— Ёмонлик кўрмадим. Бир шайтон алдади. Бир шайтоннинг гапига кирдим. Шунинг учун аризамни ёзмоқчиман. Ҳозир ўйлаб қарасам... Шу пайтгача ёмон қийнаётгандим... Яхши, ҳозир гапирдингиз, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Мени кечиринг, Толмас Бадриддинович! — деди Нозим Пардаев.

Унинг кўзида ёш ҳалқаланган эди. Йиғлаб юборишдан зўрға ўзини тийиб турарди.

— Ишлайсиз, ишлайсиз, — деб Толмас Бадриддинович ўрнидан турди-да, эшик томон йўналди.

Худди шу пайт Нозим Пардаев шишани кўтарди. Бу сафар бир томчи қолгунча ҳаммасини ичди ва бошини столга қўйди-да, ухлаб қолди.

* * *

Ўн кунча даволанган Ҳайбатулло касалхонадан чиқиши билан оёғини қўлига олди. Райкомга югурди, қабулхонада соатлаб ўтирди. Лекин қабул қилинмади. Кейин ўринбосарнинг ёнига кириб, дардини дастурхон қилди. Фойдаси тегмади. «Ҳали сенлар менинг совунимга кир ювмабсанлар!» деб вилоятга чопди. Бироқ у ерда ҳам унинг гапини эшитувчи одам бўлмади. Ундан у ёғи республика эди. Хат ёзди. Толмас Бадриддиновичга қўшиб райкомни ҳам қора балчиққа ботирди. У ёқдан аввал вилоятга, ундан кейин райкомга қоғоз келди. Унда «Ўрганглар» дейилганди. Ўрганилди. Ҳайбатуллонинг ўзи айбдор бўлиб чиқди. «Ҳали шунақами, ҳали мен кўчада қолдимми?» деб нақ Москвага хат ёзмоқчи бўлди-ю, эп-лолмади. Ўйлаб қараса, «да, да», «это-это»дан бўлак ҳеч вақони билмас экан. Ана шундай кунларнинг бирида (дарвоқе, йиғим-терим бу пайтга келиб тугаган эди) колхозга ревизия келди. Беш киши нақ бир ой ҳамма ёқнинг ағдар-тўнтарини чиқарди. Кўпчиликни, шулар қатори Ҳайбатуллони ҳам Толмас Бадриддинович қутқарди. Шу билан ҳеч ким қамалмай қолди.

Ҳамқишлоқлар кўчада Ҳайбатуллони тез-тез маст ҳолда кўрадиган бўлишди. У кимки дуч келса, қўлидан ушлаб тўхтатар, раиснинг қаердан қанча ўмарганини гапириб берарди. Аввалига унинг гапига кулоқ солувчилар бор эди. Аста-секин уни биров одам қаторига қўшмай қўйди.

* * *

Ўктам қўлга тушди. Ҳали уйғонишга улгурмаганди. Бўлмаса, садоқатли чўпони вертолётни кўрган заҳоти кулбага югуриб кирган, уни турткилаганди. Уйқусизлик, мастлик Ўктамни тарашадай қотириб ташлаган эди. Шу боисдан у ҳаттоки кўзини очолмади. Вертолётдан биринкетин сакраб тушган беш нафар ҳарбий унинг ётган жой-

ида кўллари орақасига қайириб, кишан солишди. Сўнг бир қоп гўштни кўтаргандай, вертолётга ортишди. Вертолётда Хонбиби ҳам бор эди. У Ўктамни шу ердан топиш мумкинлигини айтганди. Махсус хизмат вакиллари аввалига Етим тоғдаги қароргоҳни босишди. Хонбибидан бўлак бирорта ҳам одамни топишмади. Аммо топилган, кўлга киритилган нарсалар эсни ағдарар даражада кўп эди. Хонбиби хожасини сотди. Дағ-дағ қалтираганча «Бир пайтлар Ўктам ака чўпонлар кулбаси ҳақида гапирувди. Лекин унинг қаердалигини билмайман», деди. Шундан сўнг ҳавога кўтарилган вертолёт бир соат мобайнида чўл тепасида парвоз этиб, ахийри кулбани топган эди.

Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнгани каби Мамасоли чўпоннинг ҳам кўллари боғланди. У ҳеч нарсани тушунмас, гапирай деса, кўрққанидан тили боғланиб қолаверарди.

Ўктам темир панжара ортида ўзига келиб қарасаки, атрофи таниш-билишга тўлибди. Бироқ уларнинг орасида бирорта ҳам ўзининг йигитлари йўқ эди. Фақат ўша дудуқ Мамасоли кўшилиб қолганди. Кўзининг ости кўкарган, боши ёрилган. Қайғуга ботган, камера бурчагида оёқлари орасига салом бериб ўтирарди. Кулди.

— «Бузоқнинг қочгани сомонхонагача», деб бекорга айтишмаган экан. Ҳеч ким қолмабди-я. Лекин Тўсин кўринмаяпти, унинг жанозаси ўқилганмиди? — деди Ўктам.

— Сен билан чўқишиб қолмаслиги учун атайин уни бошқа жойга ўтказишларини илтимос қилдик, — жавоб берди қорувли бир киши.

Ўктам уни яхши танирди. Бир неча марта кўришган, олди-берди қилганди. Афғондан келадиган қора ажал айнан у орқали ўтарди.

— Хумпар, омон қолган экан-да! Майли, борадиган жойдаги яқинларимиз боришимиз билан биз қилолмаган ишни бажариб қўйишар, — деди у ва оғриётган бошини кафтлари орасига олиб эзди.

— Агар боролсанг. Катта сотиш бўлган, ким қилган, қандай қилган — номаълум. Ҳа-я, боягина ўтирганларни олиб ўтиб кетишди. Ораларида ўтирганларни кўриқлов-

чиларнинг каттасиям бор эди. Умид қил, қоп кийгишишмасин.

Ўқтамнинг ранги докадай оқариб кетди. «Бунча осонлик билан ушлашди? Мунча осонлик билан ўлиб кетман?» хаёлидан ўтказди у.

* * *

Саид бекорга уринганини кўзидан ўт чақнаб кетганидан кейин билди. Зарба шунақанги кучли эдики, «Ўлдим» дея ўйлади у ва ажални кутиб, бир муддат кўзини чирт юмиб ётди. Аммо унинг жонини олгани ҳеч ким келмади. Бунинг ўрнига бошидан сув қуйишди. У кўзини очди. Тепасида Нилуфар турганини кўрди.

— Нега майнавозчилик қиляпсан, ниятинг нима ўзи сенинг?! — деди алам билан.

— Ниятимни айтдим сенга. Шармандаликдан қутулолмайсан, ўзингни ўлдиролмайсан, азобингни тортиб юрасан, — жавоб берди Нилуфар.

— Нилу, дугонажон, илтимос, ҳамманинг тилига тушиб нима қиласан? Ундан кўра мелиса чақир, опкетишсин. Шу билан қутуламиз. Агар ўзи айтганидай ўғри, қароқчи, қотил бўлса, жазосини яхшигина олади. Мабо-до ўз айтганингни қиладиган бўлсанг, бир нарса орттирволишинг ҳеч гап эмас ўзбошимчалигинг учун.

Нилуфар бир қанча муддат у ёқдан бу ёққа бориб келиб юрди. Кейин кўлини силтади. Дугоналарининг гапига кўнди. «02»га кўнғироқ қилди. Ўн беш дақиқага қолмай, милиционерлар келишди. Келишди-ю, қувончдан кўзлари чақнаб кетишди. Саиднинг қўллари кишанланди. Нилуфар билан дугоналарига алоҳида миннатдорчилик билдирилди.

* * *

Абдухалил колхоздаги аҳволни билиши билан бировга учрашмай ортига бурилди. «Тинчгина редакцияда битта-иккитанинг миясини қотириб юрганим маъқул», деди у ўзига ўзи.

Орадан олти ой ўтиб, у ишдан бўшади. Ахир таҳририятдагиларнинг ҳаммаси деярли бир-бири билан душманга айланиб қолишган эди. Муҳаррир охири айбдорни топди.

— Абдухалил, шунчалик ҳам пасткаш бўласанми?! Қайси

юз билан ёзувчи, журналистман деб юрибсан?! Садқаи одам кет! Энди бор, жўна, қайтиб қорангни кўрсатма! — деди.

У кейин ҳам беш-олтита таҳририятга ишга ўтди. Ҳар сафар кимнингдир ким биландир орасини бузар ва охир-оқибат ўзи ишдан ҳайдаларди... У иши юришмаганидан кўп нолиди. Аммо нега юришмаётгани тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмади. Ўзи тенгиларнинг аллақачон яхшироқ мансабга эришгани, уларнинг китоблари потирлаб чиқаётганини кўрганида эса тўғри асаб касалликлари шифохонасига равона бўлди. Қолган умрини эса ўша ёқда ўтказди.

* * *

Зарифа Абдухалил ўз ёғига ўзи қовурилиб юрганидаёқ эрига хиёнат қилди. Бундан у шунчалик хурсанд эдики, қанот қоқиб осмонга учгиси келарди. Абдухалилнинг эси кирди-чиқди бўлиб, хастахонадан бери келмай қўйганида эса у эркин қуш бўлганди. Кейинчалик эрини бутунлай унутди.

* * *

Наргизанинг абгор аҳволини кўрган холаси уни ўз уйига олиб кетди. Ўша ёқда қиз ўқишга кириш учун астойдил тайёргарлик кўрди. Кирди, ўқиди, битирди... Курсдошига турмушга чиқди. Шу билан бирга, ўқишни аспирантурада давом эттирди ва олдиниға фан номзоди, кейинроқ эса фан доктори бўлди.

* * *

Маъруф бошиға омад қуши бу тахлит келади деб сира ўйламаган эди. Толмас Бадриддиновичнинг ўзи уникаға келди. Совчиликка!

— Иккиси ҳам бир-бирларини яхши кўришларини биламан. Кутсам, албатта, меникиға Паризодни сўраб борардингиз, — деди у Норқул акаға. — Лекин кўрқдим. Ҳеч бўлмаса, шу қизимни узатайин. Кейин мабодо... Энди жонға ишонч йўқ.

У сал қолса йиғлаб юбораёзди. Бутун бошли колхозни шунча йиллар бошқарган, бошқалар наздида ниҳоятда қаттиққўл, чўрткесар, иродали одам шу гапларни айтаётди, йиғлаб юбораёзди.

— Ишқилиб, қолганларига ҳам умрим етсин. Маъруфни сўраб келдим. Паризод иккови турмуш қуришса, ёмон

бўлмайди... — давом этказди у гапани бир муддат тин олиб.

— Раис бова, биздан ўтди. Янаям тўғрироғи, юрагим бетламай турганди. Бўлмаса, энаси бир неча марта айтувди... — деди ўзини қўярга жой тополмай қолган Норкул ака.

Шундай қилиб, Маъруф Паризодга уйланди. Тўйлари янаги йилнинг айна пишиқчилигида бўлди...

Уч йилдан кейин у бош агроном, қайнотаси қазо қилганидан кейин эса унинг ўрнига раис этиб тайинланди.

* * *

Дарвоқе, Сумбулхонни Толмас Бадриддинович хотинининг йилини берганидан кейин уйига олиб келди. Ҳеч ким эътироз билдирмади. Қайтанга Паризод хурсанд бўлди. Чунки у отасидан хавотирда эди...



Адабий-бадий нашр

Ўзбек тилида

Нуриддин Исмоилов

МУҲАББАТ ВА НАФРАТ

Саргузашт-детектив роман

(Иккинчи китоб)

Муҳаррир Аҳмад Отабой
Дизайнер Акбар Исмоилов
Техник муҳаррир Зокиржон Алибеков
Мусаҳҳиҳ Замира Гулматова
Саҳифаловчи Ғафуржон Мадалов

Босишга 02.11.2009 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Босма табоғи 16,0.
Шартли босма табоғи 10,48.
Адади 3000. ...-сонли буюртма.
Нархи шартнома асосида.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази.
Манзил: 100113, Тошкент, Чилонзор-8,
Қатортол кўчаси, 60.
Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими — 368-36-89;
Маркетинг бўлими — 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru